

Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ

47-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979

12

Мундарижа

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУГИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ҳ. Олимжон. Москва, Россия, Севги, Ўзбекистон, Урик гуллаганда. Шеърлар	4
С. Азимов. Сўнгсиз хаёл...	10
В. Абдуллаев. Ҳамид Олимжон Самарқандда	12
Т. Тўла. Меҳнати тилло билан тортилган шоир	14
Ж. Жабборов. Устоз шоир	16
С. Мирзаев. Бахт куйини чалиб...	18
Г. Нуруллаева. Нондай азиз шеърят	19
О. Собиров. Ҳамид Олимжон ва халқ оғзаки ижоди	20
Н. Каримов. «Табиат ахтарар ўзига рассом...»	25
Й. Солижонов. Оҳанглар сеҳри	27
П. Равшанов, Д. Тўраев. Ҳамид Олимжон — драматург	29
Н. Қиличев. Ҳамид Олимжон номли колхозда. Лавҳа	33
М. Мирражабов. Шоир номидаги метро станцияси. Лавҳа	36
М. Азимова. Сарҳадлар оша...	38

Уйғун. Абу Али ибн Сино. Беш пардали шеърӣ драма	40
Ҳабибий. Халқим. Ғазаллар	81
Е. Исҳоқов. Бу менинг Ўзбекистоним. Шеърлар	84
Т. Сулаймон. Ўзбекистон пахтаси. Шеърлар	85
В. Архангельский. Тарихнинг ўттиз дақиқаси. Ҳужжат-ли қисса	88
Т. Тўла. Қувваи-қаҳқаҳа. Фожиа. Давоми	135
К. Теньякшев. Оддий операция. Қисса. Давоми	179

ПУБЛИЦИСТИКА


И. Жўрабеков. Иртиннинг хосиятли суви	215
П. Тўраев. «Ўқитувчи»нинг оидин йўли.	221
Д. Файзиев. Саодат ўлкасини куйлаб.	226

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

С. Мамажонов. Ҳозирги адабий жараёнга бир назар.	226
----------------------------------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

Й. Солижонов. Она юрт қўшиғи	233
«Шарқ юлдузи» журнали 1979 йилги сонларининг умумий мундарижаси.	235



Ҳамид Олимжон

(Шоирнинг 70 йиллигига)

Расми Н. Иброҳимов чизган.



Ҳамид Олимжон

МОСКВА

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

Қўксимга сиғмасдан талпинар қалбим,
Кириб бормоқдаман кўзни олмасдан,
Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким,
Кўзимга урилар бири қолмасдан.

Чанқаб тикиламан — таним, жоним кўз,
Пойтахт чироғи ёнар қаршимда,
Кремль бошида ёнувчи юлдуз,
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.

Мен билан биргадир дўстлар, ҳамроҳлар,
Бу чирой ёритар барчанинг қалбин,
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва яқин.

Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқар умрида энг бахтли дамга.
Чегарадан келар қўриқчи, посбон,
Тарихда энг буюк оддий одамга.

Ҳаммаёқ интилар Москвага қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,
Шу қуёш ўнгида айланар дунё,
Шу ердан бошланар бутун коинот.

Буюк пойтахтга кириб бораман.
Қайноқ кўзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

1936 йил.

ROSSIYA

Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга
Қуёш куча олмас сени дафъатан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то
Шимолга етгунча кетади ҳолдан,
Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам,
Неча бор қўнарлар сенда учганда;
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —
Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,
Кўшилиб чулганса сенинг белиннга.
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча сенинг элиннга.

Бало-офатларни енгиб ўрганган
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг кенгдир,
Сен қардош элларга энг монанд Ватан:
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас,
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,
Навой шарафи яшар муқаддас.

Кўрганда бўлганман чуқур сукутда
Ленин яшаб турган пичан ўтовни;
Пўлат қиличингни кўрганман ўтда,
Халқимиз Москвадан қувганда ёвни.

Қаҳратон қишингда, баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди;
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим.
Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда
Кўмирдан ҳам қора тонглари кўрдим.

Меҳринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди,
Муқаддас қаҳринга беролмасдан тоб
Тупроғинг остида фашист чирийди.

Оғир қурол билан солган овозанг
Ларзага келтирар арзу самони,
Сен дарё бўйида олиб борган жанг
Тамом ўзгартирар оби-ҳавони.

Йигитлар сен учун жангга кирганда,
 Ботирлар осмонда берганида жон,
 Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
 Сенинг енгишингга келтирдим имон.

Россия, Россия, менинг Ватаним,
 Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон,
 Сенинг тупроғингда улғайди таним,
 Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1943 йил.

Севги

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,
 Дедингки: «Эсдалик бўлсин, буни ол...»
 Ўзимни йўқотдим не дединг менга?
 Тутганинг гулмиди ва ёким хаёл?

«Бутун ёшлигимиз жангадир букун,
 Жангда ечилмоқда севги қисмати.
 Жангадир йигитлар, жангадир қизлар,
 Ҳавода учади маҳбублар хати.

Агарда қайтмасам шу мендан ёдгор»
 Дединг-да, кўринди кўзларингда нам.
 «Агар севар бўлсанг, унутма зинҳор...»,
 Узун киприкларнинг устида шабнам.

Менга не керакдир бу ёлғиз қолиш?
 Сенсиз ололмасман асло мен нафас.
 Улимдан оғирдир сендан ажралиш,
 Торгина қалбимга кенг дунё қафас.

Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга,
 Кўзи кетган каби қўйнинг изидан,
 Гўё қуёш ойни кузатганидай,
 Ут бўлиб орқангдан кезмакдаман ман.

Сен оташ ичида урасан жавлон,
 Душман қолмасин деб севган элимда,
 Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон,
 Элим ва ёримнинг номи дилимда.

Мен ёвни қираман жангда беомон,
 Сени ахтараман бир нафас тинмай,
 Бир қўлда қиличим, бир қўлда қурол,
 Севгучи қалбимда нола қилар най.

Сенга юборганим оташин бўса,
 Енгил шаббодадек учар ҳавода,
 Жанг бўлган жойларда лабингни излар
 Ва баъзан дарбадар кезар самода.

Балки учрашмасмиз биз энди мангу,
 Бўсамиз ҳам қолар балки саргардон,
 Лекин севишганлар қайтмас ўлимдан,
 Лекин мангу қолар икки томчи қон.

Дунёда албатта бир ўлмоқ бор-ку!
 Ҳеч ажаб эмасдир ўлсак жангаро,
 Ёв билан курашда оқса қонимиз,
 Бўлмай эл олдида юзимиз қаро.

Ўлимдан қўрқмаган эрлар қонидан
 Жуда табаррукдир қизарса тупроқ.
 Уша қон дўстларнинг ёритиб юзин,
 Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
 Галаба тўйида бўлармиз биз ҳам;
 Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
 Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

Гўзал Украина далаларида
 Яна аввалгидай табиат гуллар,
 Буюк Россиянинг ўрмонларида
 Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Буғдой бошоғидай кўкка интилиб
 Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.
 Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
 Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,
 Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
 Ёру дўстларимиз, севган элимиз,
 Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

1942 йил.



Водийларни яёв кезганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Чаппар уриб гуллаган боғин,
 Упар эдим ватан тупроғин.
 Одамлардан тинглаб ҳикоя
 Усар эди шоирда ғоя.
 Дарёлардан куйлаб ўтардим,
 Эртақларга қулоқ тутардим.

Ҳаммасини тинглардим, аммо,
 Ўхшашини топмасдим асло.
 Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
 Достонларда битган гулистон,—
 Ўзбекистон дея аталур,
 Уни севиб эл тилга олур.
 Чиройлидир гўё ёш келин,
 Икки дарё ювар кокилин;
 Қорли тоғлар турар бошида,

Гул водийлар яшнар қошида.
 Чор атрофда ёйганда гилам,
 Асло йўқдир бундаин кўклам.
 Тоғлардаги қип-қизил лола
 Бўлиб гўё ёқут пиёла,
 Булоқлардан узатади сув,
 Эл кўзидан қочади уйқу.
 Далаларда бошланади иш,
 Бошланади ижод ва турмуш.
 Кундан-кунга ўсади пахта,
 Барг чиқади ҳар бир дарахтда,
 Олмазорлар гулин тўқади,
 Мева боғлаб, шохин букади.
 Шаҳарларда ишга чиқиб эл,
 Одам билан тўлар Текстиль.
 Ҳаммасининг бир истаги бор,
 Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр.
 Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
 Кўрмаганлар доим хумордир.
 Аму билан Сирдан сув ичган,
 Зарафшонни лойлатиб кечган
 Чавандозлар бордир бу элда.
 Баҳор чоғи пишқирган селда
 Арғумоқлар қўшиғи бордир,—
 Бу шундайин ажиб диёрдир.
 Даласида ўсмас тиканлар,
 Чўлларида чопмас илонлар;
 Қуш учганда қуймас қаноти,
 Одам ўтса қуримас зоти;
 Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,
 Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.
 Қулбаларни келиб босмас қум,
 Гўдакларни ютмас оч ўлим.

Одамга бахт ва толе ёрдир,—
 Бу шундайин ажиб диёрдир.

Бунда булбул китоб ўқийди,
 Бунда қуртлар ипак тўқийди,
 Бунда ари келтиради бол,
 Бунда қушлар топади иқбол,
 Бунда қорнинг тағларида қиш,
 Баҳор учун сўйлайди олқиш.
 Бир ўлкаки, ҳуснга бойдир,
 Унинг энг зўр кўзгуси ойдир;
 Бир парча ўт бўлиб бунда кун
 Пахтасига ишлайди ҳар кун.
 Ботирлари канал қазади,
 Шоирлари ғазал ёзади,
 Қуйчилари ўқийди ялла,
 Жувонлари айтади алла.
 Пазандаси ёпади ширмон,
 Қарилари кутади меҳмон,—
 Бу шундайин ажиб диёрдир.
 Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:
 Москвада суянган тоғи;
 Гуржистонда севган ўртоғи —
 Унга ҳусн ва ифтихордир;
 Узоқ шарқда қўшини бордир,
 Шунинг учун тинчдир ул кўнгил,
 Шунинг учун осойишдир ул.
 Шунинг учун сомонда ётмас,
 Шунинг учун совуқда қотмас.
 Ёвларига осмон тутундир,
 Шунинг учун бағри бутундир.
 Шунинг учун ёпинмагай хас,
 Шунинг учун кийинар атлас.

□

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
 Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
 Омон бўлсин, оғайнилари,

Омон бўлсин дўстларнинг бари.
 Доим бўлсин дохийси омон,
 Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

□

Шафтолизор боғларни кўрдим,
 Гул кўқарган тоғларни кўрдим,
 Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,
 Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.

Водийларни яёв кезганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди менда...

1939 йил.

Ўрик гуллаганда

Деразамнинг олдида бир туп
 Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар
 Тонгда айтди ҳаёт отини,

Ва шаббода қургур илк саҳар
 Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
 Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.

Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми дея сўрайман.

Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.

Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсдан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

1937 йил.





Сарвар Азимов

СЎНГСИЗ ХАЁЛ...

Одамни таниш — бениҳоя мушкул иш ва нодир хислат эмиш. Билишимча, шоир санъатининг «сири»ни англамоқ ва, айниқса, санъаткор шоир илҳоми ҳақида ёзмоқ одам танишдан ҳам мушкул, ғоят қийин бурч.

Қачонки, ўттиз беш ёшида — йигит умрида ҳалок бўлган Ҳамид Олимжон (1909—1944) асарларини — чин қалб, теран ақл меваларини қўлга олар, унинг илҳом манбаларини таҳлил этар, шоир кезган манзилларга изим тушар экан, янги-янги кашфиётларга дуч келаманда, санъаткор сўнгсиз хаёлининг шу кезгача маълум эмас йўлларига учрайман-да, ҳалиги қаноатга янада қаттиқроқ ишонаман.

Олтмиш иккинчи йилнинг ёзида йўлим Чирчиқ дарёсини ёқалаб кетган Чимён тоғлари сари тушди. Ҳайрон қолдим: нечук гўзаллик! Табиатнинг бор фасллари — баҳор ва ёз, қиш ва куз намоеён. Ун икки булоқ оби ҳаёти юзида шамол ўйнар. Шунда, беҳтиёр, Ҳамид Олимжон «Чимён эсдаликлари» (1936) шеърининг сатрлари хаёлимдан бирин-кетин кечиб, «бу фолнинг ҳоли»ни сўзладилар:

Қояларда асрлик дoston,
Дараларда оппоқ, мангу қор.
Чўққиларда оташ саратон,
Енбағирлар бинафша баҳор...

Бу гўзалдир, бу ажиб бир ҳол,
Ҳам ваҳшийдир, ҳамда осуда.
Бўлмасинми шоир тили лол,
Шамол учиб ўйнаса сувда?!

Болалигим тутди ва бир бор,
Булоқ узра ётдим узаниб,
Ва санъатга бермасдан озор,
Ҳовуч-ҳовуч сув ичдим қониб.

Сўзлаганда ҳам билиб-билиб, табиат санъатига озор эмас, инсон қалбининг илиқ нашъасини бахш этиб сўзладилар.

«Чимён эсдаликлари» шеърини олдин ҳам кўп марта ўқиган эдим. Лекин уни бунчалик ечилик ёзилган асар сифатида қабул этолмаган эканман. Энди-чи, шоир илҳомини эркалаган ҳаёт манбаларини, ўз

кўзим билан кўргандан кейин-чи, шеърининг жилоси, таъсир ҳақиқати янги уфқлар очди меним назаримда. Ҳа, бу — Ватан жамоли, камоли ҳақидаги, шоирни уйғотмиш гўзал инсоний туйғулар тўғрисидаги асар, асар бўлганда ҳам қониб битилган, Ватан гўзаллиги — «бу фолнинг ҳоли»ни яққол тасвир ва тасниф айлаган асар эди. Худди «Ўрик гуллаганда» (1937), «Ўзбекистон» (1939), «Севги» (1942) ҳамда «Россия» (1943) шеърлари каби.

Мард йигит ўз ёрини ва Жамила қиз ўз бахтиёрини нечук севса, жангчи ўз диёрини ва диёр ўз ёрини қанчалик яхши кўрса, бола ўз онасини ва она ўз боласини нечоғлик меҳриғиёсига ўраса. Ҳамид Олимжон ҳам жондош ўлкасини, қондош халқини шунчалик севар, ардоқлар, улуғлар эди. Шоир асарларининг бекиёс ватанпарварлик, теран интернационалистик руҳининг замини ҳам шунда, борингки, ўз элини, ўз тупроғини, ўз тилини, ўз маданиятини жон-дилида кўрмаган одам — ўзга халқларни, ўзга ўлкаларни, ўзга тил ва ўзга маданиятни кўкларга кўтара олмайди, ҳурмат қила билмайди, йўқ, асло.

Мана мисол: «Ўзбекистон» шеърида:

Бодийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Ўсар эди шонрда ғоя.
Дарёлардан қуйлаб ўтардим,
Эртақларга қулоқ тутардим.
Ҳаммасини тинглардим, аммс
Ўхшашини топмасдим асло.

деб қуйлаган адиб, «Россия»сида:

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман
меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

дейишга маънан ва фикран тўла ҳақли эди ва ниҳоят, «Севги» асарида

Жисмимиз йўқблур, ўчмас номимиз,
 Галаба тўйида бўлармиз биз ҳам.
 Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
 Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

Гўзал Украина далаларида
 Яна аввалгидек табиат гуллар,
 Буюк Россиянинг ўрмонларида
 Визларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Бугдой бошоғидай кўкка интилиб
 Мен шунда тупроқдан кўтарарман
 бош.

Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
 Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,
 Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
 Ёру дўстларимиз, севган элимиз,
 Биздан ризо бўлиб топар тасанно.

каби лавҳалар яратиш — шоир ижоди ва имонининг мантиқий, бадий ҳам фалсафий яқуни, оташин ватанпарвар, чин интернационалист санъаткор қалби ва ақлининг кўзгусидир.

Ҳамид Олимжон шеърини, драматургияси, публицистик ва илмий-танқидий асарлари шу мақсад йўлини меҳр булоқларидан, совет кишилари кўнглини тоғ ва унинг душманлари дилини тимсиёқ қилиш қудратига молик илҳом ирмоқларидан, ўзбек совет адабиётининг сира унутилмас китобларидан иборат дейилса, муболага бўлмас.

Ҳа «...замонамиз ғазалхон бир дам», «...қўшиқ айтган етар муродга!» сўзларини такрор-такрор куйлашни яхши кўрган коммунист шоир Ҳамид Олимжон хаёли сўнгсиздир.

Халққа айтнинг, мен асло ўлганим йўқ,
 Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ;
 Мен элимнинг юрагида яшайман,
 Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Ҳамид Олимжон.



Ҳ. ОЛИМЖОН ва С. АИНИЙ.



ҲАМИД ОЛИМЖОН САМАРҚАНДА

Ҳамид Олимжон Самарқандда ҳам ўрта, ҳам олий маълумот олди. Шу ерда мурғаккина ижодкорлик қаламини бақувват ва баркамолликка томон ўнгаришга муваффақ ҳам бўла билди. Бу ўсиш жараёнини ўша кезларда ёнма-ён мактаб ва техникумларда таҳсил кўраётган биз ёшлар айниқса қувонч ва миннатдорлик билан кузатиб борардик.

Ҳамид Олимжоннинг Самарқанддаги ўспиринлик ва ёшлик ҳаёт йўли партия ва ҳукуматимизнинг барча воситалар билан Октябрь музаффариятини мустаҳкамлаш, босмачилик ва аксилинқилобчиликка қарши кескин ўт очиш, ер ослоҳоти ва хотин-қизлар озодлиги учун кураш, ленинча маданий инқилобни авж олдириб саводсизликка барҳам бериш, мамлакатни sanoatлаштириш ва шу асосда қишлоқларда коллектив хўжаликларни барпо этишнинг дастлабки йилларига тўғри келган эди.

1923 йили бир гуруҳ тенгдошлари билан Жиззахдан Самарқандга ўқиш учун келган Ҳамид Олимжон ҳам ўқиб, ҳам ана шу улғувор ҳаётий воқеалар билан чамбарчас алоқада товланиши лозим эди.

Ўша кезларнинг билимга чанқоқ ёшлари билан 5 йил давомида ўзбек эрлар билим юртида таҳсил кўрган Ҳамид Олимжон, она тили ўқитувчиси ва шоир Фахриддин Рожий, тарих ва археология билимдони В. Вяткин, рус тили ўқитувчиси Квасницкий, моҳир математик Исмаилов Раҳматуллозода сингари ўқитувчилардан таълим оларди. Билим юртида машхур халқ ҳофиси Ҳожи Абдулазиз ўз шоғирдлари Юнус Ражабий, Рисқи Ражабийлар билан муסיқий тўгаракни бошқарди. Маданият-маориф масалалари бўйича бўладиган кўпгина кенгашлар деярли шу билим юртида ўтказиларди.

Ўша кезларда ҳаммамизнинг орзумиз

Ҳамид Олимжонларга тақлид қилиш, улар қаторидан жой олиш эди. Зеро, билим юрти ўқувчилари давлатимиз ҳисобида бир хил бичимда ям-яшил сарлибос кийиб олишгану, яхшигина таълим кўрган қизил соқчилардай бир текис саф тортиб туришардилар. Улардаги кўзларни қамаштирарлик даражада, зеболик одамга ҳавас, иштиёқ уйғотарди.

Шарқий (ашула — қўшиқ) дарсларида ёд олинган «Яша, шўро!», «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон», «Байналминал марши», «Мактаб марши» каби Ҳамза, Садриддин Айний кўшиқлари Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари оша жарангларди.

Ёшлик ва бахт кўйчиси бўлиб етишган Ҳамид Олимжоннинг ҳис-ҳаяжонлари ана шу тариқа шаклланарди. У билим юртида таълим олиш билан бирга жамоат ишларида активлик кўрсатарди. «Ёш тарбиячи» деворий газетаси, қўлёзма «Учқун» журнали унинг муҳаррирлигида зўр тарбиявий аҳамият касб этган эди. Истеъдодли ёшлар унинг атрофида гирди капалак эдилар. 1927 йили «Зарафшон» (ҳозирги «Ленин йўли») газетасининг комсомол бўлимини бошқаришга даъват этдилар. У энди ҳам ўқувчи ва ҳам журналист — ижодкор эди. Миллатчилар таъсирида фожиага йўлиққан «Заҳарли юрак» очерки, совет ҳокимияти туфайли бахтиёрликка эришган етим қиз Қундуз ҳақидаги «Тонг шабадаси» хикояси сингари бадий асарлари кенг жамоатчиликка манзур бўла бошлади. Ўша йили ёзилган Октябрь 10 йиллигига бағишланган «Октябрь ўлкасига» шеъри, революциямизнинг жаҳоншумул аҳамиятини мана бундай мадҳ этган эди:

Эй, ҳур ўлка, бағрингдаги юксалиш
Тарихда бир янги жаҳон яратди.

Юксак маданиятли бу шоир халқ оғзаки ижоди ва эпосидан маҳорат билан фойдалана олар эди. Унинг уруш йиллари давомида яратган асарлари орасида энг кучлиси Ўзбекистонни VIII асрда араблар томонидан забт этилиши даврини акс эттирувчи «Муқанна» ватанпарварлик драмасидир. Халқ йўлбошчиси Муқанна ва ўзига хос ўзбек Жанна Д'арки бўлмиш қаҳрамон Гулоийн образлари Олимжоннинг катта бадиий ютуғи ҳисобланади.

Александр ФАДЕЕВ.

Сендан чиққан кучли, ўтли бир
товуш
Мазлум Шарқнинг элларини
уйғотди.

Шу йили Самарқандда Олий педагогика институти (ҳозирги СамГУ) очилди. Билим юрти биноси (М. Горький бульваригадаги ҳозирги биофак)ни бўшатиб бериб, (бу кунги Сиёб районининг «Космос» клуби ўрнашган Мирвафобой ҳовлиси) ҳозирги Комсомол кўчасига кўчиб ўтди. Шу бинонинг рўпарасидаги кўча (Сўфи Розик, Қизил Равот, ҳозирги Исмадулло Раҳматуллозода кўчаси, 7 болалар боғчаси биноси)да бизнинг «Кўк кўйлак» тўдамик машғулотлар ўтказар эди. Ҳамид Олимжон билан бирга ўқиган Аловаддин Баҳоваддинов (кейинча философ — академик) бошлиқ бир неча йигитлар бизнинг духовой оркестримиз составида эдилар. Ҳамид Олимжон Қўшқовуз кўчасигами, Регистонга, Янги раста кўчасигами ўтар бўлса, албатта бизнинг биномизга ҳам кириб дўстлари, курсдошлари билан мулоқотда бўлар, тайёрланган номерларимизга зеҳн солиб, баланд завқ билан чиқиб кетарди. 1928 йилларга келиб машҳур фельетонист Комил Алиев, қизиқчи артистлар Ҳожи Сиддиқ, Карим қизиқлар билан биргаликда яловбардор шоиримиз Ҳамза ҳам бизнинг биномизга серкатнов эдилар. Жавод Обидов, Холида Хўжаева, Асрор Жўраев, Жамила, Фотима, Мавлон ота, Аъзам найчи, Толибжон Содиқов, ёшгина ғижжакчи Дони Зокиров ва бошқалар труппамиз аъзоларининг репертуарлари, хилма-хил программадаги машғулотлари билан қизиқар эдилар. 1928 йили Ҳамид Олимжон билим юртини битирди. Педакадемиянинг социал-иқтисод факультетида ўқий бошлади. Султон Умарий, Мусо Мўминов, Иброҳим Мўминов, Убай Орипов, Аҳрор Тўлаганов, Қодир Зокиров, Яхё Фулом, Буюк Каримий, Илҳом Исҳоқов, Обид Ҳамид кабилар билан бирга студентлик ҳаётининг яна ҳам қизгин онлари бошланиб кетган эди. Самарқандга келган Уйғун, Ойдин опа, Миртемир, Собир Абдулалар унинг энг яқин дўстлари, сафдошлари бўлиб қолдилар. Улар вақти-вақти билан шоир Абдулло Алавий, устод Айний, маорифчи Маъруф Расулий, у кишининг поччаси Анқабой хонадонларида тўпланиб ада-

бий мавзуларда суҳбатлар уюштиришарди. Педакадемия залида ташкил қилинадиган мунозараларда Ҳамид Олимжон ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг ғолиб овози бўлиб чиқишлар қиларди, шеърый нутқлар сўзларди. 1928 йили пойтахт Москва, Ленинград сафарларида бўлиб қайтиб бирин-кетин «Қизил Москва», «Москвининг баҳори», «Нева хотиралари», «Болтиқ денгизи бўйларида» шеърларини яратган Ҳамид Олимжон Горький, Маяковский, Михаил Светлов, Безиминский асарларини зўр эътиқод билан муталаа қиларди. Михаил Светловнинг «Гренада» шеърини ўзбек тилига ўғирди Маяковскийга избосарлик қилиб:

Яшнар меникидай кўнгил баҳори.

Мафкуравий
курашларнинг
хандақларида...

Қилич,
милтиқ,
бомба бўлсин
диалектика! —

каби мафкуравий жанговар, сермазмун мисралар билан тўлиб тошган шеърлар ёзарди. Ҳамид Олимжоннинг 1929 йили нашр этилган «Кўклам» тўпламидаги шеърлари, Тошкентга келиб «Ёш ленинчи» газетасида секретарлик қилиб юрган йилларида нашр этилган «Олов сочлар» (1931) китобига кирган асарлари деярли Самарқандда ёзилган эди.

Уша дастлабки тўпламлардаги «Шарқ», «Сиёб», «Комсомол келади», «Ўзбекистон», «Темир қонун», «Улка сафарбар», «Мудофаа кунларида» каби шеърлар ҳозиргача Ҳамид Олимжон ўқиган ҳолатида самарқандликларнинг хотирида сақланади.

Биз олов, ўт каби қураш севамик,
Янги турмуш, улуғ жаҳон қурамик. —

каби байтларини ҳали-ҳали Ҳамид Олимжончиси қилиб айтиб юришади, унинг Жўра Аҳмаджонов сингари студентлик дўстлари ҳам, мулоқотдошлари ҳам.

Мен энди яна нималар ҳақида айттайин... Ҳар бир лавҳа, ҳар бир лаҳзанинг ўзи бу улуғ инсон ҳақида бир китоблик тафсилни талаб этади-ку!

Афсус бу олижаноб инсон бор-йўғи 35 йил умр кўрди. Аммо, шу қисқа умрида бой ижодий мерос қолдирди. «Кўклам»,

«Тонг шабадаси», «Олов сочлар», «Ўлим ёвга», «Пойга», «Дарё кечаси», «Шеърлар», «Ўлка», «Қўлингга қурол ол!», «Ишонч» каби тўпламлари, «Зайнаб ва Омон» достони, «Муқанна», «Жиноят», «Ўзбекистон қиличи» сингари саҳна асарлари, кўпгина публицистик мақола ва нутқлари билан ўзбек совет адабиётининг мустаҳкам тамал тоши бўлиб қолган бу зот ҳақида хотиротлар ва илмий тадқиқотларни ҳам ҳали бери поёнига етиши амри маҳол.

Бироқ, яна мавзуга қайтиб алоҳида қайд этиш лозимки, Ҳамид Олимжоннинг ўспиринлик ва навқирон йигитлик чоғларида унга бир томондан ўрта ва олий таълим

берган, айни ҳолда шоирлик, носирлик, журналистик, мафкура майдонида муросасоз марксистик адабиётшуносликни ҳаёт этган Самарқанд сабоқлари, ўлмас умр зарварақларининг тирик ва жозибали нақш нигорлари бўлиб қолаверади. Бир бутун мамлакат билан биргаликда бу қадимий Самарқанд ҳам ўз фарзанди билан фахрланади, олижаноб хизматлар ва умри узоқ бадий тафаккур маҳсулотидан иборат хазиналар қолдирилгани учун уни мангуликча ардоқлайди.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси.

МЕҲНАТИ ТИЛЛО БИЛАН ТОРТИЛГАН ШОИР

Ҳамид Олимжон ғамхўр одам эди, дўстларига ҳам, ҳамкасбларига ҳам, шоғирдларига ҳам, умум адабиётимизнинг мавқеига ҳам. У ноўрин, нобоп, нотўғри нарсага, ноҳақ гапга беварқ қаролмасди. Жамоат орасида унинг нуфузи шундан баланд эди, ҳамма катта-кичик уни ҳурмат қиларди. Ҳеч ким уни орқасидан гапирмасди, салбий тилга олмасди. Унинг сафдошлари, айниқса ўртоқлари жуда ҳурмат қилишарди, у ҳам. Союзимизга яхши раис эди. Ҳеч ким унинг измида чиқмасди. Йўқ, у кўпол эмасди. Яккаю-ягона «айби» — сипо тутарди ўзини, бачканамасди. Ҳеч қачон қабулхонасида уни кутиб ўтирган одамни кўрмасди. Куттириб қўйган «раҳбар»лардан хафа бўларди. Ҳамма нарса ни тез ва одилона ҳал қилгучийди. Шунданми, ҳамма унга интиларди, унинг қарорини ҳақ деб биларди. У иш қилаётган бўлса ҳеч ким ҳалақит бермасди, секретарь «у киши палончи билан суҳбатлашяптилар, у киши бир зарур иш билан бандлар» деса Ғафур Фуломдай одам ҳам кирмасди. Эсимда бор, ҳамма декадага кетарди, вокзал кузатувчилар билан тирбанд. Поезд жилишига оз қолган, ҳамма келиб бўлгану ёлғиз Ғафур ака кечикарди. Ҳамид ака ҳаммадан ҳам унга интиқ, вагонга чиқмай йўлга қараб турарди. Учинчи кўнғироқ ҳам чалинди, ҳамма хайрлашиб ҳам бўлди. Лекин Ғафур ака ҳамон йўқ эдилар. Поезд қимирлаганда етиб келдилар. Ҳамид акани кўрдилару, унинг авзойига кўзи тушиб, беш қадам нарида тўхтадилар, жуда ҳам айбдорлардай бўйинларини одатдагидай, сағал чап елкалари томон эгиб, «хафа қилдимми» дегандай тикилдилар Ҳамид акага. Ҳамид ака ҳазил қилибми, ё чинданми, ўнг қўлларини силкиб, ке-

чикдинг, чиқма, дегандай юзларини бурдилар. Поезд жилабошладию, иккаловлари ҳам ерда эдилар. Ҳамид ака ниҳоят вагон зинасига ўзларини олдилар, Ғафур ака ҳамон беш қадам нарида, кўзгалмай турардилар, майли, кечирасан, дегандай бўйинлари қисқ. Аммо Ҳамид Олимжон чидамади, чиқ тезроқ, деди. Ғафур ака худди болалардай қанот боғладилару лип этиб вагон зинасига чиқиб олдилар... Бу одамларнинг бир-бирларига аразлари ҳам, қаттиқ қўлликлари ҳам мана шунақа меҳрибонона бўларди, соғиниб қолишганида бир-бирлари билан росмана йиғлашиб кўришардилар.

Айниқса ёшларга ғамхўр ва қаттиққўл эдилар. Узи ёшу ёшларни яхши кўрарди. Бир кун Воситнинг нимасидир, каттароқ нарсаси чиқди, биринчи китобимиди, достонимиди, ҳар нечук каттароқ гонарар олди. Эртасига бизнинг ҳаммамизни, яъни тенгдошлари билан бир неча устозларини Комсомол кўлидаги чойхонага таклиф қилди. Бутун кеч кўл ўртасида маза қилишдик, ош, кабоб, ўйин-кулги, аския, шеърхонликдан кўл қулоғи батанга келди. Назаримда охириги меҳмонлар, яъни мазахўрақлар тонга яқин тарқалди. Ҳали-ҳали ўша вақтлар, айниқса ёшларни ўзига ром қилган Усмон Носирнинг ўқиган шеърлари ёдимда, унинг ширин лаҳжалари, ҳеч ким айтмаган айтгилари, гўзал мисралари, унга анграйиб қолган одамлар... ҳамма-ҳаммаси эсимда... Эртасига Тўлаш (шундай оғайнимиз ҳам бўларди, у ҳам шоир эди, «Ёш ленинчи»да ишларди) мени қидириб келиб қолди, ўпкаси тўлиб кетган, сени Ҳамид ака чақиряптилар, деди. Қандай борганимни билмайман, ҳартугул бир неча минут орасида союзда эдим. Секретарь куттирмайиноқ «киринг, кутяптилар» деди. Кир-

*У шеърни шундай диққат билан ўқир эдики, гўё шеър ўқи-
ётиб, сўзларнинг ярқираб, олдинма-кетин бошни айлантира-
диган даражада рақсга тушишини томоша қилар, оҳангига
қулоқ солар, текширар, бундан ўзи ҳам қувонар, завқланар
эди. Унинг назарида сўзларда табиат ато этган қандайдир
бир сеҳрли куч борки, бу сеҳрли куч ўрмонларни шовқин би-
лан тўлдиришга ҳам қодир, сокин оқшом салқинида, тўлқин-
лар кетидан тўлқинларни қувлаштириб, қирғоқларни сеҳрли
қуйлар чалдиришга ҳам моҳир эди.*

У қалбан улкан шоир эди.

Николай ТИХОНОВ.

сам, Ҳамид ака ёлғиз ўзлари дераза ёни-
да кўчага қараб хаёл суриб турардилар.
Менга оҳиста ўгирилиб, жуда чиройли
қўйилган тилла тишларини ялтиратиб ил-
жайдилар.

— Кеча қаерда бўлдиларинг, — деди-
лар даб-дурустан. Мен ҳамма гап аён
экан дедиму, бир чеккадан айтиб бер-
дим. Гап адабиётимизга кириб келаётган
ёшларнинг тарбияси ҳақида, уларнинг
таълими ҳақида борди. Йиғин фақат со-
юзнинг ўзида бўлиши керак, унинг семи-
нарида, шеърхонлик ҳам, деди қийналиб,
аммо авайлаб, тегмасин деб. Ким кўрин-
ганлар билан ҳамтовоқ бўлишимизни, ай-
ниқса «ошхўрлик»ни ёмон кўрардилар,
ошни лозим бўлса уйингизда қилинг,
бир ҳам бермасиз, дедилар.

Кейин билсам, Воситни ҳам чақирган
эканлар, пулингиз кўпайиб кетган
бўлса мана бизга беринг, асраб берамиз,
дептилар.

Уруш йиллари айниқса оғир бўлди
адабиётимиз келажаги ҳақида ўйлаш. У
киши кучлари етганча буни ўйладилар
ва ёш бўғинларга яқиндан ёрдам бериш-
ни унутмадилар. Бўлмасам Улуғ Ватан
уруши йиллари бу ҳақда ўйлашнинг ўрни
ҳам эмасди. Ватан оғир нафас оларди.
Бизнинг дивизиямиз жангга кириш олди-
да мен қаттиқ яраланиб, ётиб қолдим,
уйга келтириб ташлашди. Уч ойдан ор-
тиқ ер парчин бўлиб ётдим, ўртоқларим
келиб туришди, борлари албатта. Бир
кунни бир нотаниш одам, ҳали-ҳали эс-
лолмайман, союздан деб бир тугун таш-
лаб кетди. Аввал у менинг соғлигимни
сўради, медицина ёрдами керакми-йўқли-
гини, кейин уруш вақти бўлганидан иқти-
сод масаласини ҳам сўраб юбордилар,
деди. Мен унда ҳали союз аъзосимас,
бу қадар ғамхўрликларга ҳаққим ҳам йўқ
дегулик эдим. Лекин Ҳамид Олимжон
буни ўйлаган ва махсус одам юборган
эди.

Шу ғамхўрлик сабаб бўлдими, ҳар
нечук юрак ютиб союзга кириб бордим.
бир оз оёққа турганимдан кейин, қўлтиқ
таёқда. Ҳамид ака йўлакда учраб қолди-

лар. Аввалига албатта танимадилар, ҳар-
бий кийимда, қўлтиқ таёқда бўлганимдан
орқага қайтдилар, мени ичкарига олиб
кириб, кимсиз, дедилар... Мен фалончи-
ман, дейишим билан бошқатдан кўришиб,
ҳамма гапни суриштирдилар ва тағин не-
ларнидир ўйлаб, сиз менга учрашиб ту-
ринг, гап бор дедилар-да, шошилаётган
жойларига қараб кетдилар. Шу-шу бўл-
дию, союзга дадил келадиган бўлиб
қолдим. «Гап бор» деганлари жуда му-
ҳим гап экан, яқинда Якуб Коласнинг
юбилейи бўлиши керак экан. Шунга мени
чақириб, шоирнинг лирик шеърларидан
танлаб таржима қил деб бердилар. Бу
менинг ҳаётимда ҳал қилувчи фасллардан
бири бўлди. Ҳамид Олимжон менинг қу-
лашимга ишонч ҳосил қилди, келгуси учра-
шувимизда Белоруссиянинг катта шоири-
га сизнинг ёш таржимонингизни союзга
оладиган бўлдик, дедилар. Бу кутилма-
ган ҳол икки буюк шоир қаршисида мени
қийнаб қўйди. Буни сезган Ёқуб ака (Ға-
фур ака у кишини шундай деб атарди-
лар) биринчи тавсияни мен берай бўл-
масам, деди... Шундай қилиб оз ўтмай
Ёқуб ака юбилейи бўлди. У ДКА да (Қи-
зил аскарлар уйида) тантана билан ўтди,
тағин оз ўтмай мени союзга қабул қил-
дилар.

Бу кунлар Ҳамид Олимжон ижодида
катта воқеалар юз берган, адабиётимиз
яна бир қалқиб олган, яна бир поғона
кўтарилгандай бўлган кунлар эди. Ой-
бекнинг «Қўтлуғ қон», Ғафур Фуломнинг
«Мен яҳудийман», Уйғуннинг «Она»си,
Яшиннинг «Улим босқинчиларга»си, Шайх-
зоданинг «Жалолиддини» сингари Ҳамид
Олимжоннинг «Муқаннаси», «Россия»,
«Қўлингга қурол ол!», «Севги», «Роксана-
нинг кўз ёшлари» ва «Шинель» асарлари
оғиздан-оғизга ўтиб, унинг муборақ но-
мини улуғламоқда эди. Мен бу ажойиб
асарлари билан Алексей Толстой, Корней
Чуковский, Владимир Луговской, Мехозлс,
Анна Ахматова, Якуб Колас сингари у
вақтлари эвакуация бўлиб юртимизда
умр кечираётган табаррук кишилар му-
боракбод этганларининг гувоҳи бўлган-

ман. Унинг бу номлари зикр этилган асарлари шухрати қанча-қанча шогирдларини катта йўлга етаклади...

Ҳамид Олимжон катта аллома ҳам эди. У ўзининг адабиёт тарихини, шоири-шуароларини яхши билгучийди, уларни ўқишни, ўрганишни, улар услубида ёзмоқни ҳам таъкидларди, бусиз адабиётнинг катта йўлида чўлтоқ супурги бўлиб қолиш мумкин, дерди. У ҳамманинг юрагини,

хаёлини, нимага муҳтожлигини яхши билгучийди. Шунинг учун доим ўзгаларнинг иззати уни кўмиб юрар, ёшларнинг раҳмати билан кексаларнинг дуоси унинг бошидан тиллодек сочилиб юрарди... Бугунги унга бўлган ҳурмат билан иззатларнинг барчаси ана шундандир.

Туроб ТУЛА,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

УСТОЗ ШОИР

Биз Ҳамид Олимжонни шахсан кўрмаган, у билан учрашмаган, ўз тилидан оташин шеърларини эшитмаган авлод вакилларимиз. Лекин бир қарагандагина, шундай бўлгани рост. Аслида, бу забардаст шоирни, жўшқин лирикни, халқ дилининг ажойиб тараннумчиси бўлмиш ҳамиша жонли, абадий барҳаёт ижод эгасини барча авлод вакиллари, худди унинг замондош тенгқурларидай бутун кўрку салобати билан қабул қилмоғи табиийдир.

Авалло бу ҳол, мактаб партасидан бошланади, кейин унинг умр бўйи сеҳрли шеърляти қалбимиз ҳамроҳи бўлади. Турли жанр, турлича тўлқин, ранг-баранг оҳангларда янграган тенгсиз поэтик фикр, юксак драматик воқеалар, тафаккур кенглиги, бетакрор образлар силсиласи бизни умр бўйи ром этаверади. Яна янги-янги авлодлар мана шу қудратли жозиба гирдобида бўладилар.

Ҳақиқий талант, улкан санъаткорларнинг мангу яшовчанлиги сири ҳам мана шунда. Ҳамид Олимжон сиймосини мен ҳаммиша кўриб тураман. Унинг шеър ёзиш таҳлити, фикрлаш манераси, чуқур эхтиросли ҳолати, ғазаби, қувончи, ҳатто келажак режалари ҳам ўқувчига аниқ-аёндай. Бу ҳисларнинг барча-барчаси унинг китоблари мағзидан барқ уриб туради.

Бу шеърят бизнинг кўз ўнгимизда уни ҳаммиша барҳаёт намоён этади. У «чаппор уриб гуллаган боғлар»ни кезаётган, «кўм-кўк водийларга» кенг қулоч кериб, қуйма мисралар яратаётган, «уйғоқ кўзларида совуқ тун эриб» эзгу юмушлар билан жонажон Москва оғушига ҳаяжонда кириб бораётган «узун дарёлар ҳам белига камар бўла олмас Россия» кенглиklarини илҳом билан куйлаётган, «Урик гуллари»га мафтун боқиб, қалби қўшиқ бўлиб оқаётган қиёфада бугун-

ги кунларимизда ҳам тинимсиз ижод этаётгандай... Унинг шеърларида хилма-хил нозик ҳолатлар, майин жилолар, минбарий қизгинлик, ишқий эхтирос, мустаҳкам эътиқод, душманга чексиз ғазаб, Ватанга, халққа, партияга садоқат — яна қанчадан-қанча қалб тебранишлари, фикр ёлқинлари шундай бир чамбарчаслик билан абадий муҳрланганки, булар гўё кимдир томонидан ёзилмаган, балки табиатнинг ўзидан олинган, ҳаммиша мавжуд бўлган, абадийликка берилган алоҳида нафосат оламидир.

Ҳолбуки уни буюк инқилобий давримиз яратди. Ҳамид Олимжон дили ва тили билан замонамиз, минг йиллар сўнгиде эришган бахтимиз халқимизнинг қудратли руҳиятини сўзлади. Бу руҳият ўзбек совет шеърляти умуман совет шеърлятининг, барча мавжлари билан қўшилиб, давримизнинг яратувчилик жасоратини, коммунистик дунёимизнинг шон-шарафини ифодалади. «Ойгул билан Бахтиёр»дан тортиб фожей «Муқанна»гача, Ўзбекистондан тортиб тенгсиз «Россия»гача, эпик «Зайнаб ва Омон»дан тортиб «Роксананинг кўз ёшлари»гача юзлаб ранго-ранг шеърлар, ўнлаб поэмалар, пьесалар, публицистика ва илмий ишлар, таржималар мажмуаси — бу замонамизнинг ўзига хос қомусий шеърлятидир.

У, фақат ўттиз беш йилгина умр кўра олади. Шундан салкам йигирма йилчиси самарали ижод йиллари бўлди. Нисбатан жуда оз фурсат. Лекин шу давр ичида шундай баракали ижодий ҳаётни бошдан кечирдики, авлод-авлодларга минг бора ўрнатилгудек. Бу ажойиб бир шеърят мактабики, ундан баҳраманд бўлмаган шогирд бўлмас. Унинг китобларидан инсон ўз қалбига яқин барча ҳиссиётларни топа олади.

Унинг беқиёс, кенг ижодий олами Ғафур

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Ғалаба тўйида бўлармиз биз ҳам.
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

Ҳамид Олимжон.

...Ҳамид Олимжон ҳақиқатан ҳам жўшқин лирик шоир эди. Ҳисли, ҳаяжонли лирикаси кенг, чуқур эди. У маълумотли, теран фикрли адабиёт масалалари ва назарияларида етук, айниқса рус адабиётини яхши ўрганган, пишиқ ўзлаш-тирган шоир эди.

ОИБЕК.

Фулом, Шайхзода, Миртемир каби улкан санъаткорларни ҳам ҳайратга соларди. Уларнинг бу ҳақда тўлқинланиб айтган ҳикоятларини ўз оғизларидан эшитганмиз. Хусусан устод Ғафур Фуломнинг «Ҳамидни эслаб» хотирот-ҳикояси туғилиши жараёнида ҳозир бўлганлигим билан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Янглишмасам, 1964 йилнинг июль ойи арафаси эди. Бу пайтда мен «Совет Ўзбекистони» газетасида адабиёт ва санъат бўлими мудирини бўлиб ишлар эдим. Ҳамид Олимжон вафотининг йигирма йиллиги муносабати билан газета саҳифасида Ғафур аканинг хотираларини беришни режалаштирдик. Бу режа устодга жуда маъқул келиб: «Эртагаёқ бу хайрли ишни бажарамиз, бизнинг уйда бу мақола қоғозга туширилади, Шоаҳмад акани қақирамиз, у киши айрим тафсилотларни мендан ҳам яхши билади, ҳулласи калом, эртага уйга келасан», дедилар.

Эртаси Ғафур аканикига Шоаҳмад ака билан бирга бордик. Ғафур ака бизни каби-

нетларига бошлаб кирдилар. Стол устига қоғозу қаламлар муҳайё қилинди. У киши мақолани айтиб турадиган, мен ёзиб борадиган бўлдим. Устод оппоқ ялангтўш яқтакда, хаёлга чўмган қиёфада, хона айланиб, азиз дўсти билан биргаликда кечган унутилмас дамларни гўё кўз ўнгидан бир-бир ўтказарди.

Ногоҳ таққа тўхтаб, деразага тикилганча Ҳамид Олимжоннинг «Ҳолбуки тун...» шеърини ёддан ўқий бошлади:

Шағирлайди бетним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар,
Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди водий, даралар...

Сездикки, Ғафур ака шоир дўстининг шеърий оламига қайта шўнғиган эди. Бу ўлмас мисраларнинг қачон, қайси шароитда, қандай муносабат билан туғилгани, яъни тарихини хаёлдан кечирарди.

Мақола ёзила бошланди. Саҳифаларда ҳаёт йўллари жонланарди. Марҳум шоирнинг жонли сиймоси, уларнинг ўзаро самимий муносабатлари, ўша даврнинг ўз белгилари йўқотиш алами ҳар бир сўзда, ҳар бир ифодада бўртиб турарди. Ҳар гал бўлганидай бу мақола битганида ҳам ҳеч қандай таҳрирга эҳтиёж сезилмади. Демак, мақола қоғозга тушмасданоқ устод тафаккурида бошдан-оёқ пишиб етилган эди. Устоднинг ажойиб шоирга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини, унинг маданиятимиз тарихида тутган мўтабар ўрнини нечоғлиқ ардоқ ва эъзоз билан баҳолашини аниқ ҳис этдим. Уртада кечган ширин дақиқаларни эслаб болалардай самимий кулганлар, ҳижрон чоғи изтиробларини хотирлаб, кўзларида ёш йилтиллаб, қалби ларзага тушганининг гувоҳи бўлдим...

Шу кунларда шонли 70 йиллиги кенг нишонланаётган Ҳамид Олимжонимиз ўлмас санъаткордир. У хоналаримизни нурлантириб турган китоблари саҳифаларида, миллионлаган мухлислари қалбида, истеъдодли шогирдлари ижодида, янги узилган гуллар билан безаган ҳайкаллари пойида, номи билан шарафланган илму фан даргоҳлари, мактаблар, колхоз ва совхоз меҳнатқашларининг ишларида биз билан ҳамisha биргадир.



Ҳ. ОЛИМЖОН ва АЛЕКСЕЙ ТОЛСТОЙ.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.



БАХТ КУЙИНИ ЧАЛИБ...

Хассос шоир Хамид Олимжон ўзбек халқининг фахри ва ифтихори бўлган санъаткорлардан биридир. Шоир ўзбек совет адабиётининг социалистик реализм йўлидан бориб, халққа чиндан манзур бўлишида астойдил хизмат қилди.

Хамид Олимжон бадиий ижод соҳасида тез ўсиб, вояга етди. Унинг салкам 20 йиллик ижодий фаолиятига назар солинганда киши кўз ўнгида Коммунистик партиянинг кундалик ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган ҳолда камол топган, ўз ижодини бутунича халқ иши, партия ва давлат иши учун бағишлаган, социалистик жамиятга чексиз муҳаббат қўйган халқчил санъаткор гавдаланади. Шунинг учун янги адабиётимизнинг ўтмиш адабиётидан фарқи ва новаторлигини белгилайдиган кўп хусусиятлар, фазилатлар Хамид Олимжон ижодида ёрқин намоён бўлади.

Хамид Олимжон ўз услубига, ўз овози ва ўз созига эга эди. Шоир ижодининг ўзига хос фазилатларидан бири замон ва давр талабларига ҳозиржавоблик билан боғлиқ. Дарҳақиқат, ўша даврдаги социалистик ҳаётнинг ҳеч бир муҳим воқеа-ҳодисаси йўқки, Хамид Олимжон эътиборидан четда қолган ва ижодида ўз аксини топмаган бўлсин.

Шодлик ва бахт куйчиси сифатида танилган Хамид Олимжон янги даврнинг энг муҳим ва энг етакчи йўналишлари, актуал мавзулари ҳақида ёзди. Ёзганда ҳам ғоят таъсирли, ғоят ишонарли, ғоят тушунарли ва образли қилиб ёзди. Чунончи, шоир ўзининг «Олов сочлар», «Ўлим ёвга», «Пойга», «Дарё кечаси», «Чирчиқ бўйида», «Ўлка», «Бахт», «Она ва ўғил», «Ишонч» каби тўпламларига кирган кўпгина асарларида Улуғ Октябрь туйғули мамлакатимизда бунёд этилган

янги ҳаётни ва ана шу янги ҳаёт натижасида Ватанимизда барқарор бўлган бахт ва саодатни лирика торларига солиб публицистик кўтаринкилик, жўшқинлик билан тараннум этади.

Хамид Олимжон ижодида бахт-саодат мавзуи салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилади ва ҳар сафар унинг янги-янги қирраларини очишга интилади. Зотан, у бахт мавзуини янги ҳаёт, социалистик ватан, жонажон партия, дўстлик-биродарлик, эркин меҳнат, коммунистик ахлоқ, янгича ишқ-муҳаббат мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда куйлайди. Ижодкор янги ҳаёт қураётган меҳнаткашлар бахтини куйлашни ўз ижодининг лейтмотиви қилиб олади. «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеърисида бу лейтмотив катта фалсафий умумлашма даражасига кўтарилган ва ёрқин акс этган. Унинг «Ўлка», «Бахт тўғрисида», «Ўрик гуллаганда», «Ўзбекистон» сингари шеърларида ҳам социалистик ҳаёт завқи ва бахт мавзуи маҳорат билан ифодаланган. Шоир ўз бахтини Ватан тақдирида, эл-халқ бахтида кўради, бундан завқланади ва ҳаётбахш туйғуни мисраларга санъаткорлик билан сингдиради.

Қувонч шулким толе ёр бўлиб,
Вахтни топган элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қаргаб,
Шодлик ва бахт куйини чалдим.

Хамид Олимжон бахт ҳақида шоирона мулоҳаза юритар экан, бахтли турмуш ва янги ҳаёт ижодчиси улуғ Ленинни ва Коммунистик партия номини зўр ҳурмат ва самимий ихлос билан тилга олади. Бу жиҳатдан шоирнинг «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» номли балладаси айниқса характерлидир. Баллада ҳаёт-бахш лирик туйғуларга, чуқур мазмунли

СССР — шонли бир темир қўрғон.
Уни аскар бўлиб қўриқлайди,
унга душманни бирда қўймайди
Унда эркин яшовчи ҳар инсон!

Хамид Олимжон.

Ҳамид Олимжон — ўзбек поэзиясининг энг талантли сий-сий лирикларидан бири. У кураш ва қурилиш пафосини гўзал бадиий бўёқларда, нозик тасвирларда жўшқин тараннум этди.

Шароф РАШИДОВ.

бадиий умумлашмаларга бой. Унда асар ғояси ёрқин лавҳалар ва аниқ образлар воситасида маҳорат билан ифодаланган. Шоир Самарқанддаги Ленин мотами манзарасини чизиб, халқ оммасининг дохийга бўлган чексиз ҳурмату эҳтиромини акс эттириш билан бирга, В. И. Лениннинг инсоният олдидаги буюк хизматларини ҳам очиб беради. Шоир асарда меҳнаткаш халққа бахт берган Ленинни, ҳақли равишда, улуғларнинг улуғи деб атайди:

Кўп эскидир олам ва унда
Кўп буюклар ўтгандир, бироқ,
Бироқ Ленин тарих сўнгида
Буюклардан чиқди буюкроқ.

Шоир бу мавзунини ёритишда бахт-саодат макони ва янги типдаги озод инсон-

лар Ватани Ўзбекистон образидан унумли фойдаланди. Серқуёш ўлкамининг яхлит умумлашма образини моҳирлик билан гавдалантиради. Ўзбекистонни «бахтлар водийси», «бахтиёр диёр», «мисли йўқ ўлка» деб таърифлайди.

Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик куй-чиси бўлиши билан бирга, том маънодаги ватанпарвар ва интернационалист шоир эди. Бинобарин, унинг ижодида социалистик Ватан образи ўзининг бутун тўлалиги ва салобати билан ёрқин намоён бўлади.

Хуллас, шоир ижодининг ибратли томонлари кўп.

Сайдулла МИРЗАЕВ,

филология фанлари доктори, профессор.

НОНДАЙ ҲАМРОҲ ШЕЪРИЯТ

Болаликда ким эртақларни севмайди, дейсиз. У деярли ҳамма-ҳаммамизнинг мурғак ҳаёт йўлимизга нон каби ҳамроҳ бўлади. Биздаги яхшиликка муҳаббат — у, ёмонликка нафратнинг пойдевор тошларини шу эртақлар кўйса, не ажаб?!

Эртақларни мен ҳам севардим. Айниқса, опам айтадиган эртақлар бошқача бўларди. Уша мусиқий овоз, ўша сеҳргар сўз қулоғим остида ҳамон жаранглаётгандай:

Жамбил деган томонда,
Жуда қадим замонда
Қуллар исён қилдилар.
Жангга кириб қўшинлар,
Урушиб ою кунлар
Дунёни қон қилдилар.
Тинчлик тугаб оч элда,
Мамлакат қолди селда...

Кейин-чи?.. Кейин исённинг муваффақиятсизлиги. Исён бошлиғининг ўлдирилиши. Унинг қизи Ойгулнинг зиндонга ташланиши.

Кейин-чи?.. Ойгулнинг қул Тарлон томонидан қутқарилиши.

Кейин-чи?.. Ана шу «кейин-чи»лар бошлаб кетаверарди мени. Ойгул ва Бахтиёр ҳақидаги эртақ Семурғ ҳақидаги эртақка ўтарди...

Устоз Ҳамид Олимжон менинг гўдак-лигимга ана шундай кириб келганди.

Кейин мактабга бордим. Китоб ўқий оладиган бўлдим. Мана, ўша пайтлар ўқиш китобимдаги мени ҳаяжонга соладиган шеърлардан бирининг тўртлиги:

Шодлигим кўнка сизмас,
Битмас бахтим бор маннм.
Мени бахтиёр қилган
Шу энгилмас Ватаним.

Устоз Ҳамид Олимжон менинг болалигимга ана шундай кириб келган эди. Мен севиб қолгандим бундай ўта тушунарли, ўта жўшқин, ўта самимий сатрларни. Ўқишда давом этардим:

Розимасман, бир ёш томса кўзимдан,
Розимасман, сал ранг кетса юзимдан.
Йўл ошсам-у сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан.

Ҳаётга муҳаббатни, ирода-ю матонатни куйловчи бундай сатрлар ён дафтаримда тобора кўпайиб борарди. Устоз Ҳамид Олимжон менинг ўсмирлигимга ана шундай кириб келганди.

Ҳароратли сатрлар менинг юрагимда ўзим ҳали маъносига бориб етмаган нималарнидир жумбушга келтирарди. Фақат ўқиш эмас, шу ўқиганларим таъсири ос-

тида нималарнидир айтиш ҳавасини ҳам уйғотарди улар.

Куй айтар булутлар ичидан инсон,
Куй керак мардона, жувон ҳаётга.
Куй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,
Ота, қўшиқ айтган етар муродга.

Ана шундай сатрлардан таъсирланиб, туртки олиб, уларга эргшиб, мен ҳам ўзимча куй айта бошлагандим. Бор муродимни ўша болалик дафтаримда қолиб кетган, ҳали шеър деб аташга буткул ножоиз (у пайтларда мен бундай ўйламадим) сатрларда кўрардим. Устоз Ҳамид Олимжон менинг кичик шеърятимга ана шундай кириб келганди.

Кейин яна йиллар, севги фасли. Мен ўз соҳир туйғуларимга севимли шоиримдан ихзору ифода излаб топардим:

Ҳар юракнинг бир баҳори бор.
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон.
Лекин Лайли бошига тушган
Қора кунлар бизга ёт бутун.
Бизга ётдир Ширин бахтинин
Поймол этган у қопқора тун.

Устоз Ҳамид Олимжон менинг севги ёшимга ана шундай кириб келганди.

Шу йўсин бу жўшқин шеърят менинг ақлли ҳамроҳим, дилкаш ҳамсўхбатим бўлиб қолди. Қўлимга қалам олиб, журналист сифатида республикамиз шаҳар-қишлоқларини қадамба-қадам кезар эканман, севимли шоир сатрларини беихтиёр ёддан такрорладим:

Водийларни яёв кезганди,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Одамлар шижоати, буюк ўзгаришлар манзарасига мафтун боқиб, яна ўша топ-қир шеърят булоғидан сув ичардим:

Ҳар бир кунда бир буюк мазмун,
Қуёш тўқар бошларингга зар.
Тожиқонлар даври бошланган
Фарғонадан Амуга қадар.

Кейин республикани кезган қадамлар унинг ташқариларида ҳам кеза бошлади. Украина, Тожикистон, Қозоғистон, РФСФР, Югославия...

Хоҳ бепоеён Ватанимизда юрай, хоҳ хориждан уни соғиниб қайтай яна севимли сатрлар тилимга кўчарди:

Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоеён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга,
Қуёш қуча олмас сени дафъатан!

Букун эса устознинг мумтоз тўртликларидан бирини ўзимча мана бундай «таҳрир» қилган бўламан:

Жисмингиз тирикдир, ўчмас

номингиз,
Ғалаба тўйида ҳозирсиз сиз ҳам.
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга қўярсиз қадам.

Ҳа, устоз, сиз тириксиз, шеърпараст халқингизнинг жасоратли йўлида нондэй ҳамроҳсиз!

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Ҳамид Олимжон ижодининг халқчиллик илдизлари кўп жиҳатдан халқ ижоди заминида унган, камол топган. Шоирнинг бобоси Мулла Азимнинг Фозил Йўлдошдек замонасининг чечан бахсиси билан дўст тутинганлиги ва бу забардаст куйчининг дўмбира чалиб дoston айтган кечаларида ёш Ҳамид бобоси ёнида ўтириб, завқ билан тинглагани маълум.

Ёшлиқдан ғунча очган халқ ижодига муҳаббат тобора улғая бориб, шоир ижо-

дига кўчди, унинг қон-қонига, ижодининг қат-қатига сингиб кетди. Демак, Ҳамид Олимжон халқ ижоди чашмасидан қониб-қониб баҳра олди; бу чашма унга ҳаммаша озиқ, куч-қудрат, бир олам илҳом берди. «У шеърни равон, халқ қўшиқларига яқин қилишга уринди. «У шеърый тили рангдор ва мазмундор қилишга тиришди». «Фикрий чуқурлик, қўшиқ равонлиги, жўшқинлик, самимий лиризм, ҳарорат бирлашиб унинг шеърига алоҳи-

Бу ўлкада қалбларнинг тоза
Ва поклари келиб учрашар.
Одам топган бахтни овоза
Қилиб гуллар, булбуллар яшар.

Ҳамид Олимжон.

Ҳамид Ғезувчилар союзига раис бўлиб турган йилларида ўзининг дўстларига маълум бўлмаган ажойиб фазилатларини кўрсата бошлади. У ақлли бошлиқ, тадбирли ташкилотчи, ноёб жамоат арбоби эканлигини кўрсатди. Фашист галларига қарши қаттол жанг кунлари бориб турганида жанговар бир шоир сифатида, сафарбар бир аскар сифатида фронт орқасида туриб халқнинг руҳини тинмай ғалабага илҳомлантирди.

Ғафур ҒУЛОМ.

да куч бағишлади». Бу сўзларни шоирнинг қадрдон дўсти Уйғун 1944 йили Ҳамид Олимжоннинг «Танланган асарлар»ига ёзган «Шодлик ва бахт куйчиси» сарлавҳали сўзбошисида ёзган эди. Уйғун Ҳамид Олимжон ижоди учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири деб, уни «халқ адабиётининг бойликларига кўпроқ мурожаат қилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу фикр шоирнинг ўзбек халқ эпоси ва дostonчилари ҳақида ёзган фольклористик мақолалари мисолида ҳам тўла тасдиқланади. Ҳамид Олимжон ўзининг халқ адабиёти бойликларини ўрганганда, рус классик ғезувчилари Пушкин, Горький ижоди билан танишганда ҳам, қозоқ фольклорининг дурдоналарини текширганда ҳам ҳар бир халқнинг оғзаки ижодининг буюк қудратини, гўзаллигини, тилсимларини билиб олади, уни битмас-туганмас дурдоналар манбаи қойил қолдиради.

Ҳамид Олимжон бундай тўла маънодаги илмий-текшириш ишларига ижодий камолотга кўтарилга бошлаган кезларида киришади. 1938 йили Фозил Йўлдош ўғли билан биргаликда халқимизнинг машҳур асари «Алпомиш» дostonини нашрга тайёрлади унга «Мардлик, муҳаббат ва дўстлик дostonи» сарлавҳали каттагина сўзбоши ёзди. Дostonни у халқ бахшисидан қайта-қайта айттириб кўргани, эшитгани маълум. Мақолада муаллиф бу эпоснинг қадимий экани, унинг замонлар солномаси, акс садоси сифатида яшаб келаётгани, халқ хаёлотига бамисоли бир сандиқ тўла жаҳоҳир бўлиб кўрингани, унинг ижод булоғи ҳеч маҳал тинмаганлигини эҳтирос билан сўзлайди. Халқнинг ҳақиқий ижодкорлик салоҳияти уни ҳайратга солади. Халқ ўз бошидан энг қора кунларни кечириб ўтирган бир вақтда ҳам яратади — ижод қилади. Халқ бундай вақтларда ўз хаёлини узоқ асрларга қаратар, сзод турмуш хаёли билан тасалли топар ва ўз фантазисидда ўзинга маъқул кўринган дунёни жонлантириб қарар эди.

«Халқ қаҳрамонлар ҳақида, баҳоҳидрлар тўғрисида, узоқни яқин, мушкулни осон қилувчилар ҳақида куйлар эди. Бу қўшиқлардан эса ҳақиқий эпос майдонга

келар эди» (Ҳамид Олимжон. Уч томлик, Танланган асарлар, Учинчи том. УзССР Давлат бадиий адабиёти нашриёти, 1., 1960, 332-бет). Ҳамид Олимжоннинг мушоҳадаси ўзбек фольклорининг «Девону луғатит турк» асаридаги қадимий қўшиқлардан тортиб дoston-эртақларини пухта ўрганиши натижасида юзага келган илмий хулосаларидир. У эпоснинг ғоявий мундарижасини тўғри белгиларкан, унде тасвирланган гўзалликнинг туб моҳиятини марксистик эстетика принциплари нуқтаи назаридан талқин этади. «Халқ онгида, — деб ёзади Ҳамид Олимжон, — гўзаллик идеали — мардлик, адолат, ҳақиқатнинг ҳокимлиги идеали билан ажралмас боғланган». «Халқ қаҳрамондир, ўлмасдир, унинг хаёлида, дostonларида тасвирланган ўлим билмас ботирлар образи ҳамон тириклардай яшаб келадилар». «Алпомиш» мардлик дostonидир, «...ўлим ўлдирмайдиган одам тўғрисидаги дostonдир». «Шунинг учун халқ ботир Алпомишни ўз хаёлида ўтга солса куймас, қилич солса ўтмас, милтиқ отган билан ўқи ботмас» қилиб яратган (Уша асар, 336-бет). Шоир фольклор асарини ғоявий-бадиий таҳлил этишда, эпоснинг халқчил илдиэларини очишда устоз А. М. Горький изидан боради, бу ишни изчил ривожлантиради, айниқса унинг 1934 йили Совет ғезувчиларининг Бутуниттифоқ I съездида сўзлаган нутқидан руҳланганлиги, ўз халқининг бой маданий меросини ўрганишда, уни халқ мулкига айлантиришда, коммунистик тарбия мақсадларига бўйсундиришда Горькийчасига жасорат ва муҳаббат, зукколик ва ташаббускорлик кўрсатганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлидир. Шоир ўқувчини адабий меросни, эпосни севишга, маънавий озуқа манбаи деб қарашга ўргатади, Горький васиятларига амал қилиб, ғезувчилардан бу бой меросдан қониб қаҳрамонд бўлиш, ундан ижод учун фойдаланиш қанчалик зарур эканини атайин уқтиради. «...Алпомиш» бизнинг ғезувчиларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Пушкин ижодида фольклор — халқ ижоди адабиётнинг асосий манбаларидан бири эди... Улуғ ўзбек шоири Навоий фольклорни жуда яхши кўрар ва

Толем шулким, ватанда бир гулистон танладим,
Бахтни топган эл билан жондош бўлиб отдим одим;
Йўлдан озганларга ҳеч бир бўлмадим мен қайғудош,
Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиш қуёш;
Шул сабабданким, ватанда бўлмадим илҳоми хор,
Шул сабабдан менга ётдир бахт талоғ этган диёр.

Ҳамид Олимжон.

яхши билар эди. Навоий «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ҳикоясини халқ фольклоридан олиб ишлаган ва буюк бадий камолот бергандир. Бизнинг ёзувчиларимизга фольклорни билиш қанчалик зарур эканини «Алпомиш» кўрсатур» (Уша асар, 346-бет).

Фольклордан ёзувчиларнинг ўрганиши зарурлиги масаласини Ҳамид Олимжон ўз илмий, ижодий фаолиятида мукамал қўлади. Шоирнинг диққат марказида ҳамisha адабиётнинг Коммунистик партиявийлиги учун кураш, унинг халқ ҳаёти билан алоқасини янада мустақамлаш, ниҳоят уни неча миллионлаб китобхонларнинг ҳаёт дарслигига айлантириш вазифаси турар эди. Бу шарафли, ғоят масъулиятли янги ижодий вазифани шоир ўз ижодий тажрибасида, қаламқаш дўстлари билан ҳамкорликда ёзилган «Хатларда» қўлади. У ўзининг «Адабиёт ва халқ» мақоласида В. И. Лениннинг 1905 йилда ёзган адабиётнинг партиявийлиги принципи ва вазифаси белгилаб берилган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асаридagi дохйёна фикрларини, шунингдек Клара Цеткин хотираларида келтирилган Лениннинг «Санъат халқиники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур илдиз отиши керак», — деб айтган кўрсатмаларини шарҳлайди. Социалистик жамиятимизда санъат ва адабиётнинг улғувор вазифаларини тўғри белгилайди, шоирнинг фольклорга соғлом қарашлари ҳам мана шу марксистик нуқтаи назардан келиб чиққан. «Адабиёт ўзининг барча илдизлари билан халққа боғланган. У халқ мулки. Халқсиз адабиётнинг юзага келиши ёҳуд яшаши ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Чунки у халқнинг ўз ичида кўкариб чиқади, гуллайди, яна халққа қараб боради. У ўзининг бутун маъноси, моҳияти ва аҳамиятини шу халққа яқинлашганда топади. Шу жиҳатдан совет адабиёти дунёда бор ва бўлиб ўтган адабиётлар ичида энг бахтли адабиёт, унинг ижодчилари энг бахтли одамлардир. Ижодчилар учун халқ керак, чунки ижод шодлигини, яратиш ифтихорини туғдирувчи куч халқнинг ўзидир» (Учинчи том, 283-бет).

Шоир ўзининг бу фикрларини, бир томондан, бадий асарларида, ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратган образларда намойиш қилса, иккинчи томондан, очерк, публицистик мақола, адабий танқид ва хотираларида рўёбга чиқарди. Бунда у фольклор қаҳрамонларига, афсоналарга

турли ижодий зарурият билан мурожаат қилганини кўрамиз.

Ҳамид Олимжон 1939 йили Катта Фарғона канали қурилиши муносабати билан ёзилган «Ҳаёт дарёси» номли публицистик мақоласида буюк шоир Алишер Навоий ҳаётини орзуларини ифодалаб: «Алишернинг хаёли — халқнинг хаёли эди», — дейди: Наҳрул ҳаётни қазиб битгазганини баён этади. «Лекин, нима учундир, бу хаёллар асло ҳақиқатга айланмаган. Хаёл бир ёқда, ҳақиқат бир ёқда қолаверган. Хаёл яқин келган сари ҳақиқат узоқлаша берган. Шунда халқ бунинг сабабини замондан излаган ва Фарҳод билан Ширин ҳақидаги гўзал афсонани яратган, ўз буюк шоирига янги ва ажойиб бир афсона билан жавоб берган. Унда халқнинг бутун алами, гўзал хаёлларнинг аччиқ ҳақиқатга айланишидаги фожиа ёрқин ифода қилингандир». Ҳамид Олимжон афсоналарнинг социал моҳиятини очади, Хаёл ва адолат масалаларини ўртага қўяди. Катта Фарғона каналида ўзбек халқи бажарган ватанпарварлик ишинг буюк моҳиятини шонли Коммунистик партия раҳнамолигида халқ оммаси чинакамига мўъжизалар яратишга қодир эканига қамил ишонч билдиради. Демак, шоир ўтмиш ривоятини ҳаётни социалистик асосда қайта куриш вазифалари билан узвий боғлайди. Афсона воситаси билан шоир ўтмишнинг тенгсиз, эрксиз, қон-зардоб ютган меҳнат аҳлининг фожияли тарихини ақл машъали билан ёритади — ҳаёт ҳақиқатини лўнда, таъсирли қилиб очади. Чиндан ҳам, «Халқ жуда кўп афсоналар тўқиган... халқ бу афсоналардан мингларча ошиб тушадиган ишлар ҳам қилишга қодир. Лекин, бунинг учун қўлида занжир, оёғида кишан, оғзида қулф бўлмаслиги... бунинг учун унинг ариқ қазиб чанқаб ўтмаслиги, атлас тўқиб яланғоч қолмаслиги, буғдой ўриб очдан ўлмаслиги лозимдир. Яъни, бунинг учун у халқнинг ўз тақдири ўз қўлида, ўз ҳурриятига ўзи ҳўжайин, ўз тупроғига ўзи эга, кўнгли тинч, уйи осойиш бўлмоғи лозимдир.

Бу йил Фарғонада афсонадан ҳам гўзалроқ бир ҳодиса бўлиб ўтди. (Уша асар, 78-бет). «Жамбул ва халқ» мақоласида бу фикрларини ривожлантириб, совет адабиётининг халқчиллиги масаласини коммунистик идеал нуқтаи назаридан ҳал этади. Ёзувчининг халққа хизмат қилиши, яъни оммани кўтариши, эргаштириши, бирлаштириши керак. Адабиётнинг халқ билан бутун бўлиб кетганининг энг яхши

...У ўзининг қисқа, лекин мазмунли умрида яратган шоҳ асарлари билан ўзига ўлмас обида ўрната олди, халқнинг қалбида абадий қолди.

Халқ Ҳамид Олимжондай кишиларга қарата: уларга туғилиш бору, аммо ўлим йўқ, дейди. Ҳа, донишманд халқнинг бу доно сўзлари ҳақ! Шоир Ҳамид Олимжон доим барҳаёт!

УЙҒУН.

намунасини шоир айна фольклор асарлари мисолида кўради. Бунинг энг яхши намунаси деб Жамбул ижодини танлайди.

«Балиқ — сувсиз, шоир халқсиз яшай олмайд.

Халқчил бўлмаган ижод ўлимга маҳкум. Ҳақиқий ижод доимо халқчил бўлгандир. Бутун халқларнинг фольклори шундай».

Ҳамид Олимжон юқоридаги мулоҳазаларини конкретлаштириб, қозоқ совет адабиёти ва санъатининг фольклорга яқинлигини бирдан-бир ижобий ҳодиса сифатида баҳолайди. Бу билан у совет даврида фольклор адабиёт ва санъатининг ривожланиш омилларидан бири, муҳим шарт, деб қарайди. «Бугунги қозоқ санъатининг афзалликларидан бири унинг халқ ижодиға жуда яқин турганидир. Бугунги қозоқ опера театрининг бутун асарлари халқ дostonлари асосида яратилмоқда. Қозоқ санъати қозоқ халқ ижоди чашмасидан озик олади. Музыка, рақс шунга қараб ишланади ва шунинг учун ғалаба қозонади» (Уша асар, 290—291-бетлар).

Ҳамид Олимжон адабиёт ва фольклор алоқаси масаласини ёритганда ёхуд халқчил адабиёт учун курашганда ёзувчининг халқ жонли тил хазинаси, фольклорнинг бой тасвирлаш воситаларидан, ибора ва ифодаларидан қанчалик ўринли фойдалана олиши унинг маҳоратига боғлиқ деб билади. Бу ҳолат ўз навбатида адабиётнинг халқ ҳаёти ва руҳига яқин бўлишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири деб қарайди. Бу жиҳатдан Муқимий ижодини ибрат қилиб кўрсатади.

Ҳамид Олимжоннинг «Муҳаммад Амин Муқимий» мақоласидаги «Ҳақиқий халқ шоири» ҳақида юритган юқоридаги фикрлари бевосита совет ёзувчилари учун ҳам тааллуқлидир. Дарвоқе, халқнинг жонли тилида шундай нодир образли иборалар, қочиримлар, ақл ҳайратда қолладиган мақоллар, маталлар, қиёсий ташбеҳлар, муболағалар, мағзини дарров чақиб бўлмайдиган чуқур, яширинган мажозий фикрлар, нозик, мураккаб ҳиссиётлар таъбирчан ифодаланади. Ҳамид Олимжон «Салом, Пушкин!» мақоласида шоир ижодининг фольклордан ўрганиш ва унинг халқ ибораларини тўпладан ку-

затган мақсадларига ҳар бир совет ёзувчисининг диққатини жалб этади, буюк санъаткорнинг ижодхонасига киради ва ундан доимо ибрат олишга чақиради.

Халқ ижодининг шоирни ёшлиқдан мафтун этган ақл бовар қилмас зўр фантазияси, кўз илғамас кенг уфқи, беқийс хаёл кучи, теран мазмунининг олмос қирралари, ўлмас қаҳрамонлари, унинг ижодкорларига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси шоир қалбидан шеър бўлиб қуйилди. Халқ ижодкорларининг сирли қудрати ва сеҳрли жозибасига бағишлаб Ҳамид Олимжон 1936 йили «Куйчининг хаёли (Фозил Йўлдошга), «Дўмбиранин мақтови» шеърларини яратди.

«Дўмбиранин мақтови» шеърида Ҳамид Олимжон халқ бахсиси образини жонли гавдалантирган. Йигитга от қандай қадрдон, ҳамкор, мақсадга етишувда кўмакдош дўст бўлса, бахши учун дўмбира ҳам шундай, у билан бирга шоир ўз орзу-армонларини, дардини, бошидан ўтган яхши-ёмон кунларини сўзлайди: тўғрироғи, дўмбира унинг юрак таржимони, илҳомчиси; дўмбира чертиш орқали шоир минг йиллик тарихни, афсона ва қаҳрамонларни тирилтиради. У халқ бахшиларининг «Дўмбирам» термасидаги оҳанг, йўлни тўла сақлайди, фикрлар халқ шоири тилидан айтилгандай қуйилиб келади. Шеърда Ҳамид Олимжон «кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам», «юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам», «билагимнинг зўри бўлган дўмбирам» каби тайёр сатрларни бемалол ишлатади, ёхуд «сен тоғларда кезган чориқ кавушим, сенин билан баланд бўлди товушим», ёки «сенин билан сўз бермадим ман ёвга, сен динғиллаб олиб бординг Москвага» сингари бахшичасига тўқилган содда, мароқли сатрлар шоир созида ўзгача бир оҳанг билан жаранглайди. Гап шундаки, у халқ ижодчисининг руҳига кириб, унинг ўзи бўлиб, унинг кўзи билан дунё воқеаларига қарайди; нафосат куйчиси бўлган шоирнинг дили қувончларга лиммо-лимлигини тараннум этиб, одамларимизга хос руҳий кўтаринкилик, жасоратни, замонанингу улғурлигини, озод нафас қадрини, бахтиёрлик нашидасини бир олам меҳр билан қуйлайди.

Сен бор экан, ҳар иш келар

қўлимдан,

Сен бор экан, ҳайиқмасман ўлимдан,
Минг ўргилиб толе топган элимдан,
Утирганда сўри бўлган дўмбирам.

Сен нур тўла менинг ойли тунимсан,
Сен оморда қоплаб қўйган унимсан,
Сен колхозда топган ёруғ кунимсан,
Душманимнинг гўри бўлган

дўмбирам.

Ҳамид Олимжоннинг бу икки шеърини халқ ижоди чашмасидан озиқланишнинг ўзига хос оригинал йўли деб билиш мумкин. Ҳамид Олимжон айрим муҳим фикрларни, давр руҳини ёрқинроқ ифодаладиган мулоҳазаларини ҳам насрда, ҳам назмда тасвирлашга ўзида мойиллик ҳис этади. Тўғрироғи, аввал насрда сўнг назмда ифодалайди. Бу билан айна хулосали фикрни таъкидлайди, тасдиқлайди. Бунга Пушкин, Горький, Жамбул ҳақидаги мақолалари ва шеърлари, «Зайнаб» очерки ва «Зайнаб ва Омон» дostonи, «Онанинг номуси» очерки ва «Жангчи Турсун» балладаси каби асарлари мисол бўлади.

Шоир совет даврида меҳнат ва поэзиянинг бир-бири билан бирлашиб кетганлигини ажойиб бир ҳодиса деб таърифлайди. Катта Фарғона канали трассаларида юрган шоир бунга қониқиш ҳосил қилади. «Меҳнат билан поэзиянинг бунчалик бирлашиб кетганлиги, санъатнинг бу қадарлик халққа яқин турганлиги одамзод тарихида сира кўрилган эмас. Буни биринчи марта ўзбек халқи Катта Фарғона канали бўйларида кўрсатди».

Улуғ Ватан урушининг энг оғир йилларида Ҳамид Олимжон «Қўшиқ» сарлавҳали мақола ёзди. Унда қўшиқ жанрининг таъсирчанлик фазилатларини кўзда тутиб, уни ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. У халқимизнинг жанговар руҳини ифодалаб, шуларни айтган эди. «Қўшиқ айтган жангчи жасур, қўшиқ айтиб ҳужумга кирган ботир зўр бўлади. Қўшиқ одамнинг руҳини баланд кўтаради, жангчини жангга чақиради. Қўшиқ айтган ботирларни кўрган душманинг юраги орқага тортади».

Ҳамид Олимжоннинг айниқса Улуғ Ватан уруши даврида халқ бахшилари ижодига катта ҳурмат ва муҳаббат билан қараганлиги унинг халқ оғзаки бадийи ижодини чуқур қадр-қиммат қилганлигининг бир белгисидир. Ҳар қандай ижодни Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун кураш мақсадларига бўйсундириш коммунистик партия чақирғига муносиб жавоб бериш эди. Ҳамид Олимжон кекса халқ оқинларининг ижодда ҳозиржавоблик табиатини, бой адабий тажрибаларини ишга солиш

санъатини яхши биларди. Шуни ҳисобга олган ҳолда шоир бахшиларимизни ҳар томонлама рағбатлантирди, Ўзбекистон ёзувчилари союзида уларнинг ижодий кечаларини ўтказди. 1943 йили Москвада — Ёзувчилар клубида Ҳамид Олимжон «Ўзбек халқининг адабиёти» темасида доклад қилди. Докладда ўзбек адабиётининг тарихий тараққиёт йўллари атрофлича ёритилади. Шу билан бирга, у ўзбек фольклорининг хазинаси, унинг гуманистик йўналиши, Алпомиш каби ўлим билмас довурак қаҳрамонларини таъриф ва тавсиф қилади. Айниқса Ислом шоирнинг ватанпарварлик ижодий фаолиятидан жуда мамнун бўлганлигини меҳр билан сўзлайди. «Кунлардан бир кун Ислом шоир менга деди: Уруш даврида жуда кўп қўшиқлар айтдим; кечани кеча, кундузни кундуз демай, ҳориш-чарчаш нималигини билмай ишлайман. Ҳаёлимда мен ҳам фронтга бориб, душманларни қираётганга ўхшайман» (Уша асар, 427-бет). Она юртимизнинг даҳлсизлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонларча кураш, жанговарлик руҳини тараннум этишда у халқимизнинг қадимий анъанасидан тортиб ажойиб фазилатларини қайта тирилтиради, ишга солади. Юртимиз халқлари учун хос «бу дўстликнинг ҳамма ўрмонларида ҳаёт дарахти кўкаради». «Кўнгул кенг бўлса, жой топилади», «Қиёмат кун қўшнидан» мақолларини Ҳамид Олимжон атайин келтиради. «Қозоқ онасининг айтган алласига ўзбек боласи ҳам ухлайди», «дўст ёмон кунда билинади» ҳикматлар ёки ўзбек жангчилари курашга кирар экан, «халқ ботирларининг номи билан қилич чопадилар», деган халқ удумини эсга солиб таъкидлашлар қудратли бир сафарбарлик вазифасини ўтайди. «Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради. Менинг халқим ўз болаларни кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни ҳаром, нопок қилган одамни ўлдиради. Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч ватан тупроғини доимо ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унутдирмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, уни ўз ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин, ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган...»

Умуман, Ҳамид Олимжон ўзининг илмий ва публицистик мақолаларида, ижодий фаолияти намунасида ўзбек совет

Дунёларни тикка қўпормоқ
Ути агар бўлса орида,
Ёвларини айласа тупроқ,
Сўлмоқ бўлмас эл баҳориди!

Ҳамид Олимжон.

Бизнинг замонамизда бир томонлама билим олиб шоир бўлиш ва фақат ўз миллий адабиётидангина баҳраманд бўлиб ижод этиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир совет ёзувчиси барча қардош халқлар учун ижод қилади. Унинг овози кўп-миллатли совет адабиётининг қудратли симфониясига қўшилади. Ҳамид Олимжоннинг шоирлик овози ана шундай овозлардан эди.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

адабиётини кўпгина юксак талентларнинг тажрибалари, бой анъаналари билан бир қаторда қардош халқлар ва жаҳон адабиёти ва фольклори, хусусан ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижоди ва унинг машҳур намоёндалари фаолияти тажрибаларини ўзлаштириш орқали ривожлантириш йўлларини кўрсатди. Бу хусусда Беруний мукофоти лауреати Ҳомил Ёқубов шундай ёзади: «У фольклорни халқ руҳининг ифодаси, ҳаётни халқ тушунчасига мувофиқ равишда акс эттирувчи онг формаси, чинакам халқчиллик ва реализм

манбаи деб билади. Ҳамид Олимжон фольклор намуналарининг сюжети, ифода шаклларига эмас, руҳига кириб борди, уни бойитди, тараққий эттирди.

Ҳамид Олимжон фольклорга мурожаат қилиб, адабий традициялар доирасини ва ўз лирикаси чегарасини кенгайтди, социалистик мазмуннинг халққа энг яқин бўлган миллий формаларидан бири сифатида уларни ижодий ўзлаштирди».

Охунжон СОБИРОВ,
филология фанлари кандидати.

«ТАБИАТ АХТАРАР ЎЗИГА РАССОМ...»

Ҳамид Олимжон — нозик туйғулар куйчиси. У инсон қалбидаги мураккаб кечинмалар ва ҳиссиётлар пўртанасини ҳам, баҳор куртакларидек эндигина ниш ура бошлаган туйғулар жилваси ва тебранишларини ҳам нафис бир йўсинда ҳис этади. Унинг шеърларида совет кишиларининг — ватандошларининг чашма сувидек тиниқ ва шаффоф туйғулари мужассамланади.

Шундай рассомлар борки, уларнинг истеъодлари ҳаётнинг маълум бир манзарасини чиқишда айниқса ёрқин намоён бўлади. Кимдир денгизни, кимдир ўрмонни, кимдир ойдин тунларни, яна кимдир инсон қиёфасини айниқса буюк бир маҳорат билан тасвирлайди. Ҳамид Олимжон тасвирида эса ҳамма нарса ўзининг баркамол тажассумига эришган. Унинг тасвирида ҳамма нарса гўзал бир тусда гавдаланади. Инсон туйғулари ҳам, табиат манзаралари ҳам... Бунинг сабаби унинг инсонга, табиатга, ҳаётга бўлган беадад муҳаббатидир.

Шоирнинг ўзи эса бу ҳолни бундай изоҳлайди:

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал
Кўрнанад менинг кўзимга.

Водийларга қуёш тўнкан ҳал
Шунинг учун сархат сўзимга.

Чиндан ҳам Ҳамид Олимжоннинг лирик шеърлари қуёш, ой ва юлдузларнинг ҳарир ёғдулари билан товланади. Бу шеърларда ифодаланган шоир кечинмалари ана шу ёғдулар ёмғирида чайилгандек шаффоф бир кўринишга эга. Бу кечинмалар табиатдаги, ҳаётдаги гўзалликдан ларзага келган шоир қалбининг тебранишларидир.

Ҳамид Олимжон кишилардаги нафосатни ҳам, табиатдаги латофатни ҳам теран ҳис этади. Унинг учун ҳар бир фаслнинг ўзгача бир нашьаси ва нашидаси бор. У қиш кунларида ерни қоплаган қор гиламини, унинг ҳисобсиз учқунлар билан товланиши ва кўз қамаштиришини севади:

Қор... Қор... Қор...
Кўзларим қамашар боққанда.

Шоир қишнинг киши кўзини қамаштирувчи қорига қанчалик мафтун бўлмасин, баҳорга кўз тикади; унинг булбул наволари-ю гул атри билан чулганган манзараларини кўмсайди. Ниҳоят, баҳор кириб келиши билан табиатнинг яшариш палла-

си, ёшлик фасли унинг қалбида ҳам, ижодда ҳам жамол кўрсатади:

Булбул сайрар, чумчуқ чирқирар,
Хабар берар асли зотида,
Гулга қўниб қаттиқ сўйлашар
Қиш пайтининг хотиротидан.
Тиним йўқ ҳар нафас сеп ёзар
Баҳор ечиб ўз тугунчагин.
Тонгги куртак, оқшомги гунча
Саҳар туриб очар чечагин.
Дала юзин қоплар чечак, гул —
Кулиб чиқар ёриб ер тагин,
Зангор кўзларига тўлар нур,
Шудринг билан ювар кипригин.

Ҳамид Олимжон бу мисраларда баҳорнинг муайян фурсатда кўзага яққол ташланган манзарасинигина эмас, балки унинг кириб келиш жараёнини ҳам, табиатдаги уйғонишнинг нозик аломатларини ҳам тасвирлайди. Чумчуқнинг чирқираб турган овози барча мисралар бўйлаб сочилган «ч» товушининг узлуксиз тизмасида акс-садо беради. «Гул» сўзининг товуш компонентлари шеърнинг мусиқий оқимида майин, нафис ва латиф бир шабада олиб киради. Саҳар, хабар, сайрар, ювар, кўзлар, тўлар каби сўзларнинг сўнгги бўғинлари эса бу майин садолар оқимига хос ёқимли оҳанг бағишлайди.

Урол Тансиқбоевнинг «Ўзбекистонда баҳор» ёки «Жонажон ўлка» полотноларидаги бўёқлар ўйини табиат манзарасини қанчалик жонли ва ёрқин ифодалагани қаратилган бўлса, бу шеърдаги товуш ва садолар силсиласи ҳам ўлкамиз баҳорига хос бўлган ранглар ва садоларни шунчалик такрорланмас жозиба билан акс эттиради. Шунинг учун ҳам бу шеърни ўқир эканмиз, шеър мисраларида баҳор симфонияси янграётгандек, кўклам қушлари ва жилғаларининг кумуш садолари жаранглаб, улар шеърнинг бадиий тўқимасини ушлаб, уюштириб ва идора этиб тураётгандек бўлади.

Ҳаётдаги гўзаллик ана шу тахлитда адабиётдаги гўзалликка айланади.

Табиат ошифтаси бўлган шоир, замондошларининг ҳикоя қилишларича, сайр ва саёҳатни ниҳоятда яхши кўрган. У мамлакатимизнинг турли шаҳарларига бориш ва шифобахш масканларда ҳордиқ ёзиш билангина чегараланмай, дам олиш кунлари шаҳар атрофига сайр қилишни гоятда севган.

Шоирнинг Чимён ҳақидаги шеърлари бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Чимён манзараларини фақатгина Ҳамид Олимжон эмас, балки Ойбек ва Шайхзода ҳам тасвирлаганлар. Улар қапамига мансуб шеърлар аини бир вақт-

да — 1936 йил ёзида ёзилгани ва аини бир манзарани тасвир этганига қарамай, улар бир лавҳанинг турли нусхалари ва бир полотнонинг турли этюдлари эмас. Бу шоирларнинг ҳар бири Чимённи ўзича кўрган. Чунончи, гар Ойбекнинг нигоҳи юксак қоялар устида ўсган наъматакка тушган ва шу манзарани у ўз шеърда муҳрлаган бўлса, Ҳамид Олимжон Чимёндаги инсон умрида кўрмаган гуллардан лол қолган:

Бунда гулнинг энг асллари,
Баҳмал гилам, алвон поёндоз,
Табиатнинг бор фасллари:
Ваҳор ва ёз қаршимда пешво,
Қояларда асрлик дoston,
Дараларда оппоқ, мангу қор.
Чўққиларда оташ саратон,
Ёнбағирлар бинафша баҳор.
...Йўлларимда зангор кўллар,
Ойна каби тиниқ ва бежон.
Мен умримда кўрмаган гуллар.
Ном қўйишда ожиздир инсон.

Чимённи обдон кезиб, Қашқа тоғ чўққиларига қадар чиққан, «Менга бугун яқиндир осмон, булутлардан тепамда пода», деб ёзган шоир бу сўлим масканни ана шундай кўради. Чимён Ҳамид Олимжон табиатида мавжуд бўлган романтик кайфиятни уйғотади. Лекин бу ҳол Ҳамид Олимжон Чимён манзараларини романтик бўёқлар билангина тасвирлади, деган сўз эмас. Йўқ, шоир Чимён манзараларини реализм позициясидан туриб акс эттиради.

Умуман, Ҳамид Олимжон лирикасидаги романтизм жилвалари ундаги реалистик тасвир моҳиятига соя ташламайди. Аксинча, унинг реализми романтик бўёқлар билан бойиб, фақат Ҳамид Олимжоннинг эстетик олами учунгина характерли бўлган қирралар касб этади.

Чимённинг юқорида қайд этилган тасвири ҳам, ўз моҳиятига кўра, романтик кайфият билан йўғрилган реализм принциплари асосида чизилган. Бу тасвир услуби Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши йилларига қадар бўлган шеърий ижодида етакчилик қилади.

Шеърят ажабланишдан, завқдан, ҳайратдан туғилади. Агар кишида бундай хислатлар бўлмаса, у тоғ манзараларининг фусункор ранг ва садоларини шу зайлда «ўқий олмаган», демак, ундан шеър туғилмаган бўларди.

Ҳамид Олимжоннинг «Чимён эсдаликлари», «Дон чироклари», «Мизимта бўйда», «Дунё гўзал кўринур сенга» каби шеърлари ҳаётдан ана шундай ҳайратланиш, завқланиш самараларидир.

Биз ватаннинг эллари-ла бўлгумиз доим иноқ,
Еритар доҳий Лениннинг номи дилларни мудом.
Эй, совет халқи яратган ғолибона иттифоқ,
Одамзод бахтига қил беҳисоб йиллар давом.

Ҳамид Олимжон.

Ҳамид чинакам ҳушёр, зийрак, чинакам коммунист раҳбар, жонқуяр сифатида, катта қалб эгаси бўлган азамат шоир ва ташкилотчи сифатида ўз муҳаббатини дўстлар қалбига жойлади.

Собир АБДУЛЛА.

Табиат мўъжизалар билан тўла. Тонг отиши, қуёш ботиши, ой чиқиши, гуллар очилиши каби оддий ҳодисаларни кузатган киши уларнинг ҳам мўъжиза эканига шубҳа қилмайди. Қуёш ва ой, юлдузлар ва Гуллар Ҳамид Олимжон учун ҳамиша мўъжиза, ҳамиша сир, ҳамиша илҳом манбаи бўлган.

Шеърят табиат манзараларини тасвирлашда тасвирий санъат асарларидан сира қолишмайди. Поэтик сўз, рассом кўлидаги бўёқ сингари, ўзининг камалак ранглари билан товланиб, жонли табиатдаги бўёқларни ўзида акс эттириш қудратига эга бўлади.

Санъаткор одатда оддий кишилар эътибор бермаган нарсаларда, ҳодисаларда гўзаллик қатраларини кўради; ҳаёт

сўқмоқларида сочилиб ётган бу қатраларни йиғиб, уларни бир нуқтага жамлайди ва кишиларга тақдим этади.

Ҳамид Олимжон ўзининг лирик шеърларидан бирда қиш манзарасини тасвирлар экан, бундай ёзган эди:

Яралар ажойиб, гўзал манзара,
Қуёш тутган каби булутларга жом.
Уни учраштириб қор ва туманга
Табиат ахтарар ўзига рассом.

Ҳамид Олимжоннинг ўзи ҳам табиат ахтарган бир рассом эди. Шунинг учун ҳам унинг ажойиб лирик шеърларида табиатнинг тақдорланмас гўзал лавҳалари акварель бўёқлар билан чизилган.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.

ОҶАНГЛАР СЕҶРИ

Ҳамид Олимжон бир мақоласида улкан санъаткор Ойбек ижодининг ўзига хослиги тўғрисида гапириб уни «...прозада шоиру поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни шеърда куйлай биладиган таланти шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб бера олади» деб таърифлайди. Бу таърифни айни пайтда адибнинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бинобарин, шоирнинг ўзи ҳам кишилар портрети, қиёфа чизиқларини, рангларни аниқ тасвирлаб бера олади. Унинг шеърларида қаҳрамоннинг ҳам ташқи, ҳам ички қиёфаси уйғун ҳолда намоён бўлади. Шоирнинг 1927 йилда ёзган «Комсомол қиз» сарлавҳали шеърда шундай сатрлар бор:

Порлаган юз, яшнаган кўз ботир
қиз,
Комсомолда чечак каби очдинг юз.

Парчадаги «порлаган юз, яшнаган кўз» иборалари аввало комсомол қизнинг ташқи қиёфасини белгилайди. Янги социалистик тузум, шароит ўзбек аёлига чинакамига порлаш, яшаш ҳуқуқини берди. Биз бу сатрларда ўз бахтидан мамнун, қувончи чексиз, кун сайин яшнаб бораётган ўзбек қизининг чеҳрасини тасаввур этамиз. Бу чизгилар лирик қаҳрамоннинг ташқи қиёфасини белгиловчи сифатлар бўлса, «ботир қиз» бирик-

маси унинг маънавий дунёсига ишорадир.

Шоир пейзаж зиммасига ҳам катта ижтимоий вазифа юклайди. У табиат манзарасини даврнинг, турмушнинг муҳим масалалари билан боғлашга уринади, эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни кўрсатади. Масалан, шоир «Янги турмушга» деб аталган шеърда қуйдагича манзара яратди:

Амаллар кулганда юлдузлар янгли,
қўлларда машъаллар курашга

бордик.

Булутлар кўкларда чодир қурганда,
Чақмоқлар сингари кўксини ёрдик.

Кўринадики, Ҳамид Олимжон манзара фониде бир йўла «Олов, ўт каби кураш севган, янги турмуш, улуғ жаҳон» кураётган давр қаҳрамонлари қиёфасини ҳам яратишга интилади. Табиат манзараси ва қаҳрамон портретини уйғун ҳолда тасвирлаш кейинроқ шоир услубининг асосий қирраларига айланади.

Юқоридаги мисолларда ижтимоий мазмунга кўпроқ урғу берилаётганлиги сезилади. Бунга сабаб, Ҳамид Олимжон ижодининг илк босқичида портрет ва пейзаж умумроқ, мавҳумроқ тарзда намоён бўлади. Шоир масаланинг ижтимоий томонига кўпроқ эътибор беради. Натижада лирик қаҳрамон қиёфасини белгиловчи индивидуал чизиқлар, объектнинг ярқ этиб кўзга ташланиб

турадиган бетакрор бўёқлари кам учрайди. «Қишлоқ қизи», «Шарофат», «Шу куннинг қизига» каби шеърларида ҳам шундай камчиликни кўраимиз. Бунинг устига мана шу даврда яратилган асарларида лирик қаҳрамон қиёфасини, пейзажни тасвирлашда, ўзига хос оҳангни эгаллашда Ҳамид Олимжоннинг бошқа ижодкорлардан ажралиб турадиган ўзига хос услубини кўрмаймиз. Бинобарин, бу камчиликлар шоирнинг изланиш, услубининг шаклланиш даврига тўғри келади.

Портрет ва пейзажнинг тиниқлигига, характерли белгиларни бўрттириб кўрсатишга, бўёқларни танлаш ва конкретлаштиришга интилиш шоир ижодининг иккинчи босқичида (30-йиллардан бошлаб) янада такомиллашди. Энди Ҳамид Олимжон ўз шеърларида лирик қаҳрамон портрети ва табиат манзараларини маҳорат билан чиза бошлади. Шеърлар ўзига хос оҳанг касб этди. Шоир оҳангни мазмунга мослаштиришга интиди, қуруқ жарангдорликдан қочди. Агар бу даврда кўпгина шоирлар (футуристлар, символистлар) шаклга асосий эътиборни қаратиб, мазмунни барбод бераётганлигини, оҳангни етакчи омил деб қараётганлигини назарда тутсак, Ҳамид Олимжоннинг ўзбек совет поэзиясида социалистик реализм принципларининг қарор топишидаги хизматлари катта эканлигини билиш мумкин. 1932 йилда ёзилган «Бахтлар водийси» шеъри юқорида таъкидланган фазилатларнинг етилганлигини, шоирнинг ўзига хос услуби тўла шаклланганлигини яққол исботлайди. Бу шеърда ўзбек пахтакорларининг характери яратилади. Шоир бу пахтакорнинг фикр ва кечинмалари оқимини табиат манзаралари билан уйғун ҳолда беради. Шеърда Фарғона водийсининг гўзал, хушманзара табиати маҳорат билан чизилади.

Шеърнинг дастлабки сатрларида табиат манзараси ҳаётий, жонли тасвирланиб, катта ижтимоий маънони мужассамлаштирган бўлса, кейинги бандларда шоир аниқ деталларга таяниб, большевик водийсининг паҳлавон пахтакори қиёфасини беради.

Шеърдаги ҳар бир мисра ўзбек пахтакорининг маълум бир фазилатини бўрттириб кўрсатишга бўйсундирилган. Бу ерда унинг меҳнатга, далага ҳаваси, иштиёқи, кайфияти, мардона меҳнати ва меҳнатининг натижаси ўз ифодасини топган. Шеърда «Бахтларни балоғатга етказган она» — Фарғона водийсининг манзараси билан шу «Бахтли водийнинг большевиклари» бўлмиш ўзбек пахтакорининг қиёфаси параллел суратда яратилади. Тўрироғи, пахтакор портрети табиат манзаралари фонида бутун қирралари, барча фазилатлари билан намоён бўлади. Шеърда пейзаж билан пор-

трет бир-бирини тўлдиреди, уларнинг замиридаги фикрлар оқими бир ирмоқни ташкил этиб, ўзаро пайвандланиб кетади.

Ҳамид Олимжоннинг кўпгина шеърларида, айниқса, баллада ва достонларида қаҳрамонлар портрети янада аниқ ва мукамал ишлана бошлади. Бу жиҳатдан «Зайнаб ва Омон» достони ажралиб туради. Ҳамид Олимжон ижоди тўғрисидаги илмий тадқиқотларда шоир яратган қаҳрамонларнинг портретлари ҳақида етарли фикрлар баён қилинган эмас. Борлари ҳам қисқа ёки бири-бирига зид. Биргина адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов «Шоир дунёси» китобида Зайнабнинг портрети «Ҳаққоний ва шoirона илҳом билан» чизилганини таъкидлайди.

Бирок ўрта мактабларнинг IX синфи ўқун чиқарилган «Ўзбек совет адабиёти» дарслигида: «Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Зайнаб ва Омон образини яратишда шоир бирон ўринда ҳам уларнинг портретини чизмайди», деган фикр илгари сурилган. Ваҳоланки, достоннинг IV бобидаёқ Зайнабни мукамал ва жозибали портретига дуч келамиз:

Кокиллари унинг тол-тол,
Лабларида битган қора хол.
Вир дунёга арзигудай бор,
Кўзлар ёниб ахтарар бир ёр.
Ёр ахтариб боққанда қийғоч,
Қоши бўлиб худди қалдирғоч,
Атрофида ойлар чарх урар,
Теграсини юлдузлар ўрар.
Покизадир қизнинг тўлаги.

Афсуски, бу портрет дарслик авторларининг эътиборидан четда қолиб кетган.

Бундан ташқари шоир ўз сеvimли қаҳрамонларининг портретларини бутун достон давомида тўлдириб ҳам боради, уларнинг қиёфасига янги-янги чизгилар тортади. Масалан, Зайнабнинг «Кўнгли баҳор кўкидай тоза»; «Қарайди қиз, бамисоли тун», «Кўзларида бутун бир олам», «Тун Зайнабнинг қарашларида», «Қиз кўзидай қора эди тун», «Қиз қалбидай пок эди ҳаво» сингари ташбеҳлар қиз қиёфасини янада бўрттиради, ундаги бўёқларни тиниқлаштиради. Ҳамид Олимжон Зайнабнинг ташқи қиёфасидаги чизиқларни конкретлаштириш билангина чекланиб қолмайди, балки юқоридаги сатрларда қаҳрамоннинг ички ва ташқи дунёсини уйғунлаштиради. Шоир ҳатто Зайнабнинг овозига ҳам эътибор беради. Агар революциядан илгари қизнинг «Қайғу тўла овози майин» бўлса, янги тузум даврида «Бахт жаранглар қувноқ сасида».

Шоирнинг портрет яратишга моҳирлиги унинг кичик лирик асарларидан тортиб, йи-

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламоқлик зўр саодатим.

Ҳамид Олимжон.

Ҳамид Олимжон ўз поэзиясида ўзбек тупроғининг гўзаллигини ўзбек чаманларининг муаттар ҳидларини моҳирона тасвирлаб берган ажойиб шоиргина эмас, балки меҳмондўст сахий мезбон ҳам эди.

Эди ОГНЕЦВЕТ.

рик полотноларигача яққол кўриниб туради.

Шоирнинг «Ўзбекистон» шеъри заминида совет халқларининг бахти ва шодлиги социалистик тузумда, тенг ҳуқуқли қардош халқлар оиласида, уларнинг метиндек мустақкам дўстлигидадир деган ғоя ётади. Шеърда ўз она юридан, бахтидан миннатдор бўлган совет кишининг лирик кечинмалари майин лирик оҳангда куйланади ва улар табиат манзаралари билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади.

Шеърда лирик қаҳрамон кечинмалари орқали берилаётган ғоявий мазмун динамик равишда ўсиб боради, ҳар бир сўз ва мисра иккинчисини тўлдиради, ривожлантиради. Композицион жиҳатдан мукаммал ишланган, ўткир, содда, бадий тил билан ёзилган бу асарнинг заминида катта ҳаётий ҳақиқат ва таассуротлар ётади. Шеърда оҳанг мисрама-мисра кўтарилиб боради. Худди музика асари сингари бу шеърнинг ҳам ўз даромади, авжи ва тугалланмаси бор.

Лекин Ҳамид Олимжоннинг ҳамма асарларида ҳам оҳанг юқоридагидек аста-секин кўтарилиб бормади. Шоирнинг шундай шеърлари ҳам борки, уларда оҳанг биринчи мисрадаёқ авж пардада бошланади ва шеърнинг охиригача сақланади. «Россия» шеъри бунга яхши мисол бўла олади. Мазкур шеър фақат оҳанг нуқтаи назаридангина эмас, балки ўлка қиёфасини чизиш (портрет), табиат манзараларини нозик тас-

вирлаш (пейзаж) маҳорати билан ҳам эътиборга лойиқдир.

«Россия» — лирик қаҳрамоннинг монолог — мурожаати шаклида яратилган шеърдир. Унда улғувор Россиянинг қиёфаси жуда аниқ чизилади. Лирик қаҳрамон — шоир социалистик Ватанини ташкил меҳр билан севган, уни асраш учун ҳаёт-мамонт жангига кирган баҳодир авлоднинг фидоқорлигини куйидаги мисраларда баланд овоз билан куйлайди:

Йигитлар сен учун жангга кирганда,
Вотирлар сен учун берганида жон.
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг энгишингга келтирдим имон.

Бу банддаги «сен учун», «қон оққан», «сенинг энгишингга» ва «имон» каби сўзлар ўқиш жараёнида алоҳида таъкидлашни талаб қилади. Умуман, бу шеърда бирон бандни, бирон сатр ёки сўзни паст овоз билан ўқиш мумкин эмас. Ҳамид Олимжоннинг «Россия» шеъри фикрлар оқимининг узлуксиз, занжирли ҳалқасини ташкил этувчи, композицион жиҳатдан яхлит, пухта ишланган мукаммал асардир.

Хуллас, шоирнинг ҳар бир асари у хоҳ катта, хоҳ кичик ҳажмли бўлсин, катта поэтик маҳорат билан ишланган санъат асари даражасига кўтарилган. Ҳамид Олимжон асарларининг севиб ўқилаётганлигининг боиси ҳам шундадир.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

ҲАМИД ОЛИМЖОН — ДРАМАТУРГ

«МУҚАННА» ДРАМАСИ МИСОЛИДА

Орадан кечаётган йиллар «сўзлари олов парчаси» (Ойбек) бўлган Ҳамид Олимжоннинг ижодига дахлдор янги қирраларни кашф этмоқда. Ҳамид Олимжон «лаззатларга бой, завқларга тўла» янги даврни «ўзи қадар гўзал ва самимий бир шаклда санъаткорона тасвир этмоқ»дек юксак ният билан ижодга киришган эди. Шоир ўз ижодий эътиқодига қатъият билан, амал қилади. Янги тузум — социалистик воқелик «нашидаларини туймоқ», унинг

«завқларига сингиб, севинчларига ғарқ бўлмоқ» бобида ёзилган асарларида ҳам, шунингдек, тарихий мавзудаги ижод намуналарида ҳам давр санъаткорона тасвир этилади. Бу жиҳатдан ижодкорнинг «Муқанна» драмаси характерлидир.

«Муқанна» драмасига асос бўлган воқеа-ҳодисалар VIII асрда кечади. Араблар босқини жуда узоқ чўзилган, халқ томонидан нафрат билан қаршилланган даҳшатли ҳарб даври эди. Араб истилочила-

рига қарши кураш халқимиз тарихининг қаҳрамонона саҳифаларини ташкил этади. Драма халқимиз бошига фашизм вабоси ёғилган даврда яратилди. Бу билан шоир халқимизнинг шонли ўтмишини бадий жонлантириб, совет кишиларининг эрк учун, озодлик учун гитлерчиларга қарши олиб борган кураши қанчалар муқаддас, тарихан анъанавий эканлигига ишора қилади. Драма қаҳрамонларидан бири Оташнинг

Зарафшондай тўлиб оққанида ҳам
қон,
Эрк севган эл таслим бўлмас ҳеч
қачон,—

деган сўзлари бу мақсаднинг ёрқин ифодасидир.

Атоқли санъаткор Ойбек таъкидлагандек, «Муқанна» пьесаси Ҳамид Олимжоннинг ўйлаган катта асарларидан биринчи қалдирғочи эди.

Ҳамид Олимжон тарихий воқеа-ҳодисаларни бадий асарга кўчирганда, уни ёритишга актив муносабатда бўлади, фактларга солномачи сифатида эмас балки марксча-ленинча назариядан келиб чиқиб, иттифоқлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик инсонпарварлик ғоялари асосида ёндошади. «Муқанна» драмасидан бирмунча вақт аввал ёзилган «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» номли мақоласида Ҳамид Олимжон «социалистик реалист, ҳодисаларни қайд қилувчи — регистрация қилувчи, пассив мутолачи ёзувчи эмас, балки ҳодисаларга узвий равишда жипс боғланган, ҳодисалар билан бирга ҳаракат қилган, унга таъсир берувчи актив, ўзгартрувчи, қурувчи санъаткордир. Социалистик реалист... профессионал тарихчилардан муфассал, статистиклардан мукамал этиб, бадий образларда, бу даврнинг тўлақонли, ўлмас тарихини яратмоғи керак» деб ёзган эди. «Муқанна» ана шу назарий фикрнинг амалий давоми сифатида юзага келган.

Ҳамид Олимжон халқимизнинг араб босқинчиларига қарши олиб борган қарийб икки асрлик кураши тарихини қаламга олганида, ўз олдига «бу даврнинг тўлақонли, ўлмас тарихини яратмоқни» мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун у халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши турли даврларда олиб борган мардонатор курашлари тарихини синчиклаб ўрганади, биринчи манба — қўлёзмаларни тадқиқ этади. Араблар истилосининг мураккаб тарихини ўрганиш, ўша даврнинг ҳақиқий манзарасини тиклаш шоирдан катта билим салоҳият ва жасорат талаб қилганлиги аниқ. Бир томони ўша даврга оид манбаларнинг кам-

ёблиги, борларини ҳам танқидий ўрганиш лозимлиги бунга сабаб эди.

Ҳамид Олимжон «Муқанна»ни яратишда асосан Наршахий ва Беруний асарларига таянган. Шу билан бирга Шарқ маданияти ва санъати ҳамда фалсафасини чуқур билиши ҳам ижодкорга катта ёрдам берган. X аср тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» асарида арабларнинг Мовароуннаҳрга бостириб келиши ва унга қарши халқнинг узоқ вақтлар давомида олиб борган кураши ҳақида анча тўхталган. Наршахий мажбурият орқасида мусулмонлик ақидаларини унутмаган ҳолда арабларга ён босади, аксинча уларга қарши курашган ватандошларини, жумладан, Муқаннани ҳам койиш билан тилга олади. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон бу асарни танқидий ўрганади, тарихчининг бир томонлама қарашларига тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндошади.

Шоирнинг хаёл кучи VIII асрда яшаган, мустақиллик ва озодлик деб қўлга қилич олган кишиларнинг, феъл-атворини ўз даврига мос чизгилар билан чизишга имкон беради. «Бухоро тарихи»да тилга олинган кишилар номи, уларнинг фаолиятига оид бирон жумла ёхуд ғира-шира ишора бунда катта роль ўйнаган. Масалан, Наршахий асарларида Муқанна ташвиқотчилари ҳақида «У ҳар ерга дойларини юборди ва кўп халқни йўлдан оздирди» деган ғоят умумий бир калима бор эди. Тарихнавис лоқайд тилга олган, аммо, Муқанна ғалаёнида муҳим ўрин тутган ташвиқот фактига Ҳамид Олимжон алоҳида эътибор беради. Драма худди шу воқеадан — муқанначилик тарғиботи сахнасидан бошланади. Бу тарихий далил Муқанна исёнининг шунчаки стихияли эмас, балки уюшган кураш эканлигини кўрсатишда, унинг сиёсий моҳиятини белгилашда катта аҳамиятга молик эди. Муқанна тарғиботчиларининг исёни тайёрлашдаги роли ниҳоятда катта бўлганлигини Наршахий асарининг яна бир ўрнида тан олади. Нахшаб (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларида аҳоли Муқаннани қўллаб-қувватлайди. Наршахий «ниҳоят бу фитна улғайиб кетди ва мусулмонлар (араблар — авт) учун қаттиқ бало бўлди» деб ёзишга мажбур бўлади. Аслида тарихий шахс бўлган Муқанна ҳаракатида катта ўрин тутган, Наршахий таъбири билан айтганда «Муқанна тоифасининг улуғларидан» бири бўлган Ғирдак драмада озодлик кураши ғояларини ташвиқ этган фидоий дойларнинг умумлашма образи сифатида гавдалантирилган. Драмадаги 16 образдан 10 тасининг номи «Бухоро тарихи»да зикр этилган. Бу ҳам асарга худди

Бу — Шарқнинг юлдузи — Ўзбекистондир,
Урта асрларнинг Осийси йўқ.
Янги дарёларнинг севар ўлкаси,
Бағри шодимонлик, бахт билан тўлиқ.

Ҳамид Олимжон.

Ҳамид Олимжонда катта шоир ва катта ташкилотчилик қобилияти узвий боғланиб кетган эди.

Лидия БАТЬ.

шу манба асос бўлганлигини билдиради. Бу образларнинг тарихан уйғунлик даражаси ҳар хил бўлишига қарамай, улар асосида реал шахслар туриши фактининг ўзи аҳамиятлидир. Муқанна образини ишлашда унинг ниқоб кийиб юриши сабабларини ҳал қилиш драматург учун ниҳоятда мураккаб жумбоқ бўлган. Наршахий буни «Ҳошим ибн Ҳакими Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди» деб жўнгина ҳал этиб кўя қолади. Наршахийнинг бу даъвоси қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги қоронғи. Ҳарқалай, Муқанна ҳалокатидан сўнг унинг номини дин арбоблари имкон қадар булғашга уринганликлари рост. Тарихчининг қайдида ҳам шунга яқинлик бор.

Ҳамид Олимжон эса Муқанна ниқобининг «сири»ни асар ғоясини очишга бўйсундиради — ниқоб арабларга қарши кураш рамзи, қасамёд белгиси сифатида талқин этилади.

Ҳамид Олимжон воқеаларнинг тарихан реаллигини таъминлаш учун қадимги манбаларда йилт этиб кўриниб кетадиган, араблар тажовузига дахлдор фактларга жиддий эътибор беради. Масалан, драмада Пайканднинг таланиши ҳикоя қилинган сатрларда тарих шаҳодати шундоқ билиниб туради:

Гулбод

Эссиз шаҳар, эссиз шаҳар ё тавба!
Уни вайрон қилувди-ку Қутайба,
Оташ

Пайканддаги элнинг бори мулкини,
Қарамасдан йиғи-сиғи, фарёдга,
Карвон-карвон кўчирганда Бағдодга,
Вутхонадан топган экан бир санам,
Олтин билан роп-роси қирқ минг
дирҳам.

У санамнинг кўзларида кабутар
Тухумича келадиған инжулар.
Бўлган экан. Қутайбанинг ўзи ҳам
Ер юзида бунчалар бой шаҳар кам,
Деб Ҳажжожга ёзган экан

мактублар —

Кўчирганда карвон-карвон олтин-зар.

Бу мисраларда тилга олинаётган бут ва кабутар тухумидек келадиған марварид доналари ҳақида тарихий манбалар гувоҳлик беради. Чунончи, «Бухоро тарихи»да «Қутайба Пайкандни фатҳ этганида бир бутхонадан оғирлиги тўрт юз дирҳам келадиған бир бут топган. У ҳар бир кабутар тухумидек келадиған иккита марварид ҳам топиб олган. Кейин Қутайба бу қимматбэхо нарсаларни йиғиб Ҳажжожга

юборади. Шундан кейин Пайканд кўп йиллар ҳароб бўлиб қолди» дейилади.

Араблар истилосига қарши олиб борилган кураш фони билан боғлиқ бўлган тарихий фактлар силсиласида Муқанна характери шакллана боради. Бу жиҳатдан халқ билан Муқаннанинг учрашув сахнаси характерлидир.

Элни гадо қилган закоту бож ҳам,
Камбағалга бало бўлган хирож ҳам.
Нима учун юрт чиқмайди оловдан,
Нима учун эл қўтилкас таловдан?
Қиз онадан, хотин эрдан ажралди,
Косиб уйдан, деҳқон ердан

ажралди,—

дея хитоб қилади.

Муқанна монологининг тарихий асоси бор. Бу ерда «қиз онадан, хотин эрдан ажралди» сатрига шарҳ келтирамыз. Талончилик остида минглаб кишиларнинг қатл этилганлиги шубҳасиз. Лекин, «Бухоро тарихи»да Наршахий қишлоғида юз берган шундай бир воқеа сўзланади. Қишлоқнинг ҳукмдори аёл киши бўлган. Унинг эри Абу Муслим томонидан ўлдирилади. Араб лашкарбошиси Жабраил у хотинга «Абу Муслимнинг гуноҳидан кеч» деб сиёсат қилганида, у аёл «Абу Муслим деб мусулмонларнинг отасига айтилади, менинг эримни ўлдиргандан кейин у мусулмон бўладими!» деб рад жавобини беради. Қаттол Жабраилнинг буйруғи билан аёл ва яқинлари қиличдан ўтказилади.

Тарихий фактлар ва уларнинг драмадаги бадий сайқалига тўхталишдан кузатилган ният, мазмуннинг ўша давр учун ҳаётий ва ишонарли бўлишини таъминлашда драматургнинг кичик, аҳамиятсиздек, кўринган, умумий бўлган тарихий фактлар синтезидан бадий умумлашмалар ярата олганлигини таъкидлашдан иборатдир.

Ёвга қарши курашда Муқанна тарафдорлари бўлган Хишрий, Ғирдак, Боғий ва Ҳаким образларини тасвирлашда ҳам тарихийлик принципига риоя қилинади. «Бухоро тарихи»да бу тўрттови «жанговар лашкарбошилар» деб таъриф қилинади. Муқанна исёнининг асосида деҳқонлар турганлиги учун ҳам драматург мазкур кишиларни деҳқонлар вакили сифатида талқин этади. Тарихан олганда бу тўғри таҳрир, шунингдек тарихий манбада ҳам Ҳаким Аҳмад, Боғий ва Ҳашвийларнинг (исмларида ҳам жузъий истилоҳ бор) араблар қўлида ҳалок бўлганлиги айтилади. Драмада эса Ҳаким тақдири «қайта ишланган». У хиёнаткор сифатида қатл этилади. Муқанна қўзғолонининг энгилиши-

да бойларнинг сотқинлиги машъум роль ўйнаганлиги маълум. Масалан, Бухоронинг Соҳиб барида (алоқа бошлиғи) халифа Мадҳийга махфий маълумотлар юбориб турган. Ҳақим образи орқали ана шу тарихий ҳақиқат очиб берилади, бинобарин, унинг мантиқида ҳаёт ҳақиқати акс этади.

Драмадаги Кулартакин ҳам реал, тарихий шахс. Муқанна ҳалокатидан сўнг ҳам арабларга қарши кураш тўхтамаган, афтидан, Кулартакин бунга узоқ вақтлар бошчилик қилган бўлса керак. Наршахий Муқанна саркардаларидан бўлган Кулартегин номли бир саркарда бор эди, у лашкар ва мулозимлар тузиб Мусайяб билан урушлар қилди» деб ёзади. Драмада Кулартакин асарнинг оптимистик руҳини ташувчи, ҳаётбахш образ сифатида гавдаланади. Ҳамид Олимжон Муқаннанинг ўлими халқ курашининг энгилиши эмас, балки унинг Кулартакин, Гирдак бошчилигида янада кучлироқ давом этажagini тасвир этади. Шунга кўра, «Муқанна» асари оптимистик фожиадир. Буни Муқаннанинг сўнгги сўзлари ҳам тасдиқ этади:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
 Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
 Мен элимнинг юрагида яшайман,
 Эрк деганнинг тилагида яшайман.
 Яна мени кўрмакка зор бўлганлар,
 Кулартакин ва Гирдакка боқсинлар...
 Нафрат ўти каби ёниб қонларга,
 Қўшиламан миллион-миллион
 жонларга.

Гулойин образининг прототиби йўқ, у драматургнинг тўқима образи. Гулойинни юқорида тилга олганимиз Наршах қишлоғининг ҳокимаси деб тақдим этиш ҳоллари бор. Жабраил томонидан чопиб ташланган (Гулойин Сайидбаттол томонидан ўлдирилади) наршахлик қаҳрамон аёл драматургнинг Гулойин образини яратишида илҳом манбаи бўлгандир, эҳтимол. «Бухоро тарихи»да Абдуллоҳ ибн Амр деган киши тилга олинади: «у Муқаннага имон келтиради ва қизини унга хотинликка беради».

Ёки, араблар хуружи бошланган дастлабки даврларда Бухорода подшоҳлик қилган аёлни эсга олайлик. У арабларга қарши тадбиркорлик билан иш кўради. Гу-

лойин «Бухоро тарихи»да тилга олинган ватанпарвар хотин-қизларнинг умумлашма бадийи образидир.

«Муқанна» драмасидаги иккинчи қутб.— араб босқинчиларининг образини яратишда ҳам муаллиф биринчи марта бостириб келди. Ибн Муоз (Маоз ибн Муслим — муқанначиликни даф қилиш учун 778 йилда келган араб лашкарбошиси), Зайд (Бухоро ва Сўғдга биринчи марта бостириб келган араб саркори Убайдуллоҳ ибн Зиёд), шунингдек, Саидбаттол ва Жалойир образлари заминда тарихий илдишлар мавжуд. Сайидбаттол — Муқаннага қарши курашган Саъид Харашийнинг Ҳамид Олимжон ижод лабораториясида яратилган образидир. Араб руҳонийси сифатида берилган Жалойир эса Наршах қишлоғининг аёл ҳокимасини ўлдирган вазир Жабраил ибн Яҳёнинг прототиби. Бундан шу нарса аниқ бўладики, драматург ижобий ва салбий образларни гавдалантиришда тарихийликка бирдек асосланган.

Драмадаги учинчи — тўқима образлар туркуми ҳам (Оташ, Гулобод, Феруз) асар конфликтининг тадрижи ва бадийи ҳал этилишида ўзига хос ўрин тутаяди.

Тарихий реал шахслар образини яратишда, шунингдек, бадийи тўқима характерларни чизишда Ҳамид Олимжон муҳофазасининг улуғворлиги, бадийи тафаккурининг бекиёслиги, санъаткорлиги ёрқин намоён бўлади. Драматург характер яратиш ва воқеаларни тасвирлашда тарихийлик мантиқидан келиб чиққан.

Ҳақим, Гирдак, Сайидбаттол образларининг прототиплигига дахлдор жиҳатлар тарихий-бадийи тўғри андоза олишда ижодкорга асқотади. Тўқима образлар яратишда ҳам шу йўл тутилганлигини Гулойин образи мисолида кўриш мумкин. Ҳақиқатда, драматург характер яратишда, воқеалар тизишда тарихийлик мантиқидан келиб чиқаяди.

Драманинг мана шу хусусиятларини кўзда тутиб, таниқли адиба Лидия Бать шундай ёзган эди: «бу асар характерни тасвир этишда Шекспирча дадиллиги билан, эҳтирос кучи билан алоҳида ажралиб туради».

Поён РАВШАНОВ,
 Дамин ТҶРАЕВ,

филология фанлари кандидатлари.

Невский ухлаган буюк бешикда
 Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
 Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,
 Навоий шарафи яшар муқаддас.

Ҳамид Олимжон.



ЖУРНАЛ ОТАЛИФИДАГИ ХАМИД ОЛИМЖОН НОМИ КОЛХОЗДА

ЛАВҶА

КОЛХОЗ идорасининг ҳашаматли икки қаватли фиштин биноси шафақ нурига чўмилган. Дераза ойналарида уфққа лаб босган қуёш нурлари жилоланади.

Ана, катта йўл бетида — кўм-кўк арчазор қўйнида Ҳамид Олимжоннинг қумуш-ранг ҳайкали салобат билан кўзга ташланади: шоир кўлида китоб билан шахдам одимлаб бораётганида бирдан тўхтаб, ўктам овозда шеър ўқиётгандек...

Ям-яшил арча шохларида чумчуқлар учиб-қўниб, беозор чуғурлашади, бир жуфт мусича барги хазонларни тўзғитиб, бир-бирини шўх-шодон қувлашади. Шу пайт, қаердадир — яқин орада чилдирманинг гижбангию сурнайнинг ўтли садоси янгради.

Ҳиёбондан галстук таққан йигитлар, гул кўтарган қизлар хандон-хушҳол суҳбатлашганча ўтиб кетдилар.

Фиштин бино рўпарасига эскигина «Газик» келиб тўхтади. Машинадан сочлари дув оқарган, ўрта бўйли, кенг пешонаси серажин, эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги қорамағиз киши — раис Ҳасанбой Эргашев тушди-да, чаққон эшикни ёпиб, иккинчи қават зинапояси сари илдам йўл олди.

Шофёр йигит ийманиб:

— Ҳасанбой ака! — деди-да, бошини кабинадан чиқарди. — Тўйга бормоқчи эдим.

— Тўй... майли. — Раис шундай дея бош бармоғини бигиз қилди. — Лекин!..

Эртага тонг билан янги фермага борамиз-а...

Иккинчи қаватдаги кенг хона одамлар билан гавжум. Ҳисобчиларнинг қўли-қўлига тегмай чўт қоқиб, нималарнидир ёзишяпти. Бригадиру табелчилар қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб беришмоқда. Айримлар эса чекка-чеккада бемалол гурунглашиб ўтиришибди.

Ҳасанбой Эргашев бўйинини чўзиб, ичкарига қаради. Ҳамма жим бўлиб қолди. Бурчакдаги стол қаршисида ўтириб, телефонда гаплашаётган туташ қошли хушсурат йигит беихтиёр эшик тарафга ўгирилиб раисни кўрдию ўрнидан турди.

Раис:

— Қаҳрамон, кейин менга қарагин! — дея бурилиб, кабинетига кириб кетди.

Котиб йигит трубкани жойига қўйиб, стол устида сочилиб ётган қоғоз-қаламларни наридан-бери тахлаган бўлди. Сўнг катта дафтарни қўлтиғига қисиб, раиснинг кабинети томон ошиқди.

* * *

Халқ — анойи эмас, ҳаммани ҳам ҳурмат қилавермайди.

Ҳасанбой Эргашевнинг колхоз правлениеси раислиғига сайланганига ўн етти йил тўлиб ўтди. Шу давр мобайнида хўжалик катта тараққиёт йўлига тушиб олди. Йил сайин тинимсиз меҳнат ва изчил изланишлар натижасида барча соҳаларда ҳосилдорлик кескин оширилди, қишлоқ қиёфаси беҳад кўркамлашди.

Минг тўққиз юз олтимиш учинчи йили 1160 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан атиги ўн центнернинг нари-берисида ҳосил олинган бўлса, орадан бир йил ўтгандан сўнг бу кўрсаткич қарийб йигирма центнерга етказилди, 475 тонна пахта механизацияга ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Утган йили ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик даромади 1518 сўм, механизаторларники 1967 сўмдан ошиб кетди!

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 1210 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштирилди, ялли ҳосилнинг 85 фоизга яқини терим агрегатлари бункеридан тўкилди.

Шу кунларда 600 бош қорамолга мўлжалланган бир миллион етти юз минг сўмлик йирик сут-товар комплексида охириги монтаж ишлари бажарилмоқда.

Шунақа...

* * *

Котиб йигит кабинетдан чиқиб:

— Ҳамма активлар Ҳасанбой аканинг кабинетига!— деди.

Фаоллар стулларни нари-бери суриб, кенг, иссиқ, ёруғ хонадан жой ола бошладилар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Алибой Сарибоев жигарранг папка кўтариб, ичкарига кирди-да, бир зум тўхтаб, ён-верига кўз югуртирди. Сўнг раис столининг ёнидаги бўш курсига бориб ўтирди.

— Ҳаммангизни табриклайман, ўртоқлар!— деди Ҳасанбой Эргашев мамнуният билан ўрнидан туриб.— Яқинда йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, юзимиз ёруғ, тилмиз узун бўлган эди. Мана бугун давлатга гўшт сотиш планини ҳам ошириб бажардик. Яхши-а!

— Зўр! Узларини ҳам табриклаймиз!— деган табрик хитоблари эшитилди.

— Куллуқ, раҳмат!— дея раис секин столни чертди.— Энди ўртоқлар, кундалик мажлисимизни ўтказиб олайлик. Кейин бошқа бир муҳим масалани кўриб чиқишимиз керак. Мактаб директорлари, клуб, кутубхона мудирлари борми?... Ҳа, дуруст. ...Раис тилга олган муҳим масала— атоқли ўзбек совет шоири Ҳамид Олимжоннинг 70 йиллик юбилейига қарата колхозда амалга оширилаётган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида эди.

Республика адабий-маданий ҳаётида катта воқеа саналган бу тантана кунларига шоир номи билан аталувчи колхозда эрта куз фаслидаёқ қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган эди; юбилей комиссияси тузилган, комиссия раислигига эса Алибой Сарибоев сайланган эди.

Ҳўжаликда учта мактаб бор. Қишлоқ марказидаги ўн йиллик мактабнинг бит-тасига шоир номи берилган.

Ҳамид Олимжон номли мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари янги ўқув йили бошидан оқ адабиёт кабинетларида шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи фотомонтажлар, махсус бурчак ҳамда оқори синф ўқувчилари ўртасида «Ҳамид Олимжон партаси» ташкил қилган эдилар. Аълочи, жамоатчи ўқувчилар ўртасида шоир партасига ўтириш шарафини қўлга киритиш учун ўзаро мусобақа авж олиб кетди.

Бобир номли мактаб коллективи шоир ҳайкали ва хиёбони атрофларини ободонлаштирди; Ҳамид Олимжон ҳайкалига элтувчи йўллар бўйида шоирнинг машҳур «Ўзбекистон» шеъри мавзуда ранг-баранг лавҳалар бунёд этди. Ажойиб рангин лавҳалар кўзларни яшнатиб, дилларга завқ-шавқ бағишламоқда.

— Колхоз клуби ва кутубхонасида шоир асарлари асосида катта китоб кўر-газмаси ташкил қилинган. Ҳозир ҳафта сайин китобхонлар конференцияси, шеърхонлар мушоираси ўтказилмоқда,— дея Алибой Сарибоев жигарранг папкани аста ёпаркан, ўтирганларга назар ташлаб, сўради:— Ҳадемай юбилей тантаналари бошланиб кетади. Қани, кимда яна қанақа таклиф бор?

— Менда!— деб Ҳамид Олимжон номли мактаб илмий ишлар бўлими мудир Тошқул Ашуров ўрнидан турди.— Ҳўш-ш... колхозимиз кўп эмас, беш юз сўмча маблағ ажратса. Зарур жиҳозлар сотиб олиниб, бизнинг— шоир номи билан аталувчи мактабимизда Ҳамид Олимжон музейи ташкил қилинса...

Қимдир луқма ташлади:

— Ажойиб таклиф!

Бошқа бирови эса:

— Ўқувчиларга шоир ҳаёти кўرғазмали ибрат бўларди-да!— деб уни маъқуллади.

— Яхши таклиф,— деди раис одамларни тинчитиб.— Ўйлаб кўрамиз. Лекин сметага киритиш керак...

Бошқа таклиф тушмади.

Бир ордан сўнг хонада Ҳасанбой Эргашев билан Алибой Сарибоев ёлғиз қолди.

— Ҳозир бир коса аччиқ шўрва ёки серқалампир палов бўлса,— деди раис ташшаниб.— Маза қилиб есанг.

Алибой Сарибоев соатига қаради:

— Валихўжа ака қизининг никоҳ тўйига таклифнома ташлаб кетган эди, бора-мизми?— деди.

— «Мизсини олиб ташланг, Алибой!— деб раис теллагини кийди.— Кетдик... Бошбуҳни, профкомниям айтинг.

Ташқари салқин. Ҳавода қор ҳиди анқиб, ғужғон ўйнашаётган юлдузлар чат-

нагудек чарақлайди. Тўйхонадан таралаётган ўйноқи қўшиқ садолари эса баралла эшитилиб турарди.

Улар арчазор йўлакдан юриб, қўнғиз нусха неон чироқлар ёритиб турган катта йўлга чиқдилар.

Меҳмонларни дарвоза олдида тўй эгалари қарши олиб, келин-куёву йигит-қизлар... базм қилиб ўтиришган узун ёзлик айвонга туташ хонага олиб кирдилар. Меҳмонлар тўкин тўй дастурхони атрофида давра қурдилар.

Раис хушбўй кўк чойдан бир ҳўллаб, сариқ ёғда пишган сомсани қўлига олarkan:

— Россиялик бир азиз меҳмон Ҳамроқул Турсунқуловникида бўлганида «Сиз ўртага қўйган бу озиқ-овқатлар бутун оилам билан қирқ кун еганимда ҳам тугамайди-ку!» деган экан. Агар бизнинг оддий колхозчимизнинг дастурхонидаги мана шу нозу неъматларни кўрса, нима деркин-а?!— деди.— Бай-бай-бай-й... Сомсанинг ҳидини қаранг-а!

Шу пайт кимдир раис рўпарасидаги ойнани чертиб, иккала бармоғини кўрсатди.

Ҳасанбой Эргашев беихтиёр ҳушёр тортиб:

— Иккинчими?.. Иккинчи секретарми? — деб сўради-да, сомсани жойига қўйиб, ўрнидан турди.— Сизлар бемалол...

Тўй эгалари ночор раисни катта йўлгача кузатиб қўйдилар.

Ана, Ҳасанбой Эргашев илдам одимлаб борар экан, хиёбонга етиб тўхтати. Тўйқусдан ўқитувчининг музей очиш ҳақидаги таклифини эслаб, ой нурига чўмилган шоир ҳайкалига қандайдир ички қаноат ҳисси билан ўйчан тикилди: Ҳамид Олимжон қўлида китоб билан шахдам одимлаб бораётганда бирдан тўхтаб, ўктам овозда шеър ўқиётгандек эди:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ...


Мен элимнинг юрагида яшайман,

Эрк деганнинг тйлагида яшайман.

«Ҳа... шундай!— Ҳасанбой Эргашев катта йўлни шошилич кесиб ўтаркан, дилида қайд этди.— Музей ҳам очиш кера-ак...»

Кейин шу аснода у райкомнинг иккинчи котиби бемаҳалда нимага келганини ўйлаб кетди.

Нортўхта ҚИЛИЧЕВ.





ШОИР НОМИДАГИ МЕТРО СТАНЦИЯСИ

ЛАВҲА

Э ШИКЛАР ёпилади! Кейинги станция Ленин майдони.

Беш вагонли зангори поезднинг репродукторидан янговчи бу сўзлар тошкентликлар юрагига шавқ солади. Ҳа, мана икки йилдирки, Тошкент метроси кунига 250 минг шахарлик ва пойтахт меҳмонларининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Ишчи-хизматчиларни ўз вақтида манзилларига етказиш масаласи анча-мунча ҳал бўлди.

Ҳозирги кунда шаҳар марказида яшовчи ҳамшаҳарларимиз «Самарқанд» автостанциясига бориш учун кетказадиган йўл вақти 4 баробар қисқарди.

Метрополитеннинг фойдаланишга топширилган биринчи линияси шаҳарнинг жанубий-ғарб чегарасидан бошланиб, Чилонзор массиви ва Халқлар дўстлиги проспектларини кесиб ўтиб, шаҳар марказига туташган. Худди шу ердан метрополитеннинг иккинчи линияси қурилиши бошлаб юборилган. Тошкент трактор заводи аҳоли масивси билан «Октябрь инқилоби» бекатини туташтиради бу линия.

Метрополитенимизни қуришда мамлакатимизнинг турли миллат вакиллари иштирок этмоқда. Унинг лойиҳаларини тузишда йirik лойиҳа ва илмий-текшириш институтлари, шунингдек Москва, Тошкент, Харьков, Боку, Рига ва Самарқанд бадий комбинатлари мутахассислари кенг жалб қилинди.

Меъморлар, инженерлар, рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг ҳамжиҳатликда олиб борган ижодий изланишлари ўз самарасини бермоқда. Ер ости кошоналаридан кенг ўрин олган монументал безак ва амалий санъат намуналарида ўзбек халқининг миллий анъаналари ўзига хос тарзда намоён бўлган.

Чизма курсиси ёнида қорачадан келган, ўйчан боқаётган, кўзларида табассум яширинган икки йигит хаёлга чўмганча туришибди. Шу дақиқада Абдуворис билан Яшнар янги бунёд этилажак метро бекати лойиҳаси устида бош қотиришаётгандир, балки уларга бахт шохсупачасини армуғон этган изланишлар, тинимсиз меҳнат билан ўтган кунларни, илк муваффақиятларни ёдга олиб, завқланишаётгандир...

...Битирувчиларга дипломларни топшираркан проректор уларни қизгин қутлади, сўнгра илова қилди:

— Энди, йўлланмага келсак, бутун группага бир йўлланма — Москвага — «Метрогипротранс»га. У ерда тажриба ўрганинлар! Бўлажак Тошкент метросининг «ижодкор»лари сизлар бўласизлар!

Бу сўзлар Яшнар, Абдуворис ва уларнинг курсдошлари қалбида эзгу туйғулар парвозига туртки бўлди.

Москвадаги таълим-тажриба ўрганиш ортда қолди. Кечагина тортишув, мунозараларни четдан кузатиб турган йигитлар энди мустақил лойиҳа устида қизгин ишга киришди.

Абдуворис Табибов, Вадим Маҳмудов, Яшнар Мансуровларнинг илк иши — С. Раҳимов номли станция айни вақтда йўловчилар хизматида. Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонликлар ҳақида ҳикоя қилувчи, ўзига хос ер остидаги жасорат музейига айланган, архитектура жиҳатдан кўркам ва қулай чиққан.

Устунлар «Қасамёди!», «Фронтга кузатиш», «Ягона оилада», «Ҳамма нарса фронт учун!», «Ватан ҳимоясида» ва «Ғалаба» каби мавзулардаги горельефлар билан безатилган. Станциядан чиқаётган йўловчи нигоҳи албатта, Собир Раҳимовнинг улкан қаҳрамонона қиёфасига тушади.

Мазкур лойиҳа илмий совет муҳокамасига қўйилганда Абдувориснинг ҳам, Яшнарниг ҳам ҳаяжони ортди. Юрак аллақандай севинч ҳисси билан йўрилган, чўчиш туйғуси зарбидан гуп-гуп» урарди. Улар давлат имтиҳони топширишганда ҳам бунчалик ҳаяжонланишмаганди. Ўз ишларига ортдан, синчков назар солишди. Камчиликларни ахтаришди. Дилларидан «у ери бундоқ бўлса яхшимиди, ундай қилсак ҳам яхши бўларкан» деган фикр тақрор ўтиб турди. Иккиси ҳоли қолишганда оғиздан беихтиёр «қабул қилинмаса-я?!» деган савол ўз-ўзидан чиқиб кетарди...

Биринчи ҳаяжон, биринчи муваффақият, биринчи қувончлар орта қолди. Йигитлар янги қурилажак станциялар лойиҳаси устида иш бошлашди.

Мана, Ильич чироғидан нурафшон бўлган, мармар нақшларга берилган бўёқларнинг ҳиди анқиб турган янги бекатдамиз. Кутиш фойедаги мармар йўлакда ишқомсимон гумбаздаги нақшлар акси жимирлайди. Мармар қопланган деворларга Ҳамид Олимжон номи битилган. Ҳа, бу станция атоқли ўзбек шоири номи билан аталган.

Нақшинкор безакларга боққан киши беихтиёр шоирнинг қуйидаги мисраларни эслайди...

Деразамнинг олдида бир туп,
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

— Бу ерости кошонаси ҳам бошқалар сингари бир мавзу доирасида бўлди — деди лойиҳа авторларидан бири Яшнар Мансуров.— Собир Раҳимов номли станция «Жасорат» кўрғазмаси бўлса «СССР 50 йиллиги» бекати буюк ва кўп миллатли Ватанимиз мавзусига бағишланган. Ҳ, Олимжон номидаги станция ўзига хос «бахт ва шодлик кошонаси»га айланди. Биз шоирнинг бахтимизни тараннум этувчи ажойиб шеърлари асосида бадиий композиция яратдик. Станцияга ташриф буюрган ҳар бир йўловчи кўз ўнгида ер остидаги «баҳористон» пайдо бўлишига ҳар жиҳатдан интилдик. Бу борада бизга сеvimли шоирамиз Зулфия опа катта ёрдам бердилар. Уйлайманки, бу лойиҳа халқимизнинг атоқли адаби Ҳамид Олимжоннинг 70 йиллик таваллудига муносиб совғамиздир.

— Яшнарниг сўзларига қўшимча қилмоқчиман,— деди Абдуворис. Ҳамид Олимжон номли станция шоир номи билан юритиладиган улкан комплекснинг бир бўлагидир. Келажақда станция устида Ҳамид Олимжон номидаги истироҳат боғи ташкил этилади. Хиёбон марказида эса шоир ҳайкаlining ўрнатилиши боғ кўрғизига кўрк қўшади. Улкан иншоотнинг ҳар бир қисми — ер ости қасри, устидаги боғ, Каблукова ва Пушкин кўчалари кесишган чорраҳадаги ер ости йўли ва станцияга тушиш тоннеллари бир-бири билан уйғунлашиб, ягона архитектура ансамблини ташкил қилди.

Маълумки, истироҳат боғлари ҳақиқий оромгоҳга айланиши учун катта бинолардан ҳоли бўлиши керак. Архитекторлар бунини алоҳида ҳисобга олишди. Кундалик ҳаётимизда зарур бўлган савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ҳам ер остида, метро бекатига тушиш ерида жойлашади. Бу лойиҳа илк бор Тошкентметрополитени қурилишида синаб кўрилади.

Метропострой трестига қарашли 2-қурилиш монтаж бошқармаси бош инженери Мишель Давидович ҳам ёнимизда, станция платформасида.

— Станцияни безаб турган нақшлар,— деб сўз бошлади Мишель Давидович,— ишқомсимон гумбазнинг ҳар уч метрида жойлашган. Гўё сўрини эслатадиган бу нақшлар биринчи монтаж даврида, яъни темир-бетон конструкцияларни йиғиш пайтида ўрнатилди. Албатта, бу ишимизни бир оз мушкуллаштирди. Лекин гумбаз билан нақшни мустаҳкам бириктиришга эришдик. Вақтдан ҳам ютдик. Чунки ганч нақшлар бевосита қурилиш майдонидаги махсус участкада тайёрланди. Мишель Давидович ёнимизда турган йигитни таништирди:

— Равиль Оллоёров, комплекс ёшлар бригадасининг бошлиғи.

Равиль қурилишда электр пайвандчи касби билан меҳнат фаолиятини бошлади. Тез орада звено бошлиғи, бригадир ёрдамчиси бўлди. Ҳ, Олимжон номли станцияда эса тенгдошлари, трест партия ва қосомол ташкилоти унга ишонч билдириб бригадир этиб тайинлашди.

— Ҳамид Олимжон номли станцияни шоир шеърляти каби гўзал ва кўркем бўлишида қурувчиларимиз шижоат ва иштиёқ билан меҳнат қилдилар. Монтажчи М. Тимбоев ва В. Явкин, электр пайвандчи В. Коваленко кабилар меҳнат нормаларини ошириб бажариб, барчага ўрнак бўлдилар. Метро қурилишининг биринчи навбати — бош станциянинг вақтида топширилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Станциянинг Ҳамид Олимжон номи билан аталиши халқимизнинг сеvimли шоири, бахтимиз ва шодлигимиз куйчисига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромининг рамзий белгисидир.

Тез кунларда яна бир ер ости мармар кошонаси, шеърлят қасри йўловчилар хизматида бўлади. Беш вагонли зангори поезд репродукторидан қуйидаги сўзлар янграб туради:

— Эшиклар ёпилади. Кейинги станция — Ҳамид Олимжон!

Музаффар МИРРАЖАБОВ.



САРҲАДЛАР ОША...

Ҳамид Олимжон ижодий такомилининг ўзига хослиги Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароити билан чамбарчас боғланган. Шоир талантининг камолоти мамлакатда рўй берган улугвор жараёнларнинг таъсирида намоён бўлади.

Ҳамид Олимжоннинг асарлари халқлар ўртасидаги дўстликнинг камол топишида муайян роль ўйнади. Бунда бадий таржиманинг аҳамияти гоят катта бўлди.

Унинг асарлари 30-йиллардаёқ СССРдаги қардош халқлар, хусусан, рус тилига ўгирила бошланади. Айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида яратилган шеърлари ниҳоятда тез таржима қилинади. Улар фронт газеталарида, алоҳида китоб ҳолида эълон этилади.

Шоир кўп миллатли Ватанимизда халқларнинг бир-бирига қадрдон эканлигини, адабиёт намуналаридан ўзаро баҳраманд бўлишини кўриб шундай ёзган эди:

Невский ухлаган буюк бешикда
Ўйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас,

Пушкин пайдо бўлган ҳар бир

ашикда,


Навий шарафи яшар муқаддас.


Ҳамид Олимжоннинг шеърлари рус тилида дастлаб 1944 йилда китоб бўлиб чиқади. Унга таниқли адабиётшунос олим В. М. Жирмунский сўзбоши ёзган.

1951 йилда эса шоир шеърлари каттароқ ҳажмда «Танланган асарлар» ҳолида рус тилида эълон қилинади. Бу тўплами Ҳамид Олимжон ижодининг жонкуяр тадқиқотчиларидан бири Сарвар Азимов тузган бўлиб, унга шоирнинг кўплаб энг яхши асарлари киритилган.

Худди шу йили рус тилида унинг янада мукамалроқ иккинчи китоби босилиб чиқади. Китобда шоир асарларидан ташқари таржимаи ҳоли ва ижодий йўли ҳақида ҳам маълумот берилган эди. Шу боисдан мазкур тўплам Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида рус китобхонларида кенгроқ ва тўлароқ тасаввур ҳосил қилади.

Шоир туғилганининг 70 йиллиги муносабати билан 1979 йили рус тилида ижод-





корнинг сараланган шеърлари ва йирик асарларидан тузилган мукаммал тўплами босилиб чиқди. Китобда машҳур совет адиби Николай Тихонов томонидан ёзилган сўзбоши ҳам берилган бўлиб, унда Ҳамид Олимжон ижодининг ўзига хос томонлари, ўзбек адабиётида тугган ўрни хусусида фикр юритилган.

Маълумки, ўн йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизда «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сериясида 200 томлик катта нашр амалга оширилди. Бу сериядаги китоблардан жаҳон халқлари адабиётининг кўпгина энг нодир намуналари ва йирик намоёндаларининг асарлари ўрин олган. Шу серияда эълон қилинган асарлар қаторида Ҳамид Олимжон шеърларининг ҳам борлиги шоир ижодининг қимматидан далолат беради.

Шоир асарларини рус тилига таржима қилишда В. Державин, Л. Пеньковский, К. Арсенева, М. Замаховский, Р. Моран, Ю. Нейман, В. Липко сингари таржимон ва шоирлар актив қатнашдилар. Шуниси қувончлики, Ҳамид Олимжон асарлари рус тилида қайта нашр этилган сайин уларнинг таржима нусхалари кўп жиҳатдан тобора мукаммаллашиб борди. Жумладан, 1944 йилдаги китобда шоира С. Сомова таржималари шоир шеърларининг ғоявий йўналишини, қаҳрамонлик руҳини маълум даражада берган бўлса-да кўпчилик бадий

хусусиятларини сақлаб қолмаган эди. Шунга кўра 1979 йилда рус тилида чиқарилган тўпламда шоирнинг бу асарлари ҳар жиҳатдан мукаммал ҳолда нашр этилди.

Ижодкорнинг асарлари фақат рус ва мамлакатимиздаги қардош халқлар тилларидагина эмас, балки жаҳондаги бошқа тилларда ҳам жарангламоқда.

Хусусан, 1958 йилдаги Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда ўтказилган конференцияси муносабати билан инглиз тилида босилган китобдан кўп-кўп ўзбек шоирлари асарлари билан бир қаторда Ҳамид Олимжоннинг шеърлари ҳам ўрин олган эди. Бу китобга Д. Роттенбург таржимасида унинг «Ўзбекистон», «Урик гуллаганда», «Россия», «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» сингари шеър ва балладалари киритилган эди.

1978 йилда эса «Прогресс» нашриётида шоир асарлари «Бахт калити» деган рамзий сарлавҳа остида форс тилида чоп этилди. Китобни Аҳмад Шифон таржима қилган.

Демак, бадий таржима орқали Ҳамид Олимжон ижоди жаҳондаги турли халқлар китобхонларига етиб бормоқда ва шунинг оқибатида ўзбек адабиётининг шуҳратини сарҳадлар оша оширмоқда.

Мастура АЗИМОВА.



Уйғун

АБУ АЛИ ИБН СИНО ИБН СИНО

БЕШ ПАРДАЛИ ШЕЪРИЙ ДРАМА

АБУ АЛИ ИБН СИНО — улуғ олим, ҳаким.
СИТОРА — Синонинг онаси.
СОҲИБЖАМОЛ — Синонинг севгилиси, шогирди.
РАҲМАТ — Синонинг шогирди, ёрдамчиси.
ЧУЛИ БОБО — чўпон, овчи, Синонинг отахони.
АБУ ФАЙСАЛ — табиб, Соҳибжамолнинг отаси.
ИБН АСРОР — фолбин, мунажжим.
КАМОЛИДДИН — рухоний, азайимхон.
ҚАЛАНДАРИЙ — дуохон, кинначи.
АБУ ТОЛИБ — рухоний.
ХУЖА БУРХОН — сарой аъёнларидан.
СОҒИНДИҚ — Абу Файсалнинг шогирди, айғоқчиси.
ВАЗИР — сарой амирларидан.
УСМОН ОТА — Синонинг қўшниси.
ШАМС УД-ДАУЛА — Ҳамадон амири.
ТОЖУЛ МУЛК — ҳазиначи.
ЗУЛФИҚОР — бош ҳожиб, лашкарбоши.
ЖУРЖОНИЙ — Синонинг шогирдларидан.
ЯҚЗАН — зиндонбон.
ГҲРКОВ.
САРБОЗ.
САРБОЗЛАР, МУЛОЗИМЛАР, СОҚЧИЛАР, МУЛЛАЛАР,
ҚАЛАНДАРЛАР, ОЛОМОН.

Биринчи парда

Ибн Синонинг хонаси. Ерга гилам, кўрпачалар тўшалган. Хонтахта устида қоғоз, довод, қалам, китоблар. Токчаларда қатор-қатор китоблар, дори солинган турли-туман кўза, кўзачалар, шшалар, доривор ўсимликлар. Бир чеккада, табақда ейилмай совиб қолган овқат, сопол косада қатиқ, ўрик, майиз, бодом. Хонтахта устида шам ёнмоқда. Тун оғиб қолган. Парда очилмасдан аввал танбурнинг ҳазин, ёқимли овози эшитилади. Парда очилганда, Сино ёлғиз, кўзларини юмиб, танбур машқ қилиб ўтирган бўлади. Бир оздан сўнг, қўлида ҳовонча, оҳиста босиб Раҳмат киради, танбурнинг овозига маҳлиё бўлиб, пойғанда туриб қолади. Сино Раҳматнинг шарпасини сезиб, танбур ҳалишдан тўхтади, ўгирилиб орқасига қарайди, қўлидаги танбурни бир чеккага суяб қўяди.

Р а ҳ м а т

Кечирасиз, азиз устоз, мени танбур ноласи
Сеҳрлади... Беихтиёр кирдим ҳузурингизга...

С и н о

Ҳа, танбурнинг овозида жозиба кўп, серҳ кўп.
Ҳа, умуман мусиқанинг хосияти беҳисоб.
У толиққан асабларга ором, роҳат бағишлар.
Руҳимизни юксалтирур унинг нозик садоси.
Руҳимизнинг ғизосидир, шифосидир мусиқа...
Дам олмоқчи бўлсам бир оз қўлга танбур оламен...
Хўш, тайёрами?

Р а ҳ м а т

Ҳовончани туга бошлаб.

Яқинлашиб қолди.

С и н о

Зарур дори... Жуда зарур... Жуда керак дори бу!.. Тезроқ тугасин.

Р а ҳ м а т

Кечга бориб тугалланур, устоз, худо хоҳласа.

С и н о

Тугаллансин, худодин ҳам ўзим кўпроқ хоҳлаймен.
Бу дориға кўп беморлар зор, интизор, азизим.

Р а ҳ м а т

Хоҳишингиз мен учун фарз!

С и н о

Ҳа, айтгандай, касалларни кўрдингизми? Шундай бўлсин биродар.

Р а ҳ м а т

Ҳаммасини бориб кўрдим, дори бердим барига.
Сизни йўқлашган эдилар, ҳаким узоқ бир ерга
Оғир касал кўриш учун кетган эди деб, айтдим.
Улар сизга ишонади. Гўёки, сиз борсангиз
Бемор дарҳол шифо топиб тузалгандай бўлармиш...
Сизни эслаб: «Улуғ зотнинг қўли енгил жуда ҳам,
Қадамлари жуда қутлуғ, ибн Сино кирдими,
Касал дарҳол уйдан қочар» дейишади беморлар...

Ҳа, устоз.

С и н о

Қошки эди, ҳамма касал шифо топса қўлимдин...
Ҳолбуки, кўп бечоралар қутулолмас ўлимдин.
Шундай оғир касаллар бор, даво топиб бўлмайди...
Ҳа, ҳозирча табобатнинг, ҳаёт билан ўлимнинг
Сирлари кўп... Ечилмаган жумбоқлар кўп дунёда...
Жумбоқларни ечаман деб сонсиз китоб ўқидим,
Буқрот ҳаким, Жолинусни юз бор ўқигандирмен,
Аммо, ҳали-ҳозиргача етолмадим тагига...

Утмишдаги донишмандлар кўп ажойиб, ғаройиб,
 Ақл бовар қилмайдиган мўъжизавор ҳақиқат,
 Мулоҳаза, фикрларни баён этиб кетмишлар...
 Китобларнинг варағига ақлу идрок, донишнинг
 Олам-олам қимматбаҳо жавҳарлари сочилмиш...
 Мана, ҳозир, яна қайтиб Форобийни ўқидим.
 Форобийнинг асарлари чексиз дониш денгизи,
 Илму ҳикмат, маърифатнинг дури билан лиммо-лим!
 Арастуни билмак учун Форобийни ўқигил,
 Форобийнинг баёнида, Форобийнинг шарҳида
 Арастунинг фикрлари равшан, яққол кўринур!..
 Яна гапга тушиб кетдим, узр, дўстим, одатим...

Р а ҳ м а т

Яхши одат! Илмингиздин баҳра олур ўзгалар.

С и н о

Урнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юради, косадаги қатикдан шимиради.

Ҳа, ўқиган китоблардин олган таассуротлар,
 Фикрларни бошқаларга агар айтиб бермасам
 Ериламен... Доноларнинг ноёб фикрларини
 Ҳар ким билмоғи керакдир! Улар умумбашарнинг
 Молу-мулки, камолотнинг эзгуликнинг манбаи!..
 Ҳа, айтгандай анов кампир нима бўлди? Билдингми?

Р а ҳ м а т

Шўрлик кампир бу дунёнинг азобидин қутилди...

С и н о

Юзига фотиҳа тортиб.

Худо раҳмат қилсин... Унинг дарди оғир дард эди.
 Ҳа, ҳозирча, саратонга, қилтомоққа чора йўқ.
 Чораси йўқ, давоси йўқ касаллар кўп жаҳонда:
 Вабо, тоғун, ҳар хил ўлат, қорабезгак, терлама
 Одамларни қириб келди, шафқат қилмай муттасил.
 Қани энди, шуларнинг ҳам давосини тополсам!..
 Бу дунёда ҳеч бир одам дард азобин тортмас!..
 Қани энди бу дунёда касал тамом йўқолса...
 Қани энди, бу дунёга келган азиз инсонлар,
 Халос бўлиб ногоҳоний касал, азоб, ўлимдин,
 Узоқ яшаб ўз умрини фароғатда ўтказса!..

Ситора киради.

С и т о р а

Э, Худойим! Бу шоввозлар, ахир, қачон ухлайди?!
 Инсофларинг борми ўзи? Қани, дарҳол ётинглар!

Р а ҳ м а т

Уйқумизнинг қазосини ҳозир адо этурмен!

Шошиб чиқиб кетади.

С и т о р а

Тонг оқариб қолди, ахир! Қичқирмоқда хўрозлар.

Барча жонивор, қурт-қумурсқа, жумла жаҳон уйқуда!
Фақат бедор иккалангиз!

Сино

Кулиб, онасини қучоқлаб.

Уччаламиз, онажон!

Ситора

Ахир, бола ухламаса она қандоқ ухлайди?
Сени ўйлаб кўзларимга уйқу келмас тонггача.
Ўғлим улуғ алломасен, етук, зукко табибсен,
Беморларнинг аҳволини, хасталарнинг дардини
Ғоят нозик иллатини жуда яхши биласен.
Аммо она юрагини, оналарнинг дардини,
Оналарнинг ташвишини ҳали яхши билмайсен...
Бола бир кун азоб чекса, бу азобнинг дардини
Она бир йил тортиб юрар юрагини қон қилиб!
Агар бола оёғига тикан кирса, онанинг
Юрагига ханжар бўлиб ботар ўша тиканак!
Ҳаловатсиз тунлар агар сени бир оз қийнаса,
Онанинг шўрлик азобини торта-торта кул бўлуру...

Сино.

Ташвиш тортманг, ахир, сизга азоб берган ўғилча
Эндиликда балоғатга етган катта йигит-ку!

Ситора

Она учун бола ҳар вақт бола бўлиб қолади,
Гарчи соқол, мўйловлари сабза урган бўлса ҳам.

Сино

Ҳазиллашиб.

Қўп, онажон, мана ҳозир ётамену данг қотиб,
Икки кеча, икки кундуз қимирламай ухлаймен.

Ситора

Ҳазилни қўй! Кун билан касалларга қарайсен,
Туни билан китоб ўқиб ҳаловатни билмайсен,
Бу аҳволда касал бўлиб қолиш ҳеч гап эмас-ку!

Сино

Табибларга касал асло йўламайди, онажон!
Табиблардин касал қўрқиб қочар эмиш йироққа.

Ситора

Уйқусизлик кўп оғир дард, ухлаш керак вақтида.
Инсон учун уйқу ҳам дам, ҳам шифо деб айтувдинг.
Узинг нега бу ҳикматли сўзга амал қилмайсен?

Сино

Боя бир оз мизғиб олдим, шу мен учун кифоя,
Биласиз-ку кўп ухлашни ёқтирмаймен ёшликдан.

Ситора

Табақда турган овқатга назар солиб.
Овқатдан ҳам емабсан-ку...

Сино

Едим, едим, онажон.

Ситора

Овқат емай, ухلامасдин қандоқ қилиб юрибсен?

Сино

Босиб, босиб қатиқ ичдим, жуда тўқмен, ишонинг.

Ситора

Ёлғиз қатиқ овқат эмас!

Сино

О, қатиқда хислат кўп!

Инсон учун зарур бўлган барча модда озуқа
Қатиқ, сутда муҳайёдир! Қатиқ овқат ҳам шифо!

Ситора

Шифолиги тўғри аммо...

Сино

Овқатлиги шубҳасиз.

Биласиз-ку, гўдак фақат озуқланур сут билан,
Онасийинг сути билан улғаяди, ўсади.
Биласиз-ку, заҳарланган одамга сут берилур,
Негаки сут дарҳол кесар заҳарнинг ҳам дамини.
Ҳа, онажон, сут-қатиқда хосият кўп, кўп гап бор!
Ҳикоят бор: бир кун табиб ўлар чоғи касаллар,
Сиз ўлсангиз бизни энди ким даволар десалар,
Табиб жавоб берган экан:— «ҳа, мен ўлсам дунёда,
Ахир, қатиқ қолади-ку!». Ҳа, бу гапда ҳикмат кўп...

Ситора

Ҳўп, энди ёт, иш қочмайди, дамингни ол жон болам.

Сино

Қолган ишга қор ёғади деган гапни биласиз.
Иш қочмайди, биз қочамиз! Қиладиган ишлар кўп.
Умр эса жуда қисқа! Ишни тамом этолмай
Бу дунёни тарк этади армон билан инсонлар.
Ҳа, онажон муддаога етмак учун бир умр
Инсон учун жуда ҳам кам! Жуда ҳам оз! Минг афсусл

Ситора

Бу худонинг инояти! Ҳамма нарса тангрининг
Ихтиёри билан бўлур, шак келтириш яхшимас!

Сино

Шак келтириш тўғри эмас... сирасини айтамен...
Касал бўлиб бевақт ўлган одамларни кўрганда,
Шу фикрлар хаёлимдин ўтаберар тўхтамай...
Алалхусус, яшарини яшамасдин гўдаклар,
Норасталар ўлса жоним ҳалқумимга келади.
Шунда ночор кўкка қараб хитоб қилгум келади,
Фарёд чеккум, гуноҳ қилгум, шаккок бўлгим келади!

С и т о р а

Э, худойим! Уғилгинам эҳтиёт бўл тилингга!
Улуғ тангрим фарзандимнинг гуноҳини кечиргил!

С и н о

Уйчан, ғамгин.

Бечоралар арзимаган касал билан ўлади!..
Бир нафас ҳам роҳат кўрмай бу дунёдан ўтади...
Агар менда ҳуқуқ бўлса, имкон бўлса, онажон,
Одамларга узоқ умр улашардим тўхтамай!..

С и т о р а

Бу худонинг иши, ўғлим, банда ожиз бу ишдин.

С и н о

Ҳа, биламан, бу иш бизнинг қўлимиздин келмайди...
Балки, кейин мумкин бўлур... инсон камол топганда...
Мен беморнинг бир кун бўлсин чўза олсам умрини,
Олам-олам севинамен, бахтли санаб ўзимни!

С и т о р а

Азиз ўғлим, хасталарнинг дуосини олишдин
Савоб иш йўқ бу дунёда! Эзгу хизмат хизматинг!

С и н о

Эзгу ишлар қилмоқ учун инсонларнинг бахтига
Умр керак! Фурсат керак! Аммо, фурсат жуда оз!
Шу қисқача умрнинг ҳам ярми бекор ўтади...
Ҳа, болалик, уйқу, касал умримизнинг яримини
Олиб кетар... Эндигина балоғатга етганда,
Эндигина тинчиб яшай, ёлчиб ишлай деганда,
Умр тугар... Бошланган иш чала қолур... Во дариг!
Қизиқ қузгун ўлакса еб беш юз йилча яшармиш,
Инсон эса юз йилга ҳам етолмайди!.. Ахир, бу
Бориб турган бемаънилик, мантиқсизлик эмасми?!
Ахир, инсон мавжудоднинг султони-ку! Шоҳи-ку!
Хўш инсоннинг қадри йўқми қузгунчалик жаҳонда?!
Бу инсофдан эмас, ахир!..

С и т о р а

Ўғлим!

С и н о

Уэр, онажон.

Қам ухлашнинг, кўп ишлашнинг, шошилишнинг сабаби
Умримизнинг қисқалиги, вақтимизнинг озлиги....
Умр молдек яшаш учун керак эмас, албатта,
Умр кўҳна дунёмизда бирор эзгу иш қилиш,
Одамларга меҳру шафқат ва мурувват кўрсатиш,
Ҳалол ишлаб авлодларга яхши мерос қолдириш,
Инсон деган номни оқлаш учун керак инсонга!
Бу дунёнинг бойлигига бойлик қўшиш, ҳуснига
Ҳусн қўшиш учун яшаш,— шудир улуғ муддао!

С и т о р а

Азиз ўғлим, ниятларинг жуда улуғ ниятлар!
Ниятингга ет, илоҳим, тангри мададкор бўлсин!

С и н о

Ҳамма сиздек тушунмайди менинг мақсадларимга.
Сиз мен учун ҳам онасиз, ҳам мураббий, ҳам раҳбар.

С и т о р а

Ундоғ дема, сен қайдаю мен қайдамен, азизим,
Мен ердаги оддий аёл, сен кўкдаги юлдузсен!

С и н о

Бухоронинг энг донишманд аёлисиз, онажон,
Менга берган оқ сутингиз, тарбиянгиз бўлмаса
Мен ким бўлиб етишардим! Сизга раҳмат! Минг раҳмат!
Мақсадимни, дардларимни фақат сизга айтамен.
Мақсадимга тушунасиз, мени доим қўллайсиз.

С и т о р а

Оналарнинг вазифаси фарзандларни қўллашдир,
Болаларни яхши йўлга, эзгу йўлга йўллашдир.

С и н о

Мени эзгу, яхши йўлга бошлаган сиз, онажон.

С и т о р а

Бўлди, бўлди, ухла энди!

С и н о

Яна пича сўзлашинг!

Биласизми, бу жаҳонда алломалар жуда кўп.
Бу дунёга келиб кетган не-не олим, файласуф.
Донолару донишмандлар, мунажжимлар, ҳақимлар,
Илми ҳайат, риёзатдин, табобатдин, тарихдин
Жуда етук билимдонлар ҳамон солура ҳайратга!
Бири юнон, бири араб, бири эрон, бири ҳинд,—
Ҳаммаси ҳам хизмат қилган башарият бахти деб!
Ҳаммасини билиш керак, билгум келур, онажон!
Улар бизга қанча-қанча қимматбаҳо китоблар,
Рисолалар қолдиришган,— ҳаммасини ўқишим,
Ўрганишим керак! Зарур! Шундагина ўз фикрим,
Ўз қарашим, назариям сайқалланур, шубҳасиз.
Шундагина фан бобида янги бир гап айтишлик,
Янги бир боб очиш мумкин!.. Шунинг учун тонггача
Китоблардин кўз узолмай мутолаа қиламен.
Қийналамен, толиқамен, ҳорғунимча ёзамен,
Ёзаётган асарларни тугатай деб, шошамен!..
Шум хабарлар тарқалмоқда, замон қалқиб турибди,
Эрта-индин не ҳодиса юз беради, номаълум,
Ҳаётимиз, тинчлигимиз қил устида тургандек...

С и т о р а

Кўп ўйлама, кўп қийналма! Ваҳималар беҳуда.

С и н о

Айшу ишрат билан машғул зодагонлар, амрлар,

Элнинг арзу-доди билан, гами билан иши йўқ.
Мамлакатнинг ҳимояси саркардалар, сарбозлар,
Ёлланган турк ғуломлари, балохўрлар қўлида...
Агар бирор кулфат тушса мамлакатнинг бошига,
Бухорога ҳужум қилса бирор душман тўсатдин,
Улар дарҳол ёв томонга ўтиб кетур, сотилур.
Уруғига тортади-да!

С и т о р а

Ўзинг асра, ё раббий!

С и н о

Жануб ёқдин ғазнавийлар ўтса агар ҳужумга,
Шимол ёқдин юриш бошлар, шаксиз, қорахонийлар.
Унда шўрлик Бухоронинг яна шўри қурийди,
Муллаларни қутиртирур Бағдод халифалари,
Унда бутун мамлакатни қоплаб олур қайғу, ғам,
Зулм, зўрлик, толон-торож, қирғин чиқар авжига,
Гулханларда ёқилади қимматбаҳо китоблар,
Бухорони зулмат қоплар, кучаяди жаҳолат,
Илму фаннинг куни битур, осилади олимлар,
Доноларни шафқат билмай ўтказишар қиличдин...

С и т о р а

Бас қил, болам! Бу гаплардин сиқилади юрагим.
Қора кунлар тушмасин ҳеч Бухоронинг бошига!
Тангри бизга у кунларни асти раво кўрмасин!

С и н о

Кошки эди...

С и т о р а

Иншоолло!

С и н о

Аммо, шундай бўлиши,
Қутилмаган дамда даҳшат юз бериши ҳам мумкин.
Ҳа, онажон, шошиш керак! Умр қисқа, фурсат оз!
Шу фурсатдин тўла-тўкис фойдаланиш лозимдир.

Ташқарида дарвозанинг тақиллагани, кимнингдир ҳаяжонли овози эшитилади.

Р а ҳ м а т

Ташқаридан.

Ҳозир!.. Ҳозир!..

С и т о р а

Э, худойим, бир нафас ҳам тинчлик йўқ!

С и н о

Бирор одам заруратдин ёрдам сўраб келгандир.
Қасаллар кўп...

Кўзларини уқалаб Раҳмат киради.

Р а ҳ м а т

Қўшнимизнинг набираси бетобмиш.

С и н о

Бориш керак! (*Чиқмоқчи бўлади*).

Р а ҳ м а т

Мен борамен, Сиз дам олинг, мен ўзим...
Агар зарур бўлиб қолса, сизга хабар берурмен.
Шамоллаган бўлса керак, боя ўйнаб юрувди.

Раҳмат чиқиб кетади.

С и т о р а

Ичкарига кир, жон болам, оз бўлса ҳам мизғиб ол!
Ҳа демасдин кела бошлар шифо истаб мижозлар.

Сино ичкариги уйга кириб кетади. Ситора уйни йиғиштира бошлайди.

Ҳа, ўғлимнинг гумонлари бежиз эмас, миш-мишлар,
Шум хабарлар тарқалмоқда, безовтадир одамлар.
Бирор офат, бирор даҳшат юз бермасин дейишиб,
Аста-секин бошқа юртга кўчмоқдадир баъзилар...
Тунов куни бир ярамас дарвиш менга бозорда:
«Яқин қолди, ибн Сино ўлдирилур, осилур!
Нопоклардин, даҳрийлардин тозаланур Бухоро.
Ҳа демасдин ўғлинг учун аза очиб қолурсен!»
Деди, хунук кулиб... Жоним ҳалқумимга тикилди.
Уйга қандай келганимни билганим йўқ... Бу гапни
Ҳеч кишига айтганим йўқ... Уғлимга ҳам айтмадим...
Бундай гапни унга айтиб бўладими?.. О, танграм!
Фарзандимни ўзинг асра! Қулфат солма бошига!..
Қани, энди, замон тинчиб, уйлантирсам ўғлимни,
Набиралар атрофимда ўралашиб юрсалар!..

Раҳмат киради.

Р а ҳ м а т

Шивирлаб.

Етдиларми?

С и т о р а

Ҳа, ухлади. Нима экан касали?

Р а ҳ м а т

Ҳа, озгина шамоллабди, тузалади ҳа демай.
Дори бердим, ҳарорати пасаяди.

С и т о р а

Хайрият.

Чолнинг ёлғиз овунчоғи, набираси суюкли...

Р а ҳ м а т

Энди сиз ҳам бир оз ётиб дам олсангиз бўларди.

С и т о р а

Йўқ, Раҳматжон, тонг оқариб қолди, энди ётмаймен.

Р а ҳ м а т

Бўлмаса мен пича мизғиб олай, уйқум чалароқ.

Яна дарвоза тақиллайди.

С и т о р а

Яна биров келди.

Раҳмат

Демак, иш бошланди, уйқу йўқ.

Раҳмат ташқарига чиқиб, вазирни бошлаб киради. Вазирнинг икки ёнида қуролланган икки сарбоз. Ситора буларни кўриб қўрқиб кетади

Ситора

Вой, худойим...

Вазир

Салом.

Ситора

Салом... келинг.

Вазир

Ҳақим уйдаими?

Ситора

Безовта.

Ҳақим бир оз...

Кўзларини уқалаб, ичкаридан Сино чиқади.

Сино

Мен уйдаяман. Келинг, вазири аъзам.

Вазир

Заруратдин ўзим келдим... Амиримиз хасталар,
Аҳволи танг... Амир ўлим тўшагида ётибди.

Сино

Ахир, сарой табиблари...

Вазир

Илож тополмадилар.

Бухорода табибки бор, келиб кўрди барчаси,
Аммо, даво топилмади амиримнинг дардига.

Сино

Улуғ ҳақим қайда эди?

Вазир

Қасал бўлиб ётибди.

Сўнгги умид сиздин, юринг!

Сино

Зарурият бўлмаса.

Мени йўқлаб келмасдингиз...

Вазир

Ҳар хил гаплар... миш-мишлар...

Сино

Ҳа, шаънимга жуда қабиҳ гаплар тарқатишмоқда!
Ғаразгўйлар, ҳасадгўйлар, жоҳилларнинг ифвоси
Разолатнинг тоши бўлиб ёғилмоқда бошимга!

В а з и р

Ибн Сино, ҳозир бундай гапнинг хонаси эмас.
Тезроқ юринг, вақт ўтмасин, амир жони рамақда!

С и н о

Хўп, борамен, сиз келибсиз... Сизни ҳурмат қиламен,
Ихлосингиз баланд сизнинг илму фанга, биламен.

В а з и р

Раҳмат... Раҳмат...

С и н о

Хўш, амирнинг қаерлари оғрибди?

В а з и р

Қорним дейди, дод солади биқинини чангаллаб.
Дам солишди кор қилмади, фол кўришди фойдасиз,
Эзибички ичкизишди,— дарди бадтар зўрайди...

С и н о

Тушунарлик. Қани, Раҳмат, жарроҳликка тегишли
Асбобларни, дориларни ол!

С а р б о з

Раҳматга шубҳа билан қараб.

Хўш, у ҳам сиз билан

Борадими?

С и н о

Ҳа, боради. У ёрдамчи, ўнг қўлим.

С а р б о з

Ҳар кимни ҳам олиб кириш мумкин эмас саройга!

С и н о

Агар менга ишонсангиз, ишонасиз унга ҳам.
Биз ҳеч кимга озор бериш ниятида эмасмиз.
Фақат нажот, фақат шифо бериш бизнинг касбимиз.
Биз суиқасд қиладиган одамлардин эмасмиз!
Бинобарин, биздин шубҳа қилманг, ҳурматли сарбоз!

В а з и р

Қани, кетдик!

С и т о р а

Қўрқиб, безовта.

Уғлим...

С и н о

Ҳеч ҳам ташвиш қилманг, онажон.

Сино асбоблар солинган қутичани кўтариб Раҳмат, вазир орқаларидан
сарбозлар чиқиб кетишади.

С и т о р а

Парвардигор, фарзандимни асра бало-қазодан!

П а р д а

Иккинчи парда

Биринчи кўриниш

Саройдаги хос хоналардан бири. Хона қимматбаҳо буюмлар билан безатилган. Бу ерда амирни даволаш учун йиғилган табиблар, азайимхонлар, дуохонлар, фолбинлар, руҳонийлар, сарой аъёнлари, сарбозлар, мулозимлар ўтиришибди.

Ҳамма олазарак бўлиб, Сино муолижасининг оқибатини кутмоқда.

Асабий суҳбат, ҳаяжонли тортишувлар давом этмоқда.

Йиғилганлар орасида Абу Файсал, Ибн Асрор, Қаландарий, Камолиддин, Соғиндиқ ва бошқалар ҳам бор.

К а м о л и д д и н

Дарғазаб.

Бу қандай гап! Бу қандай ҳол! Шаънимизга доғ-ку бу?!

А б у Ф а й с а л

Қандайдир бир даҳрий келиб номимизни булғаса!

Гўёки, биз ухдасидин чиқолмаган касални

Бу билармиш! Гўёки, бу тузатармиш амирни!

И б н А с р о р

Э, тузатиб бўпди! Амир азроилнинг қўлида!

Бу амирни қутқармоқчи азроилнинг қўлидин!

Қ а л а н д а р и й

Чучварани хом санайди! Аҳволини кўрармиз!

А б у Т о л и б

Парвардигор хоҳишига қарши бориб бўлурму?

Ўзи берган жонни ўзи олур, биздин сўрамас.

А б у Ф а й с а л

Нега бизга ишонмасдин бу расвони чақирди?

И б н А с р о р

Ким чақирди?

С а р б о з

Ким бўларди, уни вазир чақирди.

У сизларга ишонмайди, сизни ёмон кўради.

Қ а л а н д а р и й

Биз ҳам уни жинимиздин ёмон кўриб юрибмиз!

А б у Т о л и б

Секин, тақсир, деворнинг ҳам қулоғи бор дейдилар.

Қ а л а н д а р и й

Бўлса бўлур! Қўрқадиган жойимиз йўқ, мавлоно!

А б у Ф а й с а л

Вазир бизни атайлаб ерга уриш, камситиш

Учун уни олиб келган!

Х ў ж а Б у р х о н

Зарур бўлса не қилсин?

Абу Файсал
Сиз гапирманг!

Хўжа Бурхон
Хўш, нимага?

Абу Файсал
Қарматийсиз!

Хўжа Бурхон
Бу бўҳтон!

Ибн Асрор

Бўҳтон эмас! Хўш, нимага ён босасиз Синога?

Хўжа Бурхон

Ибн Сино Бухорода донг чиқарган зўр ҳаким!

Қаландарий

Бухорода Абу Файсал каби машҳур аллома,
Улуғ ҳаким турганида Сино каби фирибгар,
Лўттибозни, сеҳргарни мақташ уят! Нодонлик!

Хўжа Бурхон

Унинг йўли бошқача йўл... Сино илми ташрихни
Жуда яхши билар эмиш... Уни татбиқ қилишда
Бухорода яғонамиш... Жарроҳликда пир эмиш...

Абу Файсал

Э, бунақа афсонани, ёлғонни кўп эшитдик!
Бари ҳийла, бари найранг! Ишонмаймиз Синога!

Камолиддин

У жодугар! У сеҳргар! Афсун ўқиб беморни
Тузатармиш дейишади.

Ибн Асрор

Ҳа, бу гапнинг жони бор!
Мен неча бор фол очганмен, фолда аён бўлдики,
Ибн Сино одам эмас, инсу-жинсдин тарқалган!

Абу Толиб
Даҳшатда.

Парвардигор ўзинг асра! Ўзинг даф қил балони!

Ибн Асрор

Ҳа, онаси алвастию, отаси дев наслидин,
Ўзи эса шайтон эмиш!.. Бу аниқ гап! Ишонинг!

Сарбоз

Ундай бўлса нима қилиб орамизда юрибди?!

Қаландарий

Бундай кимса шариятда тошбўронга лойиқдир!

Хўжа Бурхон

Бир мусулмон боласига тухмат қилиш жиноят!
Ибн Асрор, сўзларингиз иғво, ҳасад, ҳақорат!

Ҳаммамизга маълум, ахир, унинг ота-онаси, —
 Отаси Балх томонидин, афсоналик онаси,
 Сизу биздек чин мусулмон, имонлари мустаҳкам!
 Ўзи эса кўз ўнгида ўсиб унган, улғайган!
 Қандай қилиб бўлур шайтон, иблис бўла олади?!

К а м о л и д д и н

Ибн Сино ҳали кўп ёш, ўттизга ҳам борган йўқ,
 Қандай қилиб шу ёшида барча илму ҳикматни,
 Табобатни билиб олган? Ахир, одам боласи
 Бундай ақл бовар қилмас ишни қила олурми?!

Х ў ж а Б у р х о н

Бу тангрининг инояти! Бу тангрининг ҳиммати!
 Бу ундаги худо берган қобилият, истеъдод!

С о ғ и н д и қ

Ҳеч бирингиз боққанмисиз унинг ўткур кўзига?
 У боққанда, унга равшан кўринармиш одамнинг
 Бутун ичак-чавағию ўпка, қорин, ҳаммаси,
 Қай аъзода қандай иллат борлигини адашмай
 Аниқ айтиб берар эмиш...

А б у Ф а й с а л

Афсонани бас қилинг!
 Бу гапларга гўдаклар ҳам ишонмайди, азизим.

С о ғ и н д и қ

Улуғ ҳаким, мен эшитган гапни айтдим, ким билсин...

А б у Ф а й с а л

Бари ёлғон! Уйдирма гап!

Қ а л а н д а р и й

Ким билади... шундайдир...

С о ғ и н д и қ

Яна битта афсонани эшитувдим, айтайин:
 Ибн Сино чорбоғида минг хил гиёҳ ўсармиш,
 Бемор келса ҳузурига, аввал Сино чорбоққа
 Аста чиқиб гиёҳларга узоқ назар солармиш,
 Шунда унга қайси гиёҳ хабар берса чайқалиб,
 Шу гиёҳни олиб келиб ичкизармиш беморга,
 Уша гиёҳ бемор учун яхши даво бўлармиш...

А б у Ф а й с а л

Бўлмаган гап! Буни Сино ўзи тўқиб чиқарган!
 Шу гапларга ишондингми?

С о ғ и н д и қ

Йўқ, йўқ... Ўзим ҳайронмен...

И б н А с р о р

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Сино бизга жинс эмас!
 У одамлар орасида юрган шайтон, сеҳргар!
 Уни дарҳол Бухородин қувлаш керак овлоққа!

К а м о л и д д и н

Сабр қилинг! Қаттиқ кетманг, Сино ҳали бир жумбоқ.

С о ғ и н д и қ

У уйда илон, чаён, бақа, қуён сақлармиш,
Қуёнларни ёриб кўриб текширармиш ичини,
Илми ташрих билан машғул бўлар эмиш тинмасдин,
У ҳар куни ялар эмиш илон ёгин дори деб,
Ичар эмиш илон, чаён захрин қўшиб ошига!

А б у Т о л и б

Парвардигор, бу қандай гап! Наҳот шу гап рост бўлса!

С о ғ и н д и қ

Мен бу гапни эшитганмен ўзи кўрган одамдин.

А б у Т о л и б

Йўқ, бу шумлик! Бу нишона эрур охир замондин!

Қ а л а н д а р и й

Мен ҳам бир гап эшитганмен, балки ёлғон, балки чин...
Бир беморнинг ичагидин Сино иллат гописди,
Олиб ташлаб у ичакнинг заҳаланган ерини,
Уша жойни ит ичаги билан улаб қўйганмиш...
Сўнгра, бемор тузалибди, иштаҳага кирибди,
Тўхтамасдин овқат ебди, итдай бўлиб семириб...

А б у Т о л и б

Ё алҳазар! Қудратингдин! Рост бўлса бу каромат!

И б н А с р о р

Ҳа, бундай иш келармиди бандасининг қўлидин!

Х ў ж а Б у р х о н

Ҳа, бу гаплар тўқилган гап... Аммо, унинг мағзида
Келажакнинг, ҳақиқатнинг уруғлари ётибди...

И б н А с р о р

Йўқ, у инсон эмас асло! У жодугар! Сеҳргар!
Агар афсун ўқимаса, нега бутун беморлар
Ибн Сино эшигига оқиб келур ҳар ёқдин?

Х ў ж а Б у р х о н

Тўғри, ҳатто узоқлардин, бошқа мамлакатлардин
Уни йўқлаб Бухорога келмакдадир беморлар.
Арабистон, Ҳиндустондин, Эрон, Афғон, Хитойдин
Довруғини эшитишиб, шифо истаб келганлар
Кўпаймоқда! Сизлар эса унга ўлим тилайсиз!

К а м о л и д д и н

Ҳ а з и л л а ш и б.

Ҳа, агар иш шу таҳлитда давом этса, кўп ўтмай
Бухорода бошқа табиб, ҳакимларга иш қолмас!
Ҳамма биздан юз ўгирур, қирқилади ризқимиз,
Нонимизни туя қилур Сино каби суллоҳлар!

Қ а л а н д а р и й

Қўрқманг, тақсир, Бухорода нима кўп денг, — касал кўп.
Бинобарин, ҳаммамизга иш топилур, шубҳасиз.

А б у Ф а й с а л

Хулосага ҳади эрта, қани, Сино амирга
Даво топа оладими, йўқми, — кейин биламиз.
Биз касалнинг ҳолатини жуда аниқ билганмиз,
Луқмон ҳаким келганда ҳам тузатолмас амирни!

Шу пайт, бир неча сарой аҳиллари билан бирга, хурсанд ҳолда, вазир кириб келади.

В а з и р

Тангримизга ҳамду-саҳо айтинг! Амир ўлимнинг
Чангалидан халос бўлди! Минг бор шукур худога!

Ҳамма ҳаяжонда, бир-бирларига таажжуб билан қарашиб олади.

К а м о л и д д и н

Э, ҳайрият! Тангримизга минг бор шукур!

А б у Т о л и б
Хайрият...

В а з и р

Шифо топган олампаноҳ амиримиз шаънига
Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берур кўҳна Бухоро!
Самовотга етар тўю-тантананинг садоси!

Х ў ж а Б у р х о н
Иншооло!

А б у Т о л и б
Иншооло!

Х ў ж а Б у р х о н

Қани, омин! Омин денг!

Ҳамма дуога кўл очади.

Ҳ а м м а

Омин! Омин! Субҳон олло! Даргоҳи кенг тангрининг!

В а з и р

Бу тангрининг инояти! Бу худонинг шафқати!
Яна амир паноҳимиз, бошимизга соябон!

Қ а л а н д а р и й

Умрлари боқий бўлсин, давлатлари зиёда!

В а з и р

Кечирасиз, ихлосимиз қайтди тамом сизлардин,
Сўзингизга қулоқ солсак шу аснода амирнинг
Жанозаси ўқиларди!

Табиб дуохонлар ҳижолатда, бошларини куйи солиб, кўл қовуштириб туришади.

А б у Ф а й с а л

Янглишади ҳамма ҳам...

Улуғ вазир ғазабланмай бизни маъзур тутгайлар

Ибн Асрор

Ким билибди бундоғ бўлиб чиқишини оқибат.

Вазир

Сино билди бир қарашда аҳволини беморнинг
Чорасини топди дарҳол иккиланиб турмасдин.
Натижада амиримиз омон қолди ўлимдин!
Ибн Сино, амиримиз — ибн Мансур жонини
Тортиб олди, дадил туриб Азроилнинг қўлидин!
Ана уни табиб деса, ҳаким деса бўлади!
Сизнинг дуо, эзибички, кинна, очган фолингиз
Бир чақалик наф бермади!

Абу Файсал
Ахир, амир...

Вазир

Э, қўйинг!

Узингизни оқлаш учун кўп уринманг, фойдасиз!
Жаҳолатнинг нималарга қодирлиги яна бир
Тажрибада аён бўлди!

Қаландарий

Бўйинини эгиб.

Бизда гуноҳ, кечиринг...

Вазир

Энди маълум бўлди, нега ибн Сино шаънига
Иғво, бўҳтон тарқатишиб юрганингиз, шоввозлар!

Ибн Асрор

Ундоғ эмас, улуғ амир...

Қаландарий

Биз бу гапдин ҳолимиз...

Вазир

Ҳа, Синонинг донолиги, фаросати, билими,
Жуда улуғ ҳакимлиги, унинг шону-шухрати,
Сизга тинчлик бермай қўйди, уйқунгизни қочирди!

Хўжа Бурхон

Ибн Сино Бухоронинг осмонида бир юлдуз!
Жаҳон бўйлаб тарқалмоқда унинг ёруғ нурлари!

Вазир

Бундан буёқ Бухорода табобатга тегишли
Барча ишлар, «Дорушшифо», ибн Сино қўлига
Топширилур, — Бухорода ундан улуғ ҳаким йўқ!

Хўжа Бурхон

Ҳа, дунёга кам келади Сино каби ҳакимлар.

Ибн Сино кириб келади, ёнида Раҳмат. Иккаласи ҳам жуда чарчаган. Утирганларнинг ҳаммаси уларнинг истиқболига ўринларидан туришади.

Ибн Асрор

Улуғ ҳаким, астойдил муборакбод қиламиз!

Қаландарий

Ғалабангиз қутлуғ бўлсин!

Камолиддин

Тан берамиз, офарин!

Сино

Раҳмат... Раҳмат... (Вазирга) амиримиз ухладилар...

Вазир

Тасанно!

Абу Файсал

Узр, билсак бўладими, дард қанақа дард экан?

Сино

Ҳа, беморнинг кўр ичаги яллиғланиб кетибди,
Фасод боғлаб жуда қаттиқ азоб бермиш амирга.
Агар ичак ёрилсаю фасод оқса ичига,
Амир омон қолмас эди заҳарланиб аъзоси.
Қоринни тез ёриб ўша заҳарланган ичакни
Олиб ташлаб тикиб қўйдик малҳам суриб ярага.

Абу Файсал

Бу гуноҳ-ку! Шаккоклик-ку!

Сино

Тангри бизни кечирар.

Гуноҳ қилдик, аммо амир омон қолди ўлимдин,
Ўйлайманки, бу борада савоб кўпроқ гуноҳдин!

Вазир

Баракалло! Жавобингиз оқилона жавобдир!

Сино

Амир ухлаб ором олсин, ҳеч ким ҳалал бермасин.
Бемор учун ҳозир уйқу, уйқу керак! Куч йиғсин.
Биз эртага келиб яна дори-дармон берурмиз.
Ярасининг малҳамини янгилаймиз, боғлаймиз.
Бизга рухсат, улуғ вазир, ниҳоятда чарчадик.

Вазир қарсак чалади, мулозимлар сарпо, икки кўзада олтин олиб
келиб, вазирнинг олдига қўядилар.

Вазир

Амиримиз ниҳоятда мамнун хизматингиздин!

Вазир ўз қўли билан Ибн Синога сарпо — устига зарбоф тўн, бошига
мисқоли салла кийгизади. Бир мулозим Раҳматга ҳам сарпо кийгизади.

Қани, сарпо қутлуғ бўлсин! (Синони қучоқлайди.)

Овозлар

Офарин! Муборак бўлсин! Тасанно!
Ибн Синога шону шарафлар бўлсин!
Сарпо жуда ярашди! Худди қуйиб қўйгандек!

С и н о

Қуллуқ, амир... Қуллуқ... Аммо, ҳожати йўқ эди...

В а з и р

Йўқ!

Сиздек улуғ ҳаким учун ҳар қанчалик сарпо оз!
 Бундин буён сиз саройнинг бош ҳакими бўласиз!
 Бундин буён сиз саройда фароғатда яшайсиз!

С и н о

Қуллуқ, амир... бу лавозим менга тўғри келмайди...

В а з и р

:Ҳайрон.:

Нечун? Нечун?

А б у Ф а й с а л

Ана холос!

Қ а л а н д а р и й

Ношукурлик!

Қ а м о л и д д и н

Вожаб!

С и н о

Ажабланманг, сўзларимда ажабланур ҳеч гап йўқ.
 Мен маҳалла, кўча-куйнинг табибимен, азизлар,
 Етим-есир, ғарибларнинг хизматида юрибмен.
 Улар менга жуда муштоқ, суянишиб қолганлар,
 Мен уларни қандоқ қилиб ташлаб кета олурмен?
 Тангри мендин юз ўгирур, юз ўгирсам улардин.
 Улуғ амир, сўзларимни зинҳор тўғри тушунинг!
 Асил табиб касалларнинг ҳузурда бўлади.
 Қаерда кўп табибларга муҳтож оғир касаллар?
 Оч-яланғоч, етим-есир ғарибларнинг уйида.
 Қасал ҳар чоқ хуруж қилар ўша вайроналарда.
 Тўқ, усти бут, иссиқ, қулай хоналарда яшовчи
 Зодагонлар ҳузурига касал камроқ йўлайди.
 Менинг жойим ўша ғариб, бенаволар ёнида.
 Кошоналар, саройларда мана булар ишласин!

В а з и р

Э, булардан ҳеч фойда йўқ, булар қорин бандаси!
 Булар роҳат, кайфу сафоларни яхши кўради.

А б у Ф а й с а л

Дарғазаб.

Биз бунчалик ҳақоратга асло лойиқ эмасмиз!

С и н о

Агар сўзим қаттиқ теккан бўлса, узр сўраймен.

В а з и р

Демак, бизнинг таклифимиз сизга мақбул бўлмади.

Сино

Кечирасиз, улуғ амир, сабабини айтдим-ку!

Вазир

Кўзачаларга ишора қилиб.

Кўзадаги олтинларни рад этмассиз?

Сино

Кулиб.

Олурмиз!..

Олтин, кумуш шу кунларда зарур бўлиб турибди.

(Вазирнинг ишораси билан, мулозимлар олтин, кумуш тўлдирилган кўзаларни Синонинг олдига олиб келиб қўяди.)

Вазир

Балли! Балли, ибн Сино, бизни хурсанд қилдингиз!

Яна қандай тилагингиз бўлса айтинг, марҳамат.

Тортинмасдин айтаберинг, бажаришга тайёрмиз!

Сино

Мумкин бўлса, амиримнинг кутубхоналаридин
Фойдалансам.

Вазир

Шу холосми?

Сино

Ҳа, шу холос.

Қаландарий

Ҳайрон.

Во ажаб!..

Вазир

Кутубхона эшиклари доим очиқ сиз учун.

Сино

Таъзим билан

Қуллуқ, амир. Бизга қандай хизмат бўлса тайёрмиз.

Вазир

Миннатдормен.

Сино

Энди бизга рухсат беринг, борайлик.

Вазир

Майли, рухсат. *(Бошқаларга)* Сизларга ҳам!

Абу Файсал

Раҳмат... Қуллуқ...

Сино билан Раҳмат кўзаларни кўтаришиб чиқабошлайди, орқаларидан бошқалар ҳам қўзғалади.

Парда.

Иккинчи парда

Иккинчи кўриниш

Яна Синонинг хонаси. Ситора ёлғиз, ҳаяжонда. У интизор бўлиб ўғлини кутмоқда.

С и т о р а

Э, худойим, нега бунча хаёллашиб кетишди?..
 Ёки бирор... Йўғэ, йўғэ... Ховотирмен жуда ҳам...
 Қулоғимдин нари кетмас шум дарвишнинг дўқлари,
 Жазавага тушиб айтган таҳдидлари ёдимда!..
 Бу ваҳима, безовталик қачон тугар, худойим!
 Агар унга бирор нарса бўлса қандоқ чидаймен?..
 Яшашимнинг ҳеч қизиғи қолмас эди у чоғда...

Тантанали равишда, устидаги сарпо билан Сино, орқасидан Раҳмат кириб келишади.
 Буларни кўриб Ситора ҳангу манг бўлиб қолади.

С и н о

(Кулиб.)

Ҳа, онажон, бизмиз, нима таниёлмадингизми?

С и т о р а

(Келиб, боласини қучоқлайди.)

Вой худойим, танимабмен, шаҳзодага ўхшайсен!
 Либосларинг жуда, жуда ярашибди ўзингга!
 Ҳа, ҳайрият!.. Онагинанг бўйларингга тасаддуқ!

Сарпо қутлуғ бўлсин, Раҳмат!

Р а ҳ м а т

Қулуқ, қуллуқ, энажон.

С и н о

(Сарпони ечаётиб.)

Мана, яна, омон-эсон қайтиб келдик ёнингга!

С и т о р а

Ҳа, ҳайрият! Қўрқиб эдим, нега кечикишди деб.

С и н о

Амир жуда оғир экан, узоқ ушланиб қолдик.

С и т о р а

Қалай, амир тузалдими?

Р а ҳ м а т

Устоз уни тузатди.

Устоз уни азроилнинг чангалидин қутқарди.

С и т о р а

Умринг узоқ бўлсин, болам. Баланд бўлсин мартабанг!

Р а ҳ м а т

Ўғлингизнинг мартабаси ошиб кетди шу бугун,
 Уни сарой ҳакими деб, эълон қилди бош вазир!

Кулиб.

Сино

Бу лавозим менга тўғри келмайди деб, рад этдим.

Ҳайрон.

Ситора

Вой, нимага?

Сино

Менга амир саройидин ғариблар
Вайронаси афзалроқдир! Менинг бурчим жаҳонда
Етим-есир, гадоларга хизмат қилиш, онажон!

Ситора

Кўзаларга ишора қилиб.
Булар нима?

Сино

Олтин-кумуш.

Раҳмат

Амир берган туҳфалар.

Ситора

Э худойим! Шунча олтин! Жуда кўп-ку?

Сино

Етим-есир, ғарибларга улашамиз, онажон.

Зарарсиз,

Ситора

Жуда яхши! Уғлим, жуда савоб ишни ўйлабсен!

Сино

Ҳа, таги мўл, бу олтинлар ҳали-бери тугамас,
Ками-кўстга яратамиз, қарзу қурзга тўлаймиз,
Йўқсулларга улашамиз, яна ортиб қолади!
Ҳа, Раҳматжон китобфуруш эсдан чиқиб қолмасин!
Анча китоб олдик ундан, ҳақи тўлангани йўқ.

Раҳмат

Ҳаммасига тўланади, эсимда бор ҳаммаси.

Усмон ота киради, икки букилиб салом беради.

Усмон ота

Ассалому алайкум. Хўш...

Сино

Ва алайкум ассалом!

Келинг, ота.

Усмон ота

Сизга атаб битта товуқ келтирдим...

С и н о

Кулиб.

Ана холос!

У с м о н о т а

Дорингиздин шифо топди набирам,
Ирим қилиб олиб келдим, боғлаб қўйдим ҳовлига...
Жуда яхши, семиз товуқ, шўрва қилиб ичурсиз...

С и н о

Раҳмат ота, аммо лекин, ўша товуқ шўрвани
Набирага ичкizasиз, набирага зарурроқ!
Яхши овқат набирага қувват, шифо бўлади.

У с м о н о т а

Ахир, ҳаким...

С и н о

Раҳмат, икки динор беринг отамга,
Ҳаққимизга дуо қилиб, қувонтирсин кампирни!

Раҳмат кўзадан икки динор олиб чолга беради, чол ҳайрон,
олтинларга узоқ тикилиб, сўнг, кўзига суради.

У с м о н о т а

Бунақанги олтинларни биринчи бор ушлашим...
Мендай ғариб, бенавога бунча шафқат мурувват...
Набирамга шифо, менга олтин бердинг... Таажжуб...

С и н о

Ҳазиллашиб.

Ажабланманг, отахоним, мен шунақа табибман.

У с м о н о т а

Дуога қўл очиб.

Умринг узоқ бўлсин, ўғлим, худо сенга ёр бўлсин!

Усмон ота дуо қилиб чиқиб кетади.

Р а ҳ м а т

Кулиб.

Анов куни олудингиз Маллабойнинг қўйини,
Бугун чолнинг товуғини рад этдингиз, ажабо!

С и н о

Маллабойнинг қўйлари кўп, олсак камайиб қолмас!
Чўпонларнинг меҳнатидин яратилган молу мулк.
Олган қўйни маҳаллага сўйиб бердик, улашдик.
Бир товуқнинг гўшти кимга етар эди, Раҳматжон?
Ғариблардин товуқ эмас, нина олиш ҳам гуноҳ!

Чўли бобо киради

Ч ў л и б о б о

Салом, ўғлим, Ибн Сино!

Сино

Э, отахон бормисиз!

Чўли бобо билан кучоқлашиб кўришади.

Салом! Салом! Чўли бобо, қаёқларда қолдингиз?

Чўли бобо

Омонмисиз, бардаммисиз, келин, Ситора бону!

Ситора

Шукур, шукур, Чўли бобо, хўш ўзингиз қалайсиз?
Кампир қалай? Келин, қизлар, набиралар омонми?
Мен чой қўяй.

Чўли бобо

Ҳожати йўқ, ҳозир уйга қайтамен.

Ситора чой қўйгани чиқиб кетади

Сино

Хўш, гапиринг, Чўли бобо, қаёқларда юрибсиз?

Чўли бобо

Э, сўраманг, мен бормаган бирорта жой қолмади.
Қизил қумни, Қора қумни, Урта чўлни айландим,
Тоғу тошни, дарёларни кезиб чиқдим эринмай,
Натижада сенга қоп-қоп турли гиёҳ келтирдим.
Ҳаммаси ҳам дорига боп, ўзинг айтган гиёҳлар...
Хўжа Исҳоқ тайинлаган ўсимлик ҳам топилди.
Ҳаммасни тартиб билан тахлаб қўйдим омборга.

Сино

Балли! Раҳмат! Омон бўлинг, Чўли бобо, кам бўлманг!

Чўли бобо

Энди менга рухсат!

Сино

Ие! Нега бунча шошасиз?
Бизникида овқат қилиб кейин уйга кетарсиз!

Чўли бобо

Иложим йўқ, бора қолай.

Чой кўтариб Ситора киради.

Ситора

Чой-пой ичиб борарсиз.

Чўли бобо

Раҳмат, бекам, кампир ёлғиз... Соғингандир ҳойнаҳой...

Сино

Кулиб.

Кампир эмас, сиз кампирни соғингансиз, чамаси.

Чўли бобо

Кулиб.

Гапингизда жон бор, ҳаким, мен ҳам уни соғиндим.
Уйдан чиқиб кетганимга роса уч ой бўлди-да!

С и н о

Кампирингиз ичканмиди, мен юборган дорини?

Ч ў л и б о б о

Роса ичди! У дорининг хосияти кўп экан,
Кампир жуда озган эди, дори ичиб жир битди,
Ажабтовур бўлиб қолди, қиз боладай диканглаб,
Югургани югурган! Ҳа, чарчамайди юмушдин...

Сино кўзадан беш олтин олиб, Чўли бобога беради.

С и н о

Манов пулга совға-салом олиб боринг кампирга!
Бир суюнсин, ҳаққимизга дуо қилсин, энамиз.

Ч ў л и б о б о

Олтинларни олиб.

Э, бу олтин, динор-ку!

С и н о

Ҳа, бизнинг сизга тухфамиз.

Бизни деб, сиз чўлда уч ой сарсон бўлиб юрдингиз,
Сиз келтирган қимматбаҳо гиёҳлардин ажойиб
Дори-дармон тайёрланур, олтинга тенг қиммати!
У шифоли дорилардин қанча бемор тузалиб,
Ҳаққингизга дуо қилур! Бундан савоб иш бўлмас!

Ч ў л и б о б о

Раҳмат, ўғлим, элга хизмат, хизмат эрур тангрига!
Керак бўлсам йўқла, дарҳол ҳузурингга келурмен.
Тоғу тошга сакрайдиган саман отим турибди.
Ахир, қачон саёҳатга, қачон овга чиқамиз?

С и н о

Вақти келар, биргалашиб чўлда ов ҳам қилурмиз.

Ч ў л и б о б о

Ҳа, айтгандай, бир кийикнинг киндагини келтирдим.
Мушку анбар, бу ҳам ноёб дорилардин бўлармиш.

Чўли бобо кўйнидан, латтага ўралган, кийикнинг киндагини чиқариб Синога беради.

С и н о

Совғани олиб.

Раҳмат, бобо, бу совғангиз қимматбаҳо совғадир!

Ч ў л и б о б о

Хўп, бўлмаса хайр, энди.

С и н о

Хайр!

Ч ў л и б о б о

Яхши қолинглар!

Ситора

Яхши боринг, азиз бобо, биздан салом ҳаммага!

Сино

Раҳматга.

Сен кузатиб қўй, бобомни!

Раҳмат

Жоним билан! Юрсинлар!

Чўли бобо, орқасидан уни кузатиб, Раҳмат чиқади.

Ситора

Бечора чол! Шўрлик бобо, чўл кезади сени деб.

Сино

Олижаноб! Саховатли! Халқдин чиққан донишманд!

Ситора

Хўп, бўлмаса дамингни ол! Роса чарчагандирсен.
Ана, иссиқ чой турибди...

Сино

Хўп, ичамен, онажон.

Ситора

Хаш-паш демай, овқатим ҳам тайёр бўлиб қолади.
Иссиқ нондин ол, жиззалик...

Сино

Раҳмат, она, оламен,

Сино хонтахта ёнига ўтириб, чой ича бошлайди. Ситора унга тикилиб ўтиради.

Ситора

Қўшнимизнинг қизи Марям бўйга етиб қолибди.
Жуда яхши одоблик қиз, чиройлик қиз, ақллик.
Биласенми?

Сино

Нега билмай? Жуда яхши биламен.

Ситора

Қалай, сенга ёқадими?

Сино

Ёмон эмас.

Ситора

Бўлмаса...

Сино

Ҳожати йўқ, ҳозирча мен уйланмаймен, онажон.

Ситора

Нега энди?

С и н о

Ишларим кўп... Сўнгра, севги бўлмаса
Қандоқ қилиб уйланамен? Уни яхши кўрмаймен,
Гарчи гўзал, парипайкар қиз бўлса ҳам... Билмаймен...

Кулиб.

Балки, кейин бирор гўзал илинтирар тузоққа.

С и т о р а

Ҳазиллашма! Мен ҳам орзу ҳавас кўрай деймен-да!

Соғиндиқни бошлаб Раҳмат киради.

Р а ҳ м а т

Манов йигит сизни йўқлаб келибди.

С и н о

Хўш, ким касал?

С о ғ и н д и қ

Мен Файсалнинг хизматкори, шогирдимен... Эртага
Хўжайиним, Бухоронинг машҳур табибларига
Зўр зиёфат бермоқчилар... Зиёфатга сизни ҳам
Таклиф қилиб кел деб мени, атайинлаб юборди.

С и н о

Ишларим кўп, агар қўлим тегиб қолса борурмен...
Боролмасам узр...

С о ғ и н д и қ

Ҳаким, сизнинг келишингизни
Тўрт кўз бўлиб кутишади барча табиб, ҳакимлар!
Зиёфатнинг энг ҳурматли меҳмони сиз бўласиз.
Бормасангиз Абу Файсал қаттиқ хафа бўлади.

С и н о

Кўраман...

С о ғ и н д и қ

Хўп, хўжайинга келади деб айтамен.
Менга рухсат. Ҳовлида иш бошдин ошиб ётибди.

Раҳматга мурожаат қилиб.

Ошнам, мени кузатиб қўй! Хайр, қаттиқ илтимос!
Зиёфатда сизни кўриш бизлар учун улўф бахт.

Р а ҳ м а т

Кўп жаврама, юр, оғайни!

С и т о р а

Ҳа, боради, боради.

С о ғ и н д и қ

Шундай бўлсин!

Р а ҳ м а т

Аммо, дўстим, жуда елим экансен.

Соғиндиқ

Бўлди, кетдик. Сен ҳам боргин, ўзим кутиб оламен.

Соғиндиқ, Раҳмат бирга чиқиб кетишади.

Ситора

Чақирибди, бориш керак!

Сино

Ҳеч ҳушим йўқ, онажон.

Ситора

Улар ахир, Бухоронинг каза-казолари-ку!

Сино

Ғазаб билан.

Қаллаварам! Жоҳил! Нодон! Имони йўқ табиблар!
Тоқатим йўқ расволарни, разилларни кўришга!
Фисқу-фасод, ғийбат эрур кори-бори уларнинг!
Улар билан бир товоқдин ош егунча, ит билан
Бир ялоқдин ёвғон ичиш юз мартаба афзалроқ!

Ситора

Не қиласен, ўғлим, душман кўпайтириб ўзингга!
Улар ёмон, қўлларидин ҳар қандай иш келади!
Улар билан эракишма, ўз ишингни билиб қил!

Сино

Ёвга ён бер дейсизми?

Ситора

Иўқ! Ёвузларга ён босиш
Ҳам жиноят, ҳам гуноҳ! Ҳа, ўчакишма фойдасиз.
Бориб ёвнинг ниятини, фикрини бил, аниқла,
Шунга қараб иш тутасен, қарши чора кўрурсен.
Эҳтиёт бўл, керак бўлса айёрлик ҳам қила бил!

Сино уйда у ёқдан бу ёққа юради. Ситора ўғлига тикилиб унинг бир қарорга келишини кутади.

Парда.

Учинчи парда

Учинчи кўриниш

Абу Файсалнинг безатилган меҳмонхонаси. Ташқарида, боғда катта зиёфат бормоқда, мусиқа, ашула садолари эшитилиб туради.
Хонада ҳеч ким йўқ. Бир оздан кейин хонага Абу Файсал, Ибн Асрор, Қаландарий. Камолиддинлар киришади. Ҳаммаси ҳам ширакайф. Орқаларидан Соғиндиқ киради.

Абу Файсал

Ғазабли.

Э, келмайди! Келса агар шу чоққача келарди!
У бизлардин ҳазар қилур!..

К а м о л и д д и н

Сабр қилинг, келади.

С о ғ и н д и қ

Жуда қаттиқ тайинладим, ваъда берган келишга.
Чиқиб кетади.

А б у Ф а й с а л

Бу ишимиз бемаънилик! Қуллуқ қилиш рақибга!
Ахир, нечун бунча хўрлик бир лўттибоз олдида?!

К а м о л и д д и н

Сабр қилинг, кўп куйинманг! Ҳозирги пайт шунақа.
Агар йўлни ўзгартмасак, мурасага келмасак,
Кўп ўтмасдин Сино бизни кафангадо қилади!

И б н А с р о р

Ҳаммамизни Бухородин дириллатиб қувади!

Қ а л а н д а р и й

Ҳозир унинг қўли баланд, сарой уни қўллайди.
Ибн Сино нима деса, сарой қулоқ солади.
Тақдиримиз ўша жаллод, ўша муртад қўлида!

А б у Ф а й с а л

Уни бўғиб ўлдирардим, бўлса агар иложи!

К а м о л и д д и н

Вақти келар, бу ишнинг ҳам уддасидин чиқурмиз.
Аммо, ҳозир мурасага келиш лозим у билан.

А б у Ф а й с а л

Бир расвога бўйин эгиш?.. Шармандалик! Э, худо!
Бизни қандай кунга солдинг?!..

К а м о л и д д и н

Бошқа илож йўқ, ахир!

Амир биздин хафа, вазир кўролмади бизларни.
Улар учун Ибн Сино адолатнинг тимсоли,
Табобатнинг эса моҳир ва ягона вакили!
Сино билан мурасага келиш зарур, муҳим, шарт!

А б у Ф а й с а л

Нега бунча имиллайди амир Маҳмуд ғазнавий?
Бухорога қачон юриш бошлар Қорахонийлар?!

К а м о л и д д и н

Сабр қилинг, Абу Файсал! Тангри шоҳид, сизу биз
Кутган яхши кунлар келур...

А б у Ф а й с а л

Қачон? Қачон?!

К а м о л и д д и н

Хушхабар

Келтирмоқда бирин-кетин айғоқчилар, жосуслар.
Дини ислом ҳомийлари бизга мадад берурлар.

Ибн Асрор

Иншоолло! Айтганингиз келсин!..

Қаландарий

Ана, ўшанда,
 Ножинслардин, шаккоклардин боплаб қасос олурмиз!

Абу Файсал

Ҳа, ўшанда, олимларга ён босувчи вазирни
 Синосига қўшиб туриб баланд дорга осурмиз!

Ибн Асрор

Иншоолло! Иншоолло!

Қамолиддин

Омин, худо ёр бўлсин!

Ҳамма фотиҳага қўл очади. Боғ томондан Соғиндиқ киради.

Соғиндиқ

Боғдагилар кутишмоқда.

Абу Файсал

Ҳозир, ҳозир чиқамиз.
 Юринг, давом эттирайлик боғда кайфу сафони!
 Базми жамшид қизигандир. (Соғиндиққа) Сен эшикда пой-
 лаб тур,
 Келса олиб кирарсен!

Соғиндиқ

Хўп, кўнглингизни тўқ тутинг.

Соғиндиқдан бўлак ҳамма чиқиб кетади. Соғиндиқ меҳмонхонани пича йиғиштирган
 бўлади, хонтахта устида турган шаробдан қуйиб ичади, мевалардан ейди.
 Соҳибжамол киради.

Соҳибжамол

Абу Али ибн Сино келмадими ҳали ҳам?

Соғиндиқ

Сизга Сино керакмиди?.. Назаримда, Синонинг
 Сизда иши йўқ!..

Соҳибжамол

Зарарсиз, менинг унда ишим бор!

Соғиндиқ

Қора кўзим, ширин сўзим, айтинг, библиб қўяйин,
 Номаҳрамда гўзал қизнинг қандай иши бор экан?!

Соҳибжамол

Ҳасадгўйлар учун сира алоқаси йўқ ишлар!

Соғиндиқ

Сиз пардаи исмат ичра ўтирган бир бокира,
 Абу Файсал каби машҳур алломанинг қизисиз,
 Гурурингиз қани, бекам?.. Ҳаё қани, гўзалим?

Соҳибжамол

Тергашликка ҳеч ҳаққинг йўқ! Тергайдиган отам бор!

Соғиндиқ

Қачонгача куйдирасиз?.. Куя-куя кул бўлдим!
 Инсоф деган, шафқат деган нарса борми, азизим?
 Биласизку, бу даргоҳда фақат сиз деб, юрибмен.
 Ҳа, севгингиз оёғимга кишан! Сизсиз ҳеч ёққа
 Кетолмаймен!.. Илож қилинг, қўлингизда тақдирим!

Соҳибжамол

Севмаймен деб айтдим-ку, бас! Хушомадни бас қил-да!
 Хушомадга учадиган қиз эмасмен, биласен.
 Нега энди, илон бўлиб қайта-қайта аврайсен?!

Соғиндиқ

Эсингизда турса керак отангизнинг ваъдаси?
 Сиз ҳалолим бўлажаксиз шу ваъдага биноан!

Соҳибжамол

Дарё қуриб, тоғ чўкиши мумкин, аммо мен сенга
 Ҳеч вақт хотин бўлмаймен!

Соғиндиқ

Мен етиш учун мақсадга
 Ҳаммасини ишлатамен, нима келса қўлимдин!

Соҳибжамол

Мен қўрқмаймен ишқ йўлида азоб, ҳатто ўлимдин!

Соғиндиқ

Кўп чиранманг, ойим тилло, ўз вақтида кўрамиз!

Соҳибжамол

Мен мабодо, жарроҳликни ўрганолсам Синодин,
 Ит ўрнига сени сўйиб ўтказардим тажриба!

Соҳибжамол шитоб билан чиқиб кетади.

Соғиндиқ

О, бу тилинг кесилгурнинг тили аччиқ, захри мор!

Соғиндиқ эшикка чиқиб кетади. Бир оздан сўнг, Синони бошлаб киради.

Сино

Ҳеч ким йўқ-ку?

Соғиндиқ

Ҳамма боғда, юринг, боққа чиқайлик!

Сино

Шу ер яхши, дўстим... Боғда одам кўпга ўхшайди...
 Ишларим кўп, жиндак суҳбат қиламену кетамен...
 Мени кутиб туришибди уч-тўрт оғир касаллар...

Соғиндиқ

Ахир, дам ҳам олиш керак, баъзан, баъзан бўлса ҳам!

Сино

Кулиб.

Дамни гўрда олсак керак, тирикликда қўл тегмас...

Соғиндиқ
Кулади.

Кўп ажойиб файласуфсиз!.. Хабар берай уларга.

Соғиндиқ боққа чиқиб, Абу Файсал, Камолиддин, Ибн Асрор ва
Қаландарийларни бошлаб келади.

Абу Файсал
Таъзим қилади.

Хуш келибсиз, Ибн Сино!

Камолиддин
Улуғ ҳаким, мархабо!

Ибн Асрор
Қадамларига ҳасанот!

Қаландарий
Беҳад, беҳад хурсандмиз!

Камолиддин
Сиздек улуғ сиймо билан бирга суҳбат қуришлик,
Биздек камтар одамларга кам муяссар бўлади!

Ибн Асрор
Алломалар алломаси, доноларнинг доноси,
Бу замоннинг Арастуси ва Луқмони ҳакими,
Хуш келибсиз! Бизни ғоят, ғоят хушнуд этдингиз!

Камолиддин
Келдилар-ку! Келмайди деб, хавотирда эдингиз!

Абу Файсал
Қани, қани, юқорига! Қани, тўрга! Марҳамат!

Сино
Йўқ, улуғлар тўрга чиқсин, менга шу ер бўлади.

Сино пастроққа ўтиради, сўнг, бошқалар ҳам ўтиришади. Соғиндиқ меҳмонларга
май куйиб узатади.

Абу Файсал
Қани, қани, дастурхонга!

Сино
Узатилган майни олиб.

Миннатдорман.

Камолиддин
Азизлар!

Бугун жуда улуғ айём, буюк Сино биз билан!
Қани, дўстлар, соғлиғига улуғ ибн Сионинг
Оқ ичэйлик, бу шаробни — ба нияти шифо деб!

Ҳамма шароб ичади.

С и н о

Майни ичади.

Раҳмат, раҳмат, улуғ зотлар... Бахтга қарши вақтим оз.
Гапни чўзмай муддаога ўтсак яхши бўларди.

К а м о л и д д и н

Аввал таом, бадъаз калом деган гап бор дунёда!

И б н А с р о р

Синога май тутади.

Афшонанинг узумидин тайёрланган майи ноб!
Дори эрур, шифо эрур бунинг турган-битгани!

С и н о

Кулиб, майни олади.

Афшонанинг узумидан қилинган май — шаръий май!

Ҳамма кулиб, май ичади, Сино ҳам.

К а м о л и д д и н

Боракалло! Ҳаммамиз ҳам жиндек, жиндек нўш этдик!

Қ а л а н д а р и й

Сизда андак назми таб ҳам борлигини биламиз,
Бирор янги газалингиз бўлса ўқинг, тинглайлик.

С и н о

Енимда йўқ.

И б н А с р о р

Хўш, бўлмаса танбур чалиб берарсиз?
Куй басталаш, танбур чалиш бобида ҳам тенги йўқ,
Маҳоратли санъаткор деб, эшитганмиз, илтимос!

С и н о

Ғазал ўқиш, танбур чалиш учун мени бу ерга
Чақирмагандирсиз... Қани, муддаога ўтайлик.

А б у Ф а й с а л

Сизга битта саволим бор, майлигами сўрасам?

С и н о

Майли, сўранг, агар билсам жавобини қилурмен.

А б у Ф а й с а л

Амир қандоқ чидаб турди сиз қорнини ёрғанда?
Еки афсун ўқиб туриб олдингизми ҳушини?

С и н о

Сеҳргарлик, жодугарлик билан асло ишим йўқ!
Мен дорин беҳуш бериб аввал уни ухлатдим,
Амир беҳуш, мурда каби ётар эди тахтада,
Шу ҳолатда ёринг, кесинг, бемор сира сезмайди.
Вақти келиб ўз кучини йўқотганда у дори,
Беҳуш бемор яна қайтиб ўз аслига келади.

К а м о л и д д и н

Парвардигор!

Абу Файсал

Бу гуноҳ-ку! Шарнатга хилоф-ку!

Сино

Ҳа, бу гуноҳ... Аммо, инсон ҳаёти деб, гоҳида
Бир оз гуноҳ қилишга ҳам мажбур бўлиб қоламиз...

Қаландарий

Менинг ҳам бир саволим бор, Ибн Сино айтингчи,
Дунёда энг ёмон касал қайси касал сизнингча?

Сино

Бир оз ўйланади, сўнг, қатъий гапиради.

Ёмон касал кўп дунёда... Энг ёмони, менимча,
Ифвогарлик, ҳасадгўйлик, чақимчилик ва ғийбат...
Мунофиқлик, хоинлик ҳам ёмон дардга киради...

Абу Файсал

Бу гапингиз кимга шама?!

Камолиддин

Оғир бўлинг, ҳазратим!

Сино

Сўрадингиз, жавоб бердим... Ё гапларим чаккими?

Қаландарий

Мен анови касалларни сўраб эдим.

Сино

Кечиринг,

Мен яхшироқ тушунмабман.

Абу Файсал

Муғомбирлик кетмайди!

Сино

Ҳа, эсимга солганингиз яхши бўлди — ёмон дард
Қаторига муғомбирлик, айёрлик ҳам киради...

Камолиддин

Гапни буради, ноқулай вазиятни йўқотмоқчи бўлади.
Савол-жавоб тўхтатилсин! Меҳмонни кўп қийнаманг!
Мунозара эмас, дўстлар, ширин суҳбат қилайлик!
Ҳаммамизнинг касбимиз бир, ҳаммамиз ҳам табибмиз,
Қиладиган ишимиз бир, бинобарин, бирлашиб,
Бир ёқадин бош чиқариб, элимизнинг бахтига,
Бухоронинг шони учун бирга хизмат қилайлик!

Ибн Асрор

Жуда тўғри! Бамаъни гап! Ҳамкорликка не етсин!

Қаландарий

Ибн Сино, сиз табибсиз ҳам олимсиз, биламиз.
Қани энди, илмингиздин биз ҳам баҳраманд бўлсак!
Билмаганини билдирсангиз...

Абу Файсал
 Ургансангиз биздин ҳам.
 Муддаомиз, сиз билан дўст, ҳамкор бўлиш, бирлашиш!

Сино

Ўт билан сув бирлашолмас! Илм билан жаҳолат
 Бир-бирининг кушандаси!.. Буни сиз ҳам биласиз!

Ўтирганлар бир-бирига маънолик қилиб қарашиб оладилар. Абу Файсал дарғазаб.

Ибн Асрор

Гапни ҳазилга буриб.

Жиддий суҳбат орасига ҳазил асло сиғмайди.

Сино

Ҳазили йўқ! Гапларим рост! Муддаонгиз бошқача!
 Ҳаммасига тушунамен, мени ёмон кўрарсиз!
 Қўлингиздин келса мени ўлдиришга тайёрсиз!

Камолиддин

Ундоғ деманг! Худо шоҳид, сизни ҳурмат қиламиз.
 Шаънингизга не гапирсак, астойдил гапирдик.

Сино

Гапнинг рости ёлғонини билиш учун авлиё,
 Ёки Хизр бўлиш даркор эмас асло! Биламен,
 Менга бўлган хушомадлар найранг, ҳийла мутлақо!

Абу Файсал

Ғазабли.

Бу қандай гап!

Камолиддин

Оғир бўлинг! Сабр қилинг! Гапирсин!
 Майли, қандоқ сўзи бўлса қолдирмасдин сўзласин,
 Бўхтонларга жавоб қилиш қўлимиздан келади!

Сино

Сиз қўллаган эзибички, кинна солиш, фол очиш,
 Кўчириқлар, дуохонлик табобатга даҳли йўқ!
 Сиз жаҳолат асирсиз! Беморларнинг жонини
 Жавраб туриб, авраб туриб, алдаб туриб оласиз!

Абу Файсал

Бақиради.

Оғзингни юм! Ҳаддин ошма! Иблис! Худо беҳабар!

Сино

Мен туфайли сир очилиб, тагингизга сув кетди.
 Энди мени қалқон қилиб, ҳалокатдин, офатдин
 Қутилишнинг йўлларини, чорасини излайсиз!
 Ахир, менинг виждоним бор, имоним бор! Сиз мени
 Хушомадлар тузоғига илинтира олмайсиз!

Мен ҳақиқат шайдосимен! Мен адолат ҳомийси!
Менинг йўлим илму-фаннинг, эзгуликнинг йўлидир!

К а м о л и д д и н

Ҳаддингиздин ошманг, Сино, сўнг пушаймон бўласиз!

С и н о

Мен бу ерга келганимдин пушаймонмен, тўғриси.

К а м о л и д д и н

Қўл узатдик, олмадингиз, рад этдингиз дўстликни.

С и н о

Олар эдим, узатилган қўллар ҳалол бўлганда!

А б у Ф а й с а л

Бу ўжарлик бошингизга етмасин деб, қўрқамен!

С и н о

Нима бўлса пешонамда ёзилгани бўлади.

К а м о л и д д и н

Сиз яккасиз, биз кўпчилик, қўлимиздин ҳамма иш
Келади, ҳа, қўлимизни қайга чўзсак етади!

С и н о

Таҳдидлардин қўрқадиган одатим йўқ, тақсирлар,
Токи жоним бор эканки, жаҳолатга, зулмга,
Хиёнатга қарши мудом курашганим курашган!

Қ а л а н д а р и й

Ҳали ҳам кеч эмас, Сино, товба қилинг ҳазратга!

С и н о

Товба қилсам товба қилгум фақатгина тангрига,
Жоҳилларга товба қилиш ҳам жиноят, ҳам гуноҳ!

А б у Ф а й с а л

Ғазаб билан ўрнидан туриб кетади.

Э, қўйинглар, бу қайсарга сўз уқдириб бўлмайди!
Қани, туринг, боққа чиқдик, суҳбатларга ҳўп тўйдик!
«Азиз меҳмон» кетаберсин, кузатиб қўй Соғиндиқ!

Утирганлар ирғиб ўринларидан туришади, шитоб билан боққа чиқиб кетишади.
Сино уйда.

С о ғ и н д и қ

Хафа бўлманг, булар шундай...

С и н о

Кулиб.

Нега хафа бўлайин?

Хафа бўлиш яхши эмас нодонларнинг сўзига.
Қутилганим яхши бўлди, жоҳилларнинг қўлидин.
Энди булар Сино билан беллашишни истамас.
Мақсадлари пучга чиқди! Ҳийлалари ўтмади.

Алоқани шартта уздим, қирқиб умидларини!
Ана шунга хурсандмен!

Соғиндиқ

Ҳа, заҳар экан тилингиз.

Сиз уларга айтган гапни агар илон эшитса
Пўст ташларди! Ҳар сўзингиз ўткир илон заҳридин.

Сино

Кулади.

Табобатга қизиқасан, чоғи, заҳар тилингдан
Тушмай қолди.

Соғиндиқ

Табобатга қизиқамен жуда ҳам!
Бирор нарса ўрганай деб, Абу Файсал табибдин,
Анча бўлди, ҳовлисини эшигини супириб,
Хизмат қилиб келмоқдамен... Бу даргоҳда юришнинг
Яна битта сабаби бор...

Абу Файсал

Ташқаридан.

Қайда қолдинг, Соғиндиқ!

Соғиндиқ

Ҳозир, ҳозир! (*Синога.*) Кечирасиз.

Сино

Ҳечқиси йўқ... бора қол.

Соғиндиқ боққа чиқиб кетади. Сино ҳам кетиш учун, эшик томон йўл олади.
Ичкаридан Соҳибжамол чиқади, у ҳаяжонда.

Соҳибжамол

Ҳақим... ҳақим...

Сино

Орқасига ўгирилиб қарайди.

Менми?..

Соҳибжамол

Ҳа, сиз...

Сино

Ҳазиллашиб.

Мен ҳақиммас... Синомен!..

Соҳибжамол

Бухорода шу кунларда, сиздин улуг ҳақим йўқ!

Сино

Соҳибжамолга ҳайрат билан қараб.

Қимсиз бекам номингиз ким?..

Соҳибжамол

Мен Файсалнинг қизиман.

Номим эса Соҳибжамол...

Сино

Жисмингизга муносиб...

Соҳибжамол

Улуғ ҳақим, мен сиз билан ғойибона танишмен,
Барчасини ўқиганмен неки ёзган бўлсангиз...
Барча эзгу ишингиздин хабардормен!

Сино

Ҳайрон.
Ажабо!

Соҳибжамол

Ғойибона, ихлос билан сизга шогирд тушганмен.
Сизни кўриш орзум эди... Мана, кўрдим... устозим!
Илмингиздин, фазлингиздин мени маҳрум этмангиз,
Уйингизга бориб гоҳи сиздин сабоқ олайин.
Рухсат этинг, садоқатли шогирдингиз бўлайин!..

Синс

Уйланади.

Бу орзуга етиш қийин... рухсат бермас отангиз.

Соҳибжамол

Мақсадимдин мени, ҳатто қайтаролмас ўлим ҳам!
Жуда қаттиқ қизиқамен мен табобат илмига.
Сизнинг доно сўзларингиз юрагимга табобат,
Илму фаннинг чироғини ёқиб қўйди... Энди мен
Ўлгунимча илму фаннинг севгисига асирмен!
Табобатни ҳаётимнинг мазмуни деб, биламен!
Мен ҳам сиздек, инсонларга хизмат қилгим келади.
Мен ҳам сиздек, ғарибларга кўрсатолсам мурувват,
Мен ҳам сиздек нажот берсам беморларга — уларнинг
Азобини оз бўлса ҳам камайтирсам, қўлласам,
Дунёдаги энг бахтиёр инсонлардин бўлардим!..

Сино

Оқилона сўзларингиз мени солди ҳайратга!
Сиздек доно, соҳибжамол менга шогирд бўлолса,
Мен ҳам жуда бахтиёр деб ҳисоблардим ўзимни!
Қани энди ақлингизни, ҳуснингизни тавсифлаш
Учун бир зум ё Фирдавсий, ё Рудакий бўлолсам!

Соҳибжамол

Қалбимга ўт солманг устоз, қалбдаги ўт кифоя!

Сино

Соҳибжамол, сизга доим очиқ менинг эшигим!

Соҳибжамол

Миннатдормен, азиз устоз, мени хурсанд, қилдингиз.
Мени кутинг... Мен бораман!..

Сино

Ўўлингизда кўзларим...

Сино кетади. Соҳибжамол ўзида йўқ шод, ўзини каёққа қўйишини билмайди.

Соҳибжамол

Э, худойим, менга толе ато қилдинг! Ташаккур!
 Ғойибона севганимнинг висолига етказдинг!
 Абу Али ибн Сино! Юрагимнинг ҳоқими!
 Бу дунёда энди сениз яшаш мушкул мен учун!
 Ғаришталар, омин денглар, эришайин бахтимга!
 Ғринамнинг висолидин асло жудо бўлмайин!
 Ғаришталар, омин денглар!.. (Икки қўлини кўкка кўта-
 ради.)

Ғазаб билан Соғиндиқ киради.

Соғиндиқ

Бу қанақа шармандалик! Номахрам-ку, у сенга!

Соҳибжамол

У мен учун яқин маҳрам! У мен учун авлиё!
 У мен учун табаррукдир! У мен учун ягона!

Соғиндиқ

Менчи?!

Соҳибжамол

Сенми?.. Бегонасен! Сени ёмон кўрамен!

Соғиндиқ

Отанг менга ваъда қилган, қайлигимсен... бўлажак!
 Бу даргоҳда фақат сен деб, хизмат қилиб юрибмен.

Соҳибжамол

Умидингни уз, Соғиндиқ, сенга хотин бўлмаймен!

Соғиндиқ

Унда сени ўлдирамен!

Соҳибжамол

Ўлдиришинг мумкин, ҳа,
 Аммо, икки дунёда ҳам етолмайсен васлимга!

Соғиндиқ

Йиғлаб.

Ялинамен! Биласан-ку, сени жондин севамен!
 Сениз менга олам зиндон! Сениз ҳаёт жаҳаннам!

Соҳибжамол

Мен севмаймен...

Соғиндиқ

Нега?..

Соҳибжамол

Сендин қаттиқ ҳазар қиламен!

Соғиндиқ

Нима, ахир, маразменми, мендин ҳазар қиласен?!

Соҳибжамол

Разил одам, паст одамнинг фарқи бўлмас мараздин!

Соғиндиқ

Дарғазаб.

Ибн Сино жигарингдин урибди-да!

Соҳибжамол

Синонинг

Севгисини юрагимда азал-абад сақлаймен.

Ибн Сино ифтихорим! Ибн Сино ҳаётим!

Соғиндиқ

Дарғазаб.

Бу гапларни отанг билса сомон тиқар пўстингга!

Соҳибжамол

Бу севгидин мени маҳрум этолмайди ўлим ҳам...

Файсал киради, қўлида йўғон ҳасса.

Абу Файсал

Хўш, нима гап? Нима ғавғо?

Соғиндиқ

Гап шундаки, қизингиз,
Сино билан... суҳбатлашди... Ундин сабоқ олармиш.

Соҳибжамол

Хоин! Разил! *(Кета бошлайди.)*

Абу Файсал

Нима? Нима? Шошма! Тўхта! Беҳаё!

Соҳибжамол тўхтайди.

Ана холос! Душмандин сабоқ олмоқчимисен?

Соҳибжамол

Ибн Сино душман эмас...

Абу Файсал
Оғзингни юм, шарманда!

Соғиндиқ

Кулиб.

Ҳа, қизингиз ёвингизни қаттиқ севиб қолибди.

Абу Файсал

Ё алҳазар!

Соғиндиқ

Ҳатто, унинг уйига ҳам бормоқчи...

Абу Файсал

Оёғини синдирамен! Гўрга тирик кўмамен!

Соҳибжамол

Нима бўлса бўлаверсин, пешонамдин кўрамен!
Аммо, ота, жуда қаттиқ менинг аҳду қарорим!

Абу Файсал

Ғазаб билан бақиради.

Йўқол! Сенгек фарзандим йўқ! Йўқол, сени оқ қилдим!
Соҳибжамол

Ахир, ота...

Абу Файсал

Йўқол дедим! Йўқол кўздин беномус!

Файсал кўлидаги йўғон ҳасса билан Соҳибжамолни уради. Соҳибжамол ўнг кўлини кўтариб, ҳассани ушлаб қолмоқчи бўлади, ҳасса унинг кўлига тегади.

Соҳибжамол

Қўлини ушлаб, йиғлаб.

Вой, вой, қўлим...

Бу ҳодисани кутмаган Соғиндиқ, зудлик билан, Файсалнинг кўлидан ҳассани тортиб олиб, бир чеккага улоқтириб ташлайди.

Соғиндиқ

Ахир, уни нима қилиб қўйдингиз?!

Абу Файсал

Баттар бўлсин! Бу ҳали оз!..

Соғиндиқ

Шафқат қилинг, ҳазратим!

Абу Файсал

Оқпадарга, шармандага, беномусга шафқат йўқ!

Файсал ғазаб билан тез чиқиб кетади. Соғиндиқ Соҳибжамолга ёрдам бермоқчи бўлади.

Соҳибжамол

Йўқол, номард! Йўқол, хоин! Яқинлашма!..

Соғиндиқ

Довдираб.

Ахир, мен...

Соҳибжамол

Мақсадингга етдинг, иблис, жудо қилдинг отамдин!

Соҳибжамол чап кўли билан ўнг кўлининг тирсагини ушлаб йиғлаганча эшик томон йўл олади.

Соғиндиқ

Соҳибжамолнинг йўлини тўсиб.

Қаёққа?.. Қўй, Соҳибжамол!.. Менинг Соҳибжамолим!..

Соҳибжамол

Йўлни тўсма!.. Қоч йўлимдин!.. Илон! Чаён! Бойўғли!..

Соҳибжамол йиғлаб чиқиб кетади. Соғиндиқ, гурган жойида қотиб, лол бўлиб қолади

Парда

(Давоми келгуси сонда).



Ҳабибий,

Ўзбекистон халқ шoirи

Халқим

Ҳамиша бир-бирига дўсту ёру меҳрибон халқим,
Кўринг ёшу қари эркак-аёли жонажон халқим.

Ажаб озоду эркинликда кўп эркан фазилатлар,
Бунинг мазмунини билган учун бўлсин омон халқим.

Бўлур меҳнатда роҳат деб қолубдур зўр мақол элда,
Буни деҳқон бобом ҳам қўлламиш, дер нуқтадон халқим.

Жасорат кўрсатиб меҳнатда, завқи бирла ёзу қиш,
На хушҳол қилди бу мушкул муаммони аён халқим.

Зафар топди, ҳамма бирлашди ишлаб ўзига чоғлаб,
Жаҳон аҳлин дилида қўймади зарра гумон халқим.

Билимдон партия раҳбарлигида бўлди кўп ҳосил,
Фаровонлик учун тўй қилдилар кўп қаҳрамон халқим.

Ҳабибий, шукур қилким, иттифоқлик барқарор ўлди,
Ажойиб қилди саҳроларни оқ олтинга кон халқим.

Ер

Мунча мустаҳкам муаллақ тутқа йўқ ҳеч ёнда ер,
Айланур тинмай, сезилмас, ақли бор инсонда ер.

Бир саҳидур тенги йўқ, ҳар жониборни тўйғазур,
Зўр тилак, толмас билак, ҳам довиюрак полвонда ер.

Илм ила меҳнатга қўл урса бободеҳқон агар,
Хонадонни гуллатур, ҳосил бериб майдонда ер.

Молу қўйлар тўқу, бардамликдадур ҳар ёзу қиш,
Қанда бўлмайдур агар, бўлганда ҳар чўпонда ер.

Элни ризқин излагай, ерни ёриб деҳқон ҳама,
Нозу неъматга фаровон қилди ҳар деҳқонда ер.

Парвариш қилгай, кўчатлар ўтқазиб ҳар боғибон,
Мевалар бергай тотимлик, боғ ила бўстонда ер.

Элга мослаб жомалар тузгай, Ҳабибий хилма-хил,
Ҳикматин сўзлар мукамал, тариху дostonда ер.

Колхоз

Баҳор иш бошлади мардона колхоз,
Садоқатлик, очиқ пешона колхоз.

Планлар юздан ошгай қилса меҳнат,
Эл ичра бўлмагай афсона колхоз.

Зироат ҳосилидан завқи ошгай,
Оғизда ялла-ю мастона колхоз.

Маҳорат соҳиби деҳқончиликда,
Ватанда тенги йўқ дурдона колхоз.

Саодатманд эрур эркак, аёл ҳам,
Бари чин дўсту йўқ бегона колхоз.

Электр ҳар томонда, уйда газлар,
Электр нурига парвона колхоз.

Бирин ордени, бирин олдин мукофот,
Қилур саҳрони ҳам тўйхона колхоз.

Ҳабибий, янги уйларга кўчирдик,
Ўзида қўймади вайрона колхоз.

Чўпон

Ҳамиша мадҳ этилур элда кўп маҳал чўпон,
Нечунки ўз ишига қилди чин амал чўпон.

Бобомнинг ўзларидан қолди менга бу калтак,
Деди кўзига суриб, олдин ҳар маҳал чўпон.

Неча-неча кўзини бўрдоқи этиб боқди,
Қаю иш ўлса қийин, қилгай эрдин ҳал чўпон.

Ҳамиша яйрашадур, салқин ўтли яйловда,
Кўзида тоғлар эрур келса ҳар ҳамал чўпон.

Қўй ҳам кўзилар ҳар бирин семиз бардам,
Қилурму эркак ила совлигин бадал чўпон.

Ажабки тарбияни кунда яхши қилгайлар,
Кўзидан ўтказадур қилмайин касал чўпон.

Ҳабибий, маърашадур қанча кўю кўзилар,
Қўриқчин бўлди ўзин турмуши асал чўпон.

Келмади

Келди бошима қоронғу моҳи тобон келмади,
Барқ уриб яшнаб кулиб хуршиди рахшон келмади.

Нозанинларнинг ажойибдан-ажойиб нози бор,
Келсалар бўлгай эди, энг яхши меҳмон келмади.

Халқаро Мажнун каби афсонаман ибратнамо,
Кетди дармону мадорим, жисм аро жон келмади.

Мунтазирлик заҳри оғзимда, кўзимда қонли ёш,
Жон чиқар исо нафас, жонбахш жонон келмади.

Жумла инсон бир-бирига меҳрибонлик қарз экан,
Тарк этиб расми вафони, оқил инсон келмади.

Лоақал ўз ваъдасига бир амал қилмас экан,
Не сабабдир билмадим, ақлим паришон, келмади.

Тушди бошимга ғаму ташвиш, аламлар хилма-хил,
Эй Ҳабибий, марҳаматлик ул нигоҳбон келмади.





Ёдгор бахши Исҳоқов

Бу менинг Ўзбекистоним

Бу менинг Ўзбекистоним
Туғилган юрт, қадрдоним,
Номусим, ору виждоним
Очиқ қўл, халқи меҳнаткаш —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Қуёшли тоза осмоним.

Турар боғ, чўллари яшнаб,
Эрам гулзорига ўхшаб.
Босар мардона олдинга
Ильич байроғини ушлаб —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Юракда ўтли вулқоним.

Аму, Сир ҳам Зарафшони,
Пахта, дон чорванинг жони.
Ошар ҳар йил Тянь-Шандан
Чўзиб қад инжу хирмони —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Хазон билмас гулистоним.

Оқ олтин — зеб, чирой — кўрки,
Келар ҳар йил омад — бурди.
Ёйилган донғи оламга,
Қаҳрамон Турсуной юрти —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Фурур, фахру шараф-шоним.

Неча қардошлари бордир,
Ягона шарқда дилдордир.
Ажаб эртакнамо ўлка,
Шаҳар, қишлоқ баробардир —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Асл жаннат — ободоним.

Диёрлар ичра шунқори,
Москва — таянч, мадаккори.
Чаманда қумри, булбулни
Қилур мот бахши Ёдгори —
Бу менинг Ўзбекистоним,
Мароқли шеър устодоним.

Бўлса

(Қўшиқ)

Оқ парига ўхшар тоғлар
Елкасида қори бўлса.
Каримагай йигит асло
Чин вафодор ёри бўлса.


Қилмас вафо молу мулқинг,
Фарзанд — асл бойлик, кўркинг.
Қолмас асло ерда юкинг
Гар қаторда норинг бўлса.

Меҳнатдадир шону шуҳрат,
Дўстликдадир кучу қудрат.

Ҳар жойда эл қилар ҳурмат
Агар номус оринг бўлса.

Одам эрсанг қотмагил тош.
Мисли дарё ҳайқариб тош.
Бахт булбули бўлур йўлдош
Дилда меҳр торинг бўлса.

Бахши Ёдгор сўзлар бийрон,
Қўшиқларим дилда хирмон.
Қолмас эди менда армон.
Жамбул каби қариб ўлсам.



Тўра Сулаймон

 *Ўзбекистон
пахтаси*

Чаноқлари саноқсиз юлдузларни эслатур,
Беғуборлик, софликда бўй қизларни эслатур.
Тиниқликда сийнаси доғсизларни эслатур,
Ўзбекистон пахтаси.

Зар деса, зар дегулик, дур деса дур дегулик,
Қадр-қимматда олтин ё жавоҳир дегулик,
Не бир қорли тоғлардай элда машҳур дегулик, —
Ўзбекистон пахтаси.

Нондек ардоқли, азиз тиллога тенг толаси,
Ҳар чигит, ҳар кўчати — саодат нишонаси.
Юртимизнинг туганмас бойлиги, дафинаси —
Ўзбекистон пахтаси.

Халқимизнинг ризқ-рўзи, орзуси-ю армони,
Армонлари ушалгай тугал бўлиб хирмони,
Кўзларининг қорачиқ, сурмайи сулаймони —
Ўзбекистон пахтаси.

Йилдан-йилга юксалиб кўкка тутшиб борар,
Силсилали тоғлардай салмоғи ошиб борар.
Шону шавкатимизга донғи ярашиб борар —
Ўзбекистон пахтаси.

Тўй-томоша кунлари — созчиларнинг созида.
Сарвинозлар — рақсида ҳофизлар — овозида,
Кўпнинг жону дилида, дарғалар парвозида —
Ўзбекистон пахтаси.

Бўлмаса

Сайёралар нотинч, уммонлар нотинч
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.
Наслу насаб нотинч, замонлар нотинч,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Кўнгилга сиққайми қўшсурнай саси?
Тиниб-тинчигайми тўплар наъраси?
Хотиржам тургайми тинчлик қалъаси?
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Куз, қишга айланиб қайларнинг ёзи,
Қулоққа чалингай йиғи овози.
Ҳеч ким ўз умридан бўлмагай рози
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Мағриб нотинч бўлса, безовта машриғ,
Дўст дўстдан имдодин тутмагай дариг.
Қаер зулмат ичра, қаердир ёруғ —
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Эллар аро учмай қўяр қушлар ҳам,
Тун-кунни фарқ қилмас баёқишлар ҳам.
Ўзгача тус олар намойишлар ҳам...
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Қайдадир тўй бўлса, қайдадир аза,
Еру кўкда кезар балойи қазо.
Шодлик ўрнин босар хунук овоза
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Элчилар кўнглида гулгула мудом,
Хавфу хатар кезар қадамба-қадам.
Қай бир бегуноҳнинг кўзларида нам —
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Файз не қилсин боғу бўстон ичинда,
Тўй ўринда аза — дoston ичинда.
«Қараб туриш йўқдир!»— фармон ичинда,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Билингай

Не савдо, не бир кунлар тушар бўлса бу бошга,
Қимнинг қандай дўст, душман, ошнолиги билингай.
Ногаҳон музтар бўлсанг ёт ёки қариндошга
Қай бирининг ҳамдard, эш, риёлиги билингай.

Беллашув пайти келса, ногоҳ, нобакор билан.
Бадкирдор, беандиша, бир бебурд, беор билан,
Ҳамият, ҳимоятсиз дилхун, дилозор билан,
Майдонда кимнинг тенгсиз, танҳолиги билингай.

Яхшининг ёруғ куни тун билан туташмасин,
Манзилга етмай туриб узлатга ёндошмасин,

Қарвон ҳам ўз йўлидан айрилиб, адашмасин,
Йўлбошида йўлнинг оқ, қоролиги билингай,

Ўз қадрин билмас кимса кўпга бош бўлар бўлса,
Куни учун ким кимга табуткаш бўлар бўлса,
Бир нодон расо билан қайғудош бўлар бўлса
Кимнинг шармисор, кимнинг донолиги билингай.


Нобоп соз эгалласа сара сознинг ўрнини,
Куз баҳорнинг ўрнини, аёз ёзнинг ўрнини,
Қарға қумри ўрнини, қузғун бознинг ўрнини,
Қайси кераксиз, қайси анқолиги билингай.

Синалар бўлса магар кимда ким майдон ичра,
Ҳамнафас ҳамдардликда элу юрт, ёрон ичра,
Ким андалиб, ким гўти, ким саъва чаман ичра,
Сор ё ҳаққуш, булбули гўелиги билингай.

Магар сорбон йўл туриб, йўл бошласа қайларга,
Айланар бўлса кунлик йўллар ҳафта, ойларга,
На манзил, на муродсиз — борса келмас жойларга,
Фурсат ўтмай бахтининг сиёлиги билингай.

Ким дарё бўлса қуриб, кераксиз сой бўлмасин,
Юлдуз бўлса бир ботиб, бир чиқар ой бўлмасин,
Учқурликда қарчиғай бўлсин, хумой бўлмасин,
Фозилларнинг ҳар ерда зиёлиги билингай.





Валентин Архангельский

ТАРИХНИНГ ЎТТИЗ ДАҚИҚАСИ

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

Мана, ҳозир ўгириламани уни кўраман, деган ўй миямни пармаларди. Мен Накахирани бутун вужудим билан сезиб турардим ҳисоби. Чиндан ҳам ўгирилдиму уни кўрдим. Бўйдор, букчайган ва қотмадан келган япониялик мезбон кираверишда жимгина турарди.

Мезбоннинг чеҳрасида на ҳайрат ва на тушкунлик ифодаси зоҳир эди. Бу кекса одам уйига келган меҳмонга бепарво тикиларди. Қопқора кўзлари қимир этмас, нигоҳи эса ўтқир эди. Чап қовоғи сал юмилгакидан бир нарсани мўлжалга олаётгандай туюларди. Гўё, уйимга келган бу одам ким бўлдийкин, деяётганга ўхшарди ичида.

У зангори парда тўсиб турган хонага, қўли билан оҳишта, «кирсинлар» ишорасини қилди. Ичкарига кирганимиздан кейин пастаккина ва омонатгина столча ёнига унсиз чўкиб, чордона қурди. Тагида ясси болиш — дзабутон бор эди. Мезбон ўзини кўп қийнамас, ҳаракатлари ҳам тежамли эди.

Японлар қадим замонлардан бошлаб меҳмоннавозликда ўзларига хос бўлган анъанага амал қилиб келадилар. Ҳозир ана шу мураккаб анъана чизигидан чиқиляётганини сезмаслик мумкин эмасди. Уйга биров келганда мезбоннинг таъзим бажо айлаб, очиқ чеҳра билан кулиб туриши — ана шу анъананинг муқаррар белгиси. Японияликнинг чеҳрасидан доимо ва ҳамма ерда кулги аримаслиги керак. Хурсанд бўлсанг ҳам кул, ғамбода бўлиб, мусибатда қолган бўлсанг ҳам барибир чеҳрангдан табассум аримасин-у ичингдагини бировга сездирма. Меҳмондан айланиб-ўргилавер, уни тўрға ўтқиз ва яқинларининг сихат-саломатлигини суриштир.

Мен бош суққан хонадонда мезбон ўзини ортиқча уринтирмади ҳам. Бунга менинг япониялик бўлмаганим сабабчи эмасдир, деган нарса хаёлимга келди. Афтидан мезбон бу сафар меҳмоннавозликдаги

русларнинг одмироқ одатларига амал қилар, уларни ҳали унутмаган эди. Уртача семиз бўлганимдан мезбоннинг рўбарўсидаги дзабутонга инқиллай-синқиллай аранг чўкдим. Чордона қуришни эплолмай столча тагига оёғимни чўзиб юбордим. Кейин билсам бу одобдан эмас экан. Като-сан («сан» япончасига «жаноб» маъносини билдиради) деган таржимонимиз турган жойида силлиққина чўка қолди. Шунда у буклама оёқли ўйинчоққа жуда-жуда ўхшаб кетди.

Парда қимирлаб, унсиз очилди. Ичкарига патнис кўтарган чуваккина кампир кириб келди. У мезбоннинг иккинчи хотини эди. Олдинги хотини кўп йиллар бурун оламдан ўтган деб эшитувдим.

— Ками, бу киши москвалик меҳмонимиз бўладилар,— деди мезбон мен томонга аранг сезиладиган даражада бош ирғаб.

— О, қандай бахт! Қандай бахт! Бошимиз кўкка етди!— кампирнинг чехраси ёришиб, эгилиб-букила бошлади. Японча меҳмоннавозлик бошланди энди! Кампирнинг серажин ва қуруқшаган чехрасига қалқан табассум унинг нақадар очиқкўнгиллиги, равишдорлиги ва самимийлигини кўрсатар, ҳозирги дамда унга оламда вазмин қўзғолаётган рус меҳмондан азиз одам йўқдай туюларди.— Келганингиз қандай яхши! Бирам яхши-я!

Столчада сибори — яъни илиқ ва намхуш салфеткали саватчалар, тўқсарик шарбатли қадаҳлар пайдо бўлди. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас парда яна қимирлади. Уй бекаси бизни бу сафар карж-карж қилиб тўғралган қип-қизил ва ширин тарвуз билан сийлади. Шунда десангиз, салкам йигирма йил умрим ўтган сахий ўзбек заминини беихтиёр эслаб кетдим. Эҳ, ҳозирда қани энди Мирзачўл ёки Хоразм қовунидан бўлса, дедим ичимда. Жуда зўр кетарди-да!

— Додзо, олинг, баҳам кўринг,— деди уй бекаси равиш қилиб.

Накахира бошини қуйи солди. Ундан садо чиқмасди. Кўриниши эса башанг, устида узун енгил оқ кўйлак, қора шим. Тимқора ва ялтироқ галстугига сўнги модадаги тўғноғич қадалган. Ушбу сатрлар муаллифи эса гарчи ҳаяжонини босолмаётган бўлса ҳам нафасини чиқармай жимгина ўтирарди.

Мен ён дафтаримни varaқлаб, олдиндан тайёрлаб қўйган саволларимни яна бир бор кўздан кечирдим. Саволлар ҳам икки-уч соатга етадиган қилиб тузилганди. На чора, ҳозирда сабр қилиб, жимгина ўтиришга тўғри келади.

Шарқ донолигига тан бермай иложимиз йўқ. Мен доимо ана шу азалий доноликдан завқланаман. Шарқликлар бундай қараганда сира шошилмайдилар, оғир карвон кўринадилар. Беҳудага қизишиб, ўзларини овора қилмайдилар, уринтирмайдилар. Уларнинг оғир — вазминликлари, ўзларини тута билишлари, муомалани ўрнига қўя билишлари бениҳоя ҳайратомуздир! Гапни ҳам бир маромда бошлашди, сўзларни дўлдай ёғдириб, устма-уст, қалаштириб ташлашмайди. Ҳар бир жумла маънодор ва тарозу босадиган бўлади.

Шарқ ва шарқликлар борасида яна жиндай сабр қиласиз. Мен москвалик, ленинградлик ёки уфқини кўз илғамас рус тупроғининг бўлак жойларидан келган оғайниларимиз Бухорога келганларида қизиқ аҳволда қолганларини кўп марта кўрганман. Улар Бухородаги қадимий ёдгорликларнинг жиби кўриниши, одамларнинг миллий кийимлари, бозорларнинг ғала-ғовури, кабоб, палов ва шўрваларнинг иштаҳа очар ҳидларидан маст бўлаётганлари рост, албатта. Қирқ даражали иссиқда устига чопон кийиб, дўпписини пешонасига дол қўйиб, эшагини йўрғалатиб бораётган замонавий Хўжа Насриддинни кўрганларида ҳайратда тонг қолганлар.

Бухороликларнинг сиртдан туюлган вазминликлари, пинакларини сира бузмасликлари, бирор иш қилганда шошилмасликлари ва бамай-

лихотирликларини билмаган одам алданиб қолиши ҳам ажаб эмас. Бухороликларнинг ўзларини бундай тутишлари идрокли ва сезгир одамларни кузатувчан бўлишга ундайди, ўйга толдиради, ўйлатади, фикрлатади. Ортиқча бош қотиришни хуш кўрмайдиган ва шошилинич хулосалар чиқаришни ёқтирадиганлар эса буни кўрганда асабийлашаверадилар, ҳар хил хаёлларга бораверадилар. Улар бамисоли японча мақолнинг тескарисидай, қавмлар кимлигини билмай туриб, ваъз бошлайверадилар. ҳисоби.

Бунақа шошқалоқларга ачинмай бўлмайди. Бухороликлар ҳам бунақаларни зумда ва лаҳзада билиб оладилар. Бироқ меҳмоннинг кўнглига тегишмайди. На гапдаю, на муомалада буни мутлақо сездиришмайди. Аксинча иззат-ҳурматини жойига келтиришади, кўнглини очишади, меҳмон қилишади, сийлашади, хурсанд қилиб жўнатишади. Кузатиб қўяётганларида қўлларига совға-салом тутқазини ҳам унутишмайди. Азалий удум шундай қилишни талаб этади. Бироқ бу удум ҳурматсизлик қилган одамни севиш, унга сирдош бўлиш, биродар тутунишга йўл бермайди. Ҳурмат нималигини билмайдиган одам бухороликлар, умуман шарқликлар кўнглига йўл тополмайди, уларни тушунолмайди.

Шарқ фарзанди бўлган мезбондан садо чиқмас, Россия текисликларида ўсиб-улғайган меҳмон ҳам сабру тоқатга зўр берарди.

...Бу нарсаларнинг ҳаммаси кутилмаганда бўлди ўзи. Накахиранинг фамилиясини ноғиҳон газета саҳифасида учратиб қолдим уша дамдан бошлаб у қалбимдан мустаҳкам жой олди. Ушандан бери у мен билан бирга, доимий ҳамроҳим ва йўлдошим. Бундан буён ҳам, умрбод бирга бўлсак керак, деб ўйлайман.

Накахирани ўнгимда ҳам, тушимда ҳам кўраман ҳисоби. Эрталаб уйғонганимда ҳам, кечмишининг ажиб хотираларини эслатиб турадиган Тверь хиёбонидан ишга кетаётганимда ҳам Накахира мен билан биргадек. Япония каби сирли мамлакатда истиқомат қилаётган бу мўйсафид ҳамма ташвишларимни сиқиб чиқарди. Илгари ҳеч бормаган кутубхоналарга, музейларга, архивларга илтимосномалар йўллайман. Ёзув столимда газета, журнал ва китоблар қалашиб кетди. Русларга ғалати туюладиган фамилиялик бу японга жуда кўп ҳамкасбларим ҳам қизиқиб қолишди.

Ниҳоят субҳидамдаги ижодий изланишларимнинг унсиз гувоҳлари бўлган Арбат кўчасидаги томлар тун зулматидан қутулиб, кўзга ташлана бошлаган тонглардан бирида оппоқ қоғоз бетига илк ёзувлар тушди: «Минг рига ҳам йўл илк қадамдан бошланади». «Қарорга келган кунинг энг бахтиёр кунингдир».

Накахиранинг дастлабки суратларини кўрганимда гўё у уйим остонасидан кириб келгандай бўлди. Кўк денгиз ортидаги Япония деган мамлакатга дарҳол хат йўлладим. Бу хатимда эллика яқин савол бўлиб, бари Накахирага алоқадор ва дахлдор эди.

Кейин... Кейин Накахира билан учрашиш, кўришиш истаги туғилди. Бировни кўрмасдан у ҳақда ёзиб бўладими? «Олдин кўзинг билан кўргину кейин таърифлагин», деганлар. Бироқ Накахирани қандай қилиб кўрса бўлади? Токио Сокольникови эмаски метрога тушсангу гиз этиб бора қолсанг. Шу сабабдан бу борада омад келишини кутишдан бўлак иложим йўқ эди.

Накахирани кўрмасам бўлмасди. У менинг қалбим тўридан жой олганди. Ленин ҳам бир вақтлари Накахиранинг қалбидан ана шундай жой олганди.

Ленин!

Озгина, сабр қилайлик. Хаяжонимизни сал босиб олайлик. Ушбу лаҳзанинг, ушбу оннинг қадрига етайлик. Наинки, улуғ доҳий Лениннинг номи зикр этилди.

Накахира Ленин билан учрашганди. У Ленинни кўриш шарафига муяссар бўлган ва ҳозирда барҳаёт ягона японияликдир. Бу воқеа бундан олтмиш йил муқаддам рўй берганди. Ушанда асрий уйқудан кўз очган дунё узра Октябрь бонги янграб, ижтимоий гулдурослар кучайиб, барча мамлакатлардаги ва қитъалардаги миллион-миллион кишиларни тарихий ҳаракатга тушираётганди. Истиқболга ишончи зўр бўлган ёш Советлар Республикаси очарчиликда қолгани, хароблиги, юпунлиги ва душманлар ҳалқасида қон қақшаётганига қарамай жаҳон империализми ва ички душманларга қарши кураш олиб борарди. Накахира эса ёз кунларидан бирида Лениннинг иш кабинетидан ундан интервью олганди.

Ана шу интервьюнинг тақдири қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида номаълум бўлиб келди.

Улуғ Ленин номи билан боғлиқ бўлган ва унга дахлдор нарсаларнинг бари биз учун азиз ва муқаддасдир!

Ленин таълимоти, ғоялари, васиятлари... Одамлар, воқеалар, фактлар... У яшаган шаҳарлар, юрган кўчалар, қўлда милтиқ билан кезган ўрмонлар. Буларнинг ҳар бирини эслаганда киши завқланади, руҳи кўтарилади, яйрайди.

Ленин билан учрашиб, суҳбат қурган одамлар-чи! Улар нақадар бахтиёр инсонлардир. Асримизнинг энг буюк кишиси билан мусоҳаба қурмоқликдан ҳам ортиқ саодат бормикин?

Ленинни кўрмоқ.

Ленин сўзларини эшитмоқ.

Ленин билан суҳбат қурмоқ, қандай бахт!

Мен ана шуларга мушарраф бўлган кишиларнинг ажойиб ва табаррук сиймолар қаторига қўяман. Улар бизнинг ватандошларимизми ёки ажнабийми бўлишларидан қатъий назар.

Мен Ленин билан учрашган кишиларнинг кўпини танийман, баъзилари билан хат ёзишиб тураман. Уларнинг феълларидаги сентименталликка мойилликни, сергапликни, зўраки пафосни пайқамаганга оламан. Майли-да. «Кекса одамни отангдай кўр» деган нақл бор. Баъзи бир кексалар арзимас, майда-чуйда деталларга ҳам катта аҳамият бериб, батафсил тўхталадилар. Бунинг айби йўқ, наинки бу, улар назарида муҳим ва аҳамиятли туюлади. Хотираларидан кўп нарсалар фаромуш бўлган бўлса ҳам на чора.

Энг муҳими улар билан мулоқотга киришганимизда гўё барҳаёт доҳий нафасини сезаётгандай бўламиз. Уларга Ильичнинг нигоҳи ва назари тушган-да. Шунда, доҳийнинг қувноқ кулгиси қулоғимизда жанглангандай бўлади. Бу мўйсафидларнинг қўлларида Ильич кафтининг тафти бор. Доҳийнинг фақат ўзигагина хос бўлган жозиба ва олижаноблик, самимият ва очиқ кўнгиллик ана шу қарияларни қойил қолдирганидан улар ҳамон буни ҳикоя қилиб юришади.

Ленин билан мулоқотда бўлган кишилар билан учрашув доимо қувончли воқеадир. Бундай учрашувларга доимо ошиқасан киши. Вақт абадий, ҳаёт боқий, одамларнинг умри эса ҳисобли. Накахира эса ҳозирда бир юз ўн икки миллионли япон халқи орасида Ленинни кўрган ягона кишидир. Бир вақтлари японлар орасида Ленинни кўрган олти киши бўларди. Ҳозирда эса улардан биргина Накахира қолди.

Ҳа, фақат биттагина киши!

Унинг ҳам ёши ҳозир саксон бешда.

Доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолияти билан боғлиқ бўлган жуда кўп мамлакатларда Ленинни кўрган-билган одамлардан бирортаси ҳам қолмаган. Прагада рўй берган бир воқеадан ҳамон изтиробда юраман. Хизмат командировқаси билан у шаҳарга бориб қолганимда, ҳамкасбларимдан доҳий билан мулоқотда бўлган партия ветерани би-

лан учраштиришларини илтимос қилдим. Ҳамкасбларим илтимосимни эсларидан чиқаришмасалар ҳам ҳа деганда жавоб қилишавермади. Ниҳоят менга кекса бир революционернинг номини айтишди. Октябрь революцияси ва гражданлар уруши йилларида бу киши Россияда бўлган, Москвада ўтган солдатларнинг бир митингида Ленин нутқини эшитган экан.

Бироқ бу табаррук инсон билан кўришиш бизга nasib қилмади. Мен мамлакат бўйлаб саёҳатдан қайтиб келгунимча у оламдан ўтибди. У жуда ҳам кексайиб қолган, бунинг устига хаста ҳам экан. Шундай қилиб доҳийни кўришга мушарраф бўлган табаррук отахондан ҳам айрилиб қолдик. Машҳур Прага конференцияси ўтган Чехославакияда яшаган эди бу отахон. Уша конференциянинг бошида Владимир Ильич Ленин турганди! Ҳа, вақт шунчалар бераҳм ба беаёв. Германия, Польша, Болгария, Швейцария, Америка Қўшма Штатлари, Австралиядаги Ленинни кўришдек бахтга муяссар бўлган табаррук кишиларнинг ҳам ёшлари бир ерга бориб қолган. Уларнинг сафлари ҳам тобора сийраклашиб борапти.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам бу жиҳатдан мустасно эмас. Мен эски газеталар дасталарини варақлаб кўрдим. КПСС ветеранларининг муҳим саналар муносабати билан коллектив равишда ёзган хатларини ўқиб чиқдим. Бир вақтлари бундай хатлардаги имзолар Е. Стасова, Г. Қржижановский, Г. Петровский, Ф. Петров, В. Радус-Зенкович, В. Қарпинский, Л. Фотиева, С. Держинскийларнинг фамилиялари билан бошланарди. Бунга кўп бўлдими? Мен сайёрамизда Ленинни кўрган кишилардан бирортаси ҳам қолмайдиган кунни сира ҳам кўз олдимга келтираолмайман. Ҳа, сира ҳам тасаввур қилолмайман.

Мана шунга биз ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

Уша кунга ҳали анча бор экан биз табаррук одамлар билан учрашувларга ошиқайлик ва шошилайлик. Улар қайси миллатга мансуб бўлиб, қайси мамлакатда истиқомат қилмасинлар ҳозирги авлодни ҳаммиша барҳаёт Ильич билан боғлаб тургувчи жонли робиталар сифатида биз учун беҳад азиз ва қадрлидирлар.

...Мен Накахира билан учрашувим қандай бўлишини ўзимча ўйлаб кўйгандим. Эртаги-кечми у билан ахири учрашаман, деган умид билан яшардим. Унинг қўлимга тушган талай суратларидан, Японияда бўлган ҳамкасбларимнинг ҳикояларидан бу инсоннинг реал сиймосини тасаввур қилишга уринардим. Бир кун Накахира телевидорда кўрсатишди. Мен уни кўролмай қолдим. Бунда ҳам омадим келмаганини қаранг!

Накахира жуда қартайиб қолганидан барча илоҳларга, айниқса Будда ва Синтога, бунда ҳам биринчи навбатда японлар бениҳоя хуш кўрадиган минг қўлли шафқат илоҳаси Каннонга, унинг «Ўттиз уч ҳужралли холл» деб аталмиш машҳур Киото ибодатхонасидаги (шундай ибодатхона мавжудлигини эшитганим бор) ёғочдан ясалган 1001 тасвирга илтижо қилиб, уни бало-қазолардан асрашни сўрадим. Бироқ, илоҳлар мендай даҳрий мухбирнинг илтижосини инобатга олишмади. «Известия»нинг Токиодаги мухбири Юрий Бандура бир кун Токиодан кўнғироқ қилиб, Накахира қаттиқ оғриб қолиб, шифохонга тушганини айтди. Ушанда аламиндан нима қиларимни билмай қолдим. Мен, ҳеч нима емаса ҳам бамайлихотир тишини кавлаб ўтираверадиган самурайдек бардошли эмасман. Ҳайриятки, Накахира тузалиб кетди. Бироқ шу аснода бошқа бир хунук хабар келиб қолди: Накахира пойтахтдан қаёққадир кўчибди. У хотинининг юртига кетиб қолибди. Қаердалигини Бандура билмас экан. Қани энди ҳозир Японияга бориб қолсаму ўзим қидиришга тушсам!

Ниҳоят йўлим тушиб, Токиога ҳам бордим. Бутун хавотиру гам-

ташвишлардан энди фориг бўлдим деганимда мени янги бир зарба кўтиб турган экан. Гаржимон сифатида оғиримни енгил қилаётган ажойиб инсон Қато-санга Накахирага қўнғироқ қилишни илтимос этувдим, у ҳозирча бир иш чиқмаслигини, Накахира яна оғриб қолганлигини билдирди.

О, илоҳлар! Накахирани кўришни шунчалар орзу қилиб, умид билан Европадан Оснэга минг-минг километр йўл босиб келсаму, буёғи бунақа бўлса. Баъзи бир ҳазилкашлар айтганидай кислороди коинотдагидан кўпроқ бўлмаган Токио ҳавосидан нафас олиб, ҳатто японлар ҳам хавфсирайдиган июль ойининг димлигидан қийналиб, терга пишиб юрсаму кўнглим истаган одамнинг дийдорини кўролмасам. Бунақа пайтларда Токио кўчаларида юрсангиз аъзойи баданингиздан шаррос тер қуяётганини кўриш у ёқда турсин ўз қулоғингиз билан ҳам эшитасиз. Шунинг учун ҳам меҳмонхонадаги номерга етиб олишингиз биланоқ устингиздаги кийимларингизни ечиб ташлаб, ўзингизни муздай душ тагига урасиз. Мен ҳам ана шундай азобларга дучор бўлиб юрсаму, мақсадимга етдим деганда, ишим орқага кетса.

Накахирага яна бир бор қўнғироқ қилиши учун таржимоним Қато-санга бошим ерга теккудай таъзим қилишга ҳам тайёр эдим. Қаттиқроқ тураверинг, бўш келманг, дейишга ҳам тилим борди. Биздагидан мутлақо бўлакча ахлоқ ва қонунлар ҳукм сурган мамлакатда буниси қанақа бўларкин, деган нарсани хаёлимга ҳам келтирмабман. Ҳайриятки, таржимонининг менга раҳми келиб, Накахирага қўнғироқ қилишга рози бўлди. Оқибати нима бўлди денг?! Накахира биз билан учрашишга рози бўлибди. Бироқ... уйдан ташқарида учрашишни шарт қилиб қўйибди.

Хўп майли, бунисига ҳам кўндик. Мен Накахира билан, ҳатто ернинг тагида бўлса ҳам учрашиб, суҳбатлашишга рози эдим.

Наканбни мўлжалга олиб, йўлга тушдик. У Япония пойтахтининг ишчилар истиқомат қиладиган бир чеккаси экан. Мен гўё «тиллани кўза топиб олган» ёки «кечувдан ўтишга қайиқ олган» одамдай ўзимда йўқ шод бўлиб, теримга сира сиғмасдим.

Шовқинни, яъни кўча-кўй шовқинини ўлчаш мумкин, дейдилар. Бу қанақа бўлишини билмайман, тўғрроғи бу илмдан хабарим йўқ. Бироқ Токио марказидаги шовқин-суронни ҳеч қандай асбоб билан ўлчаб бўлмаслигига аминман. Чунки у ақл бовар қиладиган ва қилмайдиган ҳеч қанақа қолипларга сиғмайди, ўлчовларга тўғри келмайди. Бу шовқинга чидаб бўлмайди, у ёвуз ва бераҳм золимдай одамларни гангитгани гангитган, эзгани эзган. Шўрлик одамлар шовқиннинг ҳимоясиз қурбонлари. Уларнинг пойтахтда яшашни иташдан бўлак айблари ва гуноҳлари йўқдир.

Бўрон, шамол, момақалдиروқ, шаршара овози ва чақмоқлар Токио шовқини олдида арзимас нарсалардир. Буни йўллар бир-бирига чирмашиб ва туташиб кетган жойларда айниқса яққол сезасиз. Токиодаги йўллар бир қатор, қўшқатор, ер остида, устма-уст... Икки, уч, тўрт, беш «қаватли» йўллар ҳам бор. Хуллас, қаёққа қараманг бир-бирига чирмашиб кетган йўллардан ҳар томонга ғувиллаб, вағиллаб, чийиллаб, визиллаб учаётган машиналарнинг қулоқни батанг қилгулик хилма-хил шовқинлари қуюндек ёпирилиб туради. Бошингизга бамисоли «гурс-гурс» қилиб зилдай тўқмоқ тушаётгандай... Оқибат натижада асабларингиз бўлганича бўлади. Токиода шовқин эмас, олов отаётган вулқон ҳукмрон десалар ҳақиқатга яқинроқ келади.

Нихонбаси кўпригидан ўтдик. Бу диққатга сазовор кўприкни токиоликлар туристларга албатта кўз-кўз қилишади. У мамлакатнинг географик маркази. Япониядаги ўттиз уч минг тўққизта оролнинг ҳар бири қанча масофада эканлиги шу ердан ўлчанади. Токионинг Уолл-стрити

саналган бутун бир район ана шу қадимий кўприк номи билан аталади. Энг йирик меҳнат биржълари, банклар, хилма-хил компанияларнинг идоралари ана шу жойда. Осмонўпар ва муҳташам иморатларнинг қаватларини санайман десангиз адашиб кетасиз. Улар архитектура бобидаги гўзалликлари, безаклари, товланишлари, улкан ойналари офтобда ялтираши билан кишини ўзига мафтун қилади. Қаватларда хоналар ва тўсиқ деворлар бўлмаганидан ҳамма нарса яққол кўриниб туради. Ер ниҳоятда танқис бўлганидан ҳамма жойда тежамкорлик қилишга тўғри келади.

Япониядаги энг йирик газеталардан бўлган «Асахи» редакциясида мени бир залга бошлаб киришди. Уша залда бир ярим минг киши ишлар экан. Бунда ҳеч қанақа муболаға йўқ — бир ярим минг киши! Газетадаги қалам тебратувчиларнинг бари шу ерда эди.

Газетанинг бош муҳаррири ҳам ана шу кишилар орасида ўтиради. Уни бошқа ходимлардан ажратиб турадиган нарсаси — ёзув столининг каттароқлиги.

Журналистлар эллик-эллик кишидан бўлиб, вокзаллардаги скамейкаларни эслатувчи узун тўсиқлар ортида ўтириб ишлашади. Тўсиқларнинг ўртасида ручка, қоғоз, магнитофон турадиган каваклар бор. Бу манзара бамисоли «Сони» корхонасининг конвейерини эслатади. Фақат бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулот эфирдаги жами тўлқинларни оладиган машҳур транзисторлар ёки кафтга сиғувчи митти телевизорлар эмас, балки кўп миллионли нусхада босиладиган эътиборли газетадир.

Токионинг марказий кўчаларида машинада юриш Ойдаги ям-яшил ўтлоқда — гольф ўйнагандай ақл бовар қилмайдиган ишдир. Машиналар бир-икки метр юрмай светофорлар рўбарўсида тўхтаб қолади. Шунда эсимга Юрий Бандуранинг токиолик киши иш жойига етиб олиш учун кун бўйи сарфлайдиган қувватининг ярмидан айрилади, деган гапи тушди.

Бундай пайтларда ваъданинг устидан чиқишнинг ўзи бўлмайди. Ваъда эса вафоси билан гўзал. Япония капиталистик мамлакат бўлганидан ҳар бир дақиқа ҳисоб-китобли. Масалан, 17 ю 19 да келинг, дейилса худди ўша пайтда етиб бормасангиз бўлмайди. 17 ю 17 ёки 17 ю 22 да эмас, нақ 17 ю 19 да боринг. Нега деганда сизни худди ўша пайтда кутишади. Беш минут кеч қолсангиз ҳайрон бўлишади, ўн минутдан кейин эшик тақа-тақ ёпилади. Ярим соат кечиксангиз дорга осилсам ҳам камлик қилади, деяверинг. Шунинг учун Токиода бир соат олдин йўлга чиқаверинг. Яхшиси пиёда бора қолинг, ҳам асабингизни асрайсиз, ҳам сира-сира кечикмайсиз.

Никанога борарканмиз машина спидометри ҳар айланганида юрагимни сиқиб турган темир ҳалқалардан биттаси тушгандай бўларди. Шаҳарнинг даҳшатли шовқини пасайди. Эндиги шовқинни децибеллар билан ўлчаса бўларди чоғи.

Битта балодан қутулдик, деганимизда иккинчисига йўлиқдик. Накахиранинг уйини қандай топиб оламиз? Борган жойимизда тор, қинғир-қийшиқ, чанг-чунг кўчалар сероб эди. Уларнинг бирортаси ҳам номланмаганди. Нега деганда бу ерда кўчаларни номлаш одат тусига кирмаган-да. Шаҳар чеккасида осмонўпар бинолар йўқ. Токио тобора пастлаб бориб, бир-икки қаватли ёғочдан қурилган иморатларга айланиб кетади. Улар кўримсиз, меъморилик жиҳатидан ўз қиёфасига эга эмас. Тўғри келган ерга қуриб ташланаверилган. Бироқ, бир оз сокин, ҳавоси мусаффо, дов-дарахтлари кўпроқ. Уйларнинг олд томонларида мўъжазгина дарахтзорлар кўзга ташланиб қолади.

Биз олдида тўхтаган уй торгина кўчанинг бошқа уйларидан сира ҳам фарқ қилмасди. Бу кўча ҳам номсиз эди. Таржимоним Като-сан

Арсеньевнинг қаҳрамони Дерсу Узалага ўхшаб мўлжални тўғри олиб, ҳушёрлик билан йўл бошлаб, таниш белгиларни кўздан қочирмай борарди. Мен бўлсам унга бирор ёрдам беришдан ожиз эдим. Негаки, мақолда айтилганидай, «Буддага хизмат қилишни бонзага, камалакдан ўқ узишни самурайга чиқарган».

Менинг япониялик ғойибона қадрдоним турадиган уй унча баланд бўлмаган икки қаватлик иморат бўлиб, сувалмаган, кўринишда қўполроқ эди.

Като-сан инқиллаб-синқиллаб ташқаридаги кенг, яхлит цемент зинадан юқорига кўтарила бошлади. Мен унга эргашмоқчи бўлдим, ҳар қалай ҳориждан келганман, ҳайдаб юборишмас, деган хаёлга бордим. Бироқ таржимоним мулойимгина қилиб, жойингизда тураверинг, деди. Беихтиёр кўндим.

Като-сан кўнғироқ тугмасини босганидан кейин таъзим бажо айлашни ўрнига қўйиб ичкарига одимлади. Мен, вужудим қулоқ, қимир этмай турардим. Бир, икки, уч, тўрт, беш дақиқа ўтди... Эшик олдида таржимонимнинг семизроқ гавдаси яна кўринди. У офтоб тушиб турганидан тишларини ялтиратиб илжайди-да, қўли билан «келаверинг» ишорасини қилди.

Иккинчи қаватга қандай чиқиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Унг томондаги деворда, кўзга кўринадиган жойда темир тахтача бўлиб унга «503» рақами битилганди. У Накахира квартирасининг номери. Эшик очиқ бўлганидан ичкарига оёқ босдим.

Бу ерда андак қаноат қилишга тўғри келади. Остонанинг нариги томонини сира ҳам квартира деб бўлмасди. Фантазияга ҳар қанча эрк бериб, японларнинг уй-жой бобидаги одмиликларини ҳар қанча ҳисобга олганда ҳам ичкари квартира деб аталмиш бошпанага сира яқин йўлмасди.

Биз, одат бўйича, гэнкан-дахлизда оёқ кийимларимизни ечдик, албатта. Дахлиз — биз тушунадиган эмас, ичкари эшикка тақалган торгина каталак эди. Қотма одамлар деб аталувчи тоифага кирмайдиган таржимон иккимиз бу каталакда қимир этолмасдик. Хуллас, пойабзалимизни ечганимиздан кейин узоғи билан иккитадан кичкина қадамча ташлаб ичкари кирдик. Бироқ ичкарини ҳам росмана хона дейиш мушулроқ эди.

Таржимон Като-сан, менинг илтимосимга кўра олган кичкина магнитофонни созлай бошлади. Магнитофонга хавотирланиб қараб-қараб қўярдим. Қитирлаб, ғижирлаб, вишиллаб овоз чиқармас, гўё йўқдай эди. Тағин тўсатдан тўхтаб қолса-я. Овоз ёзиб оладиган ваҳимадор техника намуналари айни керак пайтида ишламай қолиб куйдиришини ўз редакциямда ҳўп кўргандим-да. Таржимоним Като-сан эса Қамакурадаги Будданинг баҳайбат ҳайкалидай хотиржам, ичимдан ўтаётганларга парво ҳам қилмасди.

Мен чинакам ватанпарвар сифатида Россияда ишланган шарикли ручкамни шай қилиб турардим. Шунда десангиз Токиодаги журналистика факультетининг профессорлари билан бўлган учрашув ёдимга тушди. Ушанда қойилмақом «Империа» меҳмонхонасининг муҳташам залида, сўнгги модада кийинган йигирма нафар индамас эркалар олдиларига мўъжазгина диктофонлар қўйиб ўтиришарди. Узр, ҳаммалари эмас. Биттаси, шарикли ручка ва ён дафтар билан қуролланганди, у ҳам бўлса шу сатрлар мваллифи эди.

Уй эгасига кулиб қараб, безовта қилганим учун узр сўрадим. Нима мақсадда келганимни айтдим. Накахирадан садо чиқмасди. Гоҳо-гоҳо бошини кўтариб, бошдан-оёқ тикиларди. Мен суҳбатимиз энгил кўчмаслигини сезиб турардим.

Шундай бўлса ҳам таваккалига иш тутдим.

— Муҳтарам Накахира-сан, сизни соғ-омон ва сиҳат-саломат кўраётганимдан беҳад мамнунман. Сизга умрингизнинг бутун бир йили ўтган жойлардан салом. Мен сизга бир неча саволлар беришни истардим.

Накахирадан яна садо чиқмади. Сўнгра у тилга кирди:

— Яхши сўзларингиз ва саломингиз учун ташаккур. Уларни эшитшдан хурсандман. Хизматингизга тайёрман. Сизнинг нимага келганингиз ва нималарга қизиқаётганингизни билаётганга ўхшайман. Менинг Ленин билан учрашувим қизиқтираяпти. Шундайми?

— Худди шундай. Биографиянгиздаги бундай муҳим фактни ўзингиз қандай баҳолайсиз? Учрашув ёдингиздами?

— Ёдингизда дейсизми?— кекса суҳбатдошим бирдан жонланиб кетди.— Ёдга туширадиган нарсанинг ўзи йўқ.

— Нимага?— ҳайрон бўлдим мен.

— Одамнинг қалбидан абадий жой олган нарсани «эслаб» бўлмайди. Ушандан бери бутун бир умрлик вақт ўтди, хотира гранит эмас — кўп нарсалар буткул йўқолади. Бироқ Владимир Ленин билан суҳбатим қалбимдан жой олган азиз нарсадир. Денгизчига маёқ қанчалар қимматли бўлса бу суҳбат ҳам менга шунчалар қимматлидир. Денгизчи узоқ муддатли сафаридан қайтади, қадрдон гавандаги маёқ эса олисдан порлаб, уни ўзига чорлайди, ёғду таратиб, ҳарорат бахш этади.

— Сиз Лениндан олган интервью унинг тўла асарларига киритилганини биласизми? Қирқ биринчи жилдда.

— Эшитганман.

— Китобни ва ундаги ўз фамилиянгизни кўрдингизми?

— Йўқ, кўрмадим.

Ичимда «Эҳ, ландовур» деб ўзимни койидим. Сафар тараддудини кўраётганимда Ленин томини олиб келаман, деб дилимга маҳкам туғиб қўйгандим. Уни шошилишда унутиб қолдирибман. Никанога мендан олдин келганлар ҳам шундай қилганлар. Бу ерга энди келадиганлар доҳий китобини олиб боришни унутмасинлар!

— ЮНЕСКО маълумотларига қараганда Ленин дунёдаги энг серкитобхон муаллифдир. Унинг асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Бинобарин, Сизнинг у билан суҳбатингиздан ҳам миллион-миллион кишилар воқифдирлар.

— Бунга ишониш мумкин эмас,— Накахира бўғиқ овозда ва сўзларининг охириг бўғинларини ямлаб жавоб қилди.— Мен кекса ва хаста бир одамман. Бу ёруғ дунёда ҳеч кимга керак эмасман. Одамлар мени унутиб юборишган.

— Ҳамма эмас, Накахира-сан. Совет журналистлари Сизга мана якшанба кунлари ҳам тинчлик беришмаяпти-ку...

— Бу, ишонинг, ягона ва қувончли истиснодир. Сизлардан миннатдорман, жаноблар.

— Ленин билан учрашувингиз қачон бўлганди?

— Бундай саволга кўп марта жавоб қайтарганман. 1920 йилнинг 3 июнида.

— Каерда?

— Кремлда, унинг иш кабинетида.

— Куннинг қайси пайтида?

— Аниқ эслайман: тушдан кейин.

— Ёлғиз ўзингизмидингиз?

— Йўқ, жаноб Қаудзи Фусэ деган бошқа бир япон журналисти билан бирга эдим. У «Токио Нити-Нити» ва «Осака майнги» деган газеталарнинг вакили эди. Ўзиям осмондаги ойни оладиганлардан эди.

— Фусэ Владимир Ильич томонидан алоҳида қабул қилиниши

мумкин эмасмиди? Масалан, айтайлик, эртаси кунни. Бу борада турли фикрлар борлиги сабабли аниқлик киритмоқчиман.

— Алоҳида учрашув бўлиши мумкин эмас. Биз бирга эдик. Бир кундан кейин, 5 июнда жаноб Фусэ шошилинич равишда Москвани тарк этди. Мен бўлсам бир ҳафтадан кейингина жунаб кетишга муваффақ бўлдим.

— Суҳбатда яна кимлар бор эди?

— Ташқи ишлар комиссарлиги Шарқ департаментининг бошлиғи жаноб Вознесенский бор эди. У ҳамроҳимиз бўлганди.

— Ленин ҳузурида қанча бўлдингизлар?

— О, унча кўп эмас. Уттиз минут, холос.

— Накахира-сан, айтингчи, рус революцияси доҳийси қиёфасидаги қайси жиҳатлар эсингизда кўпроқ қолди?

— Қайси жиҳат дейсизми?— Уй соҳиби бу саволни уч бор такрорлаб ўйга ботди.— Сизга айтсам, бунга дабдурустдан жавоб қайтариш қийин. Ленин — даҳо. Бошқа ҳар қанақа одамга қўлласа бўладиган одатий мезонлар ва баҳолар Ленинга тўғри келмайди. Ленин бениҳоя кўп қирралаи ва мураккаб сиймо. Шундай бўлса ҳам мен унинг фазилатлари орасида донолигини биринчи ўринга қўймоқчиман. Ҳа, худди донолигини. Яна унинг соддалиги ва камтаринлиги ҳам. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси ҳайратомуз даражада содда ва тўғри сўз эди. Тўғри ўсган бамбук сингари тўғри сўз одамлар эса, оламда камдан-кам топилади. Лениннинг донолиги ва камтаринлиги бизларни бениҳоя ҳайратда қолдирганди. Кейинчалик, мен машҳур япон ёзувчиси Акатугава Рюноскэ асарида Лениннинг ана шу фазилати тасвир этилганини кўрдим. Рюноскэ эса Ленинни менга ўхшаб кўрмаган, у ҳақдаги китобларни ўқиганди, холос. Менинг репортажларимни ҳам ўқиган бўлса бордир. Ҳаммасидан ҳам, деб ёзганди Рюноскэ, мени Лениннинг буюк ва айна пайтда оддий инсонлиги ҳайратга солганди.

— Репортажларингиздан бирида чинакамига башорат бўлган сўзларни ўқигандим. Уларни сизга эслатиб ўтмоқчиман: «Бир кунмас бир кун шундай давр келадики, ўшанда Лениннинг номи энг машҳур шахс сифатида бутун башарият ҳурмат-эътиборини қозонади». Булар ажойиб сўзлардир.

— Мен гарчи коммунистик эътиқодни қабул қилмаган бўлсам ҳам йигирманчи йилларда шундай деб ўйлардим, ҳозир ҳам шу фикрдаман. Ленин чиндан ҳам ҳозирги замон тарихида энг буюк инсондир. Унга ҳеч кимни тенглаштириб бўлмайди.

— Накахира-сан, сизда тасодифан Ленин билан қилган суҳбатингиз қўлёмаси сақланиб қолмаганми?— Мен шу саволни бергандан кейин сабр-тоқатга зўр берган ҳолда жавоб кутдим. Газета ахборотларидан бирида қўлёмасида Владимир Ильичнинг тузатишлари бўлиши мумкинлиги хабар қилинганди.

— Қандай қилиб сақлайман дейсиз. Ҳаммаси аллақачонлар нобуд бўлган.

Чол ўрнидан турди-да, каловланганча нариги хонага кириб кетди. Беш минутлардан кейин қайтиб кирди. Энди қўлида китоб кўринарди.

— Россияга қилган сафаримдан қолган бор нарсам шу. Китоб «Қизил Россияда бир йил» деб аталади. Яккаю ягона нусха. Бунга ўша вақтлари «Асахи»да чиққан материаллар жамланган.

Китобни авайлабгина олдим. Варақладим. Охирига қарадим: мундарижаси, чиққан пайти, қанча нусхада босилганини билмоқчи бўлдим. Бироқ бунга тишим ўтса қани энди. Қоинот — одамзодга қанчалик жумбоқ бўлса, японча ҳам менга шунчалик эди.

Китоб анчагина қалин бўлиб, уч юз бетдан иборат эди. Муқоваси қалин, кўзга яққол ташланадиган нарсаси — қизил рангдалиги. Бу

ранг бекорга танланмаган кўринади. Россия «қизил» бўлгандан кейин китобнинг ранги ҳам шунга мос бўлсин, дейишган-да. Муқованинг марказида Василий Блаженный ибодатхонасининг хирароқ тасвири. Китоб революция, Ленин, Совет Россияси ҳақида бўлса ҳам ибодатхона рамз тариқасида олинганини кўрмайсизми! Бу — ноширларга сезгирлик панд берганидан бошқа нарса эмас. Дастлабки саҳифаларда Россиянинг схематик харитаси. Унда шарқдан ғарбга, Москва ва ундан Ригага қадар йўғонроқ ва нотекис чизик тортилган. Бу саёҳат маршрути. Хужжатларнинг фотонусхалари, Ленин, Луначарскийнинг суратлари ҳам бор. Бошқа суратларда Халқ Комиссарлари Советининг мажлисининг расми ҳам берилган. Муаллифнинг кўриниши анча хароб. Устида ғижимланиб кетган френч, ўнг қўлида тугун, шинелини эса чап қўлига ташлаб олган. Бошида эски кепка, оёғида оқ туфли. Юзи жиддий ва қатъий туюлади.

Китобни эгасига миннатдорчилик билан ва... истамайроқ қайтариб бердим.

— Сотиб олса бўладими?

— Иложи йўқ. Оз нусхада чиққан. Ҳозир топиб бўлармиди дейсиз.

— Унда шу нусхадан фотонусха кўчирса бўладими? Ҳеч бўлмаса бобларнинг баъзи жойларини.

— Марҳамат.

Столимда Накахиранинг китоби шу тариқа пайдо бўлди.

Мезбон қотмагина бўлганидан оппоқ кўйлаги ҳалвирабгина турарди. Галстуги ҳам товланиб-товланиб қўяди. Ундаги тўғноғичга ҳар қандай олифтанинг ҳаваси келмай иложи йўқ эди. Э, мен мезбонни жуда ҳам қийнаб кўйибман-ку. Вақтида фаҳмламаганимни қаранг-а! Накахира москвалик меҳмон билан учрашаман, деб атайлаб бисотидаги кишилик кийимларини кийган, анча-мунча ясан-тусан қилганди. Уйда ўтирадиган бўлганимизда менимча, бунақа қилмаган бўларди. У бирор-ярим соатга уйни тарк этиб, бир оз ҳаво олиб келишни кўнглига туккан экан. Ресторандами ё кафедами, ишқилиб бир қадаҳ кучсиз виноми ё бир чашка қаҳваними эрмак қилиб, гаплашиб ўтирамин, деган-да. Эҳтимол, ёшлиги эсига тушиб кетиб, жиндай сакэ (арақ) ичишни ҳам ҳаёл қилгандир.

Мезбон жиндай бўлса ҳам уйдан ташқаридаги ўзгача оламда бўлишни орзу қилсаю, бу нарса амалга ошмаса. Муздай шарбатни авайлаб хўплаб ўтирган бурундор меҳмоннинг кўнгли эса аксига юриб мана шу пастак столи ғижирлаб турган, бўйра, татами ва ёстиқли торгина гўшани тусаб қолганди.

Япония ҳар қалай ғаройиб мамлакат ўзи! Бу ердаги ҳамма нарса бамисоли миниатюрада жойлашган дейсиз. У бошидан бу бошига ҳозирги замон самолётида йигирма минутда босиб ўтса бўладиган бу мамлакатнинг юз миллиондан ортиқ аҳолиси шаҳарлар ва унинг атрофидаги умумий майдонининг икки процентини ташкил этувчи қисмига сиғдирган. Юқори тезликда учаётган супер-экспресс автобуснинг деразасидан шаҳар ёки завод территорияси тугаши биланоқ кўм-кўк шопипоялар кўзга ташланаверади. Кўчалар ва майдонларда кўзингиз ўрганмаган пастак ва катта япроқли, навдалари бир-бирига чирмашиб кетган дарахтлар ўсади. Улар жазирама кунда ҳам, салқинда ҳам инсонга зарур бўлган меваларини ҳады этади. Ҳовлиларда эса катталиги ўзимизнинг хоналардай келадиган ҳовузлар бўлиб, уларда японлар азиз кўрадиган карп балиқлари сузиб юради. Меҳмонхона номерлари ҳам сайқал ва тежамкорликда бениҳоя баркамолдир.

Одамларини айтмайсизми. Бўйлари унча баланд бўлмаган, қотмадан келган, ихчам гавдали японлар табиат ва нафосатга сезгир бўли-

шади. Ўзларининг қадимий миллий анъаналарини, удум ва одатларини сақлаб келадилар. Таъсирчан эртақлар ва афсоналар, беҳисоб илоҳлар ва энг қадимий ибодатхоналар оламида яшайдилар, уларни авайлаб асрайдилар ва бундан гурурланадилар. Айни пайтда японлар жуда замонавий кишилардир. Улар инсон ақлу заковати кўп нарсаларга қодирлигини амалда кўрсатяптилар. Урушдан кейинги йилларда ишлаб чиқариш кучлари тараққиётида қойил қолгулик суръатга эришдилар. Япония ороллари мамлакати бўлганидан унга ҳамма нарса четдан келтирилади. Шунга қарамай японлар — уста ва чапдаст, эски қирриқ капиталистик оламни ҳайратда қолдирдилар. Ҳа, Японияда ҳаммасидан ҳам ҳайратда қолдирадигани японларнинг ўзларидир!

Накахиранинг жиҳозларида одмиликнинг энг чўққиси кўринади. Биз ўтирган хонада тўрт яримта татами кўзга ташланарди. Татами — қалинлиги уч энлик, зич урилган, атрофига мато тикилган сомон тўшак бўлиб, биттаси 1,65 м² яъни бир одамнинг ётишига етарли ҳажмда. Татами ерга ҳам тўшалади, курси, ўриндиқ, каравот ва бошқа мебелларнинг ўрнида ҳам ишлатилади.

Японларнинг мавқеи ёки мулки, бойлиги ёки камбағаллиги, шарҳлик ёки қишлоқлигидан қатъий назар, уйининг шипшийдамлиги билан кишини ҳайратга солади. Улар бундан минг йиллар аввалгидек заминдан узилишмайди. Ерда ўтириб овқатланишади, дам олишади, ётишади. Эрта билан эса столчадан бўлак ҳамма нарса йиғиштириб қўйилади.

Накахиранинг квартираси эса бунинг тескараси, ашқол-дашқолларга тўлиб кетган. Чемодан, қутилар, тугун-терсак жойланган, устига эса банкалар терилган эски жовон, эскирганидан қорайиб кетган тикув машинаси, телевизор, тумбочкалар, тоқчалар... Шкафлар ва китоб жовонлари. Чарм муқовали китобларнинг баъзилари жуда эскириб кетган. Улар асримизнинг бошларида нашр этилган бўлса ҳам ажаб эмас. Хуллас, бу уйдаги жиҳозларнинг бари эски, ва моладан қолган. Уларни Токио универмагларидан топиб бўлмайди.

Хона соҳиби кўнглимдан кечаётган бу нарсаларни билиб турганга ўхшарди.

— Нами икковимиз жуда камбағалмиз. Мен узоқ умр кўрдим. Отам билан онам, акам билан синглим, тенгқурларим бу оламни тарк этганларига кўп йиллар бўлди. Японияда менга ўхшаган кексалар кам, борлари ҳам бармоқ билан санарли. Узоқ умр кўрсам ҳам бойлик ва давлат орттиролмадим. Болалигимда, таомил бўйича яхши тушлар кўриб, уларнинг рўёбга чиқиш илинжида ҳар янги йил кечасида ёстигим тагига омаднинг етти илоҳи суратларини қўйиб ётсам ҳам орзуларимга етишолмадим. Миллион-миллион одамлар шундай қилишарди. Бироқ илоҳлар менинг бу ҳаракатларимни писанд қилишмади, марҳаматларини дариғ тутишди. Айниқса бойлик ва фаровонлик илоҳи Дейкокудан қаттиқ хафаман. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Одамларнинг айтишларига қараганда Конфуцийнинг ҳам омади юришавермаган экан. Мен эсам узоқ умр илоҳи, шахматчилар, соатсозлар, антикварлар ҳомийси Фуку-року-дзюга хуш келиб қолибман. Ўзим эсам на шахматчи, на соатсоз ва на антикварман. Журналистлар ғамини ейиши керак бўлган касбимизнинг пири Дзюродзин, (бу номни эслаб қолинг, бирдан керак бўлиб қолиши ҳам мумкин), каминани бутунлай унутиб юборгани учун, бўлса керак мени Фуку-року-дзю ўз муҳофазасига олди. Мана ўзингиз кўриб тургандай бу дунёда ғимирлаб юрибман. Қариллик ҳам бамисоли вафодор итга ўхшаркан, ҳайдасангиз ҳам кетмас экан.

Канрэки — олтмиш ёшга тўлганимга кўп йиллар бўлди. Бу рақам бизда мўътабар саналади, уни «баркамол ёш» дейишади, одамнинг

иккинчи умри шундан кейин бошланади. Бахтли сана бўлган «77» ҳам камиказдедадан отилган торпедо янглиғ ўтиб кетди. Энди бэйдзу — 88 ёшлигим яқинлаб келяпти, бу «шолидай умр боқийлик» ёки «ташаккур ёши» демакдир. Камалагим аллақачонлар синиб, ўқларим тамом бўлганига қарамай ўлим менга қиё боқмаяпти. Мана шунақа гаплар.

II

Инжилда аввал калом бунёд бўлган дейилганидай, менинг кўнглимда гумон ҳоким эди. Накахира ҳақида кўп нарсалар ёзилган. Талай мақолалар, очерклар, қисса, ҳатто телефильм ҳам бор. Ҳаммаси бор. Уларнинг муаллифлари такаббур дилетантлардай иш тутмайдилар, гапни бўлар-бўлмасга чўзиб китобхонни толиқтирмайдилар, Гоголнинг ёлғончи қаҳрамонига ўхшаб, оғизларига келган нарсаларни баён қилавермайдилар.

Накахиранинг Ленин билан учрашуви ҳақида тажрибали японшунослар қалам тебратганлар. Улардан бири бўлган Владимир Цветовнинг ўзи олти нарса ёзган. Ёзув столимда унинг мақолалари билан ёнма-ён ҳолда Игорь Латишев, Борис Чехонин, Всеволод Овчинников ва бошқаларнинг қаламига мансуб бўлган материаллар ҳам турибди. «Бундан ярим аср муқаддам чиққан газета дастасидаги ҳалвираган саҳифаларни авайлаб варақлайман. 1917 йилнинг ноябрида чиққан бу газета дастасини фақат парламент кутубхонасининг ер остидаги китобхонасидагини топиш мумкин». Бу сатрларга, уларнинг қанчалар қимматли эканига бир эътибор беринг-а! Ёши элликдан ўтган, журналистикада анча-мунча машаққатлар чеккан одам бундай сатрлар мавжуд бўлган манбани ва ундан топилган фактнинг қадрига қандай етишни яхши билади.

Бунда бошқа мезонлар ҳам муқоясага дош беролмайди. Замин фарзанди бўлганимиздан кейин ҳар бир нарсага ҳушёр муносабатда бўлмоқликдан бўлак иложимиз ҳам йўқ. Қуёш энг аввал нур сочадиган Японияда ишламаганим, японларнинг сўзлари қулоққа хуш эшитиладиган тилини билмаганимга қарши, фан доктори, «правда» чи Игорь Александрович Латишев ва фан кандидати, «известия»чи Юрий Николаевич Бандуранинг Японияга бағишланган салмоқли тадқиқотлари билан танишлигимни баҳона қилиб бўлмасди. Японияни ўрганишим керак эди. Энг муҳими бу муҳим мавзунинг асраш, унинг қадрини кеткизиб қўймаслик керак эди. Бунда янги ҳақиқат очилмаса, унга дуч келинмаса борми — ишни тўхтатиб, йиғиштириб қўяқолган ҳам маъқул эди. Мен ана шунинг учун ҳам гумонлар гирдобига эдим.

Гумонлар, шубҳалар, иккиланишлар. Бунақа пайтда ўзларини ҳурмат қиладиган одамлар қаламни қўлдан қўядилар. Мен ҳам ўзимни ҳурмат қиламан, албатта. Бироқ қўрқоқлик қилмадим, шубҳалардан устун келдим.

Гарчи олдинга нимани излашим лозимлигини аниқ ва равшан бўлмаса ҳам иш бошладим. Ширин ва азобли изланиш ўзининг гирдобига олди. Владивосток, Иркутск, Омск, Пермь, Глазов, Горький, Ригага — япониялик журналистнинг йўли тушган шаҳарнинг барига «ундан бирор из қолмаганмикан», деган маънода сўровлар юбордим. Москвадаги букинист дўконларини бирма-бир айланиб чиқдим. Ленин номидаги кутубхонага ҳам аъзо бўлиб олдим. Лекин ҳаммаси бекор кетди. Шу мавзуда бирор янги нарсани қўлга туширолмадим.

Шунга қарамай ўзимча битта митти кашфиёт қилдим. Бундай қарасам, Ленин ва Япония деган мавзуда жуда ҳам кам нарса ёзилган экан. «Ленин ва Япония» деган номда Д. Гольдбергнинг юлқагина китобчаси бор экан, холос. Революциядан бери ўтган неча ўн йиллик-

лар ичида чиққан ягона китоблигини айтмайсизми! Улуғ доҳий таваллудининг юз йиллиги муносабати билан эълон қилинган материалларни ўз ичига олган «Сайёрамизнинг Ленин йили» деб аталган салмоқли мажмуасида Японияга алоқадор бир хушхабарга дуч келдим. Бу мажмуада барча капиталистик мамлакатларга нисбатан Японияда Маркс ва Ленин асарлари кўпроқ нашр қилинганлиги айтилганди.

«Чет эл матбуоти Ленин ҳақида» деб аталган ва чиққанига жуда кўп йиллар бўлган тўплам ҳам аввалига мени ҳўп умидвор қилгани ёдимда. Бундан ярим аср муқаддам чоп этилган бу мажмуа ҳажман унча катта бўлмаса ҳам ахборотларга ғиж-ғиж эди. Унда Англия, Германия, Франция, Италия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг матбуот органларидан кўчирмалар сероб бўлса ҳам Япон матбуотидан ҳеч вақо йўқ эди. «Буюк мақбара олдида» деб аталган тўпламда ҳам жаҳоннинг турли жойларида революция доҳийсига мотам тутилгани борасида жуда кўп материаллар тўпланганди. Бироқ у тўпламда ҳам Япония борасида ҳеч нарса йўқ. Икки-учта факт бор, холос. Мана шу фактлар кейинчалик у нашрдан бу нашрга кўчиб юраверган.

Менга бу борада... Владимир Ильичнинг ўзи ёрдам бермаганида борми, билмадим, яна қанча оворан сарсон бўлардим. Доҳийнинг барчамизга таниш сиймоси нақшланган асарлари тўпламининг қирқ биринчи томини кўп марта қўлимга олганман. Унинг бир юз йигирма тўққизинчи — бир юз ўттиз биринчи бетларида Накахира билан қилган суҳбатининг тексти берилган. Бир юз ўттиз иккинчи — ўттиз тўртинчи бетларида Фусэ билан суҳбатининг тексти бор. Тўплам охиридаги номлар кўрсаткичида журналистлар ҳақида қисқача изоҳ, 65 рақамли эслатма бор... Буларнинг бари менга жуда ҳам таниш. Уларни қайта-қайта ўқиб чиққанман.

Шунда десангиз бирдан... Интервьюдаги нимадир нигоҳимни михлади қўйди. Таққа тўхтаб, нарига ўтолмай қолдим. Накахира доҳийдан Россиядаги революция ва унинг тараққиёти истиқболини сўраганди. Ленин унга революцион ҳаракат тарихини баён қилиб, пировардида рус ишчилар синфи ва деҳқонлари ҳозирда революциянинг икки йилдан ортиқроқ тажрибасига эга бўлганларини, бунини кўп асрлик тараққиётга тенглаштириш мумкинлигини айтганди. Бу Ленин фикрининг ўзгинасидир. Бироқ бунда мантиқий тугаллик етишмайди. Кураш тажрибаси муҳим, албатта. Бироқ ижтимоий революциядаги асосий нарсаси — унинг пировард натижасидир. Бир ижтимоий тузумни афдариб унинг харобалари ўрнида иккинчи тузумни бунёд этишдир. Лениннинг бу гапини буржуа мухбирларига айтмаслиги мумкинми? Бунини унутиши, хаёлдан қочирishi ёки индамай кетиши ақлга сиғадими? Доҳий ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган, ҳаётининг асосий ишига айланган революциянинг натижасини айтмай ўта олармиди? Мутлақо йўқ! Демак, ё оғир карвон журналист суҳбатни тўла ёзиб ололмаган ё редакцияга муфассал ҳисобот йўллагану у ердагилар...

Мен Накахира текстини таҳлил қилишга киришдим. Ҳар бир жумласининг бирма-бир маъини чақдим. Уларни Ленин асарларига солиштирдим. Уша пайтда ёзган мақолалари, мажлислар ва митинглар, съездлар ва конференциялардаги, Коминтерннинг иккинчи конгрессидаги маърузалари, чет эллик арбоблар ва журналистлар билан қилган суҳбатлари, «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китоби, турли мамлакатларнинг ишчилари ва коммунистларига хатлари билан ҳам қоғиштирдим.

Бу усул панд бермади. Бу ерда гап Антанта мамлакатларининг ишчи-деҳқонлар давлатини танишдан бош тортиши, ҳарбий интервенциялар ҳақида борарди. Ленин шунда қутилмаган хулосага келади: бундай сиёсат қанчалар узоқ давом этса «бу оқибат натижада биз

учун фойдали бўлади», дейди. Ҳарбий интервенция нима учун фойдали бўлар экан? Бунда нима кўзда тутилган экан? Бунга жавоб эса текстда кўринмайди. Ленин эса бошқа жуда кўп мақолаларида бунга аниқ-равшан жавоб берган: Антанта империалистлари интервенциядан иборат қароқчилик, йиртқиқчилик сиёсатларини ўтказиш билан ўз фуқаролари олдида ўзларини фош этадилар, уларнинг ғазаб ва нафратини кўзгайдилар, уларни Совет Россиясининг ҳимояси учун ҳаракатга соладилар.

Шунда яна жумбоқ туғилди: интервьюнинг охири қайда қолди экан? Бунга унинг қўлёзмаси аниқлик киритган бўлур эди, албатта.

— Мени кечиргайсиз, қўлёзма қайда дейсиз!— Накахира тааж-жубда қолганидан чап қовоғини сал кўтарди.— Орадан кўп замонлар ўтди. Уруш бўлди. Ҳаммаси нобуд бўлиб кетган.

Ҳим... Тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди, деганлар. Шунда десангиз, оғир хаёллар гирдобида ўтирганимда қадимги юнон афсонасидаги Ариадна ипининг учини кўргандай бўлдим. «Ксио» журналининг 1967 йил январь сонини Токиодаги архивлардан бирини кавлаб топиб варақларканман Есихиси Кадзитани деган кишининг мақола-сига дуч келиб қолдим. Накахирани топиб, у ҳақда биринчи бўлиб қалам тебратган бу қаламқаш шундай деб ёзган:

«Накахира билан Фусэнинг телеграммаларидаги цензура томонидан олиб ташланган жойларда Лениннинг коммунизм борасидаги фикрлари баён қилинганди. Маъмурлар буйруғига кўра Накахиранинг ҳисоботидан 144 сатр, «Қизил Россияда бир йил» китобидан беш бет (мен фотонусха бўйича текшириб кўрсам нақ шунча бет етишмасди — В. А.), Фусэнинг телеграммасидан 46 сатр олиб ташланган. Қисқартиришлар — газета ва журналларга «давлат тузумини ўзгартириш ва давлат тартибини бузиш ҳақидаги маълумот»ни босишни қатъиян ман қилувчи қонунга мувофиқ амалга оширилди.

Цензура сўнгги тўсиқ эди. Ундан кейин текстга қўл уриб, очиқ қолган жойларни тўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Саҳифалардаги қисқартирилган иероглифларнинг ўрни қуруқ бутчалар тасвири билан тўлдириб чиқариларди. Накахира ана шу бутчалар нечун кириб қолганлигини тушунтириш мақсадида китобга ёзилган эслатмада китобхонга шундай мурожаат қилганди: «Ички ишлар министрлигининг цензураси талабига мувофиқ биз 159 бетнинг 12-сатридан бошлаб, 165 бетнинг 5 сатригача қисқартиришга мажбур бўлдик. Бунга тушунган ҳолда муносабатда бўлишни илтимос қиламан. Муаллиф».

Шундай қилиб десангиз ҳаммаси равшан бўлди қўйди. Интервью тексти япон цензураси томонидан юлқиланган. «Лениннинг коммунизм ҳақидаги фикрлари» олиб ташланган. Булар қанақа фикрлар экан? Бу борада саксон тўрт ёшга борган муаллифни қийнаб, хотирасини кавлаштиришни ўзимга эп билмадим. Бунга жавобни фақатгина интервьюнинг қўлёзмасигина бериши мумкин эди. Бироқ у «нобуд бўлганди».

Ариадна робитаси мўъжизакор бўлгани учун ҳам афсонага кирган. Гарчи мен ҳозирча ўрганаётган материал кўҳна афсонадаги айланма йўллару даҳшатли маҳлуқлардан йироқ бўлса ҳам ўша робита мени олға бошларди. Ленин томидаги Фусэнинг ҳисоботига қўшимча қилинган «телеграф орқали берилди» ва «тўпلامдаги («Ленин ва Шарқ» — В. А.) текст бўйича берилди. У К. Фусэнинг телеграф хабари машинкада ёзилган нухасига солиштирилган» деган сўзлар кўзга ташланиб қолди. «Телеграф»... «Телеграф хабари»...

«...Телеграф хабари!» Қани энди, Ариадна робитаси, андак сабр қилиб турчи. Накахира ҳам репортажларидан бирида телеграфни тилга олганди. У Москвада турган бир йил давомида Ташқи Ишлар халқ комиссарлигининг Шарқ бўлими билан алоқадә бўлганди. Накахира

унда ёш, содда ва камтарин мухбирлардан эди. У Ленин билан учрашганидан кейин интервьюни қоғозга тушириб «Метрополь» меҳмонхонасига ошиққанди, сабаби Ташқи Ишлар халқ комиссарлиги шу ерда эди. Накахира ўшанда комиссарлик ходимларидан материални инглиз тилига таржима қилиб, комиссарлик телеграфи орқали Японияга етказишни илтимос қилганди. Шунда министрликнинг Шарқ бўлими материаллари орасидан япон журналистининг изи топилмасмикин, деган фикр хаёлимдан ялт этиб ўтди.

Эски танишим, олим ва дипломат, Ташқи Ишлар министрлигининг Тарих дипломатия бошқармаси бошлиғи Сергей Леонидович Тихвинскийга қўнғироқ қилдим. Бунда, очигини айтсам, бир иш чиқажагидан кўпда умидвор ҳам эмасдим.

Орадан икки кун ўтгандан кейин менга икки марта қўнғироқ бўлди.— Накахирангизнинг изи топилди. Келинг.

Мен СССР Ташқи сиёсати архиви биноси жойлашган Смоленск майдонига учиб бордим ҳисоби. Шунда десангиз... Епирай! Бамисоли хазинага дуч келиб қолдим деяверсам бўлади! «Осака Асахи» газетасининг Москвадаги мухбирига тегишли бўлган қоғозларнинг асл нусхалари ўша ерда жам экан. Орадан қанча-қанча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам бу қоғозлар сарғаймай ва эскирмай шундайлигича битта папкада турган экан. Мен азбаройи юрагим қоқ ёрилаёзганидан Сергей Леонидовичнинг кабинетида унинг ҳаддан ташқари бандлиги ва вақти зиқлигини ҳам унутиб папкани очдим...

Бунда кўзимга дастлаб ташланган нарса «Рео» деган сўз бўлди. У «Ре» эмас, «Рео» эди. Накахиранинг исми ўша пайтларда шундай юритиларди. Папкада Кобэ шаҳридаги рус вице-элчихонасидан унга берилган паспорт, «Осака Асахи» газета редакциясининг анча пайтдан бери бедарак юрган ходимини йўқлаб йўллаган сўровлари, Лондон, Копенгаген, Ревель, Пекин орқали телеграфдан юборилган жавоблар, Кремль соқчилари бошлиғига Ленин билан учрашишга рухсатнома берилиши сўраб ёзилган қоғоз бор эди. Бу қоғозда рухсатнома кимга берилиши лозимлиги ҳам айтилганди. Москвада Токиога йўлланган ротларнинг қўлёзмалари ва нусхалари ҳам шу ерда эди.

Архив — бебаҳо мўъжизадир! Уни қайси ақли расо ўйлаб топганикин! Бу ерда кунлаб ва ойлаб иш олиб борадиганлар нақадар бахтиёр инсонлардир. Унда йиллаб ишласангиз ҳам арзийди. Менинг эса вақтим жуда чекланган эди. Хаёлимда идорам, мажлислар, газета саҳифалари, гранкалар бўлса ҳам папкадаги материаллар билан танишаётганимдан беҳад хурсанд эдим. Архивда биринчи бор ишлаб, олтмиш йилдан бери сақланаётган ҳужжатларни бирма-бир варақлардим. Шунда уларнинг иси димоғимга урилиб турарди.

Ҳа, архив менга қудратли билим қасри янглиғ туюлди. У инсон хотирасини авайлаб-асровчи сирли ва ажойиб даргоҳдир. Архивда даврлар гўё битта бешикда тиниқиб ётишган эгизакларни эслатишади. Урушлар, маккорлик ва фитналарга тўлиқ аср ҳамда тенглик, меҳру муҳаббат, тинчлик ва осойишталик тантана қилган аср қоғозлар ва ҳужжатлар тимсолида жовонларда жимгина туришибди. Уларда сира кутилмаган кашфиётлар пинҳондир. Ана шу кашфиётлар кўп пайтлардан бери ўз эгаларини кутишяпти. Тадқиқотчиларига интизор.

Накахиранинг қоғозлари ҳам салкам олтмиш йилдан бери архивда сақланиб келарди. Мени кечирсинлару, япон журналисти ҳақида қалам тебратишган ҳамкасбларим ҳам шу чоққача Накахирага даҳлдор бўлган қоғозларни архивдан олиб кўришмаган экан. Чунки бундан папканинг орқа томонига ёпиштирилган оппоқ қоғоз дарак берарди. Қоида бўйича унга папкани ким ва қачон олиб, ундаги материаллар билан танишгани қайд қилиб борилар экан.

Столимнинг чап томонида ледерин муқовали оқишроқ китоб турарди. Ҳозирдаги баъзи хомсемиз китобларга нисбатан у анчагина кичик ва юпқароқ. Бироқ, менинг фикримча, бу китобнинг муаллифи бўлак нарса ёзмаганида ҳам унга тириклигида ҳайкал ўрнатса арзирди. Чунки у ана шу асари билан китобхонларнинг кенг оммасини улуг доҳий Ленинни чуқур ва ҳар томонлама тушуниб олишига катта ёрдам берди.

Мен бу ёзувчининг дастлабки асарларини романтикага тўлиқ ёшлик йилларимда ўқигандим. У вақтларда матбаанинг ҳар бир сўзи инсонга муқаддас ва мўътабар сифатида дилига нақшланиб қолади. Ёзувчининг ледерин муқовадаги китобини эса вояга етганимдан кейин шунчаки ўқиш эмас, балки чуқур ўрганиш зарурлигини англадим. Мен янги дунё очдим ҳисоби. Ундаги фикрлар оламининг бепоеълиги, теранлиги, ўткирлиги ва қайралгани мени ниҳоятда ҳайратда қолдирди.

«Чуқур дарёлар секин оқади». Мен китоб билан танишарканман ҳар сафар зўр сабоқ олардим. Яна қандай сабоқ денг! Совет ҳокимиятининг дастлабки декретлари ҳар биримизнинг Ленинга бўлган меҳру муҳаббатимизни оширган нарсалар эканлигини ким билмайди дейсиз. Ледерин муқовали китоб муаллифи ҳам революция ғалаба қозониб, унинг ғалабаларини мустақкамлаш учун кураш бағоят қизиган пайтларда аниқ-равшан, лўнда, оқилона қилиб ёзилган, воқеликни чақмоқ янглиғ ёритган декретларни ўқиркан ижодига Ленин мавзуси кириб келди. У декретларни орадан ўнларча йиллар ўтгандан кейин эмас, балки ўша декретлар туғилган оловли ва бўронли кунларда ўқиганди:

«Ўша йиллари мен Ленинга жуда қаттиқ берилгандим, бутун фикру зикрим у билан банд эди...— дейди ёзувчи ўзининг «Лениндан тўрт сабоқ» деб аталган машҳур китобига ёзган сўзбошисида.— Мен илк очеркларимни ёзган йилларда ҳам, «Месс-Менд»ни яратганимда ҳам, Ленинграддаги тўқимачилик фабрикаларини ўрганганимда ва ниҳоят, «Гидроцентральный»ни яратишга тайёргарлик (Скворцов-Степанов китоби бўйича) кўраётган пайтимда ҳам Ленинни ўйлар, унинг асарларини ўқир ва қайта-қайта мутолаа қилардим. Ўша пайтда ёзган нарсаларимнинг бари мамлакатимизда Ленин ишлари амалга ошишига ёрдам беришни жуда-жуда истаганим туфайли вужудга келган эди.

Кейинчалик... мен Лениннинг ўзи ҳақидаги мавзуга яқин келдим. Бироқ унда ҳам дарҳол ишга киришиб кетмадим, балки кўп йилларни архивларда ўтказиб, Ульяновлар оиласининг ҳаётини ва маишатини ўргандим. Узоқ вақт Ульяновскада, Қозонда, Астраханда, Пензада, Нижний Новгород (Горький)да яшадим, ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид маҳаллий матбуотни мутолаа қилдим... «Ульяновлар оиласи» китобим шу тариқа вужудга келди. Орадан ўттиз йил ўтганидан кейин унинг ёнига «Биринчи Бутунроссия» китобим қўшилди. Булар Ленин мавзусига босқичлар эди... «Ленин» мавзуси, Лениннинг ўзи, доно, етук устоз, ҳаёт соҳибкори, фақатгина ижтимоий-сиёсий соҳада эмас, балки ахлоқда, фалсафада, билиш назариясида ҳам янги босқич, янги давр яратган доҳий образига ҳамон етишолмасдим. Шундан кейин мен ниҳоят бу мавзуга қўл уришга жураёт эдим. Ҳаётимдаги энг машаққатли, энг завқбахш китоб шу тариқа яратилди, тўғрироғи вужудга кела бошлади».

/ Адибанинг юқориди айтганлари чиндан ҳам ҳайратомуз ва ижодкорга ажойиб ибратдир. Булар кишининг ҳаёт мазмуни, ишга муносабат, инсоннинг вазифаси ва бурчи ҳақидаги тушунчани янада чуқурлаштиради ва бойитади.

Мариэтта Шагинян ўз ижоди билан фидойиликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Унинг асарлари кўламлилиқ жиҳатдан ҳам ажралиб туришини айтмайсизми. Адибага хос бўлган камтаринлик, фидокорлик, ҳалоллик, тўғрилиқ ва бошқа фазилатлар борасида ҳам ҳар қанча

тўхталсак арзийди. У ҳаёт ва ижодда улуғ доҳий васиятларига амал қилади, унинг йўлидан боради, ҳар соҳада ундан ибрат олади.

Орадан йиллар ўтгач, кўп нарсалар унут бўлади, хотирадан кў- тарилади. Бироқ китоблар кейинги авлодларга абадий ёдгорлик сифатида қолади. Бу китоблар улуғ доҳий Ленин фалсафаси, этикаси, эстетикаси, педагогикасини ҳар тарафлама чуқур ва атрофлича ту- шуниб олишга ёрдам беради. Ана шу китоблар орасида машҳур адиба Мариэтта Шагинян асарлари ҳам бўлиши бағоят қувонарлидир. Мен ҳам тенгқурларим қаторида адибага ажойиб асарлари учун ташаккур маъносида таъзим қиламан.

Тўғри, мен ҳозирда сиз ўқиётган нарсаларни аввал, «Лениндан бешинчи сабоқ» деб атасаммикин, деган хаёлга ҳам боргандим. Бироқ бу фикримдан тезда қайтдим. Негаки, бу сарлавҳа ёзганларимга жуда ҳам катталик қиларди. Мариэтта Шагиняннинг улуғ доҳийга бағишланган асарларидан олинадиган сабоқларнинг барчага, айниқса журналистларга нақадар фойдали эканлигини ҳам унутмаслигимиз ло- зим. Умуман айтганда, адиба асарлари у қайси касбда бўлишдан қатъий назар коммунистик жамият қураётган ҳар бир инсонга бениҳоя фойдали асарлардир. Мен буни қайта-қайта таъкидлашни истардим.

Бизни қизиқтираётган воқеа баёнида ва санасида баъзи бир но- ниқликлар мавжуд. Хилма-хилликлар бор. Афсуски, бу нарса анча- мунча обрўли нашрларда ҳам учрайди. Ленин асарларининг қирқ биринчи томидаги номлар кўрсаткичи, ҳаёти ва фаолияти саналари бўлимида: Накахириани Ленин 1920 йил 3 июнда, Фусэни 3 ёки 4 июнда қабул қилган, дейилган. Тўғри, 65 рақамли эслатмада япон журна- листлари Кремлда биргаликда қабул қилинган бўлишлари мумкин- лиги айтилган. Ленин биографик хроникасининг саккизинчи томида иккала журналист биргаликда қабул қилинганликлари айтилади, би- роқ 3 ёки 4 июнда Ленин билан суҳбатлашишган, дейилади. Мен Ленин тўла асарлар тўпламининг справочник характеридаги иккинчи томидаги «Суҳбатлар» бўлимини кўздан кечирарканман кутилмаган янги бир нарсага кўзим тушиб қолди. Унда Накахира Кремлда... 6 июнда қабул қилинган, дейилганди. Фусэ бу ерда ҳам 4 июнда қабул қилинган, дейилганди. Бошқа барча нашрларда бунақа ҳар хиллик- лар кўпайса кўпаядими камаймайди.

Япон журналистлари Кремлда қачон қабул қилинганлар? 3 июн- дами ё 4 июндами? (6 июнь нореал сана бўлгани учун уни тилга ол- масак ҳам бўлади) Бу биринчи савол бўлади.

Иккинчи савол. Ленин уларни биргаликда қабул қилганми ё якка-якка суҳбатлашганми?

Биобарин, Лениндан олинган интервью биттами ё иккитами? Бу учинчи савол.

Учрашув қайси пайтда бўлган? Бу тўртинчи савол.

Суҳбат пайтида Владимир Ильичга берилган саволлар сақлан- ганми? Бу бешинчи савол.

Баъзи нашрларда кўрсатилганидай, Накахира учрашувнинг эрта- си куни суҳбат текстини кўрсатгани Ленин ҳузурига келганми? Ленин текстни кўриб бериб, унга тузатишлар ва қўшимчалар киритганми? Бу олтинчи савол.

Кўлёманинг тақдирини не бўлган? Бу еттинчи савол.

Сўнгра. Нима учун омади юришиб, Фусэ дарҳол «кўзга туша қол- ди?» 1920 йилнинг 26 июнидаёқ у олган интервью баёни Владивос- токда чиқадиган «Воля» деган эсэрлар газетасида ёритилганди. Кейин «Ленин ва Шарқ» тўпламига кирган, мазкур тўплам эса доҳий вафо- тидан бир неча ой кейин нашр этилганди. Сўнгра эса у олган интервью Ленин асарлари биринчи нашрининг йигирманчи тўпламига киритилди.

Хуллас, унинг омади келди. Накахира эса Москвадан жўнаб кетганидан кейин ундан бирор дарак бўлмади. Шу тариқа орадан қирқ йилдан мўлроқ вақт ўтди кетди.

Нимага? Нима учун? Булар саккизинчи ва тўққизинчи саволлардир.

Шунда ҳам биз ҳикоямиздаги асосий нарсага етиб келганимизча йўқ ҳали. Ҳозирда барчага маълум, яна бир марта аниқлик киритадиган бўлсак, биринчи бора 1920 йилнинг июнида «Асахи» газетасида, орадан кўп ўтмай Америкада чиқадиған «Soviet Russia» журналинда, кейинчалик Ленинга даҳлдор янги ҳужжат сифатида «Известия» газетасида босилған, Ленин асарларининг тўла тўпламига кирған «мазкур интервью Накахира томонидан Лениндан ёзиб олинған дастлабки текстга қай даражада монанд ва мувофиқ келади? СССР Ташқи сиёсати архивидан топилған (146 фонд, 2-рўйхат, 1-папка, II-дело, 7-ва 8-саҳифалар) суҳбат вариантининг тексти билан мазкур текст ўртасида фарқ йўқми?

Бу асосий — ўнинчи саволдир.

Муаллиф Америка ҳиндуларига ўхшаб найзасининг учини ерга нечун қаратмагани энди тушунарли бўлса керак. Нега деганда мазкур саволларга жавоб бермоқ керак эди.

* * *

«Гул — йиллар ўтса ҳам гуллигича қолаверади, одам эса йиллар ўтиши билан кексаяди». Ҳа, Накахира ҳам қартайғанди. Унинг қадди букилған, юзларини ажин босғанди. У дзабутонга қандай чўккан бўлса шу кўйи қимир этмай ўтирарди. Ранги оқ-заҳил, юзи буришиқ. Қаёғига қарамаңг — ажинларнинг чуқур излари.

Инсон юзи — моҳият эътибори билан сирларга тўлиқ бутун бир оламдир. У боши ҳам, охири ҳам бўлмаған ажойиб китобдир, ундаги қизиқ-қизиқ сюжетлар бири-бирига уланиб кетаверади, сира тугамайди ҳисоби. Сўз усталари, зўр рассомлар ва ажойиб ҳайкалтарошлар инсон табиатининг сир-асорини очмоқчи бўлиб, энг қадим замонлардан ҳозирги кунларимизга қадар унинг юзи тасвирига уринадилар. Гўдак ёки илоҳа, давлат арбоби ёки деҳқон, жангчи ёки руҳоний, даҳ ёки ёвузларни тасвирлаганларида асосий эътиборни унинг юзига қаратганлар. Монна Лизанинги сирли табассуми эса неча асрлардан бери жумбоқ бўлиб келаётгани ҳам бежиз эмас.

Инсон юзи денгиз сингари доимий ҳаракатда. У сирдан қараганда одатдагидай кўринса ҳам ҳар лаҳзада ўзгариб туради, яъни қалб ҳолати, туйғулар ифодаланиб туради. Юракнинг қувончли ё ҳаяжонли ҳар бир уриши кишининг табассуми, юзини буриштириши, қошлари, кўзлари, лаблари ҳаракатида сезилади. Булар сезилмаса, яъни одамнинг юзи тошдай қотиб тураверса бировга хуш келмайди.

Сиз суҳбатдошингизнинг пешонаси, ёноғи, бурни, лаби, даҳани, кўзлари, оппоқ сочлари, ажинларига бундай тикилсангиз борми, унинг тақдири, дид ва одатлари, ҳаёт тарзи ва хулқи борасида кўп нарсаларни билиб олишингиз мумкин. Кўз — агар қалб кўзгуси бўлса, юз инсон тарихи бўйича ажойиб китобдир ҳисоби.

Осиёлик киши билан суҳбатда бўлсангиз унинг чеҳрасига тикилиб кўп сирлар пинҳонлигига амин бўласиз. Менинги ҳамсуҳбатим Накахира ҳам жиддий ва сир бой бермаған ҳолда ўтирарди.

Накахира кенг ва дўнги пешона эди. Қошлари ниҳоятда сийрак бўлиб, тепасидан бошига ажинлар ўтғанди. Кўзлари қийиқ бўлмай чақчайған, нигоҳи заифроқ. Ёноқлари ичига ботинқираған, бурун каттаклари кенгроқ, қаншари паст. Гўё у дунёга келганда онаси суюниб

кетиб, чақалоғининг юзини кафти билан салгина босиб қўйганга ўхшарди. Еши бир ерга борганидан юз териси ҳам шалвираган, устки лаби қалинроқ, даҳани эса япалоқ юзига нисбатан кичикроқ кўринарди.

— Накахира-сан,— илтимос қилдим мен,— ўз ҳақингизда гапириб берсангиз. Қаерда ва қачон туғилгансиз? Ота-онангиз ким бўлишган? Россияга қандай бориб қолдингиз?

Мўйсафид суҳбатдошим бошини аранг кўтарди. У менга ҳайрон бўлганича синчиклаб тикиларди. Кўзлари ёшланган ҳолда анча тикилиб қолди.

— Сизни менинг ҳаётим чиндан ҳам қизиқтираяптими?

— Нимага қизиқтирмас экан?

— Таржиман ҳолимни сўзлаб беришимга тўғри келган пайтни эслолмайман. Мен кино юлдузи ҳам, пўлат сандиқларни очадиган мутахассис ҳам эмасман.

— Шундай бўлса ҳам сиздан илтимос қиламан.

— Олдиндан огоҳлантириб қўяй, менинг таржимаи ҳолимда қизиқадиган ҳеч бир нарса йўқ. Ҳаётим шунчаки, зерикарли, жўн ўтди. Кўп замонлар бурун, ўтган асрда, 1894 йилда, нақ янги йил киришида туғилганман, мана ҳозир эса бир ҳисоб қилиб кўрсангиз саксон бешга кирган бўламан. Японларнинг ҳаммалари ўзларини янги йил арафасида туғилган ҳисоблайдилар, бу шунчаки бир одат ўзи. Ойимнинг айтишига қараганда мен қишлоқ ибодатхонасидаги бронзадан ясалган қўнғироқнинг бир маромдаги сўнги, бир юз саккизинчи жаранглаши эшитилганида дунёга келган эканман. Бизнинг қадимий одатимизга кўра ясан-тўсан қилган бонзалар қавмларга янги йил келганидан хабар бериб, шипга осилган қўнғироқни оғир хода билан роппа-роса бир юз саккиз марта урадилар. Шошилмай, бир маромда чаладилар. Ҳар бир зарб, кечмишга, инсон ҳаётини маъюслаштириб турган бир юз саккиз ғамдан бирини олиб кетиши керак. Шунинг учун ҳам японлар қўнғироқнинг даранглашига нафасларини ичга ютган ҳолда қулоқ соладилар. Сизларда, адашмасам, бахтиёр одамлар ҳақида яхши кунда туғилди, деган нақл бор. Одатимизга ишонадиган бўлсак, менинг ҳаётим нақ жаннатнинг ўзи бўлиши лозим эди. Бироқ, боя мен жаннатнинг соясн ҳам насиб қилмаганини айтиб ўтган эдим. Фирибгар руҳонийлар янги йил арафасида кўпроқ ичиб қўйиб, ҳисобдан адашиб кетишган бўлишса ҳам ажаб эмас.

Мен туғилган қишлоқнинг номи Жасуикэ бўлиб, кичкина ва камбағал эди. У Такаока уездида бўлиб, Коти префектурасига қарарди. Мабодо Япония харитасига қаралса Сикоку оролидаги бизнинг префектурамизни топиб олиш қийин эмас. Улкамизда одамлар сийрак, асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган. Иқлими майин, бананлар билан ананаслар битади.

Отам Мицзе Накахира қишлоқ врачлари бўлиб, деҳқонларни ва оила аъзоларини даволар, борига қаноат қиладиган одам эди. Ойим Тора исмли ювошгина муштипар аёл эди. Унинг икки ўғли, бир қизи бўлиб, болаларидан ортиб, уй-рўзғор ишларини ҳам қиларди. Мен оилавий анъана бўйича врачликни танлашим керак эди, бироқ унга панд бердим. Префектура гимназиясида ўқиганимда инглиз тилидан зўр эдим математикага тобим йўқ эди. Шу вайдан Токиога бориб Чет тиллар институтига кирдим. Институтда рус ва инглиз тилларини танладим. Бироқ уч ой ҳам ўқимай барини йиғиштирдим. Ўқишга маблағ бўлмагандан уйга қайтдим.

Биринчи жаҳон уруши бошланди. Япония билан Россия ўртасида савдо-сотиқ кучайди. Отам мендан врач чиқишига кўзи етмаганидан кейин тил ўрганишимга зўр берди. Мен Токиодан олиб келган дарслик-

ларимни мутолаа қилишга киришдим. Шунда десангиз Осакадаги Савдо-саноат палатаси ҳузурда савдо ва тил курси очилганини эшитиб қолдим. Ушанга ўқишга кириб, айти пайтда божхонада ишлаб бошладим. 1915 йилнинг мартада курсни аълочилар қаторида битириб, рус тили муаллими Моити Ямагути тавсиясига кўра таржимон сифатида хизмат қила бошладим.

— Қандай қилиб журналист бўлдингиз?

— Сира ҳам қутилмаганда журналист бўлиб қолдим. Ямагути-сан бир куни менга шундай деди: «Менга қара, Ре, яхшигина таклиф бор. «Осака Асахи симбун»га бориб ишлашни истайсанми?»

— Қандай қилиб?— шошиб қолдим мен.

— Жуда осон, уларга рус тилини яхши биладиган ходим керак.

— Яхши биладиган бўлса мен эмасман.

— Нақ ўзингсан, ҳадеб камтарлик қилаверма,— Ямагути-сан оёғини тираб олди.

Шу сабаб бўлиб 1917 йилнинг апрелида Япониядаги энг йирик газета редакциясининг остонасидан босиб ичкари кирдим. Келаси йили январда эса шу газетанинг мухбири сифатида Россияга, Владивостокка бориб қолдим. Бошловчи журналист учун бу ҳар ҳолда ёмон эмаса?

— Ҳа, анча муваффақиятли.

— 1919 йилнинг майида редакция менга тўсатдан Совдепияга боришни таклиф қилиб қолди. Уша пайтларда Совет Россияси Совдепия дейиларди. Қисқароқ қилиб Советлар деб ҳам аталарди. Россия фронтлар ҳалқасида қолганди. Нажотга умид ҳам йўқ эди. Дунё большевиклар ҳокимияти жон талвасасида қолишини кутар, ана шунинг гувоҳи ва йилномачиси бўлиш менинг чекимга тушганди. Ўзимга ўзим ҳужжат қилиб, машинкада ёзиб олдим. Сўнгра редакциядаги бошлиқларимдан рухсат олиб, икки кунга уйимга бориб келдим. Отанамни кўрдим. Қишлоғимиз кишилари менинг Совет Россиясига бормоқчилигимни билишлари биланоқ врач Мицеунинг кенжа ўғли жинни бўлибди, деган қарорга келишди. У пайтларда Россия қанақа мамлакат, у ердаги ҳокимият қанақаю, боришга на ҳожатлигини ким тушунарди дейсиз. Шунга қарамай қишлоғимизга Россия ҳақида қўрқинчли миш-мишлар келиб турарди. Россиядаги ҳокимиятни соч-соқоли ўсган қандайдир рўдаполар қўлга олишганимиш, улар ханжарларини тишлаб юришармиш, ўшалар рус тэнноси — императорини бола-чақаси билан ўлдиришганмиш, аёллар ўртада эмиш, қурбонларининг қонини ичишармиш, деган гаплар юрарди. Совдепияга бориш эса нақ ўлим билан баробар эди. Онам қишлоғимиздаги Синто ибодатхонасининг бонзасидан ҳурмати кам бўлмаган, даҳанида уч-тўрттагина туки бўлган ва доимо букчайиб юрадиган қария Камасубара-санга, маслаҳат ва мадад сўраб борди. Қария онамга, осмондаги юлдузлар ҳозирги жойларини олганидан бери Хасуикэ қишлоғидан бирор кимса денгиз оша ёт ўлкаларга кетганини эслолмайман, менинг ёшлигимда, яъни сен билан эринг ҳали дунёга келмаган пайтларингда бу ишга жазм этган одамга ўлим жазо бериларди, дебди. Чиндан ҳам Яматонинг муқаддас тупроғини тарк этишга империя қонунлари йўл бермасди.

Мен қўлимдан келганча онамга тасалли бердим. Акам ва синглим билан хайрлашдим, ҳамқишлоқларимга таъзим бажо айлаб, йўлга тушдим. Яна қайтиб кўришамизми, йўқми — бу худога аён эди. 24 май куни Владивостокда поездга чиқдим. Россия бўйлаб сафарим шу тариқа бошланди. Йўлда ўрмонлар ва чўллар кетма-кет учраб турганидек, жойлардаги ҳокимиятлар ҳам ҳар кимларнинг қўлида эди. Харбинда чор генерали Хорват; Приморье билан Сибирни босиб олишган атаман Семенов, чехословак легионерлари, ватандошларим; иттифоқдошларнинг беҳисоб миссиялари; адмирал Колчак бошчилигидаги

Омск ҳукумати... Ҳар қадамда ҳужжат суриштириш, тинтувлар, қама-қама, сўроқлар, таҳдидлар... Назаримда буларнинг кети кўринмайди-гандай эди.

III

Қўйилган саволлар жавоб талаб қилар эди. Гапни асосий саволдан — интервью текстидан бошлаймиз. Ре Накахира қуйидаги интервьюни ёзиб, Японияга йўллаганди (СССР Ташқи сиёсати архиви, 146-фонд, 2-опись, 1-папка, II дело, 9—11-саҳифалар):

Пекин

«Асахи-Симбун» Япон газетасининг Пекин бўлимига июнь ойининг учинчи кунда мен ўртоқ Лениннинг Кремлдаги иш кабинетида қабул қилдим.

Мени бу ердаги шароитнинг оддийлиги ҳайратга солди. Бунақа бўлишини сира кутмагандим. Биз Кремль соқчилигининг навбатчи солдатлари бўлган қатор иморат ва коридорлардан ўтиб Лениннинг кабинетига йўналдик.

Бизнинг Ленин томонидан қабул қилинишимиз фавқулодда кўнгилли ва самимий бўлди — у бизни ўзининг қадрдон дўстлари қаторида кутиб олди, бир дақиқа ҳам ҳозирда ўзининг бениҳоя баланд мавқеда эканлигига шама қилмади.

Ленин қатор савол бермоқчи бўлиб турган бизлардан илдамлик қилиб, Япония тарафидан Совет ҳукуматининг тинч дипломатик тенденциялари томон интилиш истаги мутлақо сезилмаётгани, совет ҳукумати ана шу яқинлашиш йўлида ҳозирда Узоқ Шарқда вужудга келган омонат давлатни таниганлигини айтиб, норози эканлигини билдирди.

Сўнгра у «Японияда йирик ер эгалари кўпми?», «япон деҳқонлари етарлича ерга эгамилар?» «япон халқи асосан ўзи етиштирган маҳсулотлар билан кун кечирадими ёки четдан нарса келтиришга мажбурми?» қабилдаги қатор саволлар берди.

Бу ва бошқа саволлар Ленин бизнинг мамлакатимизга бениҳоя қизиқиш билан қарашини кўрсатди.

Ленин суҳбат асносида Японияда ота-оналар болаларини урмас эканлар, ростми, деб сўраб қолди. Буни у қандайдир бир китобда ўқиган экан. Ленин биздан бунинг истисноси жуда камдан-кам ҳолда бўлишини билганидан кейин Совет ҳокимиятининг принципларидан бири кичик ёшдаги болаларга тан жазоси беришга қарши кураш эканлигини айтди.

Ленин бизнинг саволларимизга жавобан Россиядаги революцион ҳаракат йўлини қисқача таърифлаб бераркан Россиянинг ишчилари ва деҳқон оммаси бениҳоя зулм остида эзилганларини таъкидлади.

Сўнгра у шундай зулм натижасида камбағал синфларнинг уйғоғлини аста-секин кучая бошлагани ва бу рус пролетариатининг уюшқоқлиги жуда ҳам камлиги, савод даражаси бошқа мамлакатларнинг халқларига нисбатан пастлигига қарамасдан оқибатда ҳеч нима билан тўхтатиб бўлмайдиган революцион ҳаракатга айланганини уқдирди.

Бироқ эндиликда шуни қайд қилмоқ мумкинки, ўтган икки ярим йил ичида рус ишчилари ва деҳқонлари улкан революцион тажриба орттирдиларки, бу ўзининг муҳимлиги жиҳатидан шу соҳада бир неча юз йиллар мобайнида тўпланган тажрибага тенг кела олади.

Иттифоқчиларнинг таъқиблари Россияни қанчалар оғир аҳволга солгани сари, самодержавиенинг зулмга асосланган давлати вайроналари ўрнида коммунистик тузум барпо қилган ва шу тариқа нжтимоий

тараққиётнинг оралиқдаги босқичларини ҳатлаб ўтган рус пролетариатининг революцион ижоди шунчалар кенг қулоч ёймоқда.

Бизнинг, эски ҳукуматнинг барча қарзларини бекор деб топган Совет республикаси нима учун Эстонияга олтин билан анчагина маблағ тўлашга рози бўлди, деган саволимизга Ленин мутойиба қилиб, шундай жавоб берди:

— Эстония биринчи бўлиб бизга ўзининг ҳозирда маълум бўлган дўстлик муносабатини билдирди. Шунинг учун ҳам биз унга тўлаган маблағни мамлакатимизга нисбатан изҳор қилган туйғусига яраша жавоб ўрнида кўришимиз мумкин.

Умуман айтганда буржуазия билан ҳамма вақт ҳам муносабат қилиш мушкул бўлади, нега деганда у моддий наф кўришдан бўлак нарсани сира ҳам кўзламайди. Ақалли Американи олиб кўрайлик, у бизга бундай қараганда силлиққина бир таклиф қилди. Бироқ таклиф билан яқинроқ танишиб кўрсак унинг эксплуататорликдан иборат таклиф эканлиги маълум бўлди ва шу сабабдан уни мақбул топмадик. Биз бунга ўхшаган шартномаларни душманларимиз бизни ожиз ҳисобламасликлари учун принципиал равишда имзоламаймиз.

Иттифоқчилар бизни тан олмасликни ва интервенцияни қанчалар чўзсалар бу бизга шунчалар фойдалидир, чунки империалистик ҳукуматларнинг бундай сиёсатлари уларнинг фуқаролари норозилигини кучайтиради ва капитализм ўз-ўзидан ҳалокатга учрашига гаров бўлади.

Ҳозирча Шарқ мамлакатларида коммунистик ҳаракат мустаҳкам негизга эга бўлмаганди. Бироқ уруш пайтида Англия билан Франция мустамлака қўшинларининг кадрларини ўша мамлакатларнинг кишилари билан тўлдирдилар. Уша кишилар ўз юртларига қайтгач, большевизм уруғини сочажаклар.

Россия саноати олдида бутун-бутун районларнинг саноатларини электрлаштириш сингари жуда катта вазифалар турибди. Бунда коммунизмнинг ижодкорлиги ўзини кўрсатади. Бироқ бу вазифаларнинг бажарилиши бир неча ўн йилларни талаб этади.

Накахира»:

Лениннинг фикри!

Бунинг манбаларини, шаклланишини, ривожини, оқимини, югуруклигини кузатиш кишини бениҳоя қувонтиради. Ленин таълимотининг мустаҳкамлиги ва теранлиги, баҳорий ёрқинлиги ва ўткирлиги, дадиллиги ва образлигини айтмайсизми. Доҳий асарларини ўқиганда ҳар қандай қолиплар, шаблон ва сохталикларга муросасизликни кўрамиз. Унинг фикрлари ва мулоҳазаларида темир мантиқ ва ишонтириш кучи, соддалик ва оддийлик мавжуд.

Бу жиҳатдан қараганда интервью — инсон суҳбатидаги динамизм ва экспрессиянинг зўр намунасидир. Унда вақтнинг ҳар бир дақиқасидан ўринли фойдаланиш ва бутун имкониятни ола олиш намунасини кўрамиз. Интервьюда информациялар санжоб ҳолда берилган, Лениннинг гениал фикри унинг асосини эгаллаган.

Бундай қараганда ўттиз минут кўп вақт эмас. Халқ Комиссарлари Советининг Ранси кабинетига жуда кўп журналистлар бўлишган. Хасуикэ қишлоғидаги Накахиранинг отаси ҳузурига келган бемор ҳам ана шу вақтнинг ярмини таъзим бажо айлашга, бола-чақани суриштиришга сарфлар эди. Набиралар, жиянлар, куёвлар, қайнағаю қайинлар бўлса борми бундан ҳам кўпроқ вақт уларни сўраб-суриштиришга кетарди.

Улуғ доҳий эса ўтган ўттиз дақиқа давомида қуйидаги фикрларни изҳор этмоққа улгурган:

— Совет ҳукуматининг тинчлик мақсадидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашни истамаётган император бошчилигидаги Япониянинг сиёсатига ўз муносабатини баён қилган.

— Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг тинчликсевар принципларини ифодалаган, буржуа Эстонияси билан шартномани ва шу муносабат билан хоризмнинг эски қарзлари масаласини тилга олган.

— Американинг тинч таклифига муносабатини билдирган (бунда Буллитнинг, кейин маълум бўлишича, ғирт эксплуататорликдан иборат бўлган маълум миссияси кўзда тутилади).

— Совет ҳокимияти буржуазия билан сулҳ тузиши мумкин бўлган шартларни кўрсатиб ўтган.

— Сўнгра: Россияда революцион ҳаракатнинг йўли ва босқичларини, ишчилар ва деҳқонлар синфий онгини уйғонишини таърифлаб берган.

— Якун: ўтган икки ярим йил ичида кўп асрлик тажрибага тенг бўлган улкан революцион тажриба ортирилган.

— Рус пролетариати самодержавие зулмига асосланган ҳокимият харобалари ўрнида коммунистик тузум барпо қилди, бунда ижтимоий тараққиётнинг оралиқдаги босқичларини ҳатлаб ўтди. Бу ерда, асосан, битта, алоҳида олинган мамлакатда социализм ва коммунизмнинг ғалаба қозониши мумкинлиги ҳақидаги Лениннинг гениал фикри, шунингдек кам тараққий этган мамлакатларнинг нокапиталистик тараққиёти ҳақидаги мулоҳазалари баён этилган.

— Империалистик мамлакатларнинг Совет ҳокимиятини танимаслиги ва интервенцияси халқларнинг норозилиги ва ғазабини кўзғотади.

— Шарқда коммунистик ҳаракатнинг истиқболи масаласини кўтарган.

Россиядаги социалистик ўзгаришларнинг истиқболини таърифлаб, халқ хўжалигини электрлаштиришга асосий эътиборни қаратган.

— Тарихий якун: коммунизм ғалабаси муқаррардир.

Яна бир бор такрорлаймиз: буларнинг бари ярим соат мобайнида баён этилган!

Интервью — ажойиб ҳужжатдир. Япон журналисти олган интервью жиддий ва расмий вазиятда бўлиб ўтган савол-жавоблар эмас, балки самимий ва кўнгилли мусоҳабанинг самарасидир. Шунинг учун ҳам у кишида марксизмдан сабоқ, сабоқ бўлганда ҳам ажойиб сабоқ сифатида таассурот қолдиради.

Ленин берган интервью самимияти ва теранлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Лениндан интервью олиш мақсадида унга ғойибона мурожаат қилганлар ҳам бўлганди. Чунки ўша йиллар жуда оғир йиллар эди. Антанта давлатлари ёш Совет республикасини темир ҳалқа янглиғ ўраб олганидан ажнабий журналистларнинг ҳаммалари ҳам Москвагача етиб келишолмаган ҳоллар рўй берганди.

Шундай пайтларда Ленин уларнинг саволларига ўзи жавоб ёзарди. Бу, албатта, кечқурунлари бўлар, кундуз кунлари эса дохий ҳукумат иши, учрашувлар, мажлислар ва кенгашлар билан банд бўларди. Дохий турли мамлакатларнинг ишчилари ва коммунистларига хатлар ҳам ёзганди. Ўзининг асарлари ва нутқларини ёзишга ҳам вақт топарди. Партия съездлари ва Коминтерн конгрессларидаги докладлари ҳам ишдан бўшаган вақтларида ёзиларди. Турли муносабатлар билан ўзига мурожаат қилган шахсларга «жойлардаги маъмурлар ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишларини» сўраб ёзиб берган мактублари-чи.

У ҳар бир нарсага вақт топа оладиган ажойиб ва камтарин инсон эди!

...Япон журналисти ўшанда кабинетдаги улкан соатга қараб-қараб

қўярди. Ҳозирда иккимиз суҳбатлашиб ўтирарканмиз доҳий кабинетигадаги учрашув кўз ўнгидадан бир-бир ўтарди.

— Владимир Ильич бизга суҳбатлашиш учун ўн беш минут вақт қолганини айтса ҳам ўзи сўзлаб, ром қилиб қўйганди...— дейди Накахира чеҳраси ёришиб.

Ленин япон журналистлари билан суҳбат қурган пайтида коммунистик партиянинг раҳбари, Халқ Комиссарлари Советининг Раиси сифатидагина эмас, балки оташин тарғиботчи сифатида ҳам кўзга ташланди. У чиндан ҳам яхши, сезгир ва жўшқин тарғиботчи эди. Ушанда у ўтмиш кунларни эслаган, ўтган асрнинг охирларида Питердаги ишчиларнинг тўгаракларида илмий социализмдан сабоқ берганларини эслаган бўлса ҳам бордир.

Ҳозирда Ленин революция иштиёқида ёнаётган халқ тўлдирган майдонда ёки одамларга гиж-гиж театрда, завод цехида ёки бир гуруҳ ишчилар орасида бўлмай бор-йўғи иккита япон журналисти даврасида бўлса ҳам эҳтирос ва иштиёқ билан сўзларди. Бу икки мухбир эса буржуа матбуотининг вакиллари эдилар. Бу матбуот эса капиталнинг қули ва чўриси бўлиб, ёш Совет республикасига туҳмат ва бўҳтон тошларини ёғдиришдан бўшамасди.

Тўғри, Қарахан кеча Ленинга Накахира билан Фусэ вакиллари бўлган газеталар ўзларини либерал ва салкам озод газеталар деб санашларини айтган эди. Буржуа жамиятида матбуот эркинлиги қандай бўлиши маълум-ку ўзи! Бу газеталарда Россия ҳақида бирмунча объективроқ ахборотлар ҳам кўриниб қоларкан. Бу буржуа журналистлари орасида эс-хуши жойидалари ҳам бўлади, деган сўздир. Масалан, Фусэнинг Россиядан юборган материаллари ҳарбий уришқоқликнинг ғазабини қўзғаб кўпларни ҳайратда қолдираркан. Шунинг учун ҳам уни Японияда большевиклар агенти, деб қоралашар, миллий манфаатларга хиёнат қилишда айбашаркан. Фусэнинг илк материали босилган «Осака Майнити» газетасининг сони мусодара қилингани ҳам шундан далолат берарди.

Доҳий ҳузурига япон журналистлари қизил террор ёки аёлларни умумлаштириш борасида эмас, балки рус революцияси хусусидаги ҳақиқатни билгани ва бу ҳақда қалам тебратгани келишганди, албатта. Булар исёнкор Жон Рид сингари коммунист бўлиб, Октябрь революциясини қабул қилишадими-йўқми билиб бўлмайди. Бироқ мақсадлари эзгу. Шунинг учун ҳам уларга Совет Россияси ҳақидаги бор ҳақиқатларни яхшилаб сўзлаб берса арзийди. Уларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш лозим.

Иккала япон журналисти доҳий кабинетигадаги стол ёнида жимгина ўтиришарди. Улар ичкарига кирганларида эшик олдида тўхтаб, бараварига таъзим бажо айлашди. Шунда бошлари ерга теккудай бўлди ҳисоб. Уларда бу одат бўлса керак-да. Ленин шунда ўзини босолмай яйраб кулди. Стол ёнидан чиқиб, улар истиқболига юрди, қуюқ ва самимий сўрашиб, юмшоққина чарм креслоларга ўтқизди. Журналистлардан бири ёшроқ, сочини калтароқ олдирганди. У ўзини жиддий тутар, сездирмай соатига қараб-қараб қўярди. Шериги ўттиз беш-қирқ ёшларга борган, савлатли ва кўринишда хотиржам киши эди. Устида яхшигина қора костюм. Қўлида бир варақ қоғоз кўрнадди. Унда, чамаси, берилмоқчи бўлган саволлар. Икковлари ҳам жилмайишгани жилмайишган. Ёшроғи «р»ни яхши айтолмайди, шекилли. Ҳар қалай, японлар жуда ажойиб кишилар бўладилар-да, ўзи. Буларга сиёсий аҳволдан жиндай сабоқ бериш керак бўлади. Сўнгра навбат-савол-жавобга. Қоғоздаги саволлар ҳам бежавоб қолмайди.

Бойлар, зодагонлар, умуман, қора кучларга қарши курашда ғолиб чиққан, камбағалларнинг юрти бўлиб қолган мамлакат бамисоли

ярадор паҳлавондай оғир нафас оларди. Унга бошчилик қилмоқчи бўлган турли-туман амалдору оқ генераллар — Антантанинг ювинди-хўрлари бирин-кетин қувилдилар, халқ зарбига дош беролмадилар. Ўзини «Россиянинг олий ҳукмдори» деб атаган Колчакнинг саройидаги бош эшикбон Николай Жаркихнинг ҳам ковуши тўғриланди. Хусни хат ва расм муаллими бўлган бу паҳлавон сифат одамни Колчак ўзининг бош эшикбони қилиб тайинлаганди. У Омскнинг Любин кўчасидаги саройнинг эмандан ясалган баҳайбат эшикларини ҳукмдорнинг отлиқ казаклар кузатувидаги енгил машинаси кўриниши биланоқ ланг очиб турмоғи лозим эди. Ҳукмдор умри қисқа бўлишига ақли етган бўлса керак ўғли билан хотинини Парижда қолдириб келган, бу ерда эса Нетти Тимирова деган хуштори билан турар, тунлари унинг бўғиқ овозда: «Ён, ён, менинг юлдузим» деб ғўғиллаганлари эшитилиб қоларди. Бироқ унинг юлдузи 1920 йилнинг февраль тунларидан бирида буткул сўнди. Эши қирқ бешга борган бу ҳукмдор революцион суднинг ҳукмига кўра биринчи министри Пепеляев билан биргаликда отиб ташланди.

«Олий ҳукмдорнинг Россия жануби бўйича ўринбосари» бўлган Антон Деникин инглизлар миноносецида чет элга қочиб қолди. Бу бадбахт хорижда кўп яшади, «рус ғалва»си рўй берган замонларга дахлдор бемазадан-бемаза мемуарлар ёзиб, 1947 йилда Американинг Мичиган штатида оёқ чўзди. Ундан бери оқ бўлган бошқа бир соатлик халифаларнинг ҳаммалари тарих зулматида ғойиб бўлиб, ҳечликка йўл олдилар.

Оқ гвардиячиларнинг лагери айниб, пароканда бўлиб кетди. Гражданлар урушидаги асосий босқич шу тариқа орқада қолди.

«Жаҳоншумул-қудратли Антанта бизга энди қўрқинчилик эмас,— деган эди Ленин 1920 йилнинг 1 мартида,— ҳал қилувчи жангларда уни енгдик». Ун тўққизинчи йилнинг энг оғир кунларида Ленин ўртага ташлаган: «Ўлим ёки ғалаба!» деган шиор ҳарбий кун тартибидан олиниб, тинч хўжалик қурилишининг рўзномасига кирди. Антанта мамлакатларида ишчиларнинг: «Совет Россиядан қўлингни торт!» деган шиорлари баландроқ янграй бошлади. Англия ҳам Россиядан қўлини тортиб, Архангельскдаги аскарларини олиб кетишга мажбур бўлди. Бу аскарлар Россиядаги ажойиб воқеаларни ўз ҳамюртларига ҳикоя қилиб юрдилар. Ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти, ер ва тинчлик ҳақидаги ҳақиқатлар барча меҳнат аҳлини чинакамига қизиқтирарди.

Россиядаги воқеалар душманлар лагеридаги ақли расо одамларни ўзига тарта бошлади. Владимир Ильич Англиянинг ҳарбий министри Черчилли, «Совет Россиясининг энг буюк душмани», деб атаганди. Тақдирнинг киноясини қарангки, ана шу Черчиллнинг жияни бўлган ҳайкалтарош аёл Клэр Шеридан Лениннинг ҳайкалини ясашга аҳд қилди. Черчилль бундан дарғазаб бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жиянига қилмаган дўқи қолмади, уни «большевизм»да айблаб, турмага ташламоқчи, одам яшамайдиган оролга бадарға қилмоқчи ҳам бўлди. Бироқ Шеридан ҳам бўш келмайдиганлардан эди. Роса бир йил ҳозирлик кўрганидан кейин 1920 йилнинг кузида Москвага келди. У бир неча ой давомида Ленин кабинетида бўлиб, унинг жистини ясади. Сўнгра бюстни мармардан ишлади. Черчилли тамонила ер билан яксон қилиш мақсадида бўлса керак, Клэр ватанига қайтганидан кейин Лондон газеталарида туркум репортажлар эълон қилди. Бу репортажларида Ленин азиз яхши, доно ва жозибадор инсонлигини, чинакам жентельменлигини, баъзи бир танишларига мутлақо ўхшамаслигини, ўзига суратини дастхати билан тақдим этганлигини баён этди. Бу нарса жуда ҳаддан ташқари эди. Шунинг учун ҳам Черчиллар хонадони Клэр Шериданни оқ қилди.

Фақат зодагонлар хонадони эмас, тахтлар ҳам лопиллаб, шажаралар чок-чокидан кетиб, империялар таназзулига юз тутиб, капиталистик олам ларзада қолди. Ленин қайд этганидек, бутун оламга узурпаторлар, қароқчилар, ҳокимиятнинг босқинчилари, демократиянинг душманлари, большевикларга қарши курашни сира ҳам тўхтатмаймиз, деб жар солган Антанта бошлиқларининг ён беришдан бўлак чоралари қолмади. Антантанинг олий иттифоқ совети иқтисодий қамални бас қилиб, «Совет Россиясининг аҳолиси» билан савдо ҳамда коммерция алоқаларини янгилашга қарор қилди. Буржуа Эстонияси ҳам сулҳ таклиф қилди. Ленин Эстония билан шартномани рус ишчилари Европа томон очган дарича, деб баҳолади. Литва, Латвия, Финляндия, Афғонистон билан ҳам музокаралар бошланди.

Тинчгина нафас олиш вақти келди.

Тўрт йиллик империалистик уруш ва икки йиллик чет эл интервенцияси билан гражданлар уруши мамлакатнинг жуда тинкасини қуритганди. Ҳаммаёқда очарчилик, озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари етишмас, авж олган терлама касали одамларни тутдай тўкиб турарди.

Ана шундай оғир ва машаққатли кунларда Ленин ёш Совет давлатига моҳирона бошчилик қилди. Мудофаани ташкил этишдаги бутун тажрибани хўжалик фронтига кўчиришни асосий вазифа қилиб қўйди. Мамлакатни электрлаштириш негизида халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ягона планини тузиш ҳам диққат марказда эди. 1920 йил февралда бу план Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети томонидан маъқулланди, март ойининг охирида партиянинг IX съезди томонидан қабул қилинди. Бу социализм қурилишининг асосий программасига айланди.

Кураш ва меҳнатда шаҳар билан қишлоқнинг алоқаси мустаҳкамлана бошлади. Накахира Пермдан Москвага кетаётиб, «Красная звезда» агитация кемасида бўлганини эслайди. Ушанда у шеърлар босилган мўъжазгина газетани ҳам кўрган, ўқиган. Ундаги шеърлар ишчи билан деҳқон қаламига мансуб бўлиб, худди қўшиқ сингари ўқиларди. Мен газетанинг ўша сонини қидириб топдим. Кема, халқ орасида «ҳақиқат ва маърифат машъали» деб номланганидай газетанинг номи ҳам «Красная звезда» эди. Ундаги шеърларда аввал деҳқон бошлаб, озод ҳаётга мадҳия ўқир, ундан завқланар, сўнгра ишчи ўз бахтидан куйлаб, унга жавоб қилар эди.

Тинч қурилиш йиллари узоққа чўзилмади. Антанта ёш давлатимизга янгидан ҳамла қилди. 5 майда панлар Польшаси ҳужум қилди. Бадавлат онладан чиққан авантюрист, нодон, жосус, 1918 йилда ўзини «давлат бошлиғи» деб эълон қилган Юзеф Пилсудский армияси билан ҳужумга ўтиб, тинчлигимизни бузди.

Қримда эса бошқа бир душман — Петр Врангель ҳамлага тайёрланарди. У асосий зарбалар йўналишини белгилар, дивизия ва полкларнинг командирлари ундан кетма-кет йўл-йўриқлар олиб туришарди. Врангель ҳар дамда ҳужум бошлашга буйруқ кутарди.

Капитализм лагеридаги душманларимиз жон талвасасида пушиб туришарди. Уларга қўшилган ва революция бўронида тўзиб кетган оқ гвардиячилар ҳам Пилсудский билан Врангелга худодан мадад тилашар, қўл-қўлдан кетган мамлакатни қайтариб олишга умид боғлашарди.

Доҳий Ленин кабинети улкан мамлакатимизнинг пойтахтида бўлганидан, япон журналистлари унинг революциянинг мияси ва юраги эканини сезиб ўтиришарди. Мамлакатнинг ғарби ва шарқи, шимоли ва жанубидан тортилган симлар Москвага электр энергияси беришар, бамисоли қон томирлари сингари хизмат қилишарди. Доҳий кабинетига тинимсиз равишда ахборотлар, рапортлар, хабарлар, маълумотлар,

хатлар келиб турарди. Ҳарбий бошлиқлар, халқ комиссарлари, ишчилар, деҳқонлар, ёзувчилар, олимлар, журналистлар, чет эллик меҳмонлар ҳам бу кабинетда бўлиб туришарди. Уларнинг ҳар бири доҳий билан суҳбатлашиш мақсадида келарди. Бутун мамлакат доҳийнинг кўрсатмаси ва маслаҳатлари билан яшар, революциянинг солдати ва толмас фидокори бўлган Ленин миллион-миллион кишиларимизга керакли ва зарур эди.

Владимир Ильич, бундай қараганда, оламдаги барча ташвишларни унутиб, япон журналистлари билан бемалол суҳбат қуриб ўтирганга ўхшарди. Йўқ, бу буюк инсон ҳеч нимани унутмаганди. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси, Меҳнат ва Мудофаа Советининг раиси партиянинг лидери бўлган доҳий ўзининг революцияда тутган ўрнини яхши биларди. Революция юраги қандай уриб турганини сезар, ўзи ҳам унинг бир бўлаги эди-да. Уни мингларча зарур ишлар кутиб турар, қўшни хонадон телеграфнинг тинимсиз овози эшитиларди. Деворлардаги хариталар ҳам ёнига чорлар, иш кунининг ҳар бир дақиқаси ҳисобда эди.

Демак, 1920 йилнинг 3 юни.

Уша кун қандай бўлганди?

* * *

«Европа ва Америкадан келган хабарлар билан таниш бўлганимдан, Россиядаги аҳволга доир анча-мунча саволлар, йўлга чиққунимга қадар тўпланиб қолганди. Бу хабарларда айтилганидек, аҳвол чиндан ҳам оғир бўлса ишчи-деҳқон ҳукумати ҳокимиятни қандай қилиб сақлаб тура олади? Материаллар ва маҳсулотлар танқислигига қандай чидаш бераёпти? Қизил Армия нима учун ғалаба қозонаёпти, қаердан куч олаяпти? Шунга ўхшаш саволлар менда сероб эди.

Россия билимдонлари буларнинг барини «Қўрқув воситалари» таъсирида деб тушунтирмоқчи бўлдилар, мен эсам қандайдир бошқача нарсаларни кўришни истар, шу вайдан Уралнинг нариги томонида рўй бераётган воқеаларни зўр қизиқиш билан кузатардим. Худди шу пайтларда десангиз редакциядан Россияга бориш тўғрисида фармойиш олдим. Кўп ўйлаб ўтирмай машинкада ўзим Москва ҳукумати номига ҳужжат тайёрладим: «Япониядаги яғоҶа либерал газета бўлган «Асахи» ўз ходими Ре Накахируни мухбир сифатида Совет ҳукуматида социализмнинг аҳволи билан танишиш учун юбораяпти. У мухбирнинг ҳаёти ва мулки хавфсизлиги хусусида ғамхўрлик қилишни сўрайди».

Мен не-не машаққатлар билан ўн кундан ортиқ йўл босиб, Сибирь ҳукуматининг маркази Омскка етиб келдим. Шаҳарда одамлар ғиж-ғиж эди. Меҳмонхоналар тирбанд. Шу вайдан турли мамлакатларнинг вакиллари ва бошқа одамлар поездларнинг вагонларида, вокзал биносида истиқомат қилишарди. Мен ҳам вагонда туриш қанақалигини била бошладим.

Фронт линиясидан ўтиш борасида бош қотириб, Қизил Россиядаги ҳақиқий аҳволга даҳлдор маълумотлар йиға бошладим. Япон ҳарбий миссиясининг аъзолари ва консул Мацусима ниятимдан воқиф бўлгач, бирлари олиб, бирлари қўйиб, мени бу йўлдан қайтаришга уриндилар, ҳаётим хавф остида қолишлигини уқтирдилар. Капитан Хираса билан ҳарбий миссиянинг катта офицери, полковник Фукуда бу масалада жуда қаттиқ турдилар. Полковник Фукуда Қизил Армия шафқатсизлиги қурбонларининг суратларини кўрсатаркан деди:

— Сибирь қўшинлари ярамаслар тўдаси, албатта. Бироқ Қизил Армия ҳам асосан ана шундай машқ кўрмаган одамлардан ташкил

топган. Бироқ Қизил Армия Сибирь қўшинларидан зўр, нега деганда қўрқиш ва қўрқитиш воситаси билан ундан устунроқ келиб турибди. Қизил Армияда тартиб шунақа: мабодо солдат армиядан қочса — оила аъзолари отиб ташланади. Бироқ бунақа сиёсат билан узоққа бориб бўлмайди. Эртами-кечми халқ ғалаён кўтаради. Сибирь қўшинлари тўдаси кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Англия билан Франциянинг ҳам ёрдами кучаймоқда. Шунинг учун ҳам Сибирь армиясининг аҳволи тез орада яхшиланади. Ушанда биз жаноб Колчак билан Москвани босиб оламиз. Унгача биз билан шу ерда тураверинг.

Полковник Фукудадан бошқалар ҳам шундай фикрда эдилар. Уша кунларда бошқа талай одамлар ҳам шундай ўйлардилар. Бироқ бу хато фикр эди. Япон ҳарбий мутахассисларининг оптимизми, Англия — Франциянинг ёрдами кучайганига қарамай Сибирь армияси ўзини ўнглай олмади ва тақдири фожиали бўлди.

Бир ҳафтадан кейин мен минг машаққатлар билан Урал фронтига боришга рухсат олдим. Челябинск, Екатеринбургдан ўтдим. Ҳамма станциялар қочқинларга лиқ тўла эди. Улар орасида терлама билан вабо авж олганди. Екатеринбургда поезд анча туриб қолди. Перронга чиқиб, соқчиликдаги солдатлардан бири билан гаплашиб қолдим.

— Шуям тирикчилик бўлдию,— деди у куюниб.— Ойига қирқ сўм беришади, бу ҳатто тамакига ҳам етмайди. Уйдагиларнинг ёзишларича у ерда ҳам очарчиликмиш, бироқ большевикларнинг гапларига қўшилишмаётганмиш. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а: улар, мулкни ҳаммага баровар тақсимлаймиз, дейишади. Эҳтимол, бу яхшидир. Бироқ одамларнинг ақлликлари ҳам, берироқлари ҳам, ишчанлари ҳам, танбаллари ҳам бор. Хуллас ҳар хили бўлади-ку. Мол-мулкнй барчага баравар тақсимласа бўлади, бироқ кейин яна ҳаммаси асли ҳолига қайтади.

Сибирь ҳукуматининг большевикларга қарши ташвиқотининг негизини чамаси, шу фикрлар ташкил қилар эди. Мен солдатларнинг эътиқоди бўштоброқ эканини, улар большевиклар тарафига осонгина ўтиб кетишлари мумкинлигини сездим.

...Мана, Пермга келганимга ҳам уч кун бўлди. Эрта билан шаҳарда шовқин-сурон бошланди. Мен ич кўйлақда меҳмонхона балконига чиқиб қарасам ҳаммаёқ тўполон, пиёдалар, отлиқлар ҳар томон чопишади. Кўни кеча анча-мунча тинч эди, бугун эса уйларнинг деворларида «Сибирь қўшинлари стратегик сабабларга кўра вақтинча шаҳарни ташлаб кетадилар» қабилдаги эълонлар пайдо бўлибди. Шаҳар аҳолиси ҳайратда эди. Шунда бу ердан қимирламасам Ишчи-деҳқон Россиясининг чегарасидан бемалол «ўтиб олишим»га ишондим кўйдим. Кўнглим анча тинчиди, енгил тортдим. Тўғри, Қизил Армиянинг ваҳшийликлари борасида жуда кўп гаплар эшитганим учун дуч келишдан чўчирдим. Хона ўртасига стул кўйдим-да, ўтириб олиб, нима қилиш хусусида бош қотира бошладим. Шунда тўсатдан, қоламан, ўлсам буни тақдиримдан кўраман, деган қарорга келдим.

Бу орада ўтакаси чиқиб кетган меҳмонхона ходимаси югургилаб келаркан бўсагадан туриб қичқирди:

— Жаноб, ҳамма меҳмонлар жўнашга тайёр бўлиб туришибди. Сиз нимага ўтирибсиз?

— Мен қолдим,— хотиржам жавоб қилдим унга.

Қиз нақ жинни одамга қарагандай қотди қолди. Сўнг бирдан қочди. Меҳмонхона хўжайини ҳам келиб, менга ўйлаб кўришни маслаҳат қилди. Мен унга ҳам яхшилаб ўйлаб кўрдим, шу ерда қоламан, деб жавоб бердим.

— Сиз ҳаётингизнинг қадрига етмаяпсиз,— меҳмонхона хўжайини жаҳл билан эшикни тарақлатиб ёпганича чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай меҳмонхона ҳувиллаб, фақат хизматчи эркак аёлларгина қолиш-

ганди. Бироқ уларнинг ҳам кўринишлари нотинч эди. Уларнинг ҳам-малари йиғилишиб, ғуж бўлиб ўтиришган залга ҳарбий формадаги қувноқ бир йиғит кириб келди. Меҳмонхона хизматчиларидан бири унинг қўлини қисиб кўришаркан ҳайрон қолиб, қаердан келдингиз ва бу ерда нима қиляпсиз, деб сўради. Маълум бўлишича, улар дўст эканлар. Ҳарбий формадаги йиғит дарёнинг нариги соҳилида қизилларга қарши жанг қиларкан.

— Урушиб бўлдим,— деди йиғит.— Кеча постда соқчиликда турувдим. Бирдан дарёнинг нариги томонидан овоз эшитилиб қолди. Большевиклар карнайдан гапиришарди: «Ўртоқлар, бизга чой ичгани келинлар!» Аввалига жиндай қўрқдим, кейин қани нима бўларкин, деб бордим. Сенга айтсам, улар чиндан ҳам чой билан меҳмон қилишди. Шунда бизга: «Қим учун жанг қиляпсизлар? Колчак бизнинг умумий душманамиз. Масалан, у баланд келиб, Лениннинг ўрнига ўтирди, ҳам дейлик. Кейин нима бўлади? Яна подшо тахтга чиқиб помешчиклар деҳқонларнинг ерларини тортиб олишади. Узларинг деҳқон болалари бўла туриб, нимага Россия деҳқонларининг манфаатлари учун курашаётган оға-иниларингга ўқ отаяпсизлар?»— дейишди. Бундай калламни ишлатиб кўрсам гаплари тўғри чиқаяпти. Милтиғимни улоқтириб юбордим келавердим. Қизиллар келишини сизлар билан бирга кутаман.

Тушдан кейин кўчага чиқдим. Билсам, шаҳарликларнинг кўплари қочиб кетганидан кўчаларда одамлар деярли кўринмасди. Сибирь кўшинлари Кама дарёсидаги кўприкни бузишибди, шоша-пиша қазилган ҳандақларда қизиллар ҳужумини кутиб ўтиришибди. Шу пайтда самолётлар учиб келиб, пулемётлардан ўққа тутишди.

Кечқурун оқгвардиячи кўшинлар шаҳардан қочиб кетишди.

Эртасига эрта билан деразани очиб, шаҳарга қарадим. Бир офицер от чоптириб келди-да, меҳмонхонани кўриқлаб турган солдат олдида тўхтаб, унга нимадир деди. Сўнгра қўлини сиқиб, нари кетди. Мен ана шу самимий манзарани ўз кўзим билан кўриб турарканман, Қизил Армия мутлақо қўпол куч эмас экан-ку, деб ҳайратда эдим. Шундан кейин мен Москвага боришим учун музокара бошлашга қарор қилдим. Комендатурага бориб, газетанинг бош идораси номидан ўзим Владивостокда ясаб олган қоғозни кўрсатдим. Шунда десангиз менга ҳеч нимани суриштириб ўтирмасдан рухсат беришди. Бундан ташқари Глазов станциясигача яхшиси отда боринг, деб маслаҳат беришди. Сабаби у ергача бўлган темир йўл оқлар томонидан бузиб ташланган экан.

Димоғим чоғ ҳолда меҳмонхонага қайтдим. Йўлда бир солдат менга яқинлашиб, хитой тилида саломлашди. Ҳозиргина қўлимга рухсатнома текканидан ва менга энди биров таҳдид қила олмаслигига кўзим етганидан у билан бемалол гаплашавардим:

— Мен хитой эмас, японман.

Солдат бу ерга қандай келиб қолганимга ҳайрон бўлувди унга, журналистман, дедим. Шунда у қўшимча қилди:

— Бу ерда кўрганларингизни Японияга борганингизда ҳалол ёзинингизга ишониб, ҳозирдан сизга миннатдорчилик билдираман.

Мен солдатга, Қизил Армия солдатлари қўпол бўлса керак, деб аввалига кўрқувдим, дегандим у бор гапни айтиб қўя қолди:

— Буларнинг бари ёлгон, Сибирь ҳукмдорлари шунақа гапларни тарқатиб юришибди. Биз ишчи ва деҳқонларнинг қонлари эвазига ғалаба қозонган революцияга таҳдид қилаётган буржуазиянинг қуролли кучларига қарши курашмаяпмиз. Дунёдаги барча одамлар бир-бирларига оға-ини. Ишчи-деҳқонлар ҳокимияти тинчликни истайди. Бизнинг кўшинларимизда, барча ҳарбий асирлар нон-туз билан кутиб

олинсин, улар буржуазия истибодидан қочган кишилардир, деган буйруқ бор.

Пермь олинганининг бешинчи куни мен деҳқон аравасида гарнизон бошлиғининг маслаҳатига кўра Глазовга йўлга чиқдим. Кечқурунга бориб бир деҳқоннинг уйида тунадик. У ерда Қизил Армиянинг фронтга бораётган бир взводи ҳам бор экан. Солдатлар мени самимий қарши олишди, дарҳол чой қўйиб, қанд ва шўр балиқ билан сийлашди. Биз чойни эрмак қилиб эрталабгача гурунглашдик.

Шунда солдатлардан бири гапириб қолди:

— Подшо замонида, жаноб, аҳвол жуда чатоқ эди. Деҳқонлар билан ишчиларнинг болалари ҳаттоки ўрта мактабларда ҳам ўқишолмасди. Помешчиклар оғир солиқлар солишарди. Уни тўлашга деҳқонларнинг кучлари етмаса раҳм-шафқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб бор ҳосилларини тортиб олишарди. Очарчилик йилларида деҳқонларнинг ҳаттоки омову сўқаларини ҳам тортиб олишарди. Ҳозирчи? Энди помешчиклар ҳам, капиталистлар ҳам йўқ. Деҳқонларнинг ўз ерлари бор. Ҳозирда Россияда ишламаган одам тишлаёлмайди!

Гапни шу ерда бошқаси илиб кетди:

— Ҳа, энди шундай. Бироқ собиқ помешчиклар билан капиталистлар қўлдан кетган мулкларини қайтариб олишга уринаптилар, шу сабабдан Колчак билан Деникинни қўллаб-қувватляптилар. Биз бўлсак уларга қарши курашяпмиз!

Чўзилмоқчи бўлиб турганимизда бурчакда шивир-шивир бошланди. Кейин чек ташлашди-да, учта солдат уйдан чиқиб кетишди.

— Ҳозир Россияда ўғри йўқ,— дейишди менга солдатлар,— бемалол ухлайвер, лаш-лушингдан кўнглинг тўқ бўлсин. Бироқ «бандитлар» пича ғалва қилишлари мумкин. Кечанг хайрли бўлсин.

Мен Россияда ўзбошимчалик авж олган, деб кўп эшитганимдан ўғри йўқлигига сира ҳам ишоналмасдим. Бунинг устига солдатлар: «бандитлар» ғалва қилишади, деб қўйишди. Улар менга ҳам ҳамла қилиб, ўлдириб қўйишлари мумкин эди-да. Мен чўнтагимдаги тўппончамни бировга сездирмай ўқлаб қўйиб, чўзилдим. Орадан бир оз вақт ўтганидан кейин қарасам жонимда жон қолмаяпти, гугурт чақиб қарасам ҳаммаёқни қандала босиб кетибди. Қўрққанымдан туриб, ташқари чиқдим. Шимолдан, Муз океани томондан совуқ шамол эсарди. Хаво худди қиш кунидегидек совуқ, чек ташлашган қизил аскарлар бўлса қуруқ ерда ухлаб ётишарди. Улар мени ичкарида бемалол ётсин, деб чек ташлашиб ташқарига чиқиб кетишган экан. Мен бўлсам тўппончамни ўқлаб ўтирибман-а! Ичимда улардан кечирим сўраган бўлдим. Улар «бандитлар» деганда қандалаларни кўзда тутишган экан.

Офтоб чиқса ҳам боягидай совуқ эди. Аравакаш тайёр бўлса ҳам солдатлар ухлаб ётишарди. Уларни уйғотишни кўзим қиймай йўлга тушдим. Одамларнинг ҳам, отларнинг ҳам оғизларидан паға-паға буғ чиқарди. Мен одеялга ўралиб олган бўлсам ҳам совуқдан қалтирардим...

...Бирдан соқчи тўхтатди. Йўлда бир неча марта ҳужжатларимни текширишгани учун ҳеч нарсадан чўчимасдим. Бу сафар нарсаларимни ҳам кўздан ўтказишди. Қопчиғимдаги қора нўхатни кўрганларида уни питра, дейишди. Мен нўхатни еб кўрсатганимдан кейин гумонлари тарқади. Бироқ тўппончам ўқларини кўрганларидан кейин мени рота штабига судраб қолишди. У ерда эса тўппончамни топширишимга тўғри келди. Бунинг устига Сибирь армиясининг бош штабидан берилган ҳужжатларни ҳам кўриб қолишди. Мени бу ердан батальон штабига оширишди. У ердагилар мени япон жосусига чиқаришди... Колчак армиясининг фронтини кесиб ўтиб, ёнида тўппонча билан бекорга Москвага кетмаяпти, деб ўйлашди. Демак бу одамнинг пинҳоний мақсади

бор. Штабдагилардан бири: «Отиб ташлаш керак!» деса бошқаси ҳам: «Отиш керак!» дерди.

Шу вақт хонага самовар кўтарган бир кампир кириб келди. Ҳаммамиз чой ичишга киришдик. Штабдагилар бир нафас олдин, мени отиб ташлаш керак, деб туришувди. Энди бўлса чой билан сийлаш-япти. Нон, асал ҳам беришди. Шунда уларнинг саҳий қалбли кишилар эканликларидан яна ҳайратга тушдим. Мана буни ишчи-деҳқончасига муносабат деса бўлади! Ишчи-деҳқон ҳукуматининг «Озодлик ва тенглик!», «Бутун жаҳон одамлари бир-бирига ўртоқ, биродар!» деган шиорлари ҳозирда русларга хос бўлган буюк қалб билан биргаликда янги инсон қиёфасини шакллантирмоқда»

(Ре Накахира. «Қизил Россияда бир йил»).

IV

Демак, 1920 йилнинг 3 июни.

Ленин ўша куни япон журналистлари билан учрашгунча ва ундан кейин нима ишлар билан банд бўлди? Биографик хрониканинг саккизинчи томини очамиз. Бу том буюк доҳий ҳаёти ва фаолиятининг саккиз ойини ўз ичига қамраб олади. 1919 ноябридан 1920 йилнинг июнига қадар бўлган даврни. Афсуски, унда бизни қизиқтирган кун бошқа кунларга нисбатан муфассалроқ ёричилган эмас. Эҳтимол, бунга ҳали кўп нарсалар номаълумлиги сабабчидир.

Уша таниқли июнь кунда Владимир Ильич қуйидаги ишларни бажарганди:

— Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1920 йил 2 июндаги 126-қарорини ва Кичик Халқ Комиссарлари Советининг 485-мажлисининг қарорини ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Советининг қоғоз фабрикалари Бутунроссия аҳолисини рўйхатга олиш компаниясини қоғоз билан таъминлашлари учун уларга резина тасма ва бошқа материаллар бериш: электротехника саноати ишчи ва хизматчиларини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш; мудофаа заводлари учун яроқли бўлган дастгоҳлар ва жиҳозларни омборлардан қидириб топиш учун фавқулодда вакил тайинлаш ҳақидаги қоғозларни имзолади.

— Республика ва Жанубий-Ғарбий фронт революцион советларининг аъзоси И. В. Сталиннинг Кременчугдан йўллаган ва фронтга қўшимча иккита дивизия юбориш борасидаги илтимосини ҳал қилишга оид телеграммасини ўқиди (соат 11.30 минутгача).

— Кавказ fronti революцион советининг аъзоси Г. К. Оржоникидзе номига Бокуга буржуазия ва барча ишончсиз элементларни тўла гор-мор қилиш учун тезкор ва кескин чоралар кўриш зарурлиги борасида телеграмма жўнатди, кўрилган чоралар ҳақида хабар қилишни сўради.

Г. К. Оржоникидзенинг хатига жавобан унга телеграмма ёзди (соат 20 дан олдин).

— Сталиннинг телеграммасини ўқиди. Телеграммада Сталин Ғарбий фронтни кучайтириш зарурлиги туфайли ё Врангель билан ярашишни, ё ҳужум бошлашга рухсат беришни таклиф қилганди. Ленин телеграммани Троцкийга йўллаб, устига ҳужум кўп қурбонлар талаб этишини, ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарурлиги ҳақидаги Сталинга телеграмма жўнатиш, ҳужум ҳақидаги масалани РКП(б) МК Сиёсий Бюросида жиддий муҳокама қилиш ва жавоб олингунча ҳеч нима қилмасликни ёзди.— Коминтерннинг II конгресси вазифалари ҳақида «Коммунистик интернационал» журнаliga мақола ёзиш ҳақидаги илтимосга рад жавоби берди.

Биохроникада сўнгра қуйидагилар хабар қилинади: «Июнь, 3 ёки 4. Ленин Японияда чиқадиган «Осака Асахи», «Осака Майнити» ва «Токио Нити-Нити» газеталарининг мухбирлари Ре Накахира ва Кацудзе Фусэлар билан суҳбатлашди. Яна шундай дейилади: «Июнь, 3 дан кеч эмас — Ленин ўз асарларининг биринчи нашри тўртинчи жилди корректурасининг 5—16 саҳифаларини кўздан кечирди ва хатолар кўплигини қайд этди: «3 июндан олдин эмас», яъни учинчи июндан бошлаб ва кейин. Бу иш журналистлар билан учрашув куни қилинган бўлса ажаб эмас. Корректурали семиз папка Ленин столида турган бўлса ҳам эҳтимол. Ёхуд гранкалар столда турган ва Ленин уларга кўз ташлаб турган бўлса ҳам бордир. Япон журналистлари билан суҳбат ва корректура ўқиш. Кабинетдаги суҳбат ҳам Ленин асарларининг биринчи нашридан жой олган. У мухбирлардан бирининг қаламига мансуб эди. Кейинчалик, орадан ўнларча йиллар ўтганидан кейин интервьюнинг иккала варианты ҳам учрашганини айтмайсизми.

...Ленин сабоқ беришда давом этарди.

Доҳий бугун ҳам кабинетда анчагача ўтириб қолишини биларди. Қаттиқ чарчайди. Шунга қарамай кўришга улгуролмаган нарсаларини уйига олиб кетади. Бугун ҳам кечаги ва аввалги кунлардаги сингари уйқуга тўймайди, дам олиш нималигини билмайди. Эртанги кун ҳам шундай ўтади, албатта. Хариталар, телеграфдан узлуксиз келиб турган хабарлар... Зарур ва ўта зарур ишлар... Меҳнат ва Мудофаа Советининг мажлиси белгиланган, ётишдан олдин мажлисга оид қоғозли папкани кўздан кечириш лозим. Ихтирочи Ботин билан учрашишга ҳам бир-икки минут вақт топиш лозим. Ботин электромагнит тўлқинлар ёрдамида олидан туриб портлашлар қилса бўлади, деб ишонтираяпти. Врач Обухнинг ўғли нотоб бўлиб қолибди. Бунинг касалини суриштириш, иложи борича ёрдам бериш зарур. Ҳарбийлар от сўраяпти. Уларни қаердан олса бўлади? Қирғизистон ўлкасидан делегация келибди. Босмахона қуришмоқчи, бунга жиҳозлари ҳам, қоғозлари ҳам йўқмиш. Россиянинг олтин запаси Қозонга келтирилибди. Суриштириб кўриш керак...

Сабоқ давом этади. Бошқа дунё, капиталистик дунёдан одамлар келишибди-ю, улар билан суҳбатлашмай бўладими. Ҳа, худди шундай.

Накахира шундай деб ёзади. «Мен оғиз очмасимданоқ Ленин бизни саволларга кўмиб ташлади. Гўё биз эмас, у биздан интервью олаётганга ўхшарди».

Фусэ эса: «Очигини айтганда, ким-кимдан интервью олди, у менданми ё мен унданми?» деб ёзади.

Ушанда Ленинни қуйидаги масалалар қизиқтирарди:

— Япон қишлоғидаги ер ва синфий муносабатлар. Деҳқонларнинг ерлари етарлими, ерсиз деҳқоннинг аҳволи нечук, у помешчикка қанақа ва қанча ҳақ тўлайди, деҳқонларнинг ташкилотлари борми?

— Мамлакатда йирик ер эгалари кўпми, ўртача ва йирик ер эгасида қанча ер бор?

— Япон халқи ўзи етиштирган маҳсулот билан яшайдими ёки четдан келтиришга мажбурми?

— Ота-оналар болаларини калтаклашадими ё йўқми?

— Электрлаштириш ва халқ маорифи?

Уша суҳбатда калтак кўпроқ Фусэнинг бошига тушди.

— Жаноб Фусэ, ўзингиз қайси синфдан бўласиз?— Ленин тўсатдан Фусэга мурожаат қилди.— Зиёлимисиз?

— Мен майда помешчикнинг ўғлиман,— жавоб қилди бирмунча таажжубда қолган мухбир.

— Яъни отангизнинг неча десятина ери бор?

Фусэ японча ўлчовда айтди. Ленин уларни десятинага айланти-

ришни талаб этди. Натижада Фусэнинг отасига қарашли ер бир неча ўн десятинага бориб қолди.

— Шошманг, шошманг,— Ленин унга тезда эътироз билдирди,— отангиз сира ҳам майда помешчик эмас экан-ку. Япония учун у ўрта-ҳол, деярли йирик ер эгаси. Демак, ўзлари ҳам буржуйчалардан эканлар-да!

Фусэ типирчилаб қолди, у бамисоли игнали бўйрада ўтиргандай эди. Лениннинг гапига шоша-пиша нимадир деб жавоб қилди, маъқул дегандай мулойимгина бош ирғади.

Лениннинг Япониядаги ер ва синфий муносабатларга қизиқиши тасодифий эмасди. У 1916 йилдаёқ, «Империализм капитализмнинг энг юқори босқичидир» китоби устида ишлаётганида бу мамлакатга оид жуда кўп адабиётлар билан танишиб чиққанди. Доҳийнинг империализмга оид дафтарларида («иота» дафтарларида) мамлакатнинг майдони, географияси, демографиясига оид қизиқарли статик маълумотлар келтирилади. Қишлоқ хўжалиги билан деҳқонлар аҳволига алоҳида эътибор берилган.

Ленин Японияда ер солиғи оғирлигини, деҳқонларга тегишли ерлар жуда майдалашиб кетганини кўрсатган, бунга фермалар ҳажмини мисол қилиб келтирганди. Деҳқончиликдаги меҳнат унумдорлиги ҳам пастлигини кўрсатиб ўтган, буни европача ва японча ўлчовлар бирлиги билан далиллаганди.

Ленин бу мисолларни бундан олтмиш йил бурун келтирганди. Унинг ўша пайтлардаги кузатувлари бағоят тўғрилигини ҳозирги кунлардаги аҳвол яққол тасдиқлаб турибди. Тўғри, Японияда урушдан кейинги йилларда йирик ер эгалари қолмади. Бунга аграр реформа сабабчи бўлди. Шу тариқа помешчиклар синфи йўқолди. Бироқ ерлар бағоят майдалашиб кетди. Ҳозирда мамлакатда олти миллион гектар экин майдони бўлиб, ҳар бир деҳқон хонадонига ўртача бир гектардан тўғри келади. Майда фермалардаги ер ундан ҳам кам. Бу — «деҳқон чиндан ҳам ерини кафтида олиб кетади», деган сўздир.

«Деҳқончилик — давлатнинг негизи», деган нақл авлоддан авлодга ўтиб келади,— деб ёзади Всеволод Овчинников. Императорнинг ўзи ҳам биринчи деҳқонлардан саналади ва анъанага кўра ҳар йили сарой олдидаги кичкинагина шолিপоясини ўз қўли билан экади... Бироқ ана шу «мўътабар табақа»нинг учдан икки қисми ортиқча кишилар, ўрта асрдан қолган «эта» табақасига ўхшаган сафиллар мазҳаби эканлиги маълум бўлиб қолди.

Японияда деҳқонларнинг табақаланиб кетишдек оғир жараёнини стихияли жараён деб бўлмади. Бу сунъий равишда тезлатиляпти. «Қишлоқ структурасини яхшилаш» деган жарангли номда амалга оширилаётган сиёсатнинг моҳияти қишлоқ аҳолисининг учдан икки қисмини камайтиришдан иборатдир.

...Бу рақам тасодифий равишда олинган эмас. Бу деҳқонлар орасидаги камбағалларнинг умумий сони демакдир. Демак, сиёсат камқувват деҳқон хўжаликларини таназзулга учратиб, қулоқ хўжаликлари гуркираши учун кенг йўл очмоқдан иборатдир. Шунда вайрон бўлган хўжаликларнинг кишилари мардикор бўлишга ёки қишлоқни ташлаб кетишга мажбур бўладилар.

Ҳозирда Япониядаги олти хонадондан бештаси ўз еридан чиққан маҳсулот билан тирикчилик ўтказолмай четдан ишлаб пул топишга мажбур бўлмоқда.

Японияда бўлганингизда осойишталик, кимсасизлик ва танҳолик — мамлакатдаги нодир ҳашамат эканлиги ҳақидаги гапларни эшитасиз. Деҳқонлар ташлаб кетишган «шарпалар посёлкаси»ни кезиб, қум бос-

ган шолিপояларни кўрганнгизда одамлар гиж-гиж яшайдиган ва бир қарич ер ҳам ҳисобда бўлган Японияда бундай ҳол мавжудлигига ишонгнгиз келмайди.

«Қишлоқ структурасини яхшилаш» деб аталган сиёсат йигирма уч миллион кишини заволга учратади, япон деҳқонларининг учдан икки қисмини «ортиқча кишилар» қаторига тиркайди.

Лениннинг япон қишлоғидаги ер ва синфий муносабатларга қизиқишига бошқа нарсалар ҳам сабабчи бўлганди. Уша пайтларда Коминтерннинг II конгрессига қизгин ҳозирлик кетар, Ленин унга қатор ҳужжатлар тайёрлар, улар орасида миллий, мустамлака ва аграр масалалар бўйича тезислар ҳам бор эди. 5 июнда, япон журналистлари билан учрашувдан икки кун кейин Владимир Ильич «тезис»ларининг хомаки нусхасини муҳокамага ташлаб, уни баҳолашларини, тўғрилашларини, тўлдиришларини ёки конкрет изоҳ беришларини сўради. Фикр сўралган моддалар қаторида «Хитой — Корея — Япония» ҳам турарди. Бу сатр туғилишига мухбирлар билан учрашув туртки бўлмаганмикун?

Ленин ишчи-деҳқон иттифоқининг аҳамиятини кўрсатиб, коммунистик партиянинг революция ғалабаси учун кураш даврида ва пролетариат диктатураси ўрнатилгандан кейин ҳам деҳқонларнинг турли табақаларига нисбатан вазифаларини белгилаган ва асослаган эди.

«Ленин рус революцион тарихини таърифлаганида ва Япониядаги вазиятни ўрганганда чамаси, яқин келажакда Японияда ҳам большевизм пайдо бўлиш-бўлмаслигини, Россияда социалистик инқилобнинг ғалабасини таъминлаган объектив шарт-шароитларнинг у ерда бор ё йўқлигини билиб олмоқчи бўлган».

Кўришиб турибди, япониялик қаламкашимиз унчалик содда эмас экан. Тўғри ўшандан сал олдин, май ойида у бу борада анча кескин фикр айтганди, тахмин сифатида эмас, аниқ қилиб, ўз фикри сифатида айтганди.

Накахира бунда Чичерин билан бўлган учрашувини кўзда тутганди. «Осака Асахи»га юборилган ва нусхаси архивдан топилган телеграммада халқ комиссари Чичериннинг социал революциянинг табиатига қараш баён этилганди. Бу революция четдан буйруқ билан амалга оширилмайди, балки кенг халқ оммасининг онгли ҳаракати сифатида содир бўлади. Революция ривож муқаррар, у бизнинг мадаммизсиз ҳам бўлаверади».

«Чичериннинг бу фикрлари инглиз матбуотининг гапларига учиб, ҳар кун и большевизм ва унинг пропагандасининг хавфи ҳақида жар солаётган япон матбуоти органлари учун ибратлидир. Большевизм хавфи пропагандада эмас. Унинг эксплуататорлар учун хавфи шундаки, Россия мисолида барча ишчи-деҳқон оммаси ҳокимиятни қандай қилиб қўлга олишни, фақат меҳнат қилган одамгина яшаш, ейиш ва иқболли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлигини ўрганиб оладилар. Большевизм унинг учун хавфлими ё хавфсизми, буни япон халқининг ўзи ҳал қилсин».

Мана бу Накахиранинг сўзлари! Баракалла, Накахира! Бироқ Япония доирасида сўзлаш Накахирага торлик қилади. У кўпроқ нарса билишни истайди. Большевизм доктринаси бошқа мамлакатларга ҳам ёйиладими, ёйиладиган бўлса қачон ёйилади? Масалан, Америка билан Англияга ҳам ёйиладими? Социалистик революциялар у ерда конкрет қачон бўлади? Буни у Чичериндан сўрашни унутганди. Бироқ сўраши керак эди. Энди кимдан сўраса бўларкин? Масалан, яқинда Москвада пайдо бўлган «ўзбошимча коммунистлар»дан бўлган америкалик Александр Беркмандан сўраса қандай бўларкин? У анархист аёл Гольдман билан 1920 йилнинг мартада Ленин қабулида бўлганди-ку. «Америкаликларнинг «анархистик большевизми» Накахирага хуш келмади. Бу

борада Британияда аҳвол қандай экан? Накахира шундан кейин худди шу савол билан «Коммунистик интернационал» журналига қатнашиб турадиган бир инглиз коммунистига мурожаат қилди.

Афсуски, ўша пайтларда япон журналистига Сизтлда (АҚШ) оқгвардиячилар консули унвонида ишлаётган Н. Боговлевский деган кимса дуч келмаган-да. Ўша кимса бир йилча муқаддам Колчак ҳукуматининг Ташқи ишлар министрлигига қуйидагиларни етказганди: «Америкада большевизм бениҳоя тез ривожланмоқда ва ривожланмак... Шу вайдан тўла асос билан айтиш мумкинки, мабодо ғаройиб бир нарса бирор мўъжиза юз бермаса, Америкадаги большевиклар Россиядагидан ҳам баттар ҳунар кўрсатажаклар. Улар ҳозирданоқ ўзларининг кимликларини сездиrhoқдалар»...

Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинмиди? Лениннинг сўзи, таълимоти ва ишлари бутун жаҳонга тарала бошлаганди. Буларга тўсиқ ташлаш ҳам, чек қўйиш ҳам, тўхтатиш ҳам мумкин эмас, уларга бирорта ҳам куч қарши келмасди. Қуёш чиқишини тўхтатиб бўлмаганидек, ҳаётбахш таълимот тарқалишига ҳеч нарса раҳна сололмасди. Буюк Октябрь туфайли сайёрамиз ҳаракатга келган, ижтимоий тараққиёт борасида, ҳокимият ва мулк, инсоннинг ер юзидаги вазифаси борасидаги тасаввурлар ўзгара бошлаганди. Инсон ҳамма нарсанинг эгаси, тарихнинг асосий кучига айланганди.

Ўша пайтларда Ленин большевизмнинг халқаро аҳамияти ҳақида кўп ёзган ва кўп нутқлар сўзлаганди. Доҳийнинг Коминтерн II конгрессига атаб ёзган «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» босмадан чиқди. Бу китоб кўп мамлакатларда пайдо бўлган ва синфий кураш жангларида ҳали яхши тобланмаган ёш коммунистик партияларга большевизмнинг бой тажрибасини етказиши, янги тарихий шароитда капитализмнинг умумий кризиси, икки система мавжудлиги шаронтида ўз стратегия ва тактикаларини ишлаб чиқишларига ёрдамлашиши лозим эди. Рус революциясининг асосий хусусиятлари, деган эди Ленин ўзининг гениал хулосасида, унинг фақат маҳаллий, миллий-айрича, рус аҳамиятига эмас, балки халқаро аҳамиятга ҳам эгадир, булар капитализмдан социализмга ўтишнинг асосий қонуниятларини ифода этади ва барча мамлакатларда пролетар революцияси ва социализм қурилиши жараёнида ўзини намоён этади. Коммунизмнинг асосий принциплари бутун халқаро ишчилар ҳаракати учун ягонадир, бироқ пролетар кураши ҳар бир айрим мамлакатда иқтисодий, сиёсий, маданият ва ҳоказоларга боғлиқ равишда ўзининг конкрет хусусиятларига эга бўлиши муқаррардир.

Накахира йўллаган материалларнинг «марксистик» савияси бирмунча яхши эди. Буржуа журналистнинг ўша мураккаб йилларда бунчалар даражага етишининг ўзи бўлармиди? «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китобининг асосий ғоялари япон журналисти олган интервью рўҳидан ҳам сезилиб туради, албатта.

Ўша даврнинг долзарб масаласи — Шарқдаги меҳнаткашлар оммасини жаҳон революцияси жараёнига жалб этиш эди. «Ҳинд, хитой, корейс, япон, форс, турк ишчилари ва деҳқонлари бир-бирларига қўл бериб, биргаликда озодликнинг умумий иши учун қўзғолганларидагина эксплуататорлар устидан кескин ғалаба таъминланади. Яшасин озод Осиё! Коминтерннинг II конгрессидаги докладыда доҳий шундай уқдиради: «Империалистик уруш революцияга ёрдам берди, буржуазия мустамлакалардан, қолақ мамлакатлардан, эътиборсизликдан — солдатларни империалистик урушда қатнаштириш учун суғуриб олди... Уларни қурол ишлатишга ўргатишди. Бу фавқулодда фойдали иш бўлиб бунинг учун буржуазияга чуқур миннатдорчилик билдирсак бўларди... Империалистик уруш тобе халқларни жаҳон тарихига киритди. Бизнинг

эндиликдаги энг муҳим вазифамиз нокапиталистик мамлакатларда советлар ҳаракатининг тамал тоши қўйишни ўйлашдан иборатдир. Советлар у ерда бўлиши мумкин; улар ишчилар совети бўлмай деҳқонлар совети ёки меҳнаткашлар советлари бўлади... Советларнинг роли ва аҳамиятини тушуниш ҳозирда Шарқ мамлакатларига ёйилди.

Советлар ҳаракатига бутун Шарқда, бутун Осиёда, барча мустамлака халқлари орасида асос солинди».

Японияда ҳам демократик ва социалистик ҳаракат кучая бошлади. Ленин бунга жуда яхши биларди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, синфий муносабатлар, ташқи сиёсат, мустамлакалар қилиш ва уларни талаш, шунингдек маданият, фан, маориф — буларнинг бари унинг диққат марказида эди. Накахира бу нарсани ҳам қўйин дафтарида қайд этганди. «Мен, деб ёзда у, Лениннинг Кремлдаги кутубхонасининг каталогини кўздан ўтказдим. Ҳа, унда қуёш мамлакатининг китоблари сероб эди. Мана улардан баъзилари: Сэн Катаяма «Японияда капиталистик ҳужум», Ивагаро Мацубара «Токио тубанлигида», Т. Носака «Японияда касабачилик ҳаракати қисқача очерки», С. Осборн «Янги япон таҳдиди», Ф. Шалле ва Г. Экштейннинг Япониядаги ишчилар ҳаракатига доир китоблар, М. Павлович (М. Вельтман) — «Узоқ Шарқда япон империализми», тўплам — «Япония рус Узоқ Шарқида. Япон интервенциясининг қонли эпопеяси» ва ҳоказолар. Китобларнинг бир қисми Лениннинг кабинетиди, бир қисми квартирасида эди. Кўпларида белгилар, тагига чизилган жойлар, хуллас улар ҳаракатдалигини кўрсатувчи нишонлар бор эди».

Ленин Октябрь садоси Япония узра янграганини, ишчилар синфининг онгги ўсишига улкан таъсир кўрсатганини яхши биларди. Бу ҳаётбахш садо ишчиларнинг буржуа-демократик ҳаракатидан ажралишига ва мустақил сиёсий кучга айланишига ёрдам берди. Тўғри, бу куч ҳали Европанинг капиталистик мамлакатларидаги сингари кучли ва уюшган, пролетар партияси тимсолидаги жангларда тобланган авангард ҳолда эмасди. Шунга қарамай унинг роли кундан-кунга орта борди. Улуғ Октябрь Японияда илмий социализмнинг реформизм ва анархо-синдикализм устидан ғалаба қозонишига, уни ўрганиш ва оммалаштириш объектдан революцион курашнинг идеологик негизи, пролетариатнинг ўтқир назарий қуролига айлантирди.

1918 йилнинг 27 сентябрида «Правда» да Токио-Йокагама социалистик гуруппаларининг Узоқ Шарқ Советларининг V съезиди хати бошилди. Унда шундай дейилади:

«Рус ўртоқларга!

Биз рус революциясининг бошиданоқ сизларнинг жасур фаолиятингизни шавқ-завқ ва чуқур самимият билан кузатиб келамиз. Сизларнинг фаолиятингиз халқимизнинг руҳига улкан таъсир кўрсатди.

Ҳозирги пайтда биз, ҳукуматимизнинг у ёки бу баҳонада Сибирга қўшин жўнатаётганига дарғазаб бўлаяпмиз. Революциянгизнинг озод тараққиётига ғов бўладиган бу хавф-хатарни қайтариш қўлимиздан келмаслигидан чуқур таассуфдамиз.

Ҳукуматимиз сизларни қаттиқ таъқиб этаётганидан биз бирор иш қилишга ҳам ожизмиз.

Шунга қарамай сизлар революциянинг ол байроғи яқин келажакда бутун Япония узра ҳилпирашига ишонч ҳосил қилишларингиз мумкин.

Революцион салом билан

«Токио ва Йокагама социалистик гуруппаларининг ижроя комитети».

«Правда» газетаси бу хатни шарҳлаб «буржуа матбуотининг барча ёлғонларига қарамай большевизм ғоялари япон ишчиларига кучли

таъсир кўрсатди. Япон ишчилари ҳозирги моментда Сибирга қўшин юборилишига йўл қўймасликка жуда ожиздирлар... Биз япон дўстларимизни олқишлаймиз. Биз уларнинг чуқур меҳру-муҳаббатлари ва самимий хайрихоҳликлари ифодаланган хатларини олишдан мамнунмиз, — деб ёзганди.

Япон социалистларининг хатини Москвага оқгвардиячилар ва оқ-чехлар ишғол этган Сибирь орқали голланд коммунисти Себальд Рутгерс олиб келганди. У Америка Қўшма Штатларидан келаётиб, Японияга киргани ва Сэн Катаяма берган адреслар орқали социалистлар билан алоқа ўрнатганини гапириб берди. Япон социалистлари унга мазкур хат билан 16 иен пул ҳам беришди. Ушбу пулни Москвага рус революциясига туҳфа ўрнида олиб боришни илтимос қилишди. Коминтерннинг таъсис конгресси пайтида ўша 16 иен Япония социалистик партиясининг маблағи сифатида ташкилий харажатлар қаторига қўшилди.

1919 йилнинг кузида Қобэ кемасозлари биринчи марта саккиз соатлик иш кунни жорий этилишига муваффақ бўлдилар. Йигирма беш минг киши қатнашган йирик иш ташлаш Яватадаги металлургия комбинатида бўлиб ўтди. Юайкайдаги съездда ишчилар «Япония доимо олдинда» деган давлат гимнини эмас, революцион қўшиқларни қуйладилар. Токио студентлари кўчага қизил байроқлар кўтариб чиқдилар. Бу воқеалар «кигэн-сэцу» — афсонавий император Дзимму япон давлатини барпо этган, деб байрам қилинадиган расмий байрам кунда содир бўлди. Университетларда марксизмни ўрганиш тўғраклари вужудга келди.

Японияда буржуа-демократик ҳаракати ёки «Тайсё демократияси» деб аталган ҳаракат сезиларли даражада кучайди. Накахира хизмат қиладиган «Осака Асахи» газетаси ва «Тюокорон» журнали бу ҳаракатнинг асосий минбари эди. Буларга Сэн Катаяма, Хадзими Каваками, Икуо Ояма ва бошқа таниқли жамоат арбоблари ўз мақолалари билан қатнашиб турардилар. «Синсякай» журнали саҳифаларида 1917 йилнинг октябрида япон тилида биринчи марта Лениннинг «РСДРПнинг рус революциясидаги вазифалари» деган реферати босилиб чиқди. Уни Владимир Ильич Ленин ўша йилнинг мартада Цюрихда ўқиб берган эди. Бу асарнинг япон тилида босилиши Ленин ҳақидаги турлитуман «миш-миш»ларга барҳам берди, Ленинни «бланкист», «синдикалист», «анархист» деб атаётган буржуа матбуотининг уйдирмаларини фош этди. «Сякайсюги кэнкю» журнали 1920 йилнинг ёзидан бошлаб, совет сиёсати, пролетариат диктатураси масалаларни ёритишга бутунлай ўтиб олди, Октябрь революцияси ва Совет Республикаси ҳақидаги материалларни мунтазам ёрита бошлади. Фусэнинг «Рус революцияси ҳақида мактублар» китоби ҳам мамлакатда кенг тарқалди. Оба Коконинг материаллари ҳам халқ орасида шуҳрат қозонди.

Ҳа, Ленин буларнинг барини биларди, албатта. Япон журналисти Фусэ кабинетда ўзига келишга улгурмасиданоқ Ленин унга янги ва сира кутилмаган саволларни ёғдира кетди. Булар орасида электрлаштиришга доир саволлар ҳам бор эди. «Ленин Японияда бу соҳада муваффақиятларга эришилганидан ва электрлаштириш тоғ дарёларини бўйсундириш орқали ҳамма ерга тарқалаётганидан ҳайратга тушганди», — деб эслайди Арсений Вознесенский ўз хотираларида. Ана шу шоҳидлик ва япон журналистларининг гувоҳликлари» бўлмаганида ҳам йигирманчи йилнинг баҳори ва ёзида, ундан илгари ва кейин ҳам мамлакатни электрлаштириш хаёли билан яшаган доҳий суҳбатда бу масалани четлаб ўтишига одамнинг ишонгиси келмасди. Ленин мамлакатни электрлаштириш гоёсини ўз вақтида социалистик революцияни амал-

га ошириш ғояси сингари жуда синчиклаб, дадил, новаторона ва атрофлича пишитиб олган, уни тарихий вазифалар қаторига қўйган, «электрлаштириш Россияни қайтадан туғдиради, совет тузуми заминида электрлаштириш мамлакатимизда коммунизм негизларини узил-кесил галаба қозонтиради», деганди.

* * *

«Пароходда кетишга қарор қилдим. У одамларга лиқ тўла эди. Мен биринчи классга билет олган бўлсам ҳам иккинчи классдан жой беришди, норози бўлгандим, ҳозир Россияда биринчи класс билан иккинчи класс ўртасида фарқ йўқ, деган жавобни қилишди.

Руслар Волгани нақ ўзларининг маҳбубалари сингари ардоқлайдилар. Волгада саёҳат қилиш — ҳар бир руснинг орзусидир. Ҳозир эса кўнгул очар саёҳатнинг вақти эмасди. Қолаверса оқ гвардиячилар чекинаётганларида жуда кўплаб кемаларни ишдан чиқариб кетгандилар. Ҳар бир пароход тирбанд, ошхоналар ёпиқ эди. Пристанларда бодрингдан бошқа нарса сотилмасди. Йўловчиларнинг аксарияти ҳарбий ёшлар бўлиб, баъзилари отпускага кетишаётган бўлса қолганлари армияга янги олинганлар.

Пароход йўлдаги ҳар пристанга яқинлашганида унга армияга янги олинганлар тушиб олишарди. Гарчи ёз бўлса-да, баъзи бирларнинг бошларига мўйна қалпоқлар кўринади. Мен Қизил Армиянинг солдатлари билан бевосита суҳбат қуришга муваффақ бўлдим. Шу тариқа улар нима учун ишчи-деҳқонлар ҳукуматини қўллаб-қувватлаётганлари борасида тасаввур ҳосил қилдим. Биринчидан, ишчи ва деҳқонларни бераҳмларча эксплуатация қилиб келган капиталистлар билан помещикларнинг ағдариб ташлаганлари уларга жуда хуш келади. Буржуазия ҳокимияти қулаши билан улар гарчи кичикроқ бўлса ҳам ҳуқуқларга эга бўлдилар. Бу ҳуқуқларга кўра улар ўз иродалари ва кучларини намоен қила оладилар. Бундан ташқари ҳукумат билимнинг барча эшикларини уларга очиб қўйган. Ҳукумат барчани маълумотли қилишни ўз олдига вазифа сифатида қўйган, бу эса илмга интилаётган ёшларнинг истакларига мос келади, уларнинг истиқболлари порлоқ. Шу пайтгача Россия революциясига қарашда мафкуравий моҳият тушиб қоларди. Большевизмга берилган нотўғри баҳолар шу тариқа келиб чиқарди. Айниқса ёшларнинг фикрлари ва орзу-истаклари нотўғри талқин қилинди. Россия революциясининг ёшлар кучи билан сақланиб турилганлиги чет элда бутунлай бошқача изоҳланди.

Шунда, нега Россия ёшлари Керенский ҳукуматини қўллаб-қувватламади, деган қонуний савол туғилади. Бунинг сабаби бор. Германия билан уруш олиб бориш нечун лозимлиги рус халқига тушунар-сиз нарса эди. Руслар буржуазиянинг монополиясига айланган ва манфаатлари ишчи-деҳқон манфаатларидан бутунлай бошқача бўлган давлатни деб қон тўкишни бемаънилик ҳисобладилар. Керенский эса халқни урушни давом эттиришга мажбур этди. Ушанда ёшлар милтиқларини улоқтириб, фронтлардан кета бошладилар. Ленин эса Керенскийдан тубдан фарқли равишда бошиданоқ урушга қарши шиорни олдинга сурди. Кейинчалик, большевикларга қарши қўшинлар пайдо бўлиб, ишчи-деҳқонлар ҳукуматига таҳдид сола бошлаганида Ленин шундай хитоб қилди: «Чор генераллари ишчи-деҳқонлар ҳукуматини ағдариб, бу билан чоризмни тикламоқчилар. Биродарлар! Бизга, ўз ҳукуматларингга ёрдам беринглар! Унга ёрдам бериш ўзларингга ёрдам бериш, ўзларинг-ни қутқариш демакдир! Ишчи-деҳқонлар ҳукуматида ўзларининг ёрқин истиқболларини кўрган ёшлар оқ генералларга қарши курашга отланди»

лар. Ешлар уйқудан уйғонганлиги, синфий онг негизида ўз ролларини тушуниб олганлари яққол кўриниб турибди.

Кема тобора илгарилаб борарди. Дарёнинг икки томонида снарядлар вайрон қилган уйлар кўзга ташланади. Пароход учинчи армия тассадилигида бўлган Зарабулга келганида ҳужжатларимизни алмаштириб, соҳилга тушдик. Аввало бирор нарса тамадди қилиб олиш керак. Гарчи, егулик топишга ишонмасам-да, шаҳарга йўл олдим. Улгудай оч эдим. Ҳеч нарса тополмай пристанга қайтиб келдим-да, лашлушларим устига беҳол чўзилдим. Пристанни қўриқлаб турган солдатлардан бири менга: «Ўтиб қоладиган жойингиз йўқми?»— деб қолди. Шундан кейин икковимиз гаплашиб кетдик. У менинг икки кундан бери туз тотмаганимни билганидан кейин, бориб ноҳ билан шўр балиқ олиб келди. Мен бу нарсалар унинг ўзига ҳам жуда зарурлигини билиб турардим. Бундай илтифотни кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Очигини айтсам, умрим бино бўлганидан бери бунақа мазали нарса емагандим.

Эргасига йўлга тушишга ҳали вақт борлигидан маҳаллий сиёсий бошқармага бордим. Бу Қизил Армия органи эди. Бошқарма бошлиғи — сочи оқарган, ёши бир ерга борган аёл эди. Унинг кўп йиллардан бери революцион фаолият билан шуғулланиб келганлиги кўриниб турарди. У мени жуда илтифот ва самимият ила қабул қилди. Аввало менга Челябинск ишғол қилинганини билдириб: «Энди Қизил Армия Сибирга кириб, Қолчак армиясини мажақлаб ташлайди»,— деди. Қизил Армиянинг яқиндаги галабаси натижасида жуда кўп асир олинганлиги, уларни сақлашга жой топиш зарурлигини ҳам қистириб кетди. Қизил аскарларга нимаики берилса асирларга ҳам шуни бериш борасида буйруқ борлигини ҳам айтди. Асирларнинг аксарияти усти-бош хароброқ ҳолда экан...

«Чет элларда,— деди менга аёл,— Қизил Армия аҳолига бераҳмлик қилади, деб кўч ёзишади. Буларнинг бари ёлғон. Сиз манави ҳужжатни кўринг-а. «У шундан кейин бир дафтар келтирди. У шаҳар кишиларининг рўйхати бўлиб, оқлар чекинаётганларида уларни қийнаганлари белги қилинган экан. Кўп фамилияларнинг қаршисида — «отилди», деган ёзув турарди. Ушаларнинг кўпчилиги аёллар, ҳатто ўн ёшга етмаган гўдаклар ҳам бор эди. Мен, Қизил Армия фронтга яқин районларда тез-тез кескин чоралар кўришга мажбур бўлмайди, демайман, бироқ оқларнинг шафқатсизликлари сира чегара билмайди, ҳеч қанақа қолнига сиғмайди.

Аёл мени шаҳар айлантирди. Аввало граждан курсларини кўрсатди. У мактаблардан бирида жойлашганди. Уттизга яқин одам уялинқираган ҳолда болаларнинг парталарида ўтиришар, бироқ лекцияни мароқ билан тинглашарди. Лекцияни бошқармада хизмат қиладиган навқирон офицер ўқирди. Лекцияси «Ишчи-деҳқон ҳукуматининг асосий қонуни» деб аталарди. Шундан кейин биз ҳарбий асирларга хизмат кўрсатувчи клубни кўрдик. Бир миллионерга қарашли бўлган дача клубга айлантирилган экан. Унда мажлислар зали, кутубхона ва ошхона бор эди. Биз борган пайтда залда қандайдир бир мажлис бўлаётган экан. Қирганимизда мажлис тўхтаб, ўқувчилар бирин-кетин ўринларидан туриб, мен билан саломлашдилар. Япон пролетариати шаънига яхши сўзлар айтдилар. Сўнгра биз иккинчи қаватдаги ошхонада асирлар ичидан сайланган комиссарлар билан чой ичдик. Бошқарма бошлиғининг айтишига қараганда, ҳарбий асирлар ўзларини ўзлари бошқарадилар. Комиссарлардан бири менга шундай деди: «Мана ўзингиз кўринг, илгари бу ерга гоҳо-гоҳо миллионернинг оила аъзолари бўлган бир неча кишигина келиб турарди, энди эса дача юзларча йигитлар таълим оладиган жойга айлантирилган. Коммунизм ана шунақа бўлади». Мен шундан кейин бераҳмларча ўлдирилган кишилар дафн

этилган қабристонга бордим, пристанга қайтиб «Пропаганда пункти»га кирдим. Деворларда афишалар, ишчилар билан капиталистлар ўртасидаги зиддиятларни, помешчиклар деҳқонларни эксплуатация қилишларини тасвир этувчи ташвиқий характердаги суратлар кўринарди.

(Р. Накахира. «Қизил Россияда бир йил»).

«Зарабул?» «Зарабул?» Мен бу нотаниш сўзнинг тагига етаман деб хариталар, справочниклар, қомусларни варақлаб чиқдим, бироқ бор ҳаракатларим беҳуда кетди. Бунақа шаҳар Волга бўйида ҳам, Кама бўйида ҳам йўқ эди. Бошқа рус дарёлари бўйида ҳам бунақа шаҳардан дарак йўқ эди. Накахира менга жуда зўр жумбоқ берганди ўзи.

Накахиранинг ўзи бўлганда-ку сўрай қолардим, бироқ у анча олисидаги Японияда эди ўша вақтларда. Хуллас. Зарабулни тополмадим. Кама дарёси бўйида эса XVI асрнинг охирида барпо қилинган Сарапул шаҳри борлигини билиб олдим.

V

Жаноблар, Японияда болани сира ҳам жазоламасликлари, уларни урмасликлари тўғрими? Бунини мен бир китобда ўқигандим,— сўраб қолди Ленин.

Накахира, япон ота-оналар чиндан ҳам болаларини жуда яхши кўрадилар, бироқ сира ҳам жазо бермайдилар деб бўлмайди, истиснолар юз бериши мумкин, деб жавоб қилмоқчи бўлиб турганда Фусэ илдамлик қилди.

— Ҳа, бизда болаларни уришмайди,— деди у.— Фарбдагига нисбатан уларни кўпроқ авайлашади. Умуман Японияда болалар оила ва давлатнинг негизи сифатида ардоқланади.

— Наҳотки шапати ҳам тортишмаса? — деди Ленин журналистларга шўхчанлик ила қараб.

— Йўқ. Биз болаларни сира ҳам урмаймиз.

Вознесенский, болалигида ота-онаси билан Японияда яшашганида унга япон энага қараганини, унинг бир марта ҳам урганини эслолмаслигини қистириб кетди.

— Ҳа, бу ажойиб халқ! Ажойиб маданият,— деди Ленин.— Бу жуда муҳим. Европанинг энг маданиятли мамлакатларида, масалан Швейцарияда ҳам мактабда болаларни уриш одатига ҳанузгача барҳам берилмаган. Коммунистлар болаларга тан жазоси берилишига мутлақо қаршидирлар. Бу ишчи-деҳқон ҳукуматимизнинг энг муҳим принципларидан биридир. Бу нарса Совет ҳокимиятининг биринчи декретларидаёқ ўз ифодасини топган.

Болажонлик — доҳийнинг гўзал фазилатларидан биридир. Бу ерда ортиқча изоҳга ўрин йўқ. Владимир Ильич болалардан бор меҳру муҳаббатини аямасди.

Лениннинг ўзи ота-онанинг меҳру муҳаббати зўр бўлган оилада катта бўлганди. Унинг ота-онаси болаларидан қалб қўрларини аямас, уларга қаттиқ гапиришмасди. Отаси Илья Николаевич болаларга жазо бериш, уларни калтаклашга тамомила қарши эди. У гимназистларнинг инсоний қадр-қимматларини ерга урмаган ҳолда бидимга муҳаббат уйғотарди. 1873 йилда халқ билим юртларининг инспектори сифатида у Симбирскдаги ўқитувчилар съездида доклад қилиб, унда «Калтак — энг ёвуз душман!» деган шиорни олдинга сурганди. У губернияда ўқувчиларга тан жазоси беришни таъқиқлаш масаласини қўйди. Бунини амалга оширди ҳам. Бўлмаса у пайтларда Россиядаги барча мактабларда тан жазоси авжила. болаларни калтаклаб туриш қонунлаштириб қўйилганди. Ҳатто XIX асрнинг бошларида ҳам «рус тупроғи-

нинг хўжайини» бўлган Николай II фуқароларининг ғалаёнлари ҳақидаги ахборотлар билан танишар экан, «калтаклансин» деб резолюция чекишни хуш кўрарди.

Владимир Ильич ҳам ота-онаси сингари болаларни жуда севарди. У эндиликда Россиянинг барча болаларини севарди. Революциянинг энг оғир йилларида, «ё ҳаёт, ё мамот» деган масала кўндаланг бўлиб турганида ҳам Ленин доимо болаларни ўйларди. Мамлакатда очарчилик ҳукм суриб турганида ҳам Ленин болаларга бепул овқат бериш ҳақида декрет чиқарганди. Бу ташвиқот маъносида қилинган иш эмас, балки кўп йиллик кураш давомида барпо этилган янги ҳокимиятнинг қонуний иши эди.

Доҳийнинг 1917 йилнинг мартада ёзилган «Олисдан хатлар» асарида ҳам болалар тақдири ҳақида гап кетади. Февраль революциясидан кейиноқ ёзилган бу асарда гап пролетар милицияси хусусида боради. Бу милиция Владимир Ильич фикрича «ҳар бир гўдакда бир шишадан сут бўлишини кузатиши ва болалар таъмин этилмагунча бадавлат оиладаги бирорта ҳам катта киши ортиқча сут ололмаслигини» йўлга қўйиши лозим эди.

Революциядан кейин бу принцип қонундай кучга кирди. 1917 йилнинг 31 декабрида Владимир Ильич ташаббуси билан Халқ Комиссарлари Советининг болалар ҳақидаги биринчи декрети эълон қилинди. Шундан кейин яна ўн тўққизта «болалар» декретлари эълон қилинди. Болаларни муҳофаза этувчи совет таъсис этилди. Буржуа жамиятида бундай орган бўлишини тасаввур этиб ҳам бўлмайдди. Болалар ҳафталиги ҳам ўтказилди. Хуллас, болалар, Совет Россиясида бирдан-бир имтиёзли синфга айланди.

Владимир Ильич болаларнинг яхши ва меҳрибон дўсти эди. У ҳамма қатори, камтарона яшар, ўзини эмас, аввало болаларни ўйларди. Ўз номига келган совға-саломларни болалар уйларига жўнатарди, улардан ҳеч нарсани аямасди. Ленин вафот этганида СССР Советларининг II съезди боқимсиз болаларга ёрдам уюштирувчи махсус фонд ташкил қилишга қарор этди. Бу Владимир Ильич Лениннинг ёрқин хотираси учун қилинди. Катталар қаторида доҳий билан болалар ҳам видолашдилар. Дафн ўтказувчи комиссия қарорига кўра қаттиқ совуқлиги туфайли Қизил майдонга болалар ўтказиш ман этилса ҳам болалар кўз ёшларини арта-арта Владимир Ильични сўнгги йўлга узатдилар. Улар катталар қаторида Лениндай бўлиш ва Лениндай яшашга қасамёд қилдилар.

Большевикларнинг болаларга нисбатан тутган сиёсати япон журналистларини ҳайратга солди. Фусэ шундай деб ёзганди:

«Мабодо мендан большевиклар сиёсатининг энг ажойиб томонларини сўрагудай бўлсалар, ҳеч иккиланмай гўдаклар муҳофазаси ва болалар тарбияси ҳақидаги ғамхўрликни айтган бўлардим. Большевиклар мамлакатдаги оғир қийинчиликларга қарамай, Ленин кўрсатмаси билан болалар боғчалари, уйлари ва бошқа тарбиявий муассасалар ташкил қилмоқдалар. Озиқ-овқат жуда танқислигига қарамасдан тарбия муассасаларидаги болалар етарлича озуқа олмақдалар, сут, шакар иложи борича уларга берилади. Ҳукумат органлари болалар муассасаларини кийим-кечак ва пойабзал билан таъмин этишга интиладилар. Албатта, буларнинг бари болалар маза қилишяпти, деган сўз эмас, бироқ улар хароб ҳолдаги катталарга қараганда ўсти-бошлари бут ҳолда яшашяпти. Болаларга кино кўрсатишади, концертлар уюштиришади. Уларни боғчалар ва яслиларга бепул қабул қилишади. Болаларга бунчалар ғамхўрлик кўрсатилаётган мамлакат ҳали тарихда бўлган эмас».

Ленин япон болалари тарбиясига оид қанақа китобни ўқиганди?

Уни рус муаллиф ёзганми ё японми? Ё бошқа киши қаламига мансубми? Китобни қачон ўқиганикин? Мен навбатдаги изланишни бошларканман қўлимдаги маълумотлар жуда кам эди. Японияда ота-оналар болаларини урмасликлари ҳақидаги китобни китоблар океанидан топиб олишнинг ўзи бўлмасди.

Яна биоҳроникага мурожаат қилиб, 1920 йилнинг июнь, сўнгра май, апрель, кейин март, февраль, январь ойларига оид воқеаларни кўздан кечирдим. Хуллас, саккизинчи томни бошдан-оёқ, қолган етти томни ҳам назардан ўтказдим. Шунда Владимир Ильич Ленинни банд этган олам-олам ишлар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди, бироқ япон болаларига оид ҳеч нарсани учратмадим. Кремлдаги кутубхона каталоги билан танишиб чиқдим, мемуарларни ўқидим, педагогика, тарбия, таълим, фанга доир китобларни кўрдим, таниш олимларга мурожаат қилдим. Бироқ Владимир Ильич ўқиган сирли китобни тополмадим. Лекин, ҳамон умидворман.

Ёдингизда бўлса қаҳрамонимиз Накахира Ленинга болаларни тарбиялашда истиснолар бўлиб туради, деб жавоб бермоқчи бўлганида Фусэ илдамлик қилганди. Бир куни шу масалани текшириб кўришга фурсат бўлиб қолди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Совет жамиятининг делегацияси составида Япониянинг ғарбий соҳилидаги Ниигата деган йирик порт шаҳрида бўлишимга тўғри келди. «Япония — СССР» жамиятининг бўлим раиси, Ниигатанинг мэри жаноб Каваками делегация шарафига қабул маросими ўтказди.

Бизнинг тўғримизда, мэрнинг ўнг ва чап томонида савлатли ва силлиққина бўлган шаҳар ва префектуранинг катталари ўтиришарди. Улар дўстлик ва ҳамкорлик, мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий алоқалари, Ниигата билан Хабаровскнинг қардошлиги ҳақида гапиришарди. Шунда десангиз, гап ўз-ўзидан болаларга бориб тақалди. Мен Лениннинг япон журналистларига берган саволини эсладим-да, пайти келишини кутиб, буни япон дўстларимиздан сўрадим.

— Накахира-сан ҳақ эди,— деди мэр садафдек тишларини ярқиратиб.— Бизда ота-оналар болаларини жонларидан ҳам яхши кўрадилар. Бу — ҳақиқат. Оилада бола, айниқса ўғил боланинг ҳурмати зўр, уни ҳамма яхши кўради ва ардоқлайди. Бу қадимдан давом этиб келаяётган одат. Шунинг учун ҳам ўғил болаларга аталган миллий байрамимиз «танг-но сэкку» 5 майда, қиз болаларга бағишланган «хина мацур» 3 мартда ўтказилади.

Болали уйларда (афсуски ҳозирги оилаларда бола камайиб бора-япти, бунга афсусланмай иложимиз йўқ) ҳамма нарса фарзанд хизматида, ундан азиз нарса йўқ. Болани ёшлигидан бошлаб авайлаб-асрашади, қўғирчоқдай ясантиришади, ардоқлашади. Айни пайтда уни дадил, бардошли қилиб тарбиялашади, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ўргатишади. Магазинларимизга, айниқса Токиодаги машҳур Кацусика районидаги машҳур ўйинчоқлар кўпгина мамлакатлардаги кичкинтойларга қувонч бахш этиб келаяпти.

Ҳа, болалар — бизнинг миллий бойлигимиз, улардан завқланамиз, таъзим ҳам қиламиз. Шунда ҳам, ҳалол айтадиган бўлсак, бу борада Ленин-сан орзу қилган идеал ҳолатга ҳали эриша олганимизча йўқ. Болаларга шапати тушиб турадиган пайтлар бўлиб туради. Фусэ-сан Совет Россиясининг бош министрига ўз халқини яхшироқ кўрсатмоқчи бўлган бўлса керак. Бироқ ошириб юборибди.

Ниигатадаги суҳбат узоқ вақтлар эсимиздан чиқмайди. Ушанда бир оз ўсаллик ҳам юз берганди. Каваками гапини тугатгунича ҳам бўлмай чап томондан сал дағалроқ ва бўғиқроқ овозда эшитилди:

— Менимча, сўраб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Жазо беришлари шундоқ ҳам кўриниб турибди. Жуда тўғри қилишади. Бўлмаса ҳозирда

биз кўриб ўтирган жаноблар шунчалар тарбия кўрган, одобли, мулойим бўлишармиди, — деб қолди.

Мен гапирган одамни дарҳол танидим. У ленинградлик инженер, «СССР — Япония» жамиятининг активларидан бири эди. Делегациямиз составида ҳамшаҳарлари унинг фидокорлиги, япон дўстларга муруввати борасида кўп нарсаларни айтиб беришганди. Галина Александровна Комиссарова тўғри сўз аёл бўлиб, айлантириб ўтирмай шартта ва очиғини айтиб қўйишни ёқтирадиганлар жумласидан эди.

Бизнинг таржимонимиз, гўзал ва нозик-ниҳол Тосико-сан Галина Александровнанинг бу гапини япончага таржима қиларкан даврада кучли қаҳқаҳа кўтарилди. Мэр ҳаммадан ҳам яйраб куларди...

Мен бўлсам хавотир олиб ўтиргандим.

* * *

— Накахира-сан, Ленин айтган болалар масаласини қандай баҳолайсиз?

— Россия ўша пайтларда жуда ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги оғир шароитда эди. Мен унга Польша ҳужум бошлаганини, иқтисоди издан чиқиб, одамларнинг силлалари қуриганини кўзда тутмоқдаман. Бунинг устига боқимсиз болалар галалари.

— Улар тўрт ярим миллион эди.

— Этлари бориб устихонларига ёпишган, ювиқсиз, сочлари патила ўғил ва қиз болалар жулдур ва исқирт усти-бошларда юришарди. Улар ҳозир ҳам кўз ўнгимда туришибди. Вокзалларда, маҳсулотлар тарқатиладиган пунктлар, ҳовлилар, черковлар, хиёбонларда Россиянинг ана шундай кичик граждандари тўдасини кўрардик. Катталар очликдан мазалари кетиб, ўлиб турган пайтларда болалар қаерда ётиб, нима еб юрганлари менга ҳалигача жумбоқ бўлиб келади. Мен ўзимча, Ленин айтганидек уларни яхши одамлар қилиб тарбиялаш мумкин бўлармикин, деб ўйлардим. Бунинг учун яна битта революция керак. Жуда дадид кишилар бўлган большевиклар бу революцияни ҳам эплашармикин?

— Эплашди, большевиклар бу революцияни ҳам эплашди. Боқимсиз гаврошларни яхши одамлар қилиб етиштиришди. Уларга билим ҳам беришди. Совет ҳокимияти болаларга чинакамига ленинча гамхўрлик қилди. Революция болалари улғайганларидан кейин ўз мамлакатларини жаҳолат ва қолоқлик гирдобидан чиқариб олдилар, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига кўтардилар! Биз жуда кўп жиҳатларда ўша мамлакатлардан ўзиб кетдик. Фазога кемалар юбордик... Бироқ илтимос, гапингизда давом этинг. Совет ҳукумати бошлиғининг ушбу масалага бунчалар қизиқиши нимани кўрсатарди?

— Демак, Ленин қалби соф инсон экан. У Фусэнинг жавобини эшитганидан кейин қониқиш билан тан жазолари бекор қилиниши коммунизм руҳига мос келади, деди. Лениннинг мусаффо қалби бағоят мустаҳкам эди. Интервентлар билан аксилнқилобчилар Россияни революцион йўлдан қайтариб, эски чириган режимни тикламоқчи бўлдилар. Ленин бу билан келишишни истамади. У буржуазиянинг қаршилигини синдирди, чоризм давида йиғилиб қолган ёвузликларга барҳам берди. Шунда ҳам у келажакни — болаларни ўйларди.

— Дунёнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бирортаси шунақа савол бериши мумкинмиди?

— Менимча, ҳеч ким. Дунё остин-устун бўлаётганда болалар кимни қизиқтирарди, дейсиз.

Япон дўстимиз кўзларини юмиб, жим қолди. У сукут қиларди. Қарасам сал очилган кўзлари шўх чақнарди.

— Қизик воқеа сўзлаб беришимни истайсизми? Ленин мени ўлимдан қандай сақлаб қолганини айтиб бераман.

— Шунақа денг?

— Худди шундай, айна ҳақиқат. Пермдан олдинга деҳқон арава-сида йўлга чиқиб, Каманинг нариги бетига ўтиб олиш ҳаракатига тушдим. Сўнгра Москвага томон йўлда давом этардим.

— Буни китобингизда ўқувдим. Сизни Қизил Армия соқчилари тўхтатишган. Ёнингиздан Омск ҳукумати берган ҳужжатлар, тўппонча чиққандан кейин сизни япон жосуси деб ўйлашган. Шундан кейин сизни отишга ҳукм қилишган. У ёғи нима бўлудди?

— Энг даҳшатлиси у ёғи. Улар «жосус»ни қишлоқ чеккасига олиб чиқиб, «девор»га тираб, отмоқчи бўлишди. Аскарлар бу ишни ишчи-деҳқончасига шошилмай, бамайлихотир қилишарди. Девор вазифасини сершоҳ қайин бажарарди. Азбаройи кўрққанимдан тилим танглаймга ёпишиб қолгани ҳисоби.

Гарчи кечаси анча-мунча совуқ бўлса ҳам ўшанда кун иссиқлиги эсимда қолган. Пешин пайти эди. Ҳаммаёқ офтоб, осмонда оппоқ булутлар кезар, қушлар сайрарди. Теварак жимжит, осуда. Ҳаво, мен ҳозиргина соқчиларим билан ичган чой сингари, қуюқроқ туюлади. Хаёлимдан туғилган қишлоғим Хасуикэдаги кекса онам кўкка тикилиб, дарбадар ўғлини ўйлаётгандир, деган фикр лип этиб ўтди. Менинг вақт-соатим етганлигини хаёлига ҳам келтирмаётгандир? Айтишларига қараганда она қалби кулфат бўлишини сезар экан. Бошимга тушган кулфат эса аримайдиган кулфатлардан эди. Орадан бир дақиқа ўтадим-йўқми теварагимдаги нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси — офтоб ҳам, ўтлоқ ҳам, ундаги чигирткалари рўпарамдаги солдатлар ҳам жойида қолаверди. Фақат мен йўқ бўламан.

Еш қайин дарахтада какку ку-кулади.

— Сайрашини қара лаънатининг, японнинг жичча умри қолгани билан иши ҳам йўқ,— деб қўйди юзини сепкил босган ва оёғига обмотка ўраган ёш қизил аскар.

— Гуноҳга ботма, йигит, қуш бечора юрагини бўшатиб олсин,— жавоб берди унга соқоли пахмайган ёши улуғроқ қизил аскар.— Балки сен ҳақингда сайраётгандир.

— Мен ҳақимдами, сен ҳақингдами, у ҳақдами — ҳаммаси бир гўр, ёлгон гап. Ҳозир биз японни отамиз, эртага жангда эса ўзимиз ўқ еймиз. Афсус, афсус. Жаҳон коммунасини кўрсам девдим-да. У қандай бўларкин-а.

У тамакиси қолдиғини пастга улоқтирди:

— Қани, отахон, бўлақол энди. Ичкарида шўрва совуб қолмасин.

Қизил аскарлар милтиқларини кўтаришди. Қарасам нишонга олишяпти. Нақ пешонамни-я. Соқолли қизил аскар қўлини кўтарди. Лаҳза ўтмай қўл силкиса... Металл ўқлар мени ажал қўлига топширади. Ўқ хабарчи эмаски орқага қайтиб бўлса.

Мен шу лаҳзада:

— Ленин! — деб бақириб юбордим.

Накахира-сан яна кўзларини юмди. Унинг бутун кўринишидан хаёли ҳозир олис-олисларда эканлиги сезилиб турарди.

— Нимага «Ленин!» деб юборганимни ўзим ҳам билмайман. Тушунтириб ҳам беролмайман. Одамлар ўлим олдидаги лаҳзаларда одатда раҳм-шафқат қилишни сўраб, ўзларини душманнинг оёқ остига ташлаб илтижо қиладилар, мардроқлар тақдирга тан бериб, хаёлан бу дунё, оналари, оталари, яқин кишилари билан видолашадилар. Ё бўлмаса гуноҳларимни ўзинг кечир, деб худога ёлворадилар. Мен бўлсам тиз ҳам чўкмадим, худога ҳам ёлвормадим. Эҳтимол, раҳм-шафқат бўлмаслигини билганимдан шундай қилгандирман. Уларга қонунни

бузманглар, дейми? Қайси қонунни? Сибирь ва Уралда юргинимда ўзбошимчалигу қонунсизликларни роса кўргандим. Қайси уездга бормай — янги ҳуқумат, ҳар бир станцияда янги атаман. Буларнинг ҳар бирининг ўз «давлат» қурилиши, суди, тартиблари бўларди. Хуллас:

— Ленин! Мен Лениннинг олдига бораяпман! Ленин «Асахи» газетасини билади. Мен ҳақимда Ленинга хабар беринглар! — деб қичқирдим.

Шунда мўъжиза рўй берди. Уқ овозлари эшитилмади. Қизил аскарнинг қўли сал қимирлаганича қотди. У ҳам таажжубда эди.

— Отставить,— деди у ниҳоят бўғиқ овозда. Кейин эса қўлини пастга туширди. Мен бўлсам тактик муваффақиятимни мустаҳкамлаш учун яна бир нималар деб қичқирдим. Улимга чап бердим. Тўғри, ёш аскар ўзини туголмай бари бир ўқ отди. Унинг ўқи тепамдан, фуражкамни ялаб ўтди. У «менинг» ўқим эди! Ёш аскар ичкарида шўрваси совуб қолиб, вақти беҳуда кетганидан шундай қилдими ё қуролсиз одамни ўлдиришни истамай турганидан аслида шундай отмоқчимиди — бу менга қоронғи. Ҳаммамиз қишлоққа қайтдик. Шўрвадан тўйиб ичиб, чойга мириқдик. Қизил аскарлар ажойиб йигитлар экан.

Отилишимнинг бор тарихи мана шундан иборат. Яшаётганим, нафас олаётганим ва қаршингизда ўтирганим учун Ленинга бурчлиман.

«Ойдинда чироқнинг ҳожати йўқ».

Накахира Ленинга яқин ўтирганидан тортинарди. Мана, бутун жаҳонга донг таратган буюк инсон унинг рўбарўсида, қўл чўзса етгудай жойда ўтирибди. У шундан ҳеч ўзига келолмас, ҳаяжонини босолмасди.

Накахира йигирма олти ёшга кириб жуда кўп яхши ва ёмон одамлар билан учрашганди, жумладан Россиясида ҳам Чичерин, Троцкий, Луначарский, Каменевлар билан учрашганди. Бироқ ҳозирги учрашув жуда фавқулодда ҳодиса эди. Уларни ҳозирги дамда Кремлда буюк давлатнинг бош министри, большевикларнинг машҳур раҳнамоси, қизил революциянинг доҳийси қабул қилаётганди. Бу одам бутун дунёни ларзага солган Октябрь инқилобига бошчилик қилган, капиталистларга даҳшат солган, бутун меҳнат аҳлининг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган улуғ ва камтарин инсон эди.

Накахира ўз ватанида амали пастроқ полициячилар, божхона хизматчилари, ўт ўчирувчилар, идора ходимларидан бўлак нуфузлироқ одамларга сира рўбарў бўлолмасди. У мана шу одамларнинг барига бурчли бўлиб, уларга янги йил арафасида совға-салом улашар, меҳмонга чақирар, оладиган ойлигидан маълум қисмини узатиб ҳам турарди. Мабодо шундай қилмаса борми уйига ўт тушиб, ўчирадиган одам тополмас, ё бўлмаса мақолабоп қотилликлар, ўғирликлар ва бошқа воқеаларни рақобатдаги газеталар хабар қилганларидан кейингина эшитиб қоларди.

Накахира ўзи ишлайдиган газетанинг муҳарририни кўргудай бўлса ҳам танимасди. У биринчи марта ишга кирганида, иккинчи бор Совдепияга жўнашдан олдин муҳаррири ҳузурда бўлса ҳам ҳозирда биров ундан «Осаки Асазхи»нинг муҳаррири қанақа одам, ёшми ё қарими, деб қолса айтиб беролмасди. Иккала учрашув ҳам икки-уч дақиқадан ошмаган, ўшанда ҳам Накахира юрак ютиб, хўжайинининг башарасига қараёлмаганди. Негаки, бу беадаблик бўларди. Ўшанда у нафасини ичга ютганича муҳаррир столи ёнида қотиб қолган, хўжайиннинг ҳар бир сўзини ибодатхонадаги меҳроб қаршисидан таъзим бажо айлагандай эгилиб-букилиб тинглаганди. У хўжайиннинг сўзларини нақ Будданинг сўзларидай уқиб олаётганини амалда намойиш этарди ҳисоби.

Накахиранинг мамлакатида министрлар, губернаторлар, мэрлар, парламент аъзолари, бизнесменлар ҳам бор эдилар. Бироқ уларнинг қанақа одамлар эканликларини Накахира билмасди.

Ер билан кўкнинг ўртасида, осмонга яқинроқ жойда эса тэнно-сэку ўтиради, деб эшитарди. Яматонинг ҳар бир кишиси бу номни эшитганида юраги ҳаприқиб кетарди. Худонинг тўққизта фазилати, тэнно-императорники эса ўнга, деган нақл юради. Япония конституциясининг учинчи моддасида: «Тэнно авлиё ва даҳлсиз», дейилган. Император тахтда мустаҳкам ўтириб, ўз билганича ҳукм юритарди.

Мамлакатдаги миллионларча кишилар бир марта ҳам кўрмай овозини эшитмасалар ҳам ҳар куни ердаги бу худога ибодат қилишарди. Уни кўрмоқчи бўлган одам ўлим жазоси олиши турган гап эди. Ҳатто император ўз номи билан аталмас, бунга ижозат ҳам берилмас, зарур бўлганда унинг ҳукмдорлик йилларини англатувчи сўз ишлатиларди. Яъни император Иосихито эмас, балки Таисё-тэнно дейиларди. Уни кўришга рухсат йўқ, бироқ унга жон фидо қилиш мумкин. Расмий ташвиқот ҳам шунга даъват этарди. Мактаб хрестоматияларида, бундан олти аср муқаддам яшаган самурай Кусуноки Мамасигэ кўқларга кўтариб мақталарди. У етти марта император учун ўлиб-тирилиб, яна қайтадан жон фидо этишни орзу қилганди.

Кремлдаги кабинетда эса ҳеч ким қўрқмас, ўзини ерга ташлаб таъзим бажо айлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Бунга Накахиранинг ақли сира ҳам бовар қилмас, ўз кўзларига ишаноолмасди. Ленин билан суҳбатлашиб ўтирганларида секретарь аёл қириб келди.

У японияликларни кабинетга олиб кирганди. Аёл столга яқинлашди-да, таъзим-паъзим ҳам қилмай мулойимгина:

— Владимир Ильич, зарурий телеграмма, — деди.

Шундан кейин у столга телеграммани қўйди. Ленин телеграмма текстига кўз югуртириб чиқди-да, ўша заҳотининг ўзида унга нимадир ёзиб, секретарь аёлга узатди:

— Марҳамат, Мария Игнатъевна, тезда Бокуга, ўртоқ Оржоникидзеге юборинг. Жуда зарурий.

— Яхши, Владимир Ильич, ҳозироқ юбораман.

Янги ҳокимиятнинг демократизми ҳар қадамда меҳмонларни ҳайратга соларди. Бу демократизмни расмий шароитда ҳам (Чичерин Накахирани тунги соат 3 да қабул қилганди), кўчаларда ҳам, майдонларда ҳам, меҳмонхоналарда ҳам сезса бўларди. Революция табақа, тоифа, унвон, амал деган нарсаларни тарих ахлатхонасига улоқтириб ташлаганди. Энди мамлакатда ҳамма баробар ва тенг бўлиб, меҳнат қилишлари зарур, кимки ишламаса у хоҳ собиқ фабрикантми ёки асл князлардан бўладими — бари бир тишламасди. Мамлакат одамларининг эътиқодлари ҳам бир, турмушлари ҳам, кийинишлари ҳам, ейиш-ичишлари ҳам, маншатлари ҳам бир хилда ва бир текисда эди. Байрам кунларида ҳамма ерда алвон ранг ҳукмрон эди. Одамлар бир-бирларига мурожаат қилганларида «ўртоқ» деган сўзни тилга олишарди.

Накахира Россиядан йўллаган ўттиз иккинчи репортажига шундай изоҳ қўшганди:

«Ўртоқ» сўзи «дўст» маъносини ҳам билдиради. Одамлар шу сўз орқали бир-бирларига расмий муомала қиладилар, буни ҳар кимга ва ҳар бир нарсада ишлатадилар. Шунинг учун Ленинга мурожаат қилинганда ҳам «ўртоқ» дейилади, хизматчига нисбатан ҳам шу сўз айтилади. У эркакми ё аёлми фарқи йўқ».

Накахира Лениндан кўзини узмай унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар, бирорта ҳам деталь, жумлани назардан қочирмасликка, Лениннинг ҳар бир ҳаракатини илғаб олишга интиларди.

Рус тилидан Эркин НОСИРОВ таржимаси

(Давоми келгуси сонда)

Туроб Тўла



ФОЖИА¹

Учинчи кўриниш

Қўқон. 1842 йил, 11-савр ойи, сешанба. Намозгар.
Урда. Боғираъно. Нодирабегимнинг хобхонаси. Оғир сукунат. Осма қандил
милтирайди. Йироқда уд нола қилади, унга бир оздан сўнг хонанда эргашади:

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.
Ҳеч ким оламда форигбол эмас,
Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.
Ганжи ҳуснингнинг закотин бер менга,
Сен ғанийсан, менда бисёр эҳтиёж.
Гар тиларсен обрў аҳбоб аро,
Айлама зинҳор изҳор эҳтиёж.
Ёр васлини тилармен, Нодира,
Айлади кўнглимни афгор эҳтиёж...

Қандил оҳиста кучланади, ҳали йиғилмаган жойнамозда ўтирган Нодирабегим
тепасида тик қотган Увайсийнинг юзларини ёриштиради.

У в а й с и й

Кўзимдин тонг йўқолди, унга тонг йўқ,
Фақат тун қолди унда мисли, тонг йўқ.
Бу ҳол, наздимда, ҳар недин хатарнок,
Адоват, ҳирс, қамалдин ҳам батарроқ.

¹ Давоми. Боши журналнинг 11-сонида.

Қаноат балки лозимдир, маликам,
 (безовта Нодирабегим кўринади)
 Қаноат балки бергай ғамга барҳам.
 Билурсиз, ҳар нечук, мўмин-муслмон
 Маликам машқидин шаксиз топур жон.
 Баҳамдуллоҳки, барҳам топди қотил,
 Маликам, бўлмаган эл асти ғофил.

Н о д и р а б е г и м
 (аста ўрнидан туради)

Бироқ у бор экан кўп қаъримизда,
 Ва ажриқдек мисоли бағримизда.
 Узилди, қолди лекин катта ажриқ,
 У ажриқ ёширин албатта ажриқ.
 Емон ажриқ босибмиш салтанатни...
 Суярди хон Умархон бу валатни.

У в а й с и й

Билиш осон эмас асли палидни,
 Вафодор дебди ким ёввойи итни!
 Менинг наздимда у ҳеч ухламасди,
 Емонлик қилмаса тинмасди асти.
 Кўролмасди кимики аҳли дониш,
 Пайт пойлаб урарди қонли бир ниш.
 Замона кулфатидин бу кўнгил

доғ ўлди — доғ ўлди,
 Бу чархи бемуруватдин кўнгил

доғ ўлди — доғ ўлди,
 Бу кунлар йўқ, маликам, кўзда хобим,
 Аён ёлғиз ўзимга ўз азобим.
 Кўзимни юмдиму, даҳшат олур боз,
 Еру кўк боз қилур теграмда парвоз.
 Мисоли чарҳпалак бошимда олам,
 Ярим оч, беҳисоб бечора одам.
 Яланғоч дов-дарахтлар, қип-яланғоч
 Мисоли нон сўрайлар қўл чўзиб, оч.
 Мисоли бизга, дейди, энди навбат,
 «Қилинг, дейди, дарахтларга инобат».
 Эгарланган, дарахтлар турфа отлар,
 Сипоҳлар устида семурғ қанотлар...
 Ғалат, тунд бадқовоқ тун кимни излар?
 Тўлиб теграмда ўйнайди шаҳидлар.
 Ва ё қотилними излайди баттол?
 Ва ёки дўстини?.. Излар амуғдор!..
 Кўзимни юмдиму, босиб келурлар,
 Оёғим остида бир-бир ўлурлар...
 Юмолмайман кўзимни, дод солурман.
 Шу таҳлит тун бўйи тонг ахтарурман.
 Фикрлар шиддатидин қўрқаман гоҳ,
 Улар зиддиятидин қўрқаман гоҳ.
 Кўрурман ҳар нафас гўё таназзул,
 Таназзул даҳшати бошимда кўп зил...
 Маликам, қўрқаман, афтода ҳолдин,
 Деюрга журъатим ҳар ихтимолдин:
 Савр ойи, ҳамон кетмайди ғаддор!..

Остонада буларнинг суҳбатларига маст бўлиб ўтирган Канизак орқадан келаётган оёқ товушини эшитиб, дик ўрнидан туради ва Нодирабегимга ҳайрон тикилади.

Нодирабегим ҳам Канизакнинг ҳайронлигига савол аломати билан қарайди.

Нодирабегим

Нечун ҳайратдадурсан, унда кимдур?

Канизак

Валиаҳд... Икки сарбоз бирла Махмур.

Ҳайратда ўрнидан кўзғолади Надирабегим.

Нодирабегим

Валиаҳд... Икки сарбоз?

Канизак

(тасдиқлайди)

Икки сарбоз!

Ҳибсда домла гўлаҳ, лек келур ғоз (илжаяди).

Шаҳзода Муҳаммадамин икки найзабардор сипоҳ ўровида Мавлоно Махмурни олиб киради, момосига мурожаат қилади.

Муҳаммадамин

Менинг дилбар момомга жон фидолар!

Нодирабегим буни кўриб кулишини ҳам билмайди, кулмаслигини ҳам.

Менинг бандим тилида минг дуолар!

Саволим бор табаррук ойимизга,

Валиаҳд боши ҳаргиз пойингизда.

Койинмангиз валиаҳд шўхлигининг,

Бу баъзан ақлининг ҳам йўқлигининг...

Саволлар бирла сабрингиз битирдим,

Бошингизга тагин жанжал кетирдим.

Нодирабегим

Мени аввал ҳижолатдан халос эт,

Нечун шоир ҳибсда, гапни рост эт?

Муҳаммадамин

Узр, минг бор узр, шоир ҳибсда.

Ва лекин у киши хандони писта.

Билиб бўлмайди ҳеч, ким у аслда,

Ахир бордир ҳақиқат ҳам ҳазилда?

Бугун гўлаҳда бўғдим Гулханийни,

Бобомдан тингладим бор-билганини.

Ғаройиб гаплар айтди домла Махмур —

Бобомдан, сўзларидан ёғдириб дур.

Икковлон маҳрам эрканлар бобомга,

Мисоли малҳам эрканлар бобомга.

Эшитдим ҳўп бобом ҳимматларидан

Эканлар баҳраманд суҳбатларидин.

Нечун гўлаҳда энди хору-ҳаслар?

Бобом фозиллари, соҳибнафаслар?

Нодирабегим

Сен аввал менга айтгил, ҳой афанди,

Не боис бўлди шоир сенга банди?

Бўшат аввал уни, сўнгра савол бер,
Билиб, сўнг Ҳокимойинга завол бер.

Муҳаммадамин

Саволим шу, мени қийнайди бунча?!
Бўшатмайман бу сирни билмагунча!
Талаб қилдим, нечун гўлаҳдасиз деб,
Нечун иблис ҳамиша нўхтасиз деб.
Жавоб ўрнига олдим кулги якка,
Валиаҳд бир гўдак, қолди мазакка.

Нодирабегим кулади, бошқалар ҳам.

Буюрдим икки сарбозга «олинг» деб;
Бу икки беадабдин қутқаринг деб.
Бироқ қўлдан чиқардим Гулханийни,
Билолмай охири у билганини,

Нодирабегим

Болам, иш бошламишсиз қинғир ишдин,
Замон зукколарн таъқиб этишдин.

Муҳаммадамин

Ахир мен билмоқ истармен нечук бу —
Бобом маҳрамлари гўлаҳда оғу —
Ютиб ётмоқдалар бемор, аламноқ?
Оёқда ҳоксор? У қайси нопок —
Шу аҳволга солубдир, билмоғим шарт,
Мени қийноққа олди бу оғир дард.

Нодирабегим

(сипоҳларга)

Сиз озод, қолдиринг шоирни бизга,
(Муҳаммадаминга).
Бу сирни сўнг билурсиз, бахтимизга —
Омонлик топса юртингиз, валиаҳд.

Увайсий

Аналҳақ бўлмагай юрт қавми бадбахт!

Нодирабегим

Болам, қисматни кўп ҳайрон кўрибсиз,
Бобонгиз боғини вайрон кўрибсиз.
Худоё, топган ўхшайман муродим,
Фалакка етган ўхшар арзи-додим.
Кўнгил кошонангизда гул унубмиш,
Саҳоватпеша бир кўнгил унубмиш!

(Кўзга ёш олади)

Гулоб!

Канизак қўл кўтариб буюради ташқарига. Гулоб келтиришади. Аввал Нодирабегимга,
сўнг Увайсий билан Махмурга, Канизакка тутишади канизлар.

Кўнглим ёришди аллақандай,
Адолат, офият тонги яқиндай!

Махмур

Илоҳ омин!

У в а й с и й

Илоҳ омин, адашманг!

М а х м у р

Азалда айнимас сардоба чашма.

Н о д и р а б е г и м

(хаёли қочади, ғазал ўқийди)

«Бевафодур бу жаҳон, суди зиён бори бекор,
Ким ғами айши баҳор ила ҳазон бори бекор.
Топмаса ёр жанобиға шараф бирла қабул,
Оҳу фарёдинг ила шўри фиғон бори бекор.
Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ, анга
Ҳашаму, салтанату, рифъату шон бори бекор.
Шоҳ улдирки, раиятга тараҳхум қилса,
Йўқ эса қоидаи амнуамон бори бекор!
Нодира, бўлмаса гар элга сўзинг таъсири,
Алами зоҳир ила доғи ниҳон бори бекор!

Ҳамма чуқур рукуда. Узоқ жимлик. Ғазал бошланишидаёқ келиб остонага чўнқайган ва бу ғазални битта-битта кўчириб ўтирган Олима отин ўрнидан туради. Қўлида «Нодиранома», орқасида икки каниз. Уларнинг ҳам қўлларида Нодирабегимнинг янги кўчирилган бир неча китоби.

О л и м а о т и н

Бу йўқ, назлимда, ойм, бу китобда.

(Қўлидаги «Нодиранома»ни кўрсатди)

У в а й с и й

Бу янги, ҳозир айтилди, шу топда.

О л и м а о т и н

Девонингиз мана, қўлдин чиқардим.

Безакдин, мўйқалам, ҳалдин чиқардим.

«Нодиранома»ни унинг қўлига узатади. Аввал Увайсий олади, унинг безакларини завқ билан томоша қилади.

У в а й с и й

Либоси «Нодиранома»... Музайян!

Девон авроқидин тилсим муайян!

Улусға кенг карам бу, катта инъом,

Ажойиб кашфиёт, аллома илҳом.

(варақлайди уни)

Бўлуր бу халқимизга яхши ҳамроҳ,

Бунингдек кўрмаганман, писабилиллоҳ!

Нодирабегимга узатади. У катта ҳаяжон билан қўлга олади; безакларини томоша қилади, варақлайди.

О л и м а о т и н

Китоб ногоҳ чиқиш бирла қаламдин,

Талаш-тортиш бўлиб кетди ҳарамда.

Уқиб тонг отдиришди муҳтарамлар,

Қаниз, маҳбубалар, нозик санамлар.

Дуо айтишдилар кўп номингизга,

Шафоат кўрғазиб илҳомингизга!

Валиаҳд бориб олади уни момоси қўлидан ва Махмурга кўрсатади.
Улар ҳам томоша қиладилар.

М у ҳ а м м а д а м и н

Бунинг ҳалқорига савфо муносиб!

Н о д и р а б е г и м

(неварасининг сўзини маъқуллайди)

Бале, савфо унга аъло муносиб!

Навой шавкати кўп муҳтарамлик,

Бўлур Олимаой «зарринқаламлик».

Канизак заррин қалам-довот келтиради. Нодирабегим кўп назокат билан Олима. отинга уни тутқазади, ҳам ўз елкасидаги ипак рўмолини олиб елкасига ташлайди. Ҳамма муборакка кўл очади, фотиҳа тортишади. Олима отин Нодирабегим истиқболига эгилади, қаттиқ ҳаяжон ичида унинг қўлларини юз-кўзларига суртади.

О л и м а о т и н

Шукур...

Ҳотамлигингизга, тасанно!

Тасанно, Ҳокимойим, кўнгли дарё!

Жаҳон тургунча тургай шавкатингиз,

Муборак етти иқлимда отингиз!

Ҳ а м м а

Муборак, Олима, «Зарринқаламлик!»

О л и м а о т и н

Ойим, кўрсатмасин ҳеч сизга камлик!

Ҳ а м м а

Илоҳим, иншооллоҳ, бўлмағай кам!

О л и м а о т и н

Баёзлар, Ҳокимойим, бўлдилар жам:

Мусамман ҳам мусаддас ўзга бўлди.

(Биринчи каниз қўлидан олиб узатади унга)

Ғазаллар ҳам муҳаммас ўзга бўлди.

(Иккинчи каниз қўлидан олиб узатади)

Фироқнома, мураббаъ таркибандлар

Рубайй ҳам туюқлар, таржеъбандлар

Рақам бўлди, безатди уста Рақим,

Ниёз мумтоз Муҳаммад дўсти Роқим.

(уни ҳам узатади)

Булар ўн нусхадин Балху Ажамга...

Бироқ форси баёз ўхшайди камга.

У в а й с и й

У майли. «Нодиранома»га ўлтир,

Ягона нусха бу, тэзроқ кўчиртир.

Ягона нусхадир бу, эҳтиёт қил,

Ҳама қилганларингдан ҳам зиёд қил.

Н о д и р а б е г и м

Менинг Шоҳномаий Фирдавс рисолам!

О л и м а о т и н

Бўлур хоҳишингиз, Фирдавс олам!..

Нодирабегим

Канизлар, сизга рухсат!

Канизлар кетишади. Олима отинни тўхтатади.

Сиз қолингиз.

Олима отин ўрнида қолади. Бир оз ўйлаб

Бугун тонг даҳмада бирга бўлингиз.

Олима отин хурсанд, қуллуқ қилади ва чиқади. Нодирабегимнинг хаёли қочади,
ўзича ўқийди

Сўнма май, эй, соқиний даврон менга,—
Ким, насиб ўлмиш азалдин қон менга.
Нола, бир дилсўз ёримдир менинг,
Ҳамнишиндир дийдаи гирён менга.
Оҳ, найлай ўтди даврони висол,
Бевафолик айлади даврон менга.
Мушкул ишга қолди, э воҳ, Нодира,
Ераб, ул мушкулни қил осон менга...

Намозгар бўлди ҳам, ундан дарак йўқ,
Не бўлди унга, Ҳозик жонҳалак йўқ...
Наҳот улгурди Ҳаққул, у қочолди?
Наҳотки салтанат аърафда қолди?..
Ким у иккинчиси, ким бўлди энди?
Илондек ўрдада жим бўлди энди?
Сипоҳми, ё сипоҳсоларми, ё ким?
Ва ё аркони давлат, ёки ҳоким?
Ечилгай қайда бу даҳшатли жумбоқ?
Наҳот хон шубҳаси... Олам муаллақ!
Наҳот айғоқчи у? Оний хаёл ҳам —
Унга шак келтирур шаксиз жамулжам.
Хиёнат ҳамда Ҳозиқ... бу — адоват!
Буюк хизматларига ноадолат!

Ҳамма гапни остонада тинглаб ўтирган Канизак ўридан туради.

К а н и з а к

Маликам, айтмагандим сизга кўпдан,
Менинг наздимда ҳам Ҳозиқ шу тўпдан.
Адонинг мактубин эсланг, у кимга,
Ишора қилган у қайси ҳақимга
Буюрган йўлдан олсин сизни деб у?

Нодирабегим

Гумонлар солди, оҳ, кўнглимга оғу.

У в а й с и й

(канизакка)

Сен унга тил тегизма!

К а н и з а к

(истеҳзода)

Хоним ойм!

Нодирабегим

Буни ёлғиз билур, афсус, худойим.

У в а й с и й

Билолмайсан, не сирлар бор бу кунда,
Ҳалол ким, ноҳалол ким асти бунда.

К а н и з а к

Ўтиб кетган эса у ҳам ажабмас...

Н о д и р а б е г и м

Худо кўрсатмасин!

К а н и з а к

Қошки!

Н о д и р а б е г и м

Қилинг бас!

Бирдан тўрт навкар кириб келади ва Нодирабегим оstonасини ўраб тик қотишади.
Ҳозиқ киради. Нодирабегим ҳайрон, навкарлардан сўрайди:

Бу не гап?

Ҳ о з и қ

*(жавоб бермоқчи бўлган навкарлардан олдин
жавоб қилади)*

Тинчланингиз, тинч қароргоҳ.
Булар хон ҳазратимдан менга ҳамроҳ.
Қулингизга бу балки бадгумонлик,
Вале равшан бўлур бўлса омонлик.

Нодирабегим Увайсийга ўгирилади.

Н о д и р а б е г и м

Мени маъзур кўринг!

У в а й с и й

Ҳўп-ҳўп, маликам!

Увайсий хайрлашиб чиқади. Нодирабегим Канизакка, набирасига, Махмурга ҳам
«бизни холи кўйингиз» ишорасини қилади.

Канизак, сизга ҳам!

К а н и з а к

Ҳўп!

Н о д и р а б е г и м

Сизга ҳам!

Навкарларга ишора қилади. Навкарлар бир-бирларига қарайдилар-у, фармойишга
бўйсунадилар, икки шоирни холи кўядилар.

Ҳ о з и қ

Бир қур сукут сақлаб қолган Нодирабегимнинг ҳолатига киради.

Қочиб улгурди Ҳаққул яхши отда,
Бутун навкарлари-ла Кўк бекатда.

Нодирабегим изтиробда

Бутун дарбоза қалқди, қувди ёвни,
Улум бирла ўтиб ҳар битта говни.
Валинеъмат ўзи бош кирди жангга,
Қиличлар тиғида чақнаб аланга.

Валинеъмат ғазабдан худди ёнди,
Валинеъматни бундай кўрмагандим.

Нодира бегим

Эшон, меъридан ўтди вазият,
Улусга ҳаддан ошди кўп азият.
Хиёнат, фитна изғиб қолди бунда,
Не сир борки, ечилмоқда, тугунда.
Садоқат топталиб топмоқда барҳам.
Ишонган тоғда ётмасмиш кийик ҳам.

Ҳозик

(ишорага тушуниб эзилади)

Бегим, басдир менга бир сўз-ниҳоят,
Шу боис балки йўқ иқрори ҳожат.
Кима маълум эмас аъмоли Ҳозиқ!
Бухоро, мадраса, таҳсил, тавозеъ!
Ҳирот, Хива. Қўқан — аркони давлат.
Унинг иқболнга беҳад иноят...
Булар умрим тарози-тошидирлар,
Муҳаббат умрининг йўлдошидирлар.
Анинг бир толеи шулки, маликам,
У, Сиз бор салтанатга бўлди маҳрам.
У, Сизни куйлади. Сизнинг элингиз,
Ажаб, ошифтавор Сизнинг тилингиз —
Билан пайваста қилди байти — созин,
Очиб бу элга меҳрин, ишқи розин.
У шунда кексайиб, хос ҳасса тутди,
Не ёзса шу чаманга, юртга тутди.
Оёғим бунда қолди, Сиз — сабабсиз.
Не қилсам — Сизга деб қилдим ададсиз.
Мени Сизга, билурман, ғаш кўрурлар,
Не тонг, майли, шу боис ўлдирурлар.
Муҳаббат толеим давлатфузога
Кам эрмас эътиқодимдин худога!

Нодира бегим

(оғир хаёл тўзонида гаранг)

Гумон, шубҳа талайди одам ақлин,
Сўрайди шу муаммо олам ақлин...
Пешонамни таоло тор қилди,
Бу дунёни нечук хунхор қилди?
Нечун, билмам, мени шоир яратди,
Палахмон тошидек гурбатга отди?
Яратмиш бунча ҳам кўп кўнгли гирён,
Ўзи бир ён, ғазал — ашъори бир ён...
Бу жанжалхонайи оламни берди,
Кўру-кар бўл дея қарғабми эрди...
Амир кулмоқчи мурдам устида кеб.
Талаб қилмоқда кимдан ўлдилинг деб?
Ким у иккинчи хоин, у риёкор?
Муқаддас бурчини ўтмоққа ночор?
Улимга розиман, оврагта, майли,
Элим, юртим ва тупроғим туфайли!
Фақат дарбозалар турсин дахлсиз,

Замон бўлсин замонлардин баҳлсиз!
Тутинг иккинчи хоинни...

Ҳозик

Бегим!..

Нодирабегим

У...

Илондек пойлар у солмоққа оғу.

Ҳозик

Бегим, ҳозир сипоҳлар шу билан банд,
Тутилгай бўлса ҳам маккор у ҳар чанд.

Бу вақт Канизак кириб дастурхон тузади, имирсилаб икки
шоирнинг гапларига қулоқ солади.

Қулингиз сўз берур, фош бўлғуси у,
Пойингизда кўзи ёш ўлғуси у!

Нодирабегим

*(Чапак уради. Ҳозик қўриқчилари кириб
тўрт томондан ўринларини олишади).*

Маликангизни айланг, яхшилар, шод,
Бориб ҳазратга айтинг, сизлар озод!

Навкарлар қуллук қилиб чиқиб кетишади. Ҳозик ҳаяжонда.

Ҳозик

Маликам, мен шикоят қилмадим-ку,
Бу тадбирни азият билмадим-ку?

Нодирабегим

Азият бўлди менга бениҳоя,
Ғазалга тушмасин бир қатра соя.

Ҳозик

Мурувватли бекам, бир...

Нодирабегим

Сиз борингиз!..

Ҳозик

Тумандай тарқалур кулфатларингиз!

Ҳозик чиқади. Канизак ҳайрон боқади шоирага.

Канизак

Мурувватпешасиз одамга доим.

Нодирабегим

Бироқ, ожиз бўлур одатда хоин.
Матонатли, саботли Ҳозик асли,
Ғазалда, созда ҳам соҳиб нафасли!
Нетармиз, майлига, бўлса ниқобдор,
Ниқобдорлар сафосин сўнги ҳам бор.
Шошилсин, майли эркинроқ бўлсин,
Адо этмоққа бурчин соғ бўлсин.
Имони не тилар, қилсин батафсил,

Шу бирлан мақсади гар бўлса ҳосил.
Кузатсинлар уни маҳрамларингиз!

К а н и з а к

Кўзимга тўтиёдир сўзларингиз.

Н о д и р а б е г и м

Валиаҳд бунда келсинлар, набирам,
Менинг ёлғиз қувончим ҳам хазинам!

К а н и з а к

*(Чапак чалади, саҳна чеккасида икки навкар кўри-
нади ва баланд овоз билан дейди уларга)*

Валиаҳдни сўрайлар Ҳокимойим,
(Уларга энди наст овоз билан дейди)
Бўлингиз даҳмай Султонда қойим.

Н а в к а р

Бўлур, бош устига, ойим, валиаҳд!

Н о д и р а б е г и м

Валиаҳд бирла сиз тонг бирла барвақт
Сафарга отланингиз — Марғилонга.
Ироқда бўлсин у ҳар эҳтимолга.

Канизак бу кутилмаган фармойишдан зарбланади, ҳайрон тикилади Нодирабегимга.

Валиаҳдни ўзингизга ва сизни —
Худога топширурман, токи бизни —
Кутурсиз Марғилонда эҳтиёткор.
Худо билсин, тагин қисматда не бор.

К а н и з а к

Худо кўрсатмасин!

Н о д и р а б е г и м

Бале, илойим!
Ридо!.. *(бирдан буюради шиддатли)*
Қайда менинг даҳми — ридойим?

Канизак зудлик билан унинг қора ридосини олиб чиқиб устига ёпади.

Борингиз, тез топинг, шаҳзодамизни,
Ироқ кутдирмасинлар бунда бизни.

Канизак чиқа туриб остонада тўхтади.

К а н и з а к

Узр устоз, дилимда бир муаммо:
Дурустдир Марғилон ҳам балки, аммо
Фалокат бўлмайин, бўлмай бадарға,
Дурустмасми, қарори Ҳожи Дарға?..

Ялт этиб бош кўтаради унга Нодирабегим. Канизак ғойиб бўлади. Аммо Нодирабегимни тагин ўша Ҳожи Дарға хаёли енгади. Чироқ ўчиб, воқеа 1808 йилга кўчади. Ёш Ҳожи Дарға Андижон теварагидаги тўқайда. Бир ойдирки, у Умархон билан Нодирабегимнинг тўйини кузатади. Бутун Фарғона мулкига берилган бир ойлик тўйнинг сўнгги кун. Йигитлар Умархон бош, овда, қизлар тўпи ҳам, ошик Ҳожи лоақал «шу ерда кўра олурман» деган умид билан пусиб юрипти. У қамишлар орасида ёлғиз, бир тўнкада ўтирибди. Унинг хаёли сўзида янграйди:

Ёш Ҳожи Дарға овози. Наҳот энди уни кўролмаман. Наҳот замона зўрники! Наҳот Фарҳодлар қисмати мажнунлик?.. Йўқ, қарорим — қарор, ўлдираман, вассалом! Иккаловини ҳам. (*Ўқ-ёйини тайёр тутиб ўрнидан туради, қамишлар орасидан ахтарди уларни.*) Бир ойдирки, мамлакатда тўй беради Умархон. Бир ойдирки мени масхара қилади. Энди ов билан тугалламоқчи шодиёнасини.

Бирдан кўргандай бўлади уларни. Аммо диққатини осмони фалакдаги бургут тортади. Ташқарида «бургут-бургут» деган овозлар эшитилади. Ҳожи бургутни мўлжалга олади, ўқ узади. «Худди ўзига тегди» деган шовқин босади атрофни. Ҳожи ўзини чакалакка олади. Аввал куёвнинг мерганлигидан хурсанд ёш Нодирабегим пайдо бўлади, кўзлари кўкда, сўнг дугоналари. Орқасидан Умархон. Бошқа томондан отлар дупури ва бир неча навкарлар бағрини ўқ-ей тешиб ўтган бургутни олиб киришади ва келин билан куёвнинг оёқларига ташлайди. Овидан хурсанд шаҳзода бургут бағридаги ўқ-ёйини суғуриб олар экан, кўзларига ишонмайди.

Ёш Умархон овози. Бу ўқ меникимас! Тагин ким ўқ узуб эди?

Ҳамма ҳайрон. Чакалакдан ёш Ҳожи Дарға чиқиб келади ва шаҳзода қўлидаги ўқ-ёйини олади.

Ёш Ҳожи Дарға овози. Шаҳзода! Сизнинг ўқингиз бургутлар кўксинимас, хонимлар кўксини яралайдиган ўқ!

Бургутни олишга эгилар экан, дарғазаб шаҳзода унинг қўлларини нағал билан босади. Навкарлар ёпирилишади унинг устига ўлимтиқдай. Нодирабегим дугоналари орасидан ажралиб чиқади ва мурожаат қилади:

Ёш Нодирабегим овози. Тегмангиз!..

Навкарлар чекинишади, шаҳзода ҳам ҳайрон, Ҳожи Дарға бургутни кўтаради ва кўзлари учрашади бир нафасга.

Ёш Ҳожи Дарға овози. Марҳаматли мамлакам!.. Наҳот камбағал муҳаббати ерда қолди?
(*Аста чекинади*)

Чироқ ўчади. Нодибарегим ўзининг аввалги ҳолатида хобхонада ёлғиз.

Нодирабегим.

Фалак, парвардигор, не кўргилик бу?
Ҳаёт авроқида не ўлгулик бу?
Наҳот булбул ҳадиси нола ёлғиз?
Наҳот кўнгил иши овора ёлғиз?
Менга етмасмиди мотамсаролик,
Наҳот етмас эди бахти қаролик?
Наҳотки Нодира, тақдир хатим шу?
Улусга, элға, юртга хизматим шу?
Шу боис берган эрдингми ғазал, соз,
Фигони ҳаддин ошсин деб сарафроз?
Авалда ваъданг эрди бахти — талъат,
Муҳаббат, боз муҳаббат, боз муҳаббат...

(*Арғанун овози*)

Менинг ёримга эй ғамгин наво, еткур каломимни,
Қим элтар сендин ўзга ёр уйига паёмимни...
Кўнгил комини ширин истадим, жоми висолидин,
Фигонким, чархи ҳижрон заҳридин талх этди
КОМИМНИ.

Қоронғу бўлди олам, дуди оҳимнинг саводидин,
Ки, фарқ этмас, мунажжим, рўзи — равшан бирла
шомимни.

Фалакдин гар шикоят ошкор этсам тонг эрмаским,
Фами ҳижрона табдил айлади айши мудомимни.
Адам иқлимида шоҳим мусофирдир, худовандо,
Манга еткур саломат Шаҳриёри неки номимни.
Саёдат хонадони, шоҳи Бобир насли покиман,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни!..

Арғанун аста тун пинжиги сингиб кетади. Нодира хаёли йироқларда...

Қанизак, эҳтимол, ҳақ, Мирзо Саркор —
Бўлур деб эрди доим икки навкар,—
Шаҳар поёнида — Дашти Тўқайда...

Парда

Тўртинчи кўриниш

Кўқон бўсағаси. Тоғ оралиғи.

1842 йил, 11-савр ойининг сешанба куни. Ойдин кеча. Кўзғолончилар қароргоҳи. Тоғ оралиғи. Кираверишда икки кўриқчи жарликнинг икки биқинида ҳушёр. Ичкарироқда навбатдаги соқчилар гулхан атрофида гурунглашиб ўтиришипти. Ҳофиз дегани ёлғиз сатода Нодирабегимнинг «Фигонким, гардиши даврон» ғазалини хиргойи қилади. Яқин ўртада от дупуси. Қора Мирзанинг шаҳар чеккасида қолдирган Елдириим исмли навқари Нодирабегимни бошлаб келади. Соқчи ёнида бешовқин тўхташади. Нодирабегим ўз ғазалининг хиргойиси устидан чиқиб ўзи четга олади ва бир оз тинглаяжagini ишора қилиб, Елдириимга рухсат беради. Елдириим Ҳожи Дарғани излаб кетади.

Ҳофиз.

«Фигонким, гардиши даврон аюрди шаҳсуво-
римдин...
Гамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан ҳоли-
зоримдин.
Диёрим аҳли мендан ёрсиз бегона бўлмушлар,
На роҳат кўргамен энди бузулғон рўзго-
римдин!
Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон чютиб, гоҳи фиғон
этдим,
Нелар ўткай бу оқшом, Нодира, жону-
фигоримдин?..

Кўшиқ давомида иккинчи соҳилда иккинчи соқчи олдида Ҳожи Дарға пайдо бўлади ва у ҳам хаёлга боғиб тинглайди. Кўшиқ тугаши билан Ҳожи Дарға соқчига мурожаат этади.

Ҳожи Дарға. Теварак тинчликми?
Соқчи. Тинч, сарбадор.

От кишнайди. Ҳожи Дарға от овози келган томонга ялт этиб қарайди ва Елдириимнинг отига кўзи тушади.

Ҳожи Дарға. Нима гап, Елдириим келдини?..

Шошиб Нодира томондаги соқчи олдига ўтади. Гурунгда чироқ ўчиб,
Нодирабегим турган сахна ёришади.

Биринчи соқчи. Шундай!

Нодирабегимга ишора қилиб четланади. Ҳожи Дарға билан Нодирабегим тўқнаш келишади. Бир неча дақиқа ҳаяжонли учрашув.

Ҳожи Дарға. Бегим! Марҳаматли Бегим!..
 Нодира бегим. Ҳожихон!
 Ҳожи Дарға. Наҳотки!..
 Нодира бегим. Ҳожихон..
 Ҳожи Дарға. Қандай саодат!..

Тагин узоқ жимлик. Бирдан Елдириим пайдо бўлади. Ҳолатни кўриб чекинади.

Халқ кўп билиб айтган: ноумид — шайтон!
 Комил умид билан шунча яшадим.
 Умид — тасаллиси экан умрининг.
 Наҳот қиёматга қолди дердим гоҳо
 Шайтон талвасага солиб..
 Хайрият!
 Имоним соғ экан, умидим комил!..
 Ўзин эзгуликка бағишлаганни —
 Ёнлаб ўтар экан ҳаттоки ўқ ҳам!..
 Ҳаққини тилаган ўғри аталди.
 Қарши қўл кўтарган шаккок, муттаҳам.
 «Ҳожи ўғри» бўлди хонга Ҳожихон,
 Эли-элатига эса, Ҳожи Дарға!
 Кимман, билолмайман, Ҳокимойимга?..

Нодира бегим
(лабида ним кулги)

Ҳокимойимга ҳам шаккок, албатта!
 Нодирабегимга эса Ҳожи Дарға!
 Балки Ҳожи калла...

Ҳожи Дарға

Маликам!.. *(шошиб)* Раҳмат!
 Уттиз беш йил шамнинг бир сиқимгина —
 Нурида «Нодира» варағлаб ўтдим.
 Шу билан овунди юрагим бир оз
 Нар юриб қисмат масхарасидан..
 Бунинг ғалаёнга даҳли йўқ албатта.
 У халқнинг, урушдан, беҳад солиқлардан —
 Зада бўлган халқнинг ғазаби эди, —
 Хонга, хоннинг бебурд тадбирларига!
 Уни севишлари шарт эмас эмиш,
 Аммо қўрқишлари шарт эмиш ундан.
 Нега қўрқиш керак экан? Ажабо!
 Унга тик қараган ҳар бир фуқарони
 Кўзига нил тортса, чопса, зиндон қилса,
 Чакса урвоғи ҳам йўқ бечоранинг —
 Ҳолига қўймаса ясавуллари!..
 Нега ҳўп деб қўрқиб туриши керак?..
 Қабзланди шундан, қўрқмай қўйди юрт,
 Адолатни дея оёққа турди.
 Маъдали ютқазди, амир қўли баланд,
 Халқи қўлламайди уни, маликам!
 Раҳмат, мавридида чиқиб олибсиз...

Нодира бегим

Лекин мен бутунлай келмадим, Дарға!
 Шаҳар галвасада, қандай келаман?

Уни фалокатдан сақламоқ керак.
Ахир, ўт олдириб қараб турмасиз?..

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Маликам, музофот ўт олиб бўлди!
Қараб ўтирмайди албатта халқ!
Урушга киради. Лекин у фақат —
Насруллонигина эмас ва балки
Супуриб ташлайди Маъдалини ҳам!
Халқ яхши кўради шоирасини,
Маликасинимас!
Минг марта узр!
У бошига етган юртни қутқариб,
Қайтиб беролмайди қўлига тағин.

Н о д и р а б е г и м

Сулҳга келмасмикин амир мабодо?

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Таслим бўлсагина Маъдали фақат!
Аmmo биз келмаймиз сулҳга мутлақо!
Бунни синаб кўрди амир ўзи ҳам,
Элчилари келиб қуруқ кетишди.

Н о д и р а б е г и м

Сўзлашиб кўрсамчи ўзим эл билан?

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Маслаҳат бермайман бунни, давлатфузо,
Раингиз қайтади, хижолат қилманг,
Таассуф қиласиз кейин умрбод.
Халқнинг ўзи ҳам йўқ...
Қўшда...
Деҳқонларга —
Қарашгани кетган ҳаммаси бу кеч.

Н о д и р а б е г и м

Қарашгани кетган?

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Қўпчилиги... шундай!
Ҳожи Фарруҳ билан Мирзо ҳам унда.

Н о д и р а б е г и м

Ҳожихон!
Наҳотки тил топмасангиз?

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Шундай онасини билмаган нодон,
Фавқулодда нодон фарзанд билан-а?
Душманин билмаган бетайин душман
Қайда, қай замонда дўстини билган?

Н о д и р а б е г и м

Тўғри, ерни тўнгдиради адолатсизлик,
Наинки одамни!

Бироқ, Ҳожи Дарға,
 Яхши бўлур эди унутмасангиз
 Уни суягидан ажратиб олиб
 Дунёга келтирган волидасини.

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Қулман, у ғаддорнинг волидасига!
 Аммо ғазабидан аламзада қул!
 Бугун Маъдалида эмас масала,
 Маънисиз ҳаётда, эртанги кунда!
 Буни бузиш керак!
 Ана шу туфайли
 Фуқаро оёқда. Кўнмайди энди
 Токи остин-устун бўлмагунича
 Уни тан олмаган ғаддор салтанат.
 Бу уруш тугайди. Лекин халқ ўйлаган —
 Уруш тугамайди, унинг дегани —
 Ўйлагани ўринламагунча!
 Бу (қароргоҳга ишора қилади).
 Ўша эртанги уруш қароргоҳи!

Н о д и р а б е г и м

(узоқ ўйга толиб).

Балки...
 Ҳақдир, ҳақдир фуқаро,
 Уни ўзгартириш керакдир балки...

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Шоҳ улки, дейди халқ, фуқаро ғами,
 Овом дарди билан тадбир юритса,
 Адолат тасбиҳи унинг қўлида
 Бир он ҳам қон бўлиб томчиламаса!
 Шоҳлик мерос, дейлар,
 Меросмикин у?..

Нодирабегим кетмоққа тараддулланади.

Илтимос қиламан, энди қайтиб борманг.

Н о д и р а б е г и м

Комил ишонч мени келтирган эди...

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Афсус!

Н о д и р а б е г и м

Минг бор афсус!

Ҳ о ж и Д а р ғ а

Кетманг!

Н о д и р а б е г и м

Алвидо!

Тез чиқиб кетади. Елдирим пайдо бўлади.

Ҳожи Дарға

Қўпроқ йигит олинг, кузатиб боринг!

Елдим отилиб чиқиб кетади Нодирабегим кетидан. Ҳожи Дарға оғир хаёлда қараб қолади ортидан.

Парда

Бешинчи кўриниш

Қўқон бўсағаси.

1842 йил, 11-савр ойининг сешанба кечаси.

Ярим тун.

Амир Насрулло чодир. Силоҳлар кенгаши тугаб. Адо билан Ҳаққули қоладилар. Адо кенгаш мазмунидан ташвишда.

Адо

Силоҳлар тарқади нохуш, нописанд,
Ноаҳил киради урушга.
Амиралмуслимин безовта бундан.
Қутқу кўринади ораларида.
Омадини берсин амиримизнинг!
Тун оғди, бу кеча шамъ еди ой ҳам.
Ун иккинчи савр, чоршанба кирди.

Ҳаққули

Остин-устун бўлди бир хато билан
Барча тайёргарлик, тадбир-тадорик.

Адо

Ҳали эрта бундай дейишга, додхоҳ!

Ҳаққули

Тахминга айланди бутун ҳақиқат...
Миниб олган эдим худди эшшакдай,
Сўйиш қолган эди Маъдалини фақат.
Худди отасидай таптайёр эди.

Адо

Аmmo нима қилди экан Канизак,
Бажардими экан...

Ҳаққули

(асабий, жавоб бермайди).

Дарға ҳақида...
Ҳеч нарса демади амир кенгашда.
Ахир у бўридай пойлаб ётибди
Асқар тоғларининг этакларида.
Бизни йўлатмайди дарбозаларга.

Адо

Хотирингиз жамъ бўлсин, амир Маъдалидек
Қалтабин, хотиржам, анойи эмас.
Канизак...

Ҳ а қ қ у л и

Канизак — Канизак!
Канизак, мавлоно Адо ҳазратлари,
Буни бажармаса, яхши билади,
Ўзининг бошидан жудо бўлишин!

А д о

Қизишманг, ҳаммаси яхши бўлади.
Аммо ўталмайин қолса бу фармойиш,
Унинг азасига кирмаса амир,
Наинки Канизак, сиз билан биз ҳам
Ҳазрат ғазабига учраймиз бешак.
Бу яқин орада Мовароуннаҳр
Амир Алишернинг хаёлидан бўлак
Хаёл кўрган эмас бу тарз беибо.
Ҳаддан ошиб кетди Нодирабегим.
Ироқлашиб кетди Ислом тариқидин,
Авом кеча-кундуз фақат хаёли.
Аёл мамлакатни сўраган эмас,
Сўраб, қилган эмас бундай ишлар ҳам.
Унинг шавкатидан нафси олинди
Улуғ ва шавкатли амиримизнинг.

Амир пайдо бўлади шипдай бўлиб хос навкарлари ихотасида. Адо билан Ҳаққулига
кўзи тушиб хаёлан тикилиб қолади уларга.

А м и р

Қўқон саркардаси... Шавкатли сардор!..

Ҳ а қ қ у л и

(қуллуқ қилади)

Амиралмуслимин!

А м и р

Бале, тонг билан
Қўқонга юрамиз!

Ҳ а қ қ у л и

Тақсир!

А м и р

Кенгашда
Атайин ҳеч нарса демадим сизнинг —
Тўпингиз ҳақида...

Ҳ а қ қ у л и

Шавкатли ҳоқон!

А м и р

Саркор, Ҳожи ўғри тўғрисида ҳам!

Иржаяди ер остидан унга. Сўнг қўлини найза қилиб дейди бирдан

Сиз борасиз унга, амирингизни —
Ҳимоя қиласиз унинг зарбидан!
Бу сизнинг Бухоро шаҳаншоҳига
Сўнгги хизматингиз бўлади!

Ҳ а қ қ у л и

Тақсир (титраб тиз чўкади олдида)

А м и р

Қўрқманг, жасур сардор, «сўнгги» деганим
Тааллуқли эмас мансабингизга.
Иккисин бошини олиб келасиз,
Сўнгра ўтирасиз Қўқон тахтига!

Ҳ а қ қ у л и

Ҳожи ўғри, амир, қирқ мингдан ортиқ,

А м и р

Ҳисобдан янглишманг, он ҳазратлари.
Ўғри ўн минг халос. Сиз эса...

Ҳ а қ қ у л и

Уч юз...

А м и р

Ўз юз сархил йнгит, шавкатли сардор!

Амир режасидан ҳайратда турган Адога ўгирилади.

Ҳазрат Шайхулислом, мавлоно шоир,
Бизнинг садоқатли фикрдошимиз?..

А д о

Илтифотларига ҳазор ташаккур!
Ғоят доно тадбир, он ҳазратлари!

А м и р

Хулосайи калом, эрта бу иҳота
Қамиш тўзгоғидай учади кўкка.
Баъдаз учрашамиз Боғи раънода,
Ўлик маликанинг хобхонасида!

Ҳ а қ қ у л и

Ҳазрат!..

А м и р

Уйлайманки, эрта мудофаа,
Ўн икки дарбоза, Қалъайи Қалон
Очирмаса керак тўплар жағини?

Ҳ а қ қ у л и

Тақсир!..

Бирдан соқчиларнинг тала-тўполон, ўров, найзалари орасида Нодирабегим бостириб
киради. Ҳаққули, Адо ҳайратда беихтиёр чекинишади. Амир унинг кимлигидан
беҳабар ҳайратда қиличига қўл югуртиради.

Бирданига чодирнинг чор-атрофидан икки юз чоғли найза ипак матони тешиб
киради. Амир ҳар бир найзага бир-бир қараб, қаршисида турган Нодирабегимга
тикилади.

Ўзига ўртук тутиб олган Нодирабегимнинг кўзи аввал амирга, сўнг ваҳимадан
ҳали ўзига келмаган икки хоинга тушади. Адо билан Ҳаққули беихтиёр қўл
қовуштириб қуллуқ қиладилар маликага турган жойларида. Ҳатто Ҳаққули пешвоз
чиқишга интилади. Адо енгидан тутиб қолади. Парвоначи шошиб киради.

Амир парвоначига ўшқиради.

Қим бу? Беижозат чодирга кирган?

Парвоначи ҳам соқчилар билан бирга ҳайратда қотиб қолади.

Қимсан? (*Адо амир ёнига етиб келади*)

Адо

Нодирайи даврон, амирим!

Амир беихтиёр чекинади ва тезлик билан ўзини йиғиштиради.

Амир

Нодирайи даврон... Мулки Фарғона?
Марҳабо... Марҳабо... Ажабо, қандай
Ташриф буюрдилар, шунча соқчилар,
Хос навкарлар билан ўраб олинган —
Амиралмуслимин қароргоҳига?

Нодирабегим

Барча таажжубда, бир амир эмас!
Демак, ҳамма нарса, амир, беистисно!
Амир истисномас ўзга амирдан!

Амир

Нодирабегимни ўраб турган соқчиларга буюради.

Бизни холи қўйинг!

Соқчилар ва навкарлар чиқишади.

Сиз ҳам!

(*Парвоначи ғойиб бўлади*)

Сизлар ҳам!

Адо билан Ҳаққули ҳам ғойиб бўлишади.
Амир ва малика қолишади чодирда. Улар ҳамон ўз жойларида.
Жимликни Нодирабегим бузади.

Нодирабегим

Амир, соҳибқирон! Диққат билан тингланг!
Менинг — сизча қилиб айтганимизда —
Салтанатга ножинс бир заифанинг
Бундай журъатига ҳайрон бўлмассиз.
Халқи, ватанини билган ҳар инсон,
Бошида фалокат булуту туриб,
Менинг аҳволимни англаса лозим!
Узоқ муҳокама қилдим, албатта.
Амир идрокига, ҳалоллигига
Таяндим, албатта, ҳаммадан аввал.
Яширинча чиқдим, махфий, Урдадан.
На Урда билади, на шаҳар буни.

Амир

(*мийиғида кулиб*)

Тасаввуримда ҳам шундай эдингиз!

Нодирабегим

Худо хайрингизни берсин, олампаноҳ,
Ҳали Уратепа, Хўжанд, Шаҳрисабзнинг —

Совигани йўқ-ку култепалари.
Тошкент, Фарғонанинг, Хўжанд, Туркистоннинг —
Бир йиллик ҳирожин бағишладик-ку.
Хутбага кирдику номингиз, ахир.
Тағин нима керак амиримизга?!

А м и р

Маъдалининг боши, сизнинг сўзингиз!
Ислом тупроғини оёқ-ости қилган
Осий бандаларни, гуноҳкорларни,
Уни макруҳ қилган, ҳаддидан ошган,
Куфр ишлар билан машғул Маъдалининг,
Ислом пешволари, уламоларнинг
Оёғидан осиб масхара қилган
Давлат найрангбози, дажжол Маъдалининг,
Унинг волийдаи муҳтарамаси,
Мовароуннаҳр ғазал мулкининг —
Ситоралигига тенгсиз даъвогар —
Ҳокимойимининг қаттиқ адабини
Бергани келганман, агар билсалар!..
Энди аввалгидек йўлдан қайтиш йўқ!
Берган ваъдангизни, қилган шартимизни
Бузди Бухорога етмасимданоқ.

Н о д и р а б е г и м

Бунга эли-юртнинг нима даҳли бор?
Масчит, мадрасалар, такия, гузарлар,
Жомеъ, кошоналар бўлмоқда вайрон.
Тутдек тўкилмоқда халқнинг меҳнати,
Еру сув, боғ-роғ, толиблар ризқи.
Аввалги суҳбатга қайтайлик, амир,
Уша шарт — шарт бўлиб қолсин, вассалом!

А м и р

Бу йўлдан қайтиш йўқ, Нодирабегим!
Эртага кирамиз тонготардаёқ.
Тартиб ўрнатамиз аввали — охир.

Н о д и р а б е г и м

Қалам билан балки, қилич биланмас?..
Хайри эҳсон эмас, инсоф сўраб келди
Қўқон маликаси сиздан, шаҳаншоҳ.
Инсоф ва шафқат!
Наҳотки иттифоқ бириккан қўллар
Қиличлар юмушин қилолмасалар?!

А м и р

Қилич бас келади фақат Маъдалига!
Унинг тилига ҳам, калласига ҳам!

Н о д и р а б е г и м

Тангри ёрлақасин, кетингиз бундан!
Разил кишиларда ақл бўлмайди,
Имон ҳам бўлмайди, бу сизга аён.
Аммо сиз ақлли, доно одамсиз.
Ҳалиги палидлар сўзига кирманг.

Паноҳ топмоқдалар сиздан хоинлар,
Малъун фитначилар, хиёнаткорлар!

А м и р

(истеҳзо билан)

Мовароуннаҳр, Нодирабегим,
Икки ҳокимликка торлик қилади:
Маъдали Насрулло бош чаноғида
Шароб сипқирмоққа қасам ичибди.
Мен ҳам қасамини қабул қилдим, яъни,
Фарғонада шундай бўрон турсинки,
Қўқондан қолмагай номи нишон ҳам!
Ана ундан кейин Маъдалихонга
На чаноқ, на шароб керак бўлади!

Н о д и р а б е г и м

Жаҳл-жаҳолатга салавот, амир!
Мамлакатларимиз бусиз ҳам нотинч,
Инглиз Афғонда ўрнашиб олди.
Уринбурх йўқотди ҳаловатини.
Саккиз йилда туққан лашкарбошингиз
Бизникига ўшаб қарқиноқ чиқди.
Бухоро бу таҳлит, Қўқон бу таҳлит,
Хива — биёбонда адашган кўзи.
Шу таҳлит иттифоқ бўлмагунимизча
Еб битиришади битта-битталаб.

А м и р

Мовароуннаҳр тупроғи узра
Бухоройи шариф Қўқон хонлигини
Таги-туғи билан инкор этади.
Қўқон қасофати афғон шўришини
Бизнинг бошимизга солмоғи аниқ...
Нима битишдингиз Қора така билан?

Н о д и р а б е г и м

Мирза Саркор менинг ўғлим.

А м и р

(сўзини бўлади)

Фарруҳчи?
Ҳожини Фарруҳ тарсо?

Н о д и р а б е г и м

У ҳам!

А м и р

(ўшқиради)

У кофир!
Мусулмон юртини бузган мусофир!

Н о д и р а б е г и м

Улар мамлакатнинг асл ўғиллари!
Қўқон истиқболи улар қўлида.
Охирги талабим, меҳмон бўлиб келинг,
Дарвозамиз очиқ поёндоз билан.

Бундай зўравонлик ташрифларини биз ҳам
Тан олмаймиз худди сизнинг сингари!..
Энди сўнги сўзим: ўғлимни беринг!

А м и р

(бир оз ўйлаб қолади)

Бераман, ва лекин битта шарт билан!
Ҳокима бўласиз Қўқонга...

Нодирабегим бирдан ҳайрон унга тикилади, ўзини ҳақоратланган сезиб.

Н о д и р а б е г и м

Кетинг!

А м и р

Ҳаж ваъда қиламан бўлмаса!

Н о д и р а б е г и м

Кетинг!

А м и р

Маликушшуаро, салтанатимда!

Н о д и р а б е г и м

Ўғлимни кўрсатинг!

А м и р

Эрта Қўқонда,
Урдада қурилган дорда кўрасиз!
Менга керак эмас малика боши,
Эгиб келган бошга ўтмайди қилич.
Кетинг!

Чапак чалади. Парвоначи киради

Маликани кузатиб қўйинг!

Нодирабегим чиқиб кетади. Найзалар ҳам тортиб олинади. Узга томондан Адо,
Ҳаққули кўринадилар секин.

Чилим!

П а р д а

Олтинчи кўриниш

Қўқон.

1842 йил, 12-савр оyi, чоршанба.

Саҳар.

Урда, Боғираъно.

Нодирабегим хосхонаси.

Канизак ёлғиз.

К а н и з а к

Қоқ саҳар. Боғираъно. Урда уйқуда.
Фақат тунқотарлар уйғоқ худудда.
Узоқлашиб кетди хос навкарларим..
«Ун икки, боз ўн икки, боз ўн икки...»
Бугун ўн иккинчи савр, чоршанба, ҳамма,

Ҳамма нарса, ҳамма дарбозалар
Меҳмон қадамига тайёр, мунтазир!
Фақат навкарларим...

Шипдай бўлиб икки навкар пайдо бўлишади.

Б и р и н ч и н а в к а р

Навкарларингиз,
Вазифаларини адо этдилар!

Канизак кўзларида ўт чақнаб кетади ва тўрт томонга мушукдай ташланиб, кузатиб чиқади, ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач навкарларга яқинлашади.

К а н и з а к

Наҳотки!.. Даҳмада, оврагта ёлғиз?

И к к и н ч и н а в к а р

Узингиз айтгандай, султон Умархон —
Даҳмаси ёнига бориб яшириндик.
Оз ўтмай тиловод овози келди.
Малика, тагин бир нотаниш аёл.
Аврод тугаши ила нотаниш аёл
Аста узоқлашди Ҳокимойимдан.
Ҳокимойим эса уни кутибми,
Узоқ ўтирдилар даҳма бошида.
Аёл ҳа деганда қайтавермади.
Тагин бир оз кутсак ой чиқадиган.
Кутиб ўлтирмадик...

Б и р и н ч и н а в к а р

Саранжом қилдик,
Эри оёғида ўлиги қолди.

К а н и з а к

(сесканиб бир оз жим қолади)

Одам ходис тагин ногаҳон бирон —
Шарпа тушмадими изларингиздан?

Б и р и н ч и н а в к а р

Ҳеч қанақа шарпа!

И к к и н ч и н а в к а р

Биз юрган йўлда
Юргани қўрқади одам боласи.

Б и р и н ч и н а в к а р

Фақат бўри юрар биз юрган йўлдан.
Бундан хотирингиз жам бўла қолсин.

К а н и з а к

Бале, энди навбат валинеъматга!
Кўздан қочирмангиз, қоча кўрмасин!
Улиги керакмас амирга унинг.

Б и р и н ч и н а в к а р

Икки гап ортиқча!

И к к и н ч и н а в к а р
Бир гап етади!

К а н и з а к
Мени кафил билинг беклигингизга!

И қ к а л о в и
Доим пойингизда азиз бошимиз!
(Чиқишади, Қанизак тагин ёлғиз).
У менга меҳр қўйди, хобхонасида —
Тутди, ҳатто севиб қилқалам этди.
Барча битикларин заррин қаламда,
Котиблар, роқимлар, наққошларига,
Комил халкорларга тартиб этдирдим.
Ё ҳазрат, не қилиб қўйдинг, Қанизак!..
Энди кутиб олиш керак амирни!..

(Чиқади)

Тонг ёришиб боради. Қанизакни бошлаб Ҳозик кириб келади, ташвишда.

Ҳ о з и қ
Кириг, қаранг ҳозир хобхоналарин.
Уйғотинг, ғоятда зарур гапим бор.

Қанизак кириб чиқади хобхонага.

К а н и з а к
Ҳокимойим йўқлар, ўринлари бўш.

Ҳ о з и қ
Қайда эканларин ёлғиз сиз биласиз.
Қайда Ҳокимойим, айтинг, яширманг.

К а н и з а к
Бугун ҳарамдайдим аксига олиб.

Ҳ о з и қ
Ярим тундан бери излайман уни.
Асти қидирмаган жойим қолмади.
Антар-тўнтар қилдим бутун шаҳарни.
Лоақал англантинг тириклигини.

К а н и з а к
Султон даҳмасига кетган эдилар.
Бироқ қайтмадилар шу вақтгача.
Ҳозик синчковлик билан унга тикилади ва сўрайди.

Ҳ о з и қ
Нечун бормадингиз у киши билан?
Ахир ҳар гал бирга борар эдингиз.

К а н и з а к
Юмуш топширдилар бу сафар менга,
Йўл тадорикини кўргин девдилар.

Қайтиб келгунимча, валиаҳд билан.
Йўқса, бориш керак даҳмага...

Ҳозик

Қўйинг.

Афсуски, малика даҳмада ҳам йўқ.

Канизак ташвиш билан Ҳозик гапининг давомини кутади.

Билгимча, даҳмага боргани йўқ у.

Канизак

Уғли олдидадур. Баъзан она-бола
Тун оққунча узоқ ўтиришади.

Ҳозик

Лекин тонг отмоқда, ҳа демай азон.

Увайсий кириб келади.

Увайсий

Ассалому алайкум!

Ҳозик ва Канизак

Салом!

Увайсий

Нима гап?

Ҳозик

Узр, тонг саҳардан безовта қилдим.

Махмур билан Гулханий кирадилар.

Махмур ва Гулханий

Ассалому алайкум, мавлоно!

Ҳозик

Салом!

Узр, сизларни ҳам бевақт уйғотдим.

Нодирабегим йўқ!

Канизак йиғлай бошлайди, бошқалар ҳайрон.

Кеча кетганича...

Даҳмага кетдим, деб кетган, вассалом.

Қарамаган жойим қолмади, бироқ,

Ҳеч қайда изи йўқ, ҳатто...

Ҳаммалари

Ё раббий!

Гулханий

Ҳеч қандай из йўқми хобхонада ҳам?

Канизак

Қандай из бўлиши мумкин, мавлоно?

Гулханий

Менинг хаёлимдан, худо сақласин...

Ҳозик

Уғирлашиб кетган деб ўйлайсизми?

Махмур

Бу ёвдан, мавлоно, ҳамма нарсани,
Ҳамма разолатни кутса бўлади!

Ҳозик

Муболаға бўлди, мавлоно, бу гап.

Махмур

Балки муболаға... Балки амри маҳол.

Ҳозик

Билмайди ҳаттоки бирон пойлоқчи.

Увайсий

(хаёлан)

Йўлбарс боласини тутмоқлик учун
Йўлбарс уясига кирмоқлик керак...

Гулханий

(ял этиб унга қарайди)

У кишининг иборалари!

Увайсий

Хавотирда эди султон Маҳмуддан.

Ҳозик

Мана шундан эди энг катта хавфим.
Мен сизга бир сирни ечишим керак:
Кечаги машъум хат хаёлингизда,
Ҳаққули хоинга Адонинг хати,
Амирнинг фармони, Ҳокимойимни —
Тирик кўрмоқчимас шаҳарга кириб.
Кимдир бажармоғи керак эди буни.
Бажарди бу кеча...

(Ҳамма даҳшатда).

Ҳамма

Ё раббий!

Ҳозик

Бироқ,
Ҳокимойимнимас, даҳма бошида —
Олима отинни сўйиб кетишди.

Увайсий

Олима отинни?

Канизак

(даҳшатда)

Олима отинни?..

Ҳозик

Қотиллар янглишган қора ридода
Қора тун қўйнида юрган отинни —
Уйлашган шубҳасиз Ҳокимойим деб.

Ҳокимойим эса, сўз бериб унга,
Нечундир йўл олган номаълум ёққа.
Наҳот бемаслаҳат юзланган бўлса —
Йўлбарс уясига?!

Ма х му р

Гумоним ҳам йўқ!

Гул х а н и й

Тезроқ хабар бермоқ лозим Мирзога!

У в а й с и й

Йўқ, асло! Уғлига айтмоқлик керак!

Ҳ о з и қ

Буни қила кўрманг!

(қаттиқ тикилади Увайсийга)

Хон билмай турсин.
Мавлоно Гулханий тўғри дедилар,
Ҳабар бермоқ керак Мирзо саркорга.
Йўлда ушлаб қолур балки Мирзо саркор.
Тулпор отлардан бирига мининг.
Учингиз уларнинг қароргоҳига.

Гулханий зудлик билан йўлга чиқади.

Ма х му р

Демак, Ҳаққулининг одамлари уйғоқ,
Пичоғи яланғоч ҳаромиларнинг.
Саркорнинг гапига кирмадилар кеча.
Амуғдор ялинди зиндонда саркор.
Унаш керак эди. Халқ хавотирда.
Саркор, Ҳожи Фарруҳ зўрға кетишди
Худди Ватанини йўқотганидай.

У в а й с и й

Қандай қадрлайди мамлакат уни!

Ҳ о з и қ

У, мамлакатини...

К а н и з а к

Қандай қадрлайди!

Ҳ о з и қ

Тонг ёришиб қолди, етиб борайлик
Мавлоно, шўрликнинг жанозасига.

Кетишади. Увайсий билан канизак овозсиз йиғлаб қолишади. Бирдан шовқин кўтарилади ташқарида, кўзида ёш билан валиаҳд Муҳаммадамин кириб келади.

Му ҳ а м ма да м и н

Қани менинг Момом, не бўлди унга?
Нега арк хафақон, ҳарамда йиғи,
Урда, Боғираъно қора либосда?

Увайсий ҳам, Канизак ҳам тезда кўз ёшларини артишади.

К а н и з а к

Шаҳзода, тинчланинг, момомиз тирик,
Аркни ғамга солган Олима отин.

М у ҳ а м м а д а м и н

Қани маликаси Фарғонамизнинг?

У в а й с и й

Балки дадангизнинг олдиларида.

М у ҳ а м м а д а м и н

Дадамнинг?.. Мен ҳозир!..

К а н и з а к

Шаҳзода!

Муҳаммадамин кетаётган ерида тўхтади.

Шошманг,
Дадангиз, шаҳзода, бунда эмаслар.

М у ҳ а м м а д а м и н

Нечун яширасиз мендан момомни?
Ким у қўл кўтарган Қўқон тожига?
Жодуда қирқаман у мурдор қўлни,
Чиркин калласига сомон тиқаман.
Қани бакавуллар?

Чапак уради. Ҳеч ким йўқ. Тагин чапак уради. Ҳеч ким кирмайди.

Нима, улар ҳам?
Ташлаб кетдиларми бизни?

К а н и з а к

Шаҳзода!..

М у ҳ а м м а д а м и н

Хўш, қани бўлмаса момом?

У в а й с и й

Ҳозир келадилар, тинчланинг, болам.

М у ҳ а м м а д а м и н

Тавба, келмадилар бу кеча менга,
Ухладим момомнинг ғазаларисиз.
Туш кўрдим. Тушимда момом оқ отда,
Тамом оқ либосда, қўлида шамшир —
Амир чодирига кириб борганмиш.

К а н и з а к

Ҳа!.. (бирдан чўчиб ўзига келади).
Кечиринг, Шаҳзодам. Қўрқиб кетибман
Ўнгингиздами деб.

М у ҳ а м м а д а м и н

Нега қўрқасиз?..
Агар чиндан шундай бўлган бўлса-чи?..

Қилич яланғочлаб?.. эсингиздами,
 Овда дадамдан ҳам яхши отганлари
 Учиб бораётган бургутни кўкда?
 Ушанда ҳам оппоқ отда эдилар.
 Олиб юрар экан бобом жангларда,
 Момом ҳам ўзини аямас экан.
 Қайхисравни қумлар қаърига қувган
 Тўмарисхонимни кўп эслайдилар.
 Ҳавас қиладилар унга ҳамиша.
 Эртақ бошласалар ундан, гоҳида
 Тонг ёриб кетади...

У в а й с и й

Ақлингга балли!
 Унинг жасорати, тадбиркорлиги
 Энка-тенкасини чиқарган ёвнинг,
 Номин эшитганда тўхтаган душман,
 Севаман массагетлар маликасини!
 Унинг идрокини, жасоратини!

К а н и з а к

Аммо ҳалок бўлган!

М у ҳ а м м а д а м и н

Йўқ, пошшаойим! *(ўқрайди унга бор кучини
 йигиб).*

Аввал ҳалок этиб, сўнг ҳалок бўлган!

У в а й с и й

У, унга, унга эл ҳавас қилади,
 Бошига кўтариб севиб, ардоқлаб!
 Уни, уни ҳеч ким ўлдиролмайди!

йиглаб юборади, тагин. Муҳаммадамин унга ёпишади.

М у ҳ а м м а д а м и н

Сиз қўрқманг Увайсий, мен бор, ҳеч қўрқманг,
 Тўмарисни сақлолмаганлар,
 Ҳалок бўлган фарзандлари ҳам,
 Нодирабегимнинг фарзандлари кўп,
 Шарқдан Мағрибгача, Шомдан Самарқанд!
 Биз сизни, Навоий деганларидек,
 Бақавл Ватандек, кўз қорасидек
 Асраймиз!..

У в а й с и й

Умрингдан барака топкин!

М у ҳ а м м а д а м и н

Душман ҳаддан зиёд. Каттаси аркда!
 Момомнинг рақиби мавлоно Ҳозиқ!

У в а й с и й

Шаҳзода! *(қўрқиб кетади бу гандан).*

М у ҳ а м м а д а м и н

Гапим ҳақ, исботи тайин.

Мен уни жонгашта билардим бизга!
 Салтанатимизга келганидаёқ
 Маликушшуаро кўтарди момом.
 «Зарринқалам» унвон муборак бўлди.
 Жадаллашиб кетди тилларда номи.
 Бадкирдор одатда шундай бўлади,
 Шундайин киради ишончингизга.
 Сўнг ишга тушади Адо сингари,
 Аввал яхшиларни йўлдан олади,
 Яъни кучлиларни, фозил, зукколарни.
 Қатл этадилар сўнгра бирма-бир,
 Ё зиндон абадий, ёки бадарға...

У в а й с и й

Шаҳзода!

М у ҳ а м м а д а м и н

Гапим ҳақ, исботим тайин!
 Яхши ният билан келмаган Ҳозиқ.
 Ҳатто тилимизни ўрганганда ҳам
 Махфий ният билан ўрганган, яъни,
 Момомни бобомдан тортиб олиш учун!

Увайсий кулади.

Кулманг, отинбуви, Бухородан у
 Бекорга келмаган. Момомни алдаб,
 Фарғона тахтига қасд қилиб келган.
 Мана сизга исбот, ўров, Адо хати!
 Излаган иккинчи Ўрда хоиннингиз,
 Такрор айтаманки, Ҳозиқ, фақат Ҳозиқ!

У в а й с и й

Ё тавба, қай гўрдан бу даҳшатли гап?
 Тағин фитна-фасод!

М у ҳ а м м а д а м и н

Йўқ, бу фитнамас.

У в а й с и й

Қим айтди?

М у ҳ а м м а д а м и н

Гулханий, Бобомнинг содиқ маҳрами!

У в а й с и й

(узоқ ўйлаб қолади)

Гулханий... Гулханий қайдан билибди?

К а н и з а к

Менга ҳам бир маҳал айтган эди у.
 Аммо тусмол эди фақат.

У в а й с и й

Тусмол билан
 Ёмон бўлиб кетди қанча яхшилар.
 Яхши биладилар уни момонгиз.

К а н и з а к

Яхши кўрадилар...

Муҳаммадамин
(қичқиради)

Ҳақорат бу гап!

К а н и з а к

Мен ундай демадим, узр, шаҳзода,
Айтганингиз тўғри анча қув одам.
У уста қирқмоққа одам пайини.

У в а й с и й

(ташвишда)

Бир нарса бўлганми сизга, Пошшахон?

К а н и з а к

Даҳма фожиаси фақат шунинг иши!
Шовқин солишини қаранг маккорнинг!
Ҳақ эканлар тағи он ҳазратлари.

Амир Насруллоҳон чодирдаги ридосида Нодирабегим пайдо бўлади

У в а й с и й

Маликам, бормисиз?.. Оҳ, иншооллоҳ!

К а н и з а к

Қаро бўлди кўзимга икки дунё.
Н о д и р а б е г и м

Узр, ёшингни артгил, мен тирикман.
Тирикман, тупроғимга севгиликман.
Тағин кимни кўмурлар тонг саҳарлаб?

Ҳамма жим, ерга қарашади.

Кўзим Ҳозиққа тушди тўпда...

У в а й с и й

Ё раб!

Н о д и р а б е г и м

Нечун жимсиз?

У в а й с и й

Афу, давлатфузо...

Н о д и р а б е г и м

Ким?

К а н и з а к

Бечора Олима...

Н о д и р а б е г и м

(ҳайратда)

Қандай, худойим!
Бечора Олима, отин, фаришта?
У бор ер доимо эрди саришта.
Фалак, Монийнафас, зарринқаламлик
Бу қандай шўришу танглик, аламлик!
Қаерда?

К а н и з а к

Даҳмада, авродда!

Н о д и р а б е г и м

Қандай?

У в а й с и й

Бақавли бир тутам озурда шамдай.

К а н и з а к

Уша сиз излаган иккинчи хоин!
У сиз деб ўйлаган авродда, ойим!

Н о д и р а б е г и м

Не даҳшат, не фалокат бошимизда!
Мадад бергин ўзинг бардошимизга!..
Сўрарсиз қайда қолдинг деб бутун тун?..
Мени домига тортди пири малъун!
Бу кеч озурда куйдим бениҳоя,
Элим дардини туйдим бениҳоя.
Тугаб тоқат, тугаб дарёи сабрим,
Ва токай тортаман деб дард жабрин,
Амир бирлан йўлиқдим... тикка бордим.

Ҳамма бу гапдан ҳайратда тикилади унга.

Нечук ҳайратдасиз?

Ҳа, якка бордим.

Дедимки, бир ўлимдир битта бошга,
Ва ўйлаб топмадим ҳеч чора бошқа.

У в а й с и й

Нечун лозим эди бу хил таваккал?

Н о д и р а б е г и м

Таваккал гоҳи кўп тадбирдан афзал
Қулоғим кар қилолман энди ортиқ,
Кўзимни кўр қилолмаман энди ортиқ!
Кўриб кўрмасга олдим душмангани,
Қаро қилдим очиқ юзла ғанимни.
Мени кўрди — замон ҳайратда қолди,
Не ҳайрат, бир нафас ақли йўқолди.
Ураб олди ўйин машъум чигал ип,
Бу бемаврид, кўнгилсиз, чакки ташриф...
Тамоман лол эди у, толеимга...
Ишонмасди, менинг танҳолигимга.
Менимча, наздида гўёки девор —
Ураб олган эди чодирни саркор.

У в а й с и й

Наҳотки, аждаҳо комида ёлғиз?

К а н и з а к

Наҳотки дилфузо, ёлғиз эдингиз?

М у ҳ а м м а д а м и н

(шавқ билан)

Момом Фарғонанинг порлоқ қуёши!

К а н и з а к

Омон бўлсин ойимнинг тилла боши!

Остонада Ҳозиқ кўринади ташвишли, орқасида Махмур, Гулханий.

Ҳ о з и қ

Ҳалокат оғзида шавкатли Урда!

Н о д и р а б е г и м

Нима?

Ҳ о з и қ

Даҳшатли Насрулло шаҳарда!

Парда

Еттинчи кўриниш

Қўкон. 1842 йил, 12-савр ойи, чоршанба. Тонг.

Урда. Боғи жаҳонаро. Амир Насрулло тахтда. Тўғрида тахмон. Тахмоннинг икки томонидан — деворда иккитадан тўртта қозиқ. Қозиқларнинг бирида Маъдалихон, иккинчисида Султонмаҳмуд, учинчисида Ҳаққулининг кулоҳлари осиглиқ. Тахмон тагида юмшоқ курсида Нодирабегим ўтирибди. Унг томонда Увайсий, чап томонда Канизак тик туришибди, унга қараб. Улар шоиранинг ҳар дақиқа ҳушдан оғиш ёки йиқилиши эҳтимолидан хавфдалар. Атрофларини посбонлар ўраб олишган. Насруллохон тарафда Адо, Иброҳим парвоначи, ундан нарироқда Ҳозиқ. Ҳозиқ ҳам посбонлар ўровида.

Амир Насруллохон ўрндан туриб Адо ёнига келади ва унинг қўлтиғидаги «Нодиранома»ни олиб varaқлайди. Кумуш патнисда келтирилган шаробни нари итариб дейди.

А м и р

Энди бас!..

Каниз патнисга тўкилган шароб билан чекинади. Амир китобни varaқлайди.

Куллиёт... (Адога ўғирилади).

Қандай китоб экан?

А д о

(истеҳзода)

Ислом исматига отилган кесак!

А м и р

Яъни?..

А д о

Яъни, ғоят куфур ғазаллар!
Ғалат маснавийлар, ғалат фикрлар!
Ғалат ишоралар Гулханиёна!

А м и р

Гулханий?

Парвоначини қидиради кўзлари чақчайиб.

П а р в о н а ч и

Гулханий; қочган, амирим!

А м и р

Демак, набирангиз Гулханий билан?

Нодирабегимга ўгирилади.

Шундайми, маликам! Бўлмаса қайда?

Нодирабегим жим.

Айтинг шошилиброқ!

Нодирабегим

Билмадим!

А м и р

Елғон!

Ушлаб турган китобининг биринчи варағини йиртиб ўтга ташлайди. Нодирабегим ўр-
нидан туриб кетади. Увайсий авайлаб ўрнига ўтқазади уни.

У в а й с и й

Амир! Ёлғиз нусха...

Ҳозикнинг орқасида турган Ҳайратхўжа ўзича дўнғиллайди.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Кошки бу муттаҳам — илм-маърифатнинг фарқи-
га борса.

А м и р

Айтинг, тезроқ айтинг, қайда валиаҳд?

Нодирабегим

Албатта, кўрурлар уни, шаҳаншоҳ,

(истеҳзо билан кулади)

Ҳ а й р а т х ў ж а

(тагин ўзича дўнғиллайди)

Озод қилганида шаҳрини сендап,
Қабрга тортганда!..

А м и р

Айтинг қаерда?

Тагин бир варағини йиртади китобнинг. Нодирабегим яна турмоқчи бўлади ўрнидан.
Аммо қайта ўтқазишади, мулозим киради. Парвоначига шивирлаб тик қотади.

Нима гап?

П а р в о н а ч и

Элчилар сўрашяпти

Ҳузури муборак қабулингизни.

А м и р

Мен бунда ортиқча узоқ турмайман.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Албатта!

А м и р

Тартиб ўрнатгунча сабр қилишсин.
Кейин қабул қилур бўлажак ҳоким!

(илжаяди)

Малика ўзлари, рози бўлсалар...

Нодирабегим ўзини зўрға тутади зардадан.

Ким экан уларнинг ўзлари, қайдан?

П а р в о н а ч и

Фаранг, Миср, Эрон, Ҳинд элчилари.

А м и р

Савдогарлармидур?

П а р в о н а ч и

Йўқ-йўқ, элчилар!

Ҳ о з и қ

Шоҳид бўлишмоқчи қонли қирғинга.
Қандай ўлдирмоқда бир-бирини деб
Бир она, бир ота ўғил-қизлари!
Қонли қозиқларга осилганларни
Томоша қилмоқчи ҳориж ахкомлар.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Балли, балли, Ҳозиқ!

Ҳ о з и қ

Қўрқманг, кучингизни кўрсатинг, амир!
Ахир очилмаган қандай сир қолди,
Қандай шармандалик қолди ўртада?
Ярим Фарғонани тигдан ўткардилар,
Қирпичоғ қилдилар ярим Қўқонни.

А д о

Улар кўришмоқчи ғолиб амирни!

Ҳ о з и қ

Йўқ, улар қассобни, амирни эмас,
Подишоҳни сўйган, бола-чақасини —
Қирғинбарот қилган каззобни!

А д о

Нодон!

Ҳ о з и қ

Ва лекин хоинмас!

Н о д и р а б е г и м

Мавлоно Ҳозиқ!..

А м и р

(Пичинг қилади Нодирабегим орқали Ҳозиққа)
Толдириб қўйибсиз Ҳозиқни анча,
Йўқотиб қўйибди калавасини.
Бундай эмас эди буюк Бухорода,
Мадрасайн олий имоматда.
Мулла Жунайдулла маҳдум эдилар —

Иззатда, шаҳоншоҳ илтифотида.
Аммо тузларини эламадилар,
Нимайди, мавлоно, ақидалари?

Адога мурожаат қилади. Адо эҳтиёткорлик билан аввал Ҳозиққа, сўнг
амирға қараб жавоб қилади.

Адо

«Эл юкин, нодон эмас, эл бирла эркак тортади,
Эл гамин у доимо эл бирла бешак тортади...»

Амир

Давоми, мавлоно... Ёдингиздадур?..

Ҳозиқ

(Адони кутмай давомини ўқийди)

«Ҳар қўринган ранжини тортмоқдин асра эй, худо,
Кори Ҳозиқмас бу юк, бу юкни эшшак тортади!»

Амир

(қаттиқ кулади, заҳарханда билан)

«Кори Ҳозиқмас бу юк, бу юкни эшшак тортади».
Иккимиз ҳам унда ўспирин эдик,
Асти тушунмадик бир-биримизга.

Ҳозиқ

Ёлғон, тушунганмиз мадрасадаёқ!
Насрулло бошқайди, Ҳозиқ мутлақо!
Ҳозиқ шоир эди, Насрулло жаллод!

Амир

Лекин хизматига кирди шаккокнинг,
Шаккок ҳукмдорнинг салтанатига!

Ҳозиқ

Фирдавс монанд аёл тасарруфига!

Амир

Бале!

Фирдавсмонанд аёл элати!..
Шу сабаб ўзига қолдирмоқчимиз.
Кеча маликага ҳаж ваъда қилдим,
Ҳажни рад этдилар, астағфируллоҳ!
Сўнгра ваъда қилдим ҳокималикни.

Ҳозиқ

(даргазаб)

Икки фарзандининг мурдасигами?

Амир

(эътиборсиз бир маромда)

Қабул қилмадилар уни ҳам оғим,
Маликушшуаро...
*(Адога кўз қирини ташлайди. У эгилиб маъқулла-
лайди)*

Ваъда этдим сўнгра,
Бухоройи Маъруф салтанатига.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Безбетликни кўринг!
Кўнма, маликам!

А м и р

Алишер Бойқаро салтанатининг
Тожи бўлганидек тож бўлинг сиз ҳам
Амир Насруллонинг салтанатига.
Тўпланг фозиллару шуароларни.
Ташриф буюрсинлар етти иқлимдан,
Куйланг Бухоронинг маҳобатини,
Унинг матлабига бағишланг ўзни.
Буёғи Ажамга, буёғи Балхга,
Буёғи Мисрга кетсин номингиз!

Ҳамманинг диққати Нодирабегимда. У Насруллога узоқ тикилади. Ҳамон унинг
гўзал жамолида заҳарханда нимадир демоққа умтиладию, лекин демайди.

Нечун индамайсиз, Нодирабегим?
Сизни, Ўрдангизни, мамлакатингизни
Инқироз қаҳрига, рўбарў қилган,
Нодон, мансабпараст, фарзандларингизни
Айриб майдонда қирпичоқ қилган
Ҳаққулининг ҳам, ана боши қозикда!
Менга ҳам панд берди нодоннинг боши,
Қора такага ҳам бас келолмади.
Тоғ оралиғида қопқонга тушиб,
Ўзи қочиб келди ит боласидай...
Кеча Тўмарисни эсга солдингиз,
Тўғри, Тўмарисга ўхшашингиз бор.
Аммо Тўмарисга ўхшаманг, мен ҳам —
Кайхисрав бўлмайин!

Н о д и р а б е г и м

Кайхисрав, амир,
Эсингизда бўлса, чўлда малика —
Қопқонига тушиб, боши чопилди.
«Мана энди қонга тўяқол» дея
Солдилар-да уни қон тўла мешга,
Итлар талашига улоқтирдилар.
Иложи бўлганда, лекин, ўхшардим!
Гумроҳда қолдирди мени хиёнат!

А м и р

Хиёнат... Малика, бу хиёнатмас.
Бу идрок ўйини!

Н о д и р а б е г и м

Инсон бошига,
Мамлакат бошига битган фалокат!

А м и р

Еқиб тугатамиз, демак китобин?!

(Қўлидаги китобга ишора қилади)

Айтинг, қайси бири маъқул, малика?

Нодирабегим

Амир, ким бўлади Шоҳмурод сизга?

Амир

(хайрон тикилади, бу жумбоқомуз саволдан шубҳаланиб)

Шоҳмурод?

Бирдан икки навкар Муҳаммадаминни олиб кириб келишади. Амир кўзлари яшнаб кетади.

Маликаи киром! Мана валнаҳд!

Хайратхўжа

Аттанг!..

Тамом бўлди энди салтанат.

Амир

Ўлжасини кўриб қолган бўридай кўзлари ёнади, қўлидаги ҳалиги китобни Адога улоқтиради, Муҳаммадаминга тикилади.

Гулханга! Гулханга ташлангиз бун!

Увайсий

Мавлоно!

Ҳозиқ

Мавлоно!

Адо амир улоқтирган ҳалиги китобни ташқарига отади.

Адо

Гулханга ташланг!

Ҳозиқ

Хайф сизга санойи нафис, мавлоно!

Увайсий

Бун қилолмасди тўрт мучали соғ!

Муҳаммадамин

(Момосини поспонлар ўрвида кўриб югуради)

Момо, момогинам!

Посбонлар унинг йўлини тўсишади. Нодирабегим даҳшатда ўрнидан туради

Нодирабегим

Муҳаммадамин!

Нечун, қайда эдинг, қайдан топишди?

Муҳаммадамин

Марғилон йўлида тутишди бизни.

Нодирабегим

Гулханий, Гулханий қаерда қолди?

Муҳаммадамин

Саркорга юбордим, Мирзо саркорга!

Но ди ра бе гим
Унга тегманг, амир, у норасида!

А м и р
Жаллод!

Но ди ра бе гим
(қалқиб туради ўрнидан)
Раҳм қилинг, амир, ё раббий!

Му ҳ а м ма да мин
Менинг отам қани?
(Амирга тикилади).

Но ди ра бе гим
Муҳаммадамин!
Му ҳ а м ма да мин
Момо! Менинг отам, Фарғона хони,
Уни (амирга бармоғини нуқтайди).
Жангда чопиб ўтини ёрган
Соҳибқирон қани?

А м и р
(бўкиради)
Жаллод!

Му ҳ а м ма да мин
(қичқиради)
Жавоб бер!

Жаллод пайдо бўлади. Жаллод олдига бостириб боради у.

Шошма, улгурасан! (Амирга). Жавоб бер, амир!

А м и р

Бола билан олишмоқни ўзига ор билиб, ғазабини ютади.

Бухоройи шариф уламолари,
Уламоий аъло ва ҳазалқийс —
Пешволари салтанатингизни,
Отангизга берган фатволаргача
Бекор эълон қилди. Уламоий киром
Отангизни, яъни Маъдалихонни
Аҳкоми исломдан юз ўгирди деб,
Уни унутди, деб фатво киритди!
У энди жамоа Исломияга —
Амирмас, шарирдур ва кофири лайн!
Шу боис жазосин топди фарзи айн!

Қозикларга ишора қилади. Муҳаммадамин жовдираб қозикларга интилади.

Му ҳ а м ма да мин
Дада, давлатпаноҳ!...

(узоқ тикилиб қолади отасининг қозикдаги бош кийимига. Ўзига келгач амирга нафрат билан қичқиради!)

Бадавий иблис! (аламига чидолмай тиз чўкади ва қаттиқ ҳўнграб йиғлайди. Ғазаб билан тикланади амирға).

Бешбел камзулликлар!
Ҳайратхўжа

Улма, қотирдинг!

Амир

Жаллод!

Муҳаммадамин

(унга қараб келаётган жаллодга)

Тақилма!
Оллони ёдингдан чиқардинг ўзинг!
Мени ўлдиришга ҳаддинг йўқ, амир,
Улим йўқ салтанат таомилида
Мамлакатнинг сўнги валиаҳдига!
Қўқонни фатх этдинг фирромлик билан!
Менгамас, ўзингга тўртинчи қозиқ!

Амир

Қарчиғай экансан, бола!

Муҳаммадамин

Боламас!..
Мен бола эмасман, Қўқон хониман!
Мамлакат хунини талаб қиламан!

Амир

Шароб!

Шароб келтиришади. Бирданига икки чинни шаробни тагигача сибқоради.

Салласини олинг бошидан!

Нодирабегим

Амир (қичқиради). Елбораман!..

Бирдан тиз чўкади курсидан тушиб.

Ҳозиқ

Амир!

Нодирабегим

Уволку...

Амир

Нон увол, шоира, кўрнамак эмас!
Бу ҳам кам аслида бу хонадонга!
Бажаринг, бўйинини узинг жодуда!

Олиб чиқиб кетадилар Муҳаммадаминни жаллодлар. У жаллодлар қўлида кетатуриб Ҳозиқни ўровда кўради ва ҳайратда бир момосига, бир унга ўгирилади ва Ҳозиққа дейди.

Муҳаммадамин

Қиёматга қолди узрим, мавлоно!

Амир тамомила ҳолдан тойган, аммо ҳамон юзидан заҳархандаси йўқолмаган Нодирабегимни ҳайратда кузатади ва тепасига келади

А м и р

Бўшашманг, маликам, ҳали эртароқ!
 Ҳали сўрадингиз менинг бобомни.
 Яъни Шоҳмуродни, қулоғим сизда?

Нодирабегим бу даҳшатли хунхорликни енгмоққа интилади, ёв олдида бош эгмасликка ҳаракат қилади, зўр-базўр тикланади ва унга узоқ тикилади.

Н о д и р а б е г и м

Манғитшоҳ!..

Амир сесканиб тисарилади.

Маъжуси сулалосининг —
 Мукулмон бошига битган яраси!
 Шарқни чигирткадек кемирган разил,
 Қонхўр Чингизхоннинг, яъжуж-маъжужларнинг —
 Тўқол хотинидан бўлган ҳароми!

Ҳ а й р а т х ў ж а

Ёмон йиқитди-ку Нодирабегим!

А м и р

Жаллод!

Икки жаллод келиб Нодирабегимни икки кўлидан тутлади. Парвоначи Муҳаммадаминнинг бош кийимини тўртинчи қозиққа илади. Нодирабегим парвоначининг кўлидаги набирасининг бош кийимини мўлтиллаб кузатади. Амир ҳамон ҳайрат билан тикилади Нодирабегимнинг жасорати ва ҳолатига.

Шароб беринг! Шароб, ҳудайчи!

Шароб келтиришади. Кўзлари Нодирабегимдаю тағин икки коса шаробни симиради.

Гисубурида!..

Аёнлар ҳаяжонда, жаллод Нодирабегимнинг сочини қирқиб олади

Тахмонга!

Тахмонга уриб ташлангиз!

Жаллодлар Нодирабегимни тахмонга олиб боришади. Нодирабегим ҳамон мағрур, жаллодларни итариб ташлаб тахмонга ўзи кўтарилади. Гувала олиб келишади

Уринг!

Ҳ о з и қ

Амир! (қичқиради).

У в а й с и й в а к а н и з а к

Амир, шаҳаншоҳ!

К а н и з а к

Худо ҳайрингизни берсин, шаҳаншоҳ!

Оёғига йиқилади, этикларини, оёқларини ўпиб япинади.

А м и р

Йўқол, кўзларимга кўринма, қўрқоқ!
 Шунини ҳам удалай олмадинг, ахир!

Ҳ о з и қ

(ёқасини ушлайди)

Ё раббий!

У в а й с и й

Канизак! *(Бақириб юборади).*
 Демак, Канизак?
 Ичимизда юрган илон, алвасти?!

Н о д и р а б е г и м

(босиқ).

Қарғаманг, арзимас қарғишингизга!
 Ё раббий!

А м и р

Қимирланг тезроқ, йўқотинг!

Гувала уришни тезлатишади, девор Нодирабегимнинг кўкрагигача чиқади.
 Кутмаганда шоира қаҳ-қаҳ отиб кулади.

А д о

Малика, кеч бўлур, бирига кўнинг!
(Малика тагин қаҳ-қаҳ солади).

Н о д и р а б е г и м

Разолат мулкининг ўлаксалари!

А м и р

Тезлатинг!

Н о д и р а б е г и м

(яна кулади).

Манғитшоҳ!

Бирдан шовқин кўтарилади орқада. Парвоначи киради шошиб.

А м и р

Нима гап ўзи?

П а р в о н а ч и

Халойиқ! Сўрайди шоирасини!

А м и р

(жаллодга ўгирилади).
 Бузингиз!.. Жодуда чопинг бошини!
 Қўқон қуёшини!..

Нодира тагин кулади унинг устидан.

Ҳ о з и қ в а У в а й с и й

Амир, шаҳаншоҳ!

Ҳ о з и қ

Эсингизни йиринг!

А м и р

Тез бўлинг, чопинг!

Канизак югуриб бориб Нодирабегим оёғига йиқилади, унинг оёғини, этагини йиғлаб ўпа бошлайди. Нодирабегим этагини тортиб олади унинг оғзидан.

Нодирабегим

Упма этагимни, жаллод оёгини,
Этагини ўпган жирканч оғзингда!

Жаллодлар шоирани олиб чиқиб кетишади. Орқасидан Увайсий югуради. Ҳозиқ интилади. Остонада Увайсийнинг елкасига суюнар экан Нодирабегим, унга келаётган Ҳозиққа майин табассум билан «келманг» ишорасини қилади.

Нодирабегим

Алвидо, севикли, мавлоно!

Кўздан йўқолади. Ҳозиқ турган жойида туриб қолади. Ташқарида шовқин кўтарилади. Увайсийнинг фарёди эшитилади. Амир парвоначига бақиради.

Амир

Бошини келтиринг!
Шароб, қон, шароб!

Шароб келтиришади, чиннини қўлга олар экан, ташқаридан жаллод тилло баркашда қора мато ёпилган Нодирабегим бошини келтиради.

Очинг!..

Жаллод Нодирабегим юзидаги қора матони олади. Боши гисубурида қилинган шоира ҳамон аввалги таҳлитда амирга қараб кулиб турар эди. Амир сесканиб орқага тисарилади. Унинг қулоғида бирданига Нодирабегимнинг ҳалиги қаҳ-қаҳаси янграйди.

Олиб кетинг! Олинг!

Ҳайратхўжа

Узи ҳам тугади ахири келиб...

Жаллод олиб кетади бошни. Аммо амир қулоғида Нодирабегимнинг қаҳқаҳаси ҳамон янграйди. Узини қаерга қўярини билмай қозиқларга отилади. Адога, Ҳозиққа, жаллодларга интилади жинниларча. Қаҳқаҳа ҳамон таъқиб этади уни. Парвоначи югуриб киради.

Парвоначи

Амир, шаҳаншоҳим, шаҳарда Дарға...
Ҳожи Дарға кириб келмоқда жадал!

Парда

1970—1978.



Константин Тенякшев



Русчадан Ҳ. НИЁЗОВ таржимаси

ҚИССА¹

Ревизор келяпти

ХАЙНЦ Шварцман ўзининг каттакон иш столида ўтириб, Берлиндан келаётган меҳмонни кутиб олиш режасини баён қилди. Кабинетда Келлер билан Золенбауэр бор эди.

— Штандартенфюрер Штиллерни жойлаштириш масаласига келсак, менинг фикримча, бир неча вариантни кўриб чиқишга тўғри келади. Биринчидан, бизнинг меҳмонимиз ўз қариндошиникига қўнишни истаб қолиши мумкин. Мен сизнинг холангизни назарда тутяпман. жаноби Золенбауэр. Бу ҳолда биз ишлайдиган бинодан унга фақат кабинет тайёрлаб қўйишимиз лозим бўлади. Бордию у алоҳида туришни хоҳлаб қолса, битта яхши хос хонани танлаб, уни муносиб суратда жиҳозлашимиз лозим бўлади.

— Мен ўйлайманки, жаноби комендант, Генрих почча қайнэгачисини хафа қилгиси келмайди. Биз битта алоҳида хонани аллақачон тахт қилиб қўйганмиз.

— Қандай қилиб тахт қилиб қўясиз? Сиз унинг келишини билатуриб, бу қувончли янгиликни мен билан баҳам кўрмадингизми?— дея елкасини қисди Шварцман.

— Мени кечиршингизни сўрайман, жаноби майор, хат менинг номимга эмас, балки Марго холамнинг номига келган, шунинг учун ҳам унинг шахсий, борингки, оилавий сирини очишга менинг ҳаққим йўқ эди.

— Ҳа, ҳа, албатта. Бу ҳолда фрау Васкиндерга ҳавас қилишдан ўзга иложимиз йўқ. У шундай олий даражадаги меҳмонни кутиб олиш бахтига сазовор бўлибди. Қалай, ул-бўлдан камчилик йўқми.

¹ Давоми. Боши журналнинг 11-сонига.

— Бахтга қарши, камчилиги бор,— деди қимтиниб Золенбауэр.— Бу тўғрида гапириш ноқулай.

— Дадил бўлинг, қисинманг, азиз дўстим! Нимадан қийналяпсизлар?

— Бизда озиқ-овқат масаласи жуда ёмон.

Шварцман кулиб юборди.

— Мен ётоқхона учун янги гарнитур, ёки шунга ўхшаш бир нарса талаб қилсангиз керак, деб ўйловдим. Озиқ-овқат масаласида ташвиш тортманг, сизлар керакли нарсалар билан таъмин қилинасиз, бизнинг меҳмонимиз, тўғрироғи, сизларнинг меҳмонингиз, кейин мамнун бўлади. Бўпти! Бу масалани муваффақиятли суратда ҳал қилдик, деб ҳисоблаймиз. Фақат бир нарса, Штиллернинг бу ерга нима мақсадда келаётгани қоронғи бўлиб қолмоқда.

— Рус авиацияси ҳужумида биз берган катта талафотлар билан боғлиқ эмасмикан,— деди Келлер ўз тахминини ифодалаб.

— Унчалик эмасдир. Бунақа ҳужумлар фронтда оддий воқеа-ку. Эҳтимол, сизнинг соҳангиз бўйича келаётгандир. Келлер, Берлиннинг диққатини тортадиган бирон иш борми, бўлмаса?

— Сотқин немис капитани ҳақидаги хатимни олиб, шунини текширишга юборишдимикин?

— Бошқа ҳеч нарса йўқми?

— Менимча, ҳеч нима... Агар битта арзимаган нарсани ҳисобга олмаганда...

— Мен энди бўшманми, жаноби комендант?— дея сўради Золенбауэр.

— Утиринг, Василий, Давом этинг, Келлер!

— Шаҳарнинг қаеридадир партизанлар радиостанцияси ҳаракат қилмоқда.

— Ҳали сиз шунини арзимаган нарса деб ўтирибсизми?! — деди Шварцман тажанглашиб.— Дарҳол радистни топиб, ушлаб олиш керак!

— Ушлаб олиш керак!— дея илжайиб қўйди Келлер.— Айтишга осон. У ҳар сафар янги тўлқинда эфирга чиқади, бунинг устига кечаси пеленгатордаги радистларнинг диққати сўнган пайтда чиқади...

— Штиллер билан ораларингда бўладиган гапни тасаввур қиляман!— деди Шварцман кинояомуз.— Ҳавас қилиб бўлмайди.

Остонада оберлейтенант Вайс пайдо бўлди.

— Жаноби майор, ҳузурингизга бургомистр Сердечний келаяпти!

— Бошқа вақт қуриб кетган эканми!— деди энсаси қоғиб Шварцман.

— Зарур иши бор экан.

— Майли кирита қолинг.

Сердечний оғир тахта яшик кўтариб кириб келди. Иккинчи яшикни орқама-орқа Духовников кўтариб келарди.

— Бу нима?— деб сўради комендант ҳайрон бўлиб.

— Портлатгич!

— Менга қаранг, нима учун сизлар портлатгич кўтариб юрибсизлар?

— Яхшиям уни мен олиб келдим,— деди Сердечний.— Агар у ёқда қолганида ёмон бўларди.

Сердечний ўзининг Асқар томонидан ремонт қилиниб тузатилган «Мерседес-бенц»ида шаҳар ташқарисига борганини, кўприк олдида аллақандай одамларни, уларнинг шубҳали ҳаракатларини пайқаб қолишганини сўзлаб берди.

— Қим биринчи бўлиб кўрди у одамларни?— деб сўради Келлер.

— Менинг шоферим. У, бу ерда қандайдир нопок бир иш бор деган фикрни айтди ва кўприкни текширишни таклиф қилди. У ёққа югу-

риб кетди-да, бир яшик портлатгич кўтариб қайтиб келди. Энди, дейди, хавфли эмас. Иккинчи борганида Духовников билан кетди ва иккинчи яшикни олиб келишди.

— Демак, одамларни шофер кўриб қолди? — деди Келлер аниқлаб.

Сердечнийнинг назарида бу савол штурмбанфюрер томонидан, қандайдир урғу билан берилгандек бўлди.

— У шофергина эмас, балки ажойиб механик ҳам. Ҳатто сизнинг мутахассисларингиз рад этишган машинани у тузатди.

«Балким мен Асқарни беҳуда мақтаётгандирман, — дея ўйлади Сердечний. — Шоферимни тортиб олиб қўяди энди...»

— Афтидан яхши йигит экан. У ҳақда менга кейинроқ батафсил гапириб берасиз, ҳозир кўприк билан шуғулланиш керак. Казимир Петрович, мен шахсан, сиз жасорат кўрсатгансиз, деб ҳисоблайман.

— Ҳа, ҳа! — дея қувватлади штурмбанфюрерни комендант. — Мен сиз тўғрингизда Берлинга хабар қилиб, мукофотга тавсия этмоқчиман. Кўришгунча хайр, Казимир Петрович, муваффақият тилайман. Тортинмай тез-тез кириб туринг. Айтмоқчи, уйингизга телефон ўрнатишганми? Йўқ? Бу яхши эмас. Мен ҳозирок кўрсатма бераман. Афтидан, сиз ҳам жаноби Золенбауэр, қариндошингизнинг келиши муносабати билан телефон ҳусусида ўйлаб кўрсангиз бўларди.

— Сизга яна бир бор муваффақият тилайман, жаноби Сердечний.

Шварцман столдан туриб келиб, Сердечнийга қўлини берди, лекин бургомистр билан унинг соқчиси эшикдан чиқиб кетишлари биланоқ, дастрўмолини олиб кафтларини қайта-қайта артиб ташлади.

Келлернинг агенти

ПАртизанлар лагерида болаларнинг пайдо бўлиши билан ташвиш кўпайди, хусусан доктор Вячеслав Дмитриевич Хрулевнинг иши кўпайиб кетди. Кичкинтойлар ертўлаларга жойлаштирилиши билан Хрулев замполитнинг ҳузурига келиб, унга мурожаат қилди:

— Биласанми энди, Роман Николаевич, болаларга боғлиқ операцияни сен яхши ўтказдинг, сут билан боғлиқ операцияни амалга ошир.

— Сут ташувчи машинага заявка беришим керакми? — худди ўшандай ҳазил оҳангида жавоб қилди комиссар.

— Сут ташувчи машина ўз йўлига-ку, лекин сигир керак.

— Нима, менинг сигир фермам борми бу ерда? — дея тажанглана бошлади Роман Николаевич. — Биз, азизим, Вячеслав Дмитриевич, жанг қиялпмиз, ҳайвонларни урчиатаётганимиз йўқ.

— Шу туфайли операция ҳақида гапиряпман-да. Сигир топиб келиш керак. Топгандаям, бир-икки литр сут бериб, бўлди энди деб туррадиган унақа-бунақа хашакисини эмас, балки рекордчисини топиш керак.

— Бу шайтонларни қара! — деди Роман Николаевич кейинчалик буни Ермолинга гапириб бериб. — Болалар учун «операцияга» розилигимни айтишим биланоқ, Феофанов битта сигирни дарахтга боғлаб, аллақачон соғиб ўтирибди... Ундан: «Қачон улгура қолдинг?» — деб сўрасам, «Биз, ўртоқ замполит, рухсат сўрашдан олдин имкониятни ўрганиб чиқдик. Бу ерда, ўрмонда, деҳқонлар молларини яширишган. Ана шулардан қарзга олиб қўяқолдик-да...» — деб жавоб берди.

— Қойил! — деб юборди Ермолин қўлларини ёзиб. — Бунақа отаналари билан болакайлар энди ҳеч нарсага муҳтож бўлишмайди. Умуман, сенга айтишим керакки, операцияни аъло даражада ўтказишган. Айтганларидай, талофат бермай.

— Деярлик,— дея хўрсинди замполит.

— Деярлик деганинг — тагин қанақаси?..

— Мен Иноземцевни назарда тутаяпман. Хаёли ўзида эмас. Немислар қизининг қонини сўриб ўлдиришганини эшитгандан кейин, таъсир қилган шекилли. Унга қараш қўрқинчли. Бардош беролмайди, деб қўрқаман.

— Сен у билан гаплашдингми?

— Нима дея оласан, бу ўринда. Гапиришга сўз тополмайсан.

— Топиш керак.

Командирнинг ертўласида дам олиб ухлаб ётган «Петр» уйғонди. Ухламаган бўлиши ҳам мумкин. Кечаги тонгдаги ҳаяжони ҳали босилмаган, ҳамон уни таранг тутиб турарди. Елкасидан шинелини ташлади-да, ўрнидан туриб ўтирди.

— Иноземцев билан мусибат ҳақида гаплашмаслик керак,— деди суҳбатга қўшилиб.— Мусибат — мусибат-да, унга кўникмай бўлмайди. Лекин ёлғиз одам учун бу жуда қийин нарса. Ҳозир эса, Иноземцев ёлғиз.

— «Петр» тўғри айтди,— дея бош ирғади Ермолин.— Иноземцев ўрмонда ёт одам, отрядда расман туради. Буни тушунмаслиги мумкин эмас.

— Сен уни отрядга қабул қилишга тайёрмисан? — деб сўради командирдан Роман Николаевич.

— Тайёрман! — деди Ермолин қатъий қилиб.— Фақат буни Иноземцевнинг ўзи ҳал қилиши лозим.

— Мана ҳозир ҳал қилсин, ҳал қиладиган бўлса,— деб маслаҳат берди «Петр».— Жуда хонаси келиб турибди. Ё биз билан, ё бўлмаса қизини ўлдирган одам билан бўлсин.

Ермолин ўрнидан турди — баҳайбат, тунд эди.

— Иноземцевни чақир!

Замполит ертўладан чиқди-да, бир лаҳзада Иноземцев билан қайтиб келди.

Иноземцевнинг афтига қараш қўрқинчли эди. Бир кечада йигирма йилга қариб қолибди, сочида ок кўпаймаган-у, лекин бутун танаси бўжмайиб, кифти чўкиб кетибди. Юзи худди кўйган одамникидай қорайиб кетган. Сўник кўзларини бўшлиққа тикиб турарди.

— Утир, Лукьян Панкратевич,— деди Ермолин.

Иноземцев қўли билан деворни ушлаб, «Петр» ўтирган катга оғир чўкди.

— Сени иш билан безовта қилдик,— дея тушунтирди Ермолин.— Гарчи операциядан кейин дам олиш кераклигини тушунсак ҳам...

Иноземцев қўлини бўшгина силкиб қўйди, бу билан худди, шу лаҳзада дам олиш пайтими, дегандёк, силкиб қўйди.

— Бизнинг ишимиз шундан иборатки,— деди Ермолин, бир фурсат тўхтаб туриб давом этиб.— Биз сени отрядга аъзо қилиб олмоқчимиз. Сен операция пайтида халқ ҳалоскорига муносиб иш кўрсатдинг...

— Мумкин эмас! — деди Иноземцев зўр-базўр.

— Нима учун мумкин эмас? — дея қўлларини ёзди Ермолин.— Бирон кимсанинг партизан бўлиш-бўлмаслигини биз ҳал қиламиз.

— Бари бир мумкин эмас.

Ертўлага оғир жимлик чўкди.

— Мен жосусман,— деди Иноземцев.— Немис жосуси...

Жимлик янада зиллашди.

— Келлер мени бу ерга сир ўғирлаш учун юборган. Мени суд қилиш керак, отрядга қабул қилиш ўрнига... Суд қилиш керак!

— Сен Келлернинг агенти эканлигини биз биламиз,— дея жа-

Воб берди Ермолин, гўё гап бошқа бир нарса ҳақида кетаётгандек, хотиржамлик билан.

— Биламиз деганингиз қанақаси? — деди Иноземцев ҳайрон бўлиб. — Шундай бўлса ҳам, сизлар менга ишониб, топшириқни бажаришга юборавердингларми?

— Ишондик.

— Раҳмат... — Иноземцевнинг овози тўлқинланиб кетди. — Раҳмат.

— Хўш мана, Лукьян Понкратьевич, энди сен партизан отрядининг тўла ҳуқуқли жангчиссан. Бизнинг мақсад ҳамда вазифамизни, аминманки, биласан: босқинчилар билан курашиш, кучимизни ва жонимизни ҳам аямай охиригача курашиш.

— Биламан. Ҳаммасига тайёрман...

— Сиздан, Лукьян Понкратьевич, алоҳида куч-ғайрат кўрсатиш талаб қилинади, — деди «Петр».

— Тушунаман. Гуноҳимни ювишим лозим.

— Ҳеч нарсани ювиш керак эмас. Виждонингиз буюргангани қилинг. Сиз Келлер билан яккама-якка олишишингиз керак бўлади.

— Қўлимдан тирик қутулиб кетолмайди у.

«Петр» Иноземцевнинг елкасидан кучди.

— Бу алоҳида жанг бўлади, Лукьян Понкратьевич, яширин. Келлер сизга қандай топшириқ берган эди?

— Топшириқ? Ҳа, айтмоқчи. У айтдики, мени отряд билан боғлиқ немис капитани қизиқтиради, деди.

«Петр» Роман Николаевич билан кўз уриштириб олди.

— Немислиги аниқми?

— Ҳа.

— Келлер билан қачон ва қаерда учрашишларинг керак?

— Тўппа-тўғри уч кундан кейин, энди эса икки кундан кейин.

— Нега бунчалик шошилишч? — деб сўради Ермолин.

— Мен ҳам унга айтдим... Лекин у ўз сўзида туриб олди.

«Жаноби штурмбанфюрер шошиляпти, ошиқяпти. Афтидан, унча ҳаловатда яшамаётганга ўхшайди, — деди «Петр» фикран. — Келлернинг ҳаракати менинг қадрли холам Маргарита Францевнанинг қариндоши келиши билан боғлиқ эмасмикан? Василийнинг эътиборини шунга тортиш керак...»

— Учрашувга Келлернинг ўзи келадими ёки бошқа бировни юборадими? деб сўради Роман Васильевич қизиқиб.

— Билмадим. Ўйлашимча, унинг ўзи келмайди, хатарли.

— Кимни юбориши мумкин?

— Хюгелни юборса керак! У унинг ўнг қўли.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, — деди «Петр». — Биринчи учрашув бу — даставвал Иноземцевни синаш бўлади. У нима билан тугайди — номаълум, шунинг учун йўқотган тақдирларида ачинмайдиган одамни юбордилар. Биласизми, Лукьян Понкратьевич, боринг-да, Келлернинг вакилини қандай қилса яхши кутиб олиш мумкинлиги устида ўйланг, биз ҳозирча ўша немис капитанининг қиссасини тўқиб турамыз.

Иноземцев чиқиб кетгач, «Петр» хурсанд бўлиб деди:

— Биринчидан, Келлер устидан ғалаба билан табриклайман! Ҳаммасидан кўриниб турибди, Иноземцев яхши одам, сиз билан биз янглишмапмиз. Энг муҳими — энди Келлер билан ўйинни бошлаш керак. Уни қандай ўтказишни ҳозир ҳал қиламиз, чунки мен кечаси кетишим керак. Марказнинг кўрсатмасини, одатдагидек, Татьяна Александровна менга эшиттиради... Дарвоқе, уни кузатишаётганини текшириб кўриш керак.

— Эслатганинг яхши бўлди. Кечир, «Петр», мен бунақа одатдан

ташқари масалага тақалиб ўтаман...— деб гап бошлади Роман Николаевич.— Биласанми...

— Нега бундай чўзасиз, мухтарам комиссарим? Бу сизга ярашмайди,— деди «Петр» ва негадир ҳаяжонланиб кетди.

— Гап шундаки, Татьяна Александровна унча-бунча одамлардан эмас, топилмайдиган одамлардан. Унинг кўнгли тўла меҳр. Салга жа-роҳатлаб қўйиш мумкин...

— Тушунмадим, нимага шама қиялсиз? — деди «Петр» ҳайрон бўлиб.— Уни хафа қилиш ҳаёлимга ҳам келмаган эди...

— Мен олдини олиб гапиряман,— деди уялиб Роман Николаевич.

— Ҳар нарса юз бериши мумкин.

— Ҳеч нарса бўлмади, бунга ишончим комил.

— Агар ундай бўлса, яхши...

Гапга Ермолин аралашди.

— У сени севади «Петр».

— Нима?

— Роман Николаевич билан бизга шундай бўлиб туюлди.

— Туюлди?

— Бунақа нарсани ҳеч ким бегоналарга айтмаслиги ўз-ўзидан равшан. Лекин у сенга жуда бошқача муносабатда бўлади. Исмингни аллақандай энтикиш билан тилга олади. Бирон фалокат бўлмасайди, деб хавотир олгани-олган. «Петр», «Петр»ни оғзидан қўймайди... Сен у ўзини жинниликка солиб, латга-путга кийиб юрибди деб қарама унга. Бизлар бошқа Татьянани биламиз-ку, ахир. Унинг ҳусни ҳозир ҳам шундоқ билиниб туради. Разм солсанг бас.

— Нима, сизлар мени уйлантириб қўймоқчисизларми? — деди «Петр» елкасини қисиб.

— Уйлантиришга-ку, уйлантирмаймиз-а... Сен ўзингнинг алоқачингга меҳрибон бўлишингни истаймиз. Тасодифан кўнглини оғритиб қўйма деймиз. Сен ахир маълум, чўрткесар, қўрс бўб кетасан, сенинг бир оғиз қўпол гапинг Татьяна учун ўлим...

Кўнгли олиниб, сал довдираб қолган «Петр» ланг очиқ эшик туйнугига индамай қараб қолди. Кейин уҳ тортди.

— Сизлар менинг қўл-оёғимни боғлаб қўйдинглар.

— Нима билан боғлаб қўйибмиз? — деди Ермолин тушунмай.

— Шу биланки, энди мен иш ўрнига ўз алоқачимнинг хулқ-атвори ҳақида ўйлашим лозим. Ана холис хизмату мана холис хизмат.

— Сиз эса ўйламанг — деди Роман Николаевич,— Фақат у одамга меҳрибон муомалада, эҳтиёткор бўлинг.

— Начора, ҳаракат қиламан,— деди «Петр» алам қилиб.— Келлинглар, шу билан шахсий масалалар муҳокамасини тугатамиз. Навбатдаги гап — Келлернинг иши.

У «Петр»ни қоронғи жар ичидан туриб чақирди.

— Қўрқма, мен Татьянаман.

Бу ибора атроф тинчлик, пастга тушиш мумкин, деган маънони билдирарди.

Одатда «Петр» алоқачи деган сўзни шунчаки қайд қилиб қўя қолар, унинг оҳангига қулоқ солмасди. Бугун эса, у овозига эътибор берди. Паст, сал-пал ҳаяжонли овоз. Нимаси биландир таъсир қилди.

У шовқин солмасликка ҳаракат қилиб, пастга тушди-да, кутилмаганда Татьяна Александровнага урилиб кетди. У юқорида кўринмай шундоққина сўқмоқда турган экан. У унинг елкасига тегиб кетди шекилли.

— Ахийри келдингиз,— деди Татьяна Александровна,— мен энди сизни кўрмай ўтказиб юбордим, деган хаёлга бораётувдим. Ҳозирча

уйингизга бормаслигингиз керак. Кўчада немислар бор. Томида ҳалқаси бор машина турибди.

— Бу пеленгатор машина! — деб тушунтирди «Петр».

— Мен ҳам худди шундай деб ўйладим. Шаҳардаги радиостанцияни қидиришяпти. Неча кундан бери излашади уни.

— Қайси кўчада?

— Ҳалиги бор-ку, Прокофий Филиппович турадиган кўча: Ушанда-да.

«Демак, эшитиришни сезиб қолишибди,— дея ўйлади «Петр». — Бирон муддатга жимиб туриш керак».

— Прокофий Филиппович турган жойда узоқ навбатчилик қилишадими?

— Икки-уч соат.

— Ҳамиша кечасими?

— Биринчи марта — кечаси... Кетгунларича кутиб туришга тўғри келади.

— Шу чуқурликда-я?

— Меникида,— деди Татьяна Александровна уялиб.— Юринг!

У «Петрни» қўлидан ушлаб форнинг олдига олиб борди. Улар ичкарига эмаклаб киришди. Фор шунчалик кенг эканки, унда бемалол тик туриб юрса бўларкан. Бу ердан бошқасига киришди, кейин учинчисига — энг кичкинасига ўтишди.

Татьяна Александровна қандайдир ҳуфияхонадан шаъм қолдигини олиб ёқди.

— Утиринг,— дея таклиф қилди у.

— У қандайдир тўнка устига ўтирди, атрофга кўз югуртирди. Фор анча шинам қилиб қўйилган. Уртада тахтадан ясалган стол турар, девордаги қорайиб турган токчаларда майда-чуйда, қақир-қуқир териб қўйилган. Деярли хона десаям бўлади.

— Сиз балки, бу фор қаердан пайдо бўлди, деб ҳайрон қолаётган бўлсангиз керак?... Бир вақтлар мен ҳам ҳайрон бўлганман. Мен ўқитувчиман, ахир, айни пайтда, катта пионервожатий эдим. Болалар билан «уруш-уруш» ва «изқуварлар» ўйнардик. Яна бошқа кўп ўйинлар ўйлаб чиқарардик. Шунда ер ости йўлларига дуч келганмиз. Буларни ким ва қачон қазиган, билолмай қолдик...

Ёнаётган шаъм шуъласидан деворда ғалати кўланкалар ўйнаб-сакрашарди.

Фор, тун, липиллаб ёнаётган шаъм — буларнинг ҳаммаси кишини аллақандай сеҳрли оламга олиб кетарди.

— Ҳақиқатан ҳам сирли жой экан,— деди «Петр», Татьянанинг гапига қўшилиб.— Одамлар бу жарда яширинадиган жой яратганларида қандайдир мақсадни кўзда тутган бўлсалар керак, Балким, улар қароқчи бўлгандирлар?

— Қим билади дейсиз? — деди Татьяна Александровна, елкасини учириб.— Ҳеч қанақа из йўқ. Даставвал бу ерга келганимизда, гулхан изларини кўргандик. Анча илгари ёқилган гулхан. Бироқ муз давридан қолган гулхан эмас, ҳарқалай. Умуман форнинг кавланганига унча кўп бўлмаган, афтидан, Гражданлар уруши даврида қовланган бўлиши мумкин. Биз фор ҳақида баъзи бир нарсаларни биладиган одамнинг изини топди-гу, лекин ишни охирига етказолмадик, немислар ҳалақит бериб қолишди. Урушдан кейин текширишни давом эттирамиз. Башарти, тирик қолсак, албатта...

— Нима учун сиз, башарти тирик қолсак... деб маънос гапирасиз? — деб сўради «Петр».— Сиз ўз келажагингизга ишонмайсизми?

— Нега ишонмас экансан... Келажак ёрқин ва қувончли. Лекин биз урушдамиз-ку, ахир.

— Урушдамиз,— деди «Петр» бош ирғаб.— Бироқ ўзига олдиндан ҳукм чиқариб қўймаслик керак.

Татьяна Александровна бошини қуйи эгди, қаровсиз сочлари юзига ёпирилиб тушди. У сочларини орқага силкиб ташлади-да, «Петр»га қараб тикилиб қолди. У хира ёруғликда унинг фақат кўзларининг оқини кўрди. Ва улар оқ учқунлар сочиб ёнаётгандек туюлиб кетди унга.

— Ҳар бир одам ўзида аланга олиб юради,— деди Татьяна Александровна, секингина,— у гулхан қанчалик ёрқин бўлса, уни ўчириш шунча қийин. Сизники сингари жуда ҳам ёрқинларини ўчириш мумкин эмас. Мана шу шаъм сингари қолдиқлар эса, шамол сал эсса, бас, ғойиб бўлади.

— Сиз ўз тўғрингизда гапиряпсизми? — дея сўради «Петр» юраги бетланқирамай.

— Билмайман, эҳтимол...

— Агар ўз ҳақингизда бўлса, унда қиёслаш учун шаъм қолдиғи тўғри келмайди. Сиз қилаётган иш жуда ҳам муҳим, у кўп кишилар учун зарур. Сиз бўлмасангиз, биз бамисоли қоронғи тунда тимирскиланиб қоламиз. Нур унча ёрқин бўлмаса ҳам, лекин у ягона ва уни ўчириб бўлмайди.

У «Петр»нинг гапига қулоқ солиб ўтирар, жуда ҳам диққат билан қулоқ солиб ўтирар эди. «Петр»нинг сўзлари унинг учун алоҳида маъно касб этмасди-ю, лекин бу сўзларни бошқа биров эмас, худди у айтаётганлиги Татьянага хуш ёқар, унга қувонч келтирар эди.

«Петр» буни фаҳмлади-ю хижолат тортиб кетди. «Мен унинг тўйғуси учун миннатдорлик юзасидан кўнглини овляяпман чамаси,— деб ўйлади у.— «Унинг дилини нега менга очишди? Табиийлик, бегидрлик ғойиб бўлди...»

«Петр» Татьяна Александровнадан нигоҳини бошқа ёққа олиб қочди. Татьяна ҳушёр тортди.

— Менинг ролимни сиз ошириб юборяпсиз. Шаъм қолдиғи яқинда ўчади. Немислар энди менга қараб-қараб қўймоқдалар. Ёки менинг дардимга ишонмаяптилар, ё бўлмаса ортиқ даражада қаттиқ ишонадилар. Жинни одам жонга тегади, у ҳалақит беради. Бир куни мен иккита солдатнинг олдидан ўтиб кетдим-да, одатдагидек лабимни буриштирдим ва хахолаб кулиб юбордим. Бусиз мумкин эмас, сўққа бош ёш хотин ҳамма вақт бир тегишиб кўриш хоҳишини уйғотади. Немислардан биттасига хахолашим ёқмадим, ёки бўлмаса ўша солдат жаҳлдор эками — автоматини силтаб менга ўқталди. Тепкини шартта босиб, танамни илма-тешик қилиб ташлаши ҳеч гап эмасди. Жиннини ўлдиришнинг жавобгарлиги йўқ, унга ҳатто миннатдорчилик билдиришлари мумкин эди. Улар Германияларида жинниларни йўқ қилиб ташлашади. Татьяна Александровнанинг умри шундай арзимаган нарса баҳонаси билан тугаши ҳеч гап эмасди. Яхшиям бошқа солдат тўхтатиб қолди... Сиз тагин шаъмни ўчириш қийин деб айтасиз. Осон, «Петр», жуда осон.

— Бу тасодиф.

— Албатга тасодиф. Лекин мен, худди шундай, кутилмаганда, менга тасодифан ўқ тегишини истаган бўлардим.

— Сиз қийналяпсизми?

— Буни нима деб аташни билмайман,— деди у, бир лаҳза ўй суриб тургандан кейин.— Алам қилади... Ҳамма сени жинни деб ҳисоблайди, болалар ҳам жинни Татьянани кўриб қолгудек бўлсалар, орқаларига қарамай тирақайлаб қочадилар, менинг собиқ ўқувчиларимнинг оналари ташқари эшикни занжирлаб оладилар. Уткинчилар менинг угада кийим-кечагимга жирканиб қарайдилар, мендан ҳазар қиладилар. Мен ўзимни одам деб ҳис қилсмайман, шунинг учун ҳам мен баъзан

аслида қандай бўлсам, энди одамлар олдида шундай туrolмасам керак, деб ўйлаб кетаман...

Татьяна Александровна йигламади, лекин «Петр»нинг назарида бу аёлнинг кўзларида ёш йилтиллагандай туюлиб кетдию шивирлади:

— Таня...

У титраб кетди.

— Сиз нима қиялсиз? Нима учун?

Унинг кўнглини кўтариш, тетиклантириш учунмикан, у Татьянанинг кўлларини олиб, кафтида қисди. Таня кўлларини тортиб олди.

— Раҳмингиз келдими... Бу даҳшат...

— Йўқ, нима учун энди... мутлақо ачиниш эмас. Мен сиз ёлғиз эмаслигингизни, сиздаги нарса шам ёлқини эмас, аланга, қайноқ аланга эканлигини билдириб қўймоқчи эдим...

— Қани энди шундай бўлса.

Татьяна Александровна ҳўрсиниб қўйди.

— Мен мунофиқликдан қўрқаман.

— Бу тўғри.

— Миннатдорман.

— Мен ўзимни сизнинг дўстингиз ҳисобласам бўладими? — деб шивирлади «Петр».

Таня энди йиглаб юборди. Бу йиғи аччиқ йиғи эмасди. У гўё алам ва кўнглида чўкиб ётган оғир тошдан халос бўлгандек, севинганидан йиғларди. Узининг бутунлай кўнгли бўшлигидан уялиб, юзини кафтлари билан тўсиб олди.

— Таня!

— Қўйинг...

Юқоридан кимларнингдир оғир қадам товушлари эшитилди.

— Немислар.

Узуқ-узуқ, хирилдоқ гаплар эшитилди.

— Улар нима дейишяпти? — дея секин сўради Татьяна Александровна. «Петр» кулоқ солди.

— Партизанлар ҳақида... Улар шаҳарга яқинлашиб келишига ишонишмаяпти, шунинг учун шаҳар атрофида юриш беҳуда, яхшиси, қайтиш керак, дейишяпти.

Қадам товушлари тингач, «Петр» Татьяна Александровнадан сўради:

— Патруллар бу ерда тез-тез бўлиб турадими?

— Биринчи марта.

— Госпиталга ҳужум қилингандан кейин тунги қоровуллик жорий этган бўлишса керак?

— Балки.

— Қайтишларини кутиб турадими? — деб сўради «Петр».

Татьяна Александровна ўрнидан турди.

— Йўқ, агар немислар яна бир марта айланиб чиқишга қарор берсалар, бу камида бир соатдан ортиқ вақтни олади, биз Маргарита Францевнаникига етиб олишга улгураемиз. Утира туринг, мен ҳозир қараб келаман.

У гордан чиқди. Бир дақиқа қаергадир ғойиб бўлиб кетди, кейин овоз берди:

— Чиқаверинг!

«Петр» пастга энгаши ва кўлларини ерга деярлик тегар даражада горнинг оғзи томон йўналди.

Келлер билан учрашув кечки соат бешга мўлжалланган эди. Тушдан кейин бир гуруҳ партизан буталар ичига яшириниб, штурмбанфю-

рерни кута бошлади. Иноземцев яшириниб олган баланд буталар орасидан шаҳардан чиқиб келадиган йўл яққол кўриниб турарди. Келлер ёки ўз ўрнига юборадиган одам ўша йўлдан келиши лозим эди.

Унта кам бешда йўлда ҳафсала билан ниқобланган: устига яшил доғлар чапланган, ёнларига қора чизиклар тортиб, булутни эслатадиган аллақандай суратлар солинган «амфибия» кўринди. У катта тезликда ўрмон томон физиллаб келарди. Кичкина чакалак олдида машина пастқамликка бурилди-да, у ерда тўхтади.

Иноземцев яширинган ердан пастлик кўринмас, шунинг учун ҳам «амфибия»да ким ўтирганини билишга имконият йўқ эди. Лукьян Панкратьевич шаҳардан «меҳмон» келганлигини, у ҳозир машинадан тушишини фаҳми билан биларди.

Иноземцев Келлерни кутарди. Ҳар ҳолда гестапо бошлиғининг ўзи келишига умид боғланганди. Машинадан Хюгель тушди. Бор-йўғи Хюгелнинг ўзи холос. Қўлида автоматини маҳкам ушлаган ҳолда бута томон, Лукьян Панкратьевичнинг пана жойи томон йўл олди. Буталардан беш метрлар чамаси нарида тўхтади-да, кута бошлади. Унг қўли тепкини босишга шай турар, афтидан тепки қулфини ҳам очиб қўйган эди.

Иноземцев буталарни икки томонга ёриб, ўзининг пана жойидан аста чиқиб келди.

— Келдингми, салом.

— Салом! — деди Хюгель қовоғини уйиб, буталар орасида бошқа киши ҳам яширинган бўлмасин тагин, дегандек атрофга зийраклик билан кўз югуртириб чиқди.

— Нима учун штурмбанфюрер келмади?

— Мен кифоя қилмайманми? Гапир! — деб буйруқ қилди Хюгель.

— Бу ер яланглик, кўриб қолишлари мумкин,— деб огоҳлантирди Иноземцев.— Буталар ичига ўтайлик.

— Шарт эмас. Нима янгилик бор? Сен ўша немисни кўрдингми?

— Кўришга-ку, кўрмадим-а, лекин шунақа одам борлигини эшитдим. Бу ердагилар уни «Петр» деб аташади. Аммо у битта ўзи эмас. У билан яна иккита немис бор, дейишяпти.

— Яна иккита? — деди Хюгель кўзлари пахтасини чиқариб.— Сен янглишмаяпсанми?

— Мен янглишим мумкин, бошқалар янглишмасалар керак. Ўзларини алдашдан уларга нима фойда?

— Демак, уч киши. Бу қизиқ. Жуда қизиқ.

Болаларни кўчириб олиб кетишда ҳар уччаласи қатнашган,— деб изоҳ берди Иноземцев.

— Улар қандай қилиб партизанлар ичига келиб қолган?

— Бунини мен билолмадим. Германиядан келишган дейишяпти.

Маълумот Хюгельни очиқдан-очиқ эсанкиратиб қўйди. У ҳамма нарсани кутгану, лекин партизан отрядида немисларнинг мўллигини кутмаганди. Бунини қаранг, бир эмас, учтаси германиялик! Бунини эшитиб Келлер эс-ҳушидан айрилиб қолади.

— Уларнинг исми-фамилияларини билиб олиш керак. Аммо бу ерда қўллаб юрган русча исмларини эмас, балки ҳақиқий, немисча исмларини. Тушундингми?

— Бу ерда тушунмайдиган ҳеч нарса йўқ.

— Индинга фамилиялари, учун келаман.

— Сизлар Келлер билан жуда тезотарсизлар.

— Ҷўзишнинг нима кераги бор. Сени бу ерга елкангни офтобда товлаб ётгани эмас, ишлагани юборганмиз. Шундоқ бўлгач, имилламай ҳаракат қил!

— «Петр» ҳозирча ўрмонда йўқ,— деди Иноземцев, важ кўрсатиб.

— Болалар билан қаергадир жунаб кетган. Қачон келиши номаълум. Балким индинга, балким бир ҳафтадан кейин қайтар.

— Фамилияни ўша «Петр»сиз командирдан ёки ёрдамчиларидан ҳам билиб олиш мумкин.

— Сиз ҳазиллашаяпсизми? — деди жаҳли чиқиб Иноземцев. — Мен ким бўлибманки, командир мен билан гаплашсин! Деворга тираб қўйиб, мен оқпадарни пешонамдан отиб ташламаганларига ҳам раҳмат денг. Эҳтиёт бўлиш керак — ўтдан паст, сувдан ювош бўлиш керак. Ҳар бир қадамни минг ўлчаб босиш, тилга эрк бермаслик керак. Ортиқча савол шубҳа туғдиради. Узингиз ўрмонга бош суқиб кўрсангиз билар эдингиз.

— Ҳаддингдан ошма! — деди Хюгель бармоғи билан таҳдид қилиб. — Унутма. Буйруқ олдингми, бажар.

— Буйруқ ақлга тўғри келадиган бўлиши лозим. Икки кунда мен ҳеч нарсага улгуролмайман.

— Билолмасанг, ўзингдан кўр.

— Тушунинг-да, ахир, бунинг ўзи бўлмайди-ку.

— Буни биз тушунамиз, лекин сен ҳам тушун: немис офицери тўғрисида маълумот Келлерга индинга керак. Мана бундоқ керак! — Хюгель кафтини пичоқ қилиб кекирдагига тортди.

«Танглашиб қолибди-да, — дея ўйлади Иноземцев. — Бу муҳим детал. Демак, немислар нимагадир ҳозирлик кўришяпти».

— Начора, уриниб кўраман, — деб таслим бўлди Лукьян Панкратьевич.

— Бу бошқа гап. Индинга соат олтида шу ерда. Энди хайр!

— Шошмай тур! — деди Иноземцев, Хюгельни тўхтатиб. — Менинг саволимга жавоб бер. Менинг хотиним билан қизим қалай?

— Хотининг ҳақида жавоб беришим мумкин. У, аввалгидек, шартли қамоққа ўтирибди. Бизнинг хоналаримизни супуриб-сидиради. Қизинг ҳақида мен ҳеч нарса билмайман.

— Мен Келлер билан гаплашиб олмоқчи эдим. Менинг илтимосимни унга етказ.

— Яхши, штурмбанфюрерга айтаман. Балким индинга ўзи келар. Хайр!

Хюгель орқасига ўгирилиб, машина томон юриб кетди. Иноземцев бир фурсат турди-да, буталар ичига шўнғиди. Йигирма метрлар чамаси нарида пастликда йигитлар уни кутиб туришарди. Хюгель билан гаплашганидан севиниб кетиб, у эҳтиёткорликни унутиб қўйган эди, ҳатто орқасига алангламади ҳам. Бекор қилган экан. Немис бир неча қадам нарига бориб, чапга бурилди-да, агентнинг орқасидан эргашиб кела бошлади. У секин, деярлик сездирмай, Иноземцевни йўқотиб қўймасликка уриниб, буталар орасидан ўтиб келаверди. Тимофеев билан Крошечкин Иноземцевга пешвоз чиқишди.

— Хўш, қалай, Лукьян Панкратьевич, гап қовушдимиз? — деб сўради Тимофеев.

— Ҳа, қовушди шекилли. Кейинги гал Келлернинг ўзини олиб келишга ваъда берди. Уни бир тутиб олсак эди!

Шу пайт буталар ичидан шитир эшитилди. Ҳамма бирдан худди команда берилгандек аланглади.

— Хюгель! Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар! — деб қичқирди Иноземцев. Тимофеев билан Крошечкин ўт ичига ётиб олишди, Иноземцев эса улгурмади. Автомат ўқи уни илма-тешик қилиб юборди. У дарахтга тиранган ҳолда аста пастга туша бошлади.

Автоматнинг тариллашидан бузилган ўрмон сокинлиги энди тикланмади. Хюгельнинг ўнг, чап, орқа томонларидан овозлар эшитилди. У

қуршаб олинганини тушунди-да, дарахтлар орасида, қуёнга ўхшаб, у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Унга фақат ўрмоннинг ичи хавфсиз бўлиб туюлди, у ер сокин, лекин партизанларнинг салтанати эди, шунинг учун у орқага ташланди, машина турган йўл томон югурди.

Хюгель дарахтдан дарахтга қочиб ўтар, таъқибчиларни чалғитиб кетиш учун, уриниб, айланарди. Йўлга яқин қолди, у, яна бир неча қадам кўйсам, қутулиб кетаман, деб ўйлади.

Сўнги қадамда уни мерганнинг ўқи қулатди. Ҳаммаёққа тарвақайлаб ўсган дуб япроқлари ичидан қисқа, бўғиқ ўқ овози эшитилдию, Хюгель шилқ этиб йиқилди.

Дуб устида Феофанов ўтирарди. У дарахтдан тушди. Мукка тушиб ётган эсэсчи тепасига келди. Уни туртиб кўрди, лекин у қимирламади. Кители чўнтақларидан ҳужжатларини олди.

— Хюгель... Бор-йўғи шу холос,— деди Феофанов, бошини сарак-сарак қилиб.— Мен бўлсам, штурмбанфюрер Келлернинг ўзи деб ўйлаб ўтирибман. Омадим келмади...

Чангалзор ичидан Тимофеев югуриб чиқди.

— Тезроқ! У ерда Лукьян Панкратьевич жон берапти... Сизни чақиряпти.

Феофанов чўнтагига Хюгельнинг ҳужжатларини солди, унинг автоматини олди-да, Тимофеевнинг орқасидан чангалзорга чопди.

Лукьян Панкратьевич ўт устида ётарди. Крошечкин унинг яраларини боғлади. Қон, афтидан тинган, лекин ярадорнинг аҳволдан умид қилиб бўлмасди. Унинг юзи докадек оқариб кетганди. Ним юмуқ кўзларига кўк парда соя ташлаб турарди.

— Лукьян! — деди унинг тепасига энгашиб Феофанов.

Таниш овозни эшитиб, Лукьян Панкратьевич кўзини очди.

— Ипполит! — У бошини кўтаришга уриниб кўрди, лекин мажоли етмай, яна йиқилди.— Тугадим, шекилли... Командирга айт, Келлердан эҳтиёт бўлсин. У бу ерга келадиган йўлни билади.

— Айтаман,— деди Феофанов бош ирғаб.

— Сенга бир илтимос, Ипполит. Менинг Тамарам учун, унинг ўлими учун қассос ол. Клава учун ҳам... Келлер уни энди ўлдиради. Бизнинг ўйинимиз кўнгилдагидек чиқмади... Менинг илтимосимни бажаришга сўз бер.

— Сўз бераман. Қасос олмагунимча тинчланмайман!

— Энди алвидо...

Янги топшириқ

ЗОЛЕНБАУЭР остонадан кириб келиши билан, Маргарита Францевна унга гина қила кетди:

— Қани сизнинг одамгарчилигингиз, қани оқибат? Мен сизни билдирмай қолдим, Василий. Албатта, ҳозир ҳар бир одамга фашизмга қарши курашчи, деб қарашади. Тағин, мана бунга қарши экан, деган хаёлга бориб юрманг. Аксинча, мен бунга тўғри ва мақсадга мувофиқ деб биламан. Лекин катта масалаларни ҳал қилиш билан овора бўлиб кетиб, курашчининг ўзини унутиб қўйиш мумкинми?

— Мени кечиринг, Маргарита Францевна,— деди Василий хижолат бўлиб.— Сизни нима бундай ҳаяжонлантириб юборганини ҳеч билдирмайман.

— Мана, эшитинг бўлмаса, керак бўлиб қолган пайтида қўшнимга тинчлик бермасдингиз, у энди касал бўлиб қолувди, уни унутиб юбордингиз. Конспирацияни баҳона қилмай қўя қолинг. Бу ерда унинг ало-

қаси йўқ. Мен билан Анна Андреевна, сиз билан Прокофий Филиппович ўртасидаги ўзаро муносабатларингизни яхши биламиз.

— Мени кечиринг, Маргарита Францевна, қўшнимиз бунақа қаттиқ бетоб бўлиб қолганлигидан менинг' асло хабарим йўқ... Шу бугуноқ кириб, кўриб чиқаман.

Василий Артемнинг хонасига ўтди-да, креслога ўтириб, ишга туинди. Бу бошқача иш бўлиб. Г. шаҳаридан анча узоқда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи-назарини белгилаб олиши керак эди. Кейинги тўртта телеграммада қўмондонлик Туркиянинг урушдаги позициясига тааллуқли барча нарсаларга диққат қилишини сўраган эди. У Г. шаҳарига тайинлашларидан олдин танишиб чиқиш учун Туркияга дахлдор материалларни беришганини эслади. Бу материаллар Василийни бирмунча кўнгилсиз хаёлларга олиб борди. Урушнинг бошида турклар ўзларини бетараф эълон қилиб, бундан буён ҳам аралашмаслик сиёсатига қатъий амал қилиш ниятида эканликларини ҳар хил йўллар билан таъкидладилар. Германиядаги совет ваколатхонасининг элчилари ҳам хизматчилари Туркия орқали Совет Иттифоқига қайтиб келаётганларида Туркия ҳукумати кўрсатган меҳр-оқибат бунинг далили бўлган эди. Бироқ немис қўшинларининг совет территорияси ичкарасига кириб бориши билан турк бетарафлигининг характери ўзгара бошлади. 1942 йил февралда «Корнилов ва Павлов иши» деган иғво юз берди. Иккита совет кишисини Германиянинг Туркиядаги элчиси фон Папенга суиқасд қилганликда айблашди. Аслида эса портлашни Гимлернинг жосуслари уюштирган эдилар. Турклар совет чегарасига дивизияларини тўпладилар. Бетарафлик қил устида қолди. Немислар туркиянинг урушга киришини кутишяпти — коммендатура ходимларининг яқин орада турк офицерлари билан учрашиш ҳақидаги гапларини шундай тушунмоқ керак. Лекин бу воқеа қачон содир бўлади, содир бўладими-йўқми — номаълум. Ҳар ҳолда комендатурага ҳеч қандай янги маълумот келиб тушмади. Агар ўшанақа маълумот бўлганида Вайс исини чиқариб қўйган бўларди! Ҳар эҳтимолга қарши бу ҳақда обер-лейтенантнинг қўйнига қўл солиб кўриш зарар қилмайди...

...Бирданига қоронғи тушиб қолди. Қуёш ботишга улгурмасидан осмон сатҳида юлдузлар пайдо бўлди.

Василий хонадан чиқди.

— Марго хола, меҳмонга борадиган пайт бўлмадимикан? — дея ҳазиллашиб сўради у, Маргарита Францевнадан.

— Агар менинг азиз жияним, янги костюм кийиб, одатга кирган галстук тақиб, тайёр бўлган экан, марҳамат! Фақат битта нарсани огоҳлантириб қўяман. Қўшни қаттиқ бетоб, шунинг учун у билан ҳеч қандай жиддий ишлар ҳақида гаплашмаслик керак бўлади. Ҳаяжонланш унга зарар қилади... Буни эсингизда тутасизми?

— Ҳа, — деди Василий, норозилик билан тўнгиллаб.

Маргарита Францевнанинг насиҳатлари унга ёқмаганди.

Боғ этагидаги эшик орқали Маргарита Францевна Василийни Прокофий Филиппович Фокиннинг уйига бошлаб борди. Зинадан кўтарилишлари билан димоғларига дори ҳиди гуп этиб урилди. Уйда беморлик ҳукм сураб, у ҳар жиҳатдан сезилиб турарди. Хоналар сув қуйгандек жим-жит, қаёққа қарама оқ рангга кўзинг тушади — чойшаб, ёстиқ жилдлари, рўйпўш — ҳаммаси оппоқ. Анна Андреевнанинг кўзлари маъёс боқади.

— Зап келдинглар-да, — деди бека миннатдорчилик билан. — Прокофий Филиппович ёлғиз ётаверишдан тўйиб кетди. Мени ҳаммаси унутиб юборди, дейди. Чол ҳеч кимга керак эмас, деб гина қилиб ётувди.

— Яна чол деганингиз нимаси? — деди ростакам жаҳли чиқиб Маргарита Францевна. — Шуни билиб қўйингки, Анна Андреевна, бизда,

иккала уйни назарда тутяпман, қарилар йўқ. Йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизнинг барчамиз сафарбарлик ёшидамиз.— Охирги иборани у кулимсираб айтди.

— Ҳақ гап! — дея тасдиқлади Василий.— Мен бир сафар чолларни деб дакки еганман.

Кампирларни деб,— деди аниғига кўчиб Маргарита Францевна.

— Хўш, бизнинг сафарбарлик ёшидаги қўшнимиз қаердалар? — деб сўради Василий.

Анна Андреевна Золенбауэрни қўшни хонага бошлаб кирди.

— Прокофий, сени кўргани келишди!

Василий остонага қадам босиши билан, хўжайинга салом берди:

— Салом, ўртоқ Фокин!

Башарти Золенбауэр Фокинни исми, фамилияси ёки бошқача — мансаб-мартабаси билан атаганда ҳам бемор бунчалик тўлқинланмас эди, қаранг- а, «ўртоқ» таъсир этди. Прокофий Филипповичнинг кўнгли ёришиб, севишиб кетди. Анчадан бери эшитилмайдиган бу сўзда алоҳида бир маъно, айтиш керакки, юксак маъно яширинган эди.

— Келганингиз учун раҳмат. Рост айтдингиз, салом. Совет ҳокимияти вакилини ўз уйимда кўриш мен учун катта шараф...

— Нега ундай дейсиз, Прокофий Филиппович! Мен қанақасига вакил бўлардим! Сиз сингари оддий жангчилардан бириман...

— Майли, сиз айтганча бўла қолсин,— дея бош ирғади Фокин,— кавлаштиришга ҳаққим йўқ. Фақат бахтиёрман мен...

Василий суянчиғи баланд қадимий креслони каравотга яқин суриб, унга ўтирди. У ўз хатти-ҳаракати билан шошяётган жойи йўқлигини, қанча керак бўлса, шунча бемалол ўтириши мумкинлигини билдирди.

— Аҳволингиз яхшими, Прокофий Филиппович?

— Аҳволим ёмон эмас-у лекин соғлиқ — пачава. Узоққа етмасам керак. Кампиримга ачинаман, мендан кейин унинг ҳоли не кечади...

— Қўйинг, бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. Биз ҳали биргалашиб жанг қиламиз.

— Яхши бўларди... Бироқ узоқ яшашимга ишонмайман. Хаёлимдан бир фикр ҳеч нари кетмайди: бир куни шарт этиб ўласан-у, кетасан, ўшанда Фокин аслида ким бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Лаънат ўқийди — турган гап.

— Битта сизга бунақа хаёл келмайди,— дея бошини тебратди Василий.— Урушда кимки яширин қуролни танлаган бўлса, ҳаммаси ҳам инсонга ишончсизлик, ҳатто унга нафратдан иборат зил юкни бўйнига олган.

— Наҳотки бир умрга!? — деди Фокин, чўчиб тушиб.— Бегона одамнинг кийимини ташлаш ҳам мумкин эмасми?

— Ҳозирча мумкин эмас. Мушкуллиги ҳам шунда-да. Бегона одамнинг кийимида юриш хавфли, бу ерда мардлик зарур. Шуниси ҳам борки; шартта отиб ташлашлари ҳам мумкин, тагин ўзимизникилар. Буни ўч олиш деб аташади. Ўзларининг ҳақ эканликларига комил ишонч билан қилишади буни. Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди...

— Даҳшат...

— Даҳшатлигиданам одамга алам қилиши ёмон.... Биз душман формасини Ватан буйруғига кўра кийдик. Уруш тугайди, ўшанда ҳақиқий отимиз аталади.

— Энг муҳими немис кийим-кечагини ўзининг шахсий кийим-кечаги қилиб олганлардан ажратишса бўлгани. Бўлмаса анави Сердечний билан ёнма-ён туришга тўғри келиб қолади: у бургомистр, мен — унинг ўринбосари.

— Сердечний алоҳида ҳисобда,— деди Василий шафқатсизлик билан.

— У ярамас одам,— дея ҳўрсинди Фокин.— Бунақа мунофиқ ҳеч қаерда йўқ. У йиғлашни ҳам билади ва бу кўз ёшлар ростокам бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Ана шу кўз ёшлари билан ўртоғини, дўстини со-тади, уни дор сиртмоғига гирифтор қилиб юборади... У энг пасткаш, қўрқоқ. Болалардан донор сифатида фойдаланишни Сердечний так-лиф қилди. Уларни ўзи йиғди, қишлоқларни изғиб юриб. Болалар йиғ-лашади денг, у бўлса уларни юпатади, сидқидилдан илжайди... Айни чоқда булар лабораторияга тушишларини, уларнинг қонлари билан немис офицерларини озиқлантиришларини билади у...— Фокин қийна-либ гапирар, гоҳо-гоҳо юрагини чангаллаб қоларди.— Даҳшатли одам... Даҳшатли...

— Ҳа... Сердечний алоҳида ҳисобда,— дея такрорлади Василий.

Орага чўккан бир фурсатли жимликдан кейин, Золенбауэр сўради:

— Прокофий Филиппович, баллонни тешиб қўяётганингизда қўрқ-дингизми?

— У пайтда менинг бутун фикру-хаёлим болаларда, уларни қан-дай қутқариш ҳақида эди. Кейин, шофер Герберт буни ким қилганини аниқлашга киришган пайтда келди қўрқинч. Лекин мени худо бир ас-раб қолди: шубҳа Сердечнийга тушди.

— Сердечнийга дейсизми?

— Ҳа.

— Ким айтди шубҳани?

— Герберт.

— Жуда яхши! — деди жонланиб Василий. Келлер олдида Герберт унинг ишончини қозонган,— деди у фикран.— Бинобарин у ўз шубҳаси-ни бошлиғига, албатта айтади. Келлер бургомистрнинг олдинги хизмат-ларини ҳисобга олиб, қандайдир шошилиш чоралар кўра бошлайди, демоқчи эмасман. Бироқ бу ҳодисани у ҳисобга олиб қўяди! Бунинг устига Сердечний дастлаб болаларни тутишдан бош торган... Унис билан бунисини Келлер жамлайди... Энди сизнинг касалингиз ҳақида, Прокофий Филиппович. Хасталикнинг хуружи ўтиб кетди, охири хайр-ли бўлди. Ётинг, соғайинг, қувватга киринг. Ҳали қиладиган ишлари-миз тўлиб-тошиб ётибди. Айтганча, битта зарур иш...— Василий Фо-киннинг ёнига яқинроқ сурилиб ўтирди-да, овозини пасайтириб деди:— Кузовкин буйруқ олиши мумкин. Сиз уни, табиий етказа олмайсиз. Бу-ни Анна Андреевна қилса қандай бўларкин? Кечаси, эҳтиёт бўлиб, пат-рулларнинг кўзига кўринмай. У йўлни биладимиз?

— Албатта. Тор кўчаларию, орқа-олди билан таниш унга йўл...

— Бўлмаса гап бундай. Сизнинг паролингиздан фойдаланиб, ра-цияда ишлаш вақтинча тўхтатилсин, деган буйруқни оғзаки еткази. Алоҳида кўрсатма бўлмагунча... Немислар передатчикни билиб қолиш-ган. Кузовкиннинг уйи олдида пеленгаторлар кеча-кундуз навбатчилик қилишяпти. Тимофей Сидорович буйруқни қанча тез олса, шунча яхши.

— Ҳаммаси адо этилади... ўртоқ Василий.

— Вазифанинг бажарилганлигини мен шу бугуноқ билсам яхши бўларди.

— Ташвиш тортманг. Илгари қандай қилиб келган бўлсам, шун-дай бўлади. Боғ томондан дераза уч бор чертилади.

— Раҳмат!

Уйда Василий Артемни учратди. Артем ҳозиргина қайтиб келиб, қовоғини солиб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юриб турганди.

— Бирон бир ҳодиса содир бўлдими? — деб сўради Василий.

— Содир бўлдиям, бўлмадиям.

— Ҳар ҳолда? — Василий Артемдаги хавотирликни сезди, бу ҳол беихтиёр суратга унга ўтди.

— Хюгелни ўлдиршибди!

— Демак, содир бўлибди-да.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас. Иноземцевдан жудо бўлишибди.

— Тўқнашув бўлибдими?

— Йўқ. Бефаросатлик оқибати. Хюгель Лукьян Панкратьевич орқасидан кузатмоқчи бўлган. Кейин партизанларни кўриб қолиб, автомат тепкисини босиб юборган. Иноземцевга теккан отган ўқи. Шундан кейин Феофанов Хюгелни ҳам саранжомлаган...

— Шунд-оқ,— деди Василий, ўйчанлик билан чўзиб.— Демак, Келлер билан бўлаётган ўйин тамом бўлди.

— Шунақа.

— Чиндан ҳам бемаънилик бўлибди.

— Энг аянчли ери шундаки, ҳаммаси учун Иноземцевнинг хотини жазо тортишига тўғри келади.

— Қутқаришга уриниб кўрамиз. Гарчи деярлик имконият бўлмаса ҳам,— деди Василий ўйланиб қолиб.— Ҳозир ҳаммасининг кўзи сенда, Артем. Штиллер етиб келгунча сени топиб олишмоқчи.

— Сен бунга аниқ биласанми?

— Мутлақо.

— Мен энди ўзимни қандай тутишим лозим унда?

— Бу ҳақда кейинроқ маслаҳатлашамиз. Вазият ўзгариб қолганлиги муносабати билан отряддагилар нима тадбир кўришяпти?

— Бургомистрни йўқотишга қарор қилинди.

— Нима учун бургомистрни?

— Иноземцев жон бераётиб, қизининг ўлими учун Сердечнийдан қасос олишга Феофановни олт ичирди. Ўзининг хабаринг бор, госпиталда унинг қизини азоблашган.

— Қўмондонликка бориб айт, бургомистрга қарши ҳар қандай ҳаракатни тақиқлайман,— деди қатъий қилиб Золенбауэр.

— Нима учун?! Халқ душманини қатл этиш — муқаддас иш-ку. Ёвузликни кечириб кетиш мумкин эмас.

— Бу гапларинг тўғри, лекин ҳозир Сердечнийга тегиш мумкин эмас. У битта жуда муҳим иш учун керак. Тушунтириб ўтирмайман. Бошқаларни ҳам огоҳ қилиб қўй. Энди индамасдан ўтиратур, мен эса Марказнинг телеграммасига жавоб тайёрлайман.

Марказ Василийга Штиллернинг келишидан ўзининг Берлинга ишга ўтказилишида фойдаланишни таклиф қилган, хавфсизлик хизматининг биронта идорасига бўлса, мақсадга мувофиқ бўлишини тайинлаганди. «Г. шаҳаридан тўппа-тўғри Берлинга ўтиб ишлашнинг ўзи бўларканми,— дея хаёл сурарди Золенбауэр.— Ҳазилакам вазифа эмас! Мушкуллиги шундаки, Штиллернинг ўзи ким, бундай масалани ҳал қилишга қурби етадимми-йўқми,— номаълум. Ҳозирча шундай хабар қиламиз. «Шарқ» операцияси муваффақият билан ривожланмоқда. «Аҳмад» бошлиқнинг ишончини қозона олди. Хавфсизлик хизматида унга эътибор билан қарашди. Ундан «Нерон» иши бўйича фойдаланиш имкониятини ўрганияпман. Сизнинг Берлин ҳақидаги кўрсатмангизни эътиборга олиб қўйдим, бажарилишининг боришини кейин айтаман».

...Маргарита Францевна кечки овқат учун стол тузади. Дастурхонда колбаса ҳам, голланд пишлоғи ҳам, француз балиқ консерваси ва бошқа нарсалар ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси Хайнц Шварцманнинг эътибори белгилари эди.

— Худди тинчлик пайтидагидай-а,— деди Василий, столга ўтирар экан.— «Саҳоватли комендант шарафига қадаҳ кўтарсак зарар қилмасдию, лекин, афсуски, шароб йўқ-да.

— Менимча, қадаҳни поччамиз Штиллерга бағишлаш керак бўлади,— Артем.— Бу унинг шарофати билан, Маргарита Францевна бунақа лаззатли нарсалар билан таъминляпти у.

— Бўпти, бундай қадаҳни мен қувватлайман. Шуниси ҳам борки, ана шу дастурхонда поччамизни кўрармиз деган умиддаман. Маргарита Францевна, уни сизникида қўнишга таклиф эта қолсак нима қилади? Бу ерда бемалол гаплашишга кўпроқ вақт бўларди. Артем вақтинча бирон бошқа жойда туриб тура қоларди.

— Менимча, энг қулай жой,— Татьяна Александровна Зубкованинг уйи.

Маргарита Францевнанинг гапи негадир Артемни уялтириб юборди. У ҳатто қизариб кетди. Зубкованинг номи бугун иккинчи марта тилга олинди. Гуё тақдирнинг ўзи у билан тўқнаштирди, шекилли-да... Яна ғордаги гап ҳам бор, иккови ҳам тўлқинланиб кетди. Унча-бунча суҳбат бўлмади...

— Қачон кўчиб ўтсам экан? — деб қизиқиб сўради Артем, уялганини яшириб.

— Эртага. Уни бундан хабардор қилиб қўйиш керак. Бу ҳеч кимнинг ҳаваси натижаси эмас, балки топшириқ,— деди Василий.

— Мен бўйсунаман,— деди Артем бошини эгиб.

— Ана кўрдингизми, биз асосий масалани ҳал қилдик,— дея жилмайди Василий. Энди гап фақат Штиллернинг рози бўлишида қолди.

— Арзимаган гап,— деди Артем ачитиб.

— Агар Штиллерни Маргарита Францевна қўлга олсагина, бу арзимаган гап бўлади!

— Сиз мен ҳақимда жуда ҳам юқори фикрдасиз,— дея бошини тебратди Маргарита Францевна.— Мен Штиллернинг бошлиғи эмасман, балки бор-йўғи унинг хотинининг опасиман.

— Бу бошлиқ бўлишдан катта гап: У сизнинг сўзингизни ерда қолдиришга журъат қилолмайди.

— Келсин-чи, кўрамиз.

— Бундан чиқди, қадаҳни Маргарита Францевна учун кўтариш керак,— деб аниқлик киритди Артем.— Ҳар қалай, шароб йўқлиги ёмон бўлди.

— Хафа бўлманг,— деди Золенбауэр, Артемни юпатиб.— Штиллер билан бирга шароб ҳам олиб келиб беришади. На фақат шароб. Келлер билан Шварцман бу уйнинг ғамхўрлигини ўз зиммаларига олишган. Бугун биз буни ҳис қиляпмиз.

Маргарита Францевна бир пиёладан чой қуйди-да, ўзиникини қадаҳга ўхшатиб кўтарди.

— Қадаҳ менинг шаънимга қаратилган экан, яхши ният билдириш учун ўзимга рухсат этаман. Майлими, Василий?

— Ҳа, албатта.

— Бугун биз охирги марта мана шундоқ бирга тўпландик. Балким, бу кечани хотираларга бағишлармиз?

— Сиз менинг ҳарбий саргузаштларимга шама қиляпсизми? — деб сўради Золенбауэр.— На чора, мен розиман.

Ҳамма ўзининг одатдаги ўрнига ўтиб ўтирди: Маргарита Францевна ўзининг чуқур кўҳна креслосига чўкди. Артем диванга ўрнашди. Василий стулни шкафнинг олдига сурди-да, суянчиғига кифтини ташлади.

Ўтмишга саёҳат бошланди...

Асосий зарба йўли

ВАСИЛИЙ кўп ва қаттиқ ишларди. Бутун кун, кунгина эмас, кечакундуз соат ҳамда минутларга тақсимланиб чиққан эди. Фақат тактик заруратгина уни баъзан суръатни пасайтиришга, комендатура

ходимлари билан гап сотиб ўтириш, бўлар-бўлмас турли қабулларда ҳозир бўлиш учун вақт ажратишга мажбур қилиб турар эди.

Шиддатли фаолият ўзининг натижасини бериб турар ва бу натижа кўпинча сезиларли бўларди. Василий кўмондонликнинг бир неча марта раҳматномасини олди, унинг маълумотларига биноан оператив планлар тузилар ва ўзгартирилар эди. Ундан мамнун эдилар.

У ўз ишларидан мамнун эдими? Бу тўғрида Василий бир неча бор ўйлаб кўрди. Г. шаҳарига жўнаб кетаётганида у ўзини қандайдир жуда катта, муҳим нарсага ҳозирлади. СС. бош бошқармасининг масъул ходимларидан бири билан учрашиш, нафақат учрашиш, балки алоқа ўрнатиш назарда тутилди. Василий немис разведкасининг «агенти» родини, бошқача қилиб айтганда, яширин хизматнинг ишончли кишиси бўлиб олишни ва унинг Совет Иттифоқига тааллуқли яширин планлари билан алоқада бўлишни кўзлаган эди. Василий Генрих Шриллер бошлиқ бўлиши мўлжалланган эди. Афсуски, учрашув содир бўлмади. Учрашувга нима монелик қилди, маълум эмас, ҳар қалай бунда Василийнинг айби йўқ. Маргарита Францевникига Генрихнинг «дўсти» келгандан кейин икки ҳафта ўтгач, ёш Золенбауэр Г. шаҳарида пайдо бўлди. Пайдо бўлдию, Марго холажонисининг жияни Генрих Штиллер вазифасини адо этишга киришди. 1941 йил 22 июнь куни бу ерда эди. Биринчи қилган иши шу бўлдики, Марказга телеграмма юборди, ўзини «операциядан» бўшатиб, ҳарбий комиссариат ихтиёрига ўтказишларини илтимос қилди. Менинг жойим фронтда бўлиши керак, деб ўйлади. Артем ҳам шундай қилди. У Г. шаҳарига Маргарита Францевнинг «жиянига» дублер ҳамда консультант сифатида келган эди.

Марказдан ҳадеганда жавоб бўлавермади. Василий Золенбауэрнинг тақдири уч ёки тўрт кун ичида ҳал бўлиши керак эди. Бу орада ҳар хил хаёлларга борди, сабрсизлик билан кутавериб куйиб кетди. Марказдаги раҳбарларни фикран қисталанг қилди. Юзага келган жуда мураккаб ва ташвишли вазиятда қўллари тегмай унинг телеграммасига эътибор қилмасликларидан кўрқди. Лекин бешинчи куни жавоб келди. «Уйда қола туринг. Қариндошларингизни кутинг». Бу жавобга Василий тайёр эмас эди.

Уруш бошланган ва фронт Г. шаҳарига яқинлашиб келаётган бир пайтда «қариндошларни» кутиб ўтириш қандай бўларкин? Бу унинг назарида бемаънилик, ақлга сиғмайдиган иш эди. Аммо Василий Марказнинг жавоби устида ўйлаб кўриб, операцияни давом эттиришдан ҳақиқатан ҳам наф чиқади, деган хулосага келди. Бизнинг армиямизнинг қаршилиқ кўрсатиши ортади ва душман бу қаршилиқни жосуслик ҳамда қўпоровчилик йўли билан синдиришга уринади. Генрих Штиллердан хат-хабар кутишга тўғри келади чамаси...

Вақт ўтиб борар, хат-хабар эса келмасди. Немис қўшинлари Г. шаҳарига яқинлашиб келишарди. Василий Марказга яна телеграмма юборди. Жавоб биринчи гал қандоқ бўлган бўлса, шундоқ — уйда қолатуринг — бўлди. Бирдан, кутилмаганда Марказ Золенбауэрни янги операциянинг раҳбари деб эълон қилди. «Золенбауэр иши»нинг миқёси кенгайиб кетди.

Василий учун энг қийини немис қўшинларининг Г. шаҳарига кириб келиши бўлди. У душман билан учрашиши уни маънавий жиҳатдан бунчалик лат едиришини ўйламаганди. У душман билан немисларнинг дўсти, на фақат дўст, «маслаҳатдош» ва шерик ролида учрашиши лозим эди. Дастлабки куллари у уйдан чиқмади. Маргарита Францевнинг «жиянига» юраги ачиди, унга далда берди, кўнглини кўтаришга уринди, ҳаракатга киришга ундади. Марказдан кўникиш ҳақида буйруқ келди. Шундан кейин Василий ички туғёнини, босқинчиларга нафрат туйғусини енгиб, кўника бошлади.

У ўзига керакли маълумотларни осонлик билан қўлга кирита бошлади. Ҳатто сўнги энг муҳим ҳужжатларни қўлга тушириш учун унча елиб-югурмади ҳам. Немисларнинг биринчи танк армиясининг асосий зарба йўли ўзгарганини билиб олди. Асосий кучлар Туапсе ва Майкоп томонга ташланади. Биринчисини тўлдирадиган иккинчи маълумот танк армияси билан ўн еттинчи немис армияси Краснодар ҳамда Новороссийска биргаликда берадиган зарбасига тааллуқли эди.

Маълумотларни қўлга киритишдаги осонлик Василийни, балким операциянинг бошқа иштирокчиларини ҳам, анча қаноатлантирди. Комендант уларга хавфли шахс бўлиб туюлмади. Гарчи гестапо бошлиғи яширин ташкилотни тимирскилаб излаётган бўлса ҳам, улар Келлерга унчалик қўрқмасдан муносабатда бўлишди. Генрих Штиллернинг қудратли қадди-қомати Василийни ҳам, унинг ўртоқларини ҳам ҳозирча душман назаридан маҳкам пана қилиб турарди. Штурмбанфюрер Василийга ҳақиқий душман бўлишга қодир бўлолмайдиган, узоқни кўролмайдиган, булардан анча узоқ турадиган одам бўлиб кўринарди.

— Тўғри, Келлернинг «ошхонасига» Василий ҳам, яширин ташкилотнинг бошқа активистлари ҳам киришолмади. У ерда нима бўлаётганини, штурмбанфюрернинг кучи нимага қаратилганини ҳеч ким билмасди. Яширин ташкилотга Келлер гўё унчалик қизиқмасди. Уни фақат шаҳардан ташқарида ҳаракат қилаётган, партизанлар ичида турадиган капитан формасидаги немис офицери ташвишга соларди.

Василий хавф-хатар борлигини ва тинчлик бўлиб кўринаётган ҳолат шу қийн орада бузилишини билмасди. Унинг кўнглида, ҳозирги ўзи ҳам тан олмаган, бирон аниқ сабабга таянмаган, хушёрлик мавжуд бўлган бўлиши мумкин, худди ана ўша нарса Василийнинг кўнгли тўлмаётганига, ҳатто аллақандай умидсизликка мажбур қилаётган бўлса ажаб эмас.

Василийнинг студентлик йиллари ҳақидаги ҳикоя билан тугаган тинч, осуда кеча, худди шундай тинч, осуда тун билан давом этмади. Негадир уйқу қочиб кетди, Василий анчагача кўзини очиб, ўй суриб ётди.

Марказнинг Германияга «командировкага» бориш имкониятидан фойдаланиб қолиш ҳақидаги таклифи уни бу ерда ўтказган ойларига, нима қилиндию, нима қилинмади — ана шунга, режалар ва уларнинг амалга оширилишига янгича қарашга мажбур қилди. Балким, у ерда кўрмаганларини кўрар, чиндан ҳам энг қийин ва муҳим иш кўрсатар...

Эрталаб Золенбауэр меҳмонхонага кирганида Артем шу ерда экан. Унинг ҳам уйқуси келмаганди. Яшайдиган уйини алмаштириш гами босганди уни. Урганиб қолган жойи ўзгариши, таниш бўлиб қолган ва қулай нарсалардан воз кечаётгани учун эмас. Бу, оқибат-натижада, у ўйнаётган ролида муқаррар бир ҳол. Артем ўзига бефарқ бўлмаган одам, Зубкованинг ёнига боради... Ермолин шундай деди. Артемнинг ўзи ҳам буни энди сизди. «Ношоён сўз билан унинг кўнглини оғритиб қўйма! — деб огоҳлантирган эди Ермолин.— Уни ҳалок қилма!» Эркинлик бой берилди. У билан алоқа юзасидан бўлиб турадиган муносабатдаги табиийлик, осонлик бой берилди. Ҳаммаси қийинлашиб кетди. Энг муҳими, Артем Зубковага ғамхўрлик қилиб туриш, унинг тақдири учун ташвиш тортиш зарурлигини ҳис қилди. Бу зарурат энди, ғордаги суҳбатдан кейин туғилди. Нимадир ўзгарди. Нималигини ҳали билмасди. «Мен унга ғамхўр бўлишим лозим,— дея ўйлади Артем.— Жуда ҳам ғамхўр бўлишим керак». Ва у ғамхўр дўст бўлиш кўнглига тўғри келишини, бу уни хурсанд қилишини туйди.

Бошқа фикр ҳам келди. Зубкованикига кўчиб ўтишдан бош тортиш фикри эди. Шуни ўйлаганида мушкуллар осон бўлгандай, ўзаро муносабатларнинг аллақандай мураккаб системасини юзага келтириш зару-

рати ўз-ўзидан кераксиз бўлиб қолгандай енгил тортди. Бунақа фикр баъзан ғолиб келар, ва Артем Василийга Зубкованикига кўчиб ўтмасликдан иборат қарорини айтишга жазм қилар эди-ю шу заҳоти: «Хўш, Василий башарти рад этса-чи? Бошқа квартира топади... Йўқ, йўқ...»

Золенбауэр Артем ана шундай зиддиятли фикрларга чулғаниб, ҳаяжонланиб турган пайтда учратди уни. У дўстининг ҳолатини осонгина тушуниб олди, лекин бу ҳолатни фақат Артем учунгина эмас балки, Василийнинг ўзига ҳам қадрдон бўлиб қолган Марго холанинг уйини кўзи қиймаётганлигига йўйди. Бироқ вазият қулайликни рад қилишни тақозо этарди.

— Маргарита Францевна,— дея мурожаат қилди Василий, бекага,— Анна Андреевнадан сўрасангиз, Зубковага тайинлаб қўйсин. Уни-кига Артем кўчиб ўтади, эскилар айтганларидек, унинг уйини кўшхона қилади. Нарсаларини бугун олиб боради,— деди-да Василий Артемга қаради.— Татьяна Александровна билан учрашасану, дарҳол отрядга жўнайсан. Шаҳарда ҳаяллаб қолма.

Артем индамай бош ирғади. Ҳаммаси ҳал бўлган, шубҳага ўрин қолмаганди. Эътироз билдиришдан фойда йўқ эди...

Золенбауэр комендатурага одатдагидан илгари етиб келди. У Вайсни топиб, у билан гаплашмоқчи эди. Ҳар бир учрашганларида навбатчи офицер сифатида, бир кечада нимаки маълум бўлган бўлса, ҳаммасини айтиб берарди. Бундай очиқ гапиришга иккита ҳолат сабабчи эди: бир томондан, унинг Золенбауэрдан олган пул қарзлари (яхшиликка яхшилик қайтариш керак-да, ахир!) иккинчидан, Василийга Шварцмандай одамнинг дўстона муносабати. Бунинг устига, Золенбауэрнинг Берлинда хавфсизлик хизматида кўзга кўринарли ўринлардан бирида ишлайдиган қариндоши борлиги. Ким Берлинга қайтишни ўйласа, Вайс эса қайтиб боришдан умидвор эди, ҳомийнинг ғамини ейишга мажбур. СД даги одам, таниш бўлса янаям яхши, салмоқли кафолат деган гап.

— Нега бунча эрта турдинг? — дея очиқ кўнгиллилик билан қарши олди Вайс дўстини.— Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, тушгача мазза қилиб ухлардим. Майор Шварцман ҳеч қачон комендатурага соат ўн бирдан илгари келмайди. Нима янги гапларинг бор сенда?

— Нима янгилик бўлиши мумкин,— дея елкасини қисди Василий.— Ҳай, айтганча, битта янгилик бор, бу сени қизиқтириши мумкин. Менинг поччам штандартенфюрер Штиллер бизларни кўриб кетмоқчи бўлибди. Унинг яқин-ўртада келишини орзиқиб кутяпмиз.

— Жаноби Золенбауэр! Бу ахир ажойиб-ку. Бунақа янгилик битта менигина қизиқтирмайди. Бутун шаҳар учун катта воқеа-ку, ахир.

— Сен гапирасан-да! — деди Золенбауэр, камтарлик билан кўзларини пастга олиб.— Оддий одам, бор-йўғи штандартенфюрер холос.

— Оддий эмиш! — деди Вайс, қўлларини ёзиб.— Хавфсизлик хизматидаги муҳим шахс. Унинг номини эшитишнинг ўзиданоқ Келлер дир-дир титрайди. Сенинг, Василий, келажакнинг порлоқ. Бунақа поччангнинг орқасидан ўзингнинг ҳам штандартенфюрер бўлиб олишинг мумкин.

— Роса олиб қочасан-а!.. Лекин умуман ўйлаб кўриш мумкинки, поччаннинг келиши — урушнинг энг муҳим воқеаси... Тунда ҳеч гап бўлмадимми?

— Мутлақо. Тонг отгунча зеркиб ўлаёздим. Олам бундай бемаъни яратилганлигидан азоб чекиб чиқдим. Сергайрат одам ўз кучини қарга сарф этишни билмайди.

— Сен ҳалиям қартани ўйлаяпсанми?

— Йўқ. Менинг мулоҳазаларим уруш хусусида. Мана комендатурада кичкина обер-лейтенант ўтирибди ва ўйлайди: Воқеа-ҳодисалар кўнгилдагидек ривожланыптими?

— Стратег бўлиб кет-э,— деди Золенбауэр, ҳазиломуз.

— Нима қипти? Менинг фикрларим қўмондонликнинг планларида мужассамлашади. Улар жуда ҳам унчалик бемаъни фикрлар эмас, менинг қадрдоним Василий.

— Қизиқ, сен вермахтнинг бош штабига қандай фикрларни топиб бера қолдинг?

— Мана бунақасини! Менда қаттиқ ишонч пайдо бўлди ва қатор аниқ далиллар билан тасдиқланди. Чунончи, августнинг иккинчи ярми бошларида рус армияси биринчи мағлубиятдан кейин ўзини тиклаб олиб, ташкилий равишда қаршилик кўрсата бошлади. Қизиқ-а? Олдинига бундай хулосага биринчи бўлиб мен келдим деб ўйладим. Лекин эртаси куни билсам, бизнинг генералларимиз, ҳам худди шундай нуқтаи назарда эканлар. Биринчи танк армияси асосий зарба йўлини яна ўзгартиряпти. Энди уни Грозний билан Бакуга қаратишяпти. Ун еттинчи армия Қора денгиз соҳиллари бўйлаб, жануби-шарқ томон ҳаракат қилиши лозим...

— Оббо сен-э! — дея ҳаяжонланиб кетди Василий.— Дарҳол қўмондонликни хабардор қилиш керак!

— Мана яна битта далил. Аммо фақат илтимос, қатъиян иккимизнинг ўртамизда қолсин...

— Азизим, Вольфганг, биз бир-биримизни етарли даражада яхши биламиз,— деди Василий ўпкаланган овозда.

— Мен илгари тепамиздагилар Кавказга хужум планини ишлаб чиқаётганларида кавказ халқлари ўртасида ғурув чиқиб кетишини ҳисобга олганликларини билмасдим. Стратегларнинг фикри бўйича бу душман қаршилигини бирмунча бўшаштириши лозим эди. Даставвал бу ерга керагидан оз қўшин ташлашди. Аммо тарғибот тексти босилган миллионлаб варақа тайёрлаб қўйишди. Кавказни варақалар билан олмақчи бўлишди. Айтганлари бўлмади. Битта халқ ҳам кўзғолон кўтармади, немис армиясининг шарққа силжишига ҳеч ким ёрдам бермади. Шунинг учун мен ўйлайманки, қуруқ гапга суюниш керак эмас, жангда варақалар билан ютиб чиқолмайсан. Шу фикр калламга келдию, Шимолий Кавказда қўшин тўпланаётганини эшитиб қолдим. Бундан чиқадики, обер-лейтенант Вайснинг ақли нимагадир етади.

— Сен ўз фикр-мулоҳазаларингни бош штаб бошлиғи билан ўртоқлашмаган бўлсанг керак, деб ўйлайман? — деди Золенбауэр, кинояомуз чертиб.

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Вайснинг елкасида яна нимадир бор.

— Шубҳасиз.

Вольфганг яна нимадир демоқчи эди, лекин навбатчилик хонасига обер-лейтенант Вернер кириб келди. У Келлернинг ёрдамчиси, Вайснинг сменачиси, офицерлар мактабини битириб чиққан Шульц эди.

Вернер Золенбауэр билан мулойим, ҳатто ҳушомадгўйларча саломлашди.

— Поччангизни интиқ бўлиб кутяпсизми? — дея сўради Василийдан, сал-пал жилмайганнамо қилиб.

Вернернинг башараси бағоят хунук эди. У қувонмоқчи бўлса, худди биров оғзи, бурни, қулоқларини бошқа жойга суриб қўйгандек, афти қийшайиб кетарди. Фақат пастга ёпирилиб турган узун киприкли катта, кўк кўзларигина ўзгармас, ўликникидай бақрайиб тураверар эди.

— Жаноби Штурмбанфюрер кичкина бир томоша кўрсатмоқчи,— деб эълон қилди Вернер, буларга диққат билан қараб.— Бундан нима англашилади? Маҳбуслар кўриги. Мушакбозлик бўлади, ракета отадиган тўппончадан эмас фақат, балки жанговар автоматдан. Коммунистлар отиб ташланади. Улар орасида битта аёл ҳам бор, аллақандай бит-

та партизаннинг — жаноби Келлернинг шахсий душманининг хотини. Уни қипяланғоч ҳолда олиб чиқишади.

— Бу байрам қачон қилинади? — деб сўради Золенбауэр, хотир-жам бўлишга интилиб.

— Бунни мен билмайман. Ҳаммаси Келлернинг кайфиятига боғлиқ. Ҳар ҳолда бир-икки минутдан кейин эмас. Ишгирок этувчиларнинг ҳаммаси ҳали тўплангани йўқ. Уйлайманки, жаноблар, байрамда қатнашишдан бош тортмасангизлар керак.

Вернер артистларга ўхшаб таъзим қилди-да, ўздан мамнун ҳолда чиқиб кетди.

Вайс навбатчилигини тез топширди. Топширганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди-да, Василийнинг елкасига қўлини ташлаб, деди:

— Мени сал нарига кузатиб қўй! Бари бир майор ҳали йўқ.

Улар уйга кираверишдаги зинапоядан чиқишди.

— Келлер номига ёзилган бир неча очик телеграммалар менинг қўлимдан ўтди, — деди ишонч билан Вайс.

— Очиқ? — деди Золенбауэр ҳайрон бўлиб.

— Ҳа... граждан шахслардан... Агар фамилияларига эътибор қилинса, булар йирик фирмаларнинг — «Цейс-Икон», «Телефункен», «Симлис-Шункерт» — вакиллари. Штурмбанфюрер уддабурро одам экан... Ана жаноб комендантнинг машинаси ҳам етиб келди, — деди Вайс, ўз ҳикоясини узиб қўйиб. — Мен дам олгани кетдим. Меникида кичкина компания тўпланади. Сен ҳам кел. Балки омадинг келиб ютарсан. Ҳаваскорларнинг дастлабки пайтларда ҳамиша омади келади.

Вайс зинадан чопиб тушиб кетди-да, тор кўчага бурилиб кўздан ғойиб бўлди.

— Салом, жаноби майор! — деди Золенбауэр овозининг борича. — Сизга эрта билан салом беришдан хурсандман.

— Нега керак бунақа расмиятчилик, Василий? — дея Шварцман таржимонга қўлини узатди. — Мен сизнинг бошлиғингизгина эмас, дўстингиз ҳамман. «Мен билан биринчи марта қўл бериб кўришишни ўзига эп кўрди, — деб қўйди Золенбауэр, ўзига ўзи. — Генрих Штиллернинг келиши бутун компанияга ғоят самарали таъсир кўрсатмоқда...»

— Юринг, менинг кабинетимга кирамиз, — деди Шварцман уни таклиф қилиб. — Меҳмонингизни кутиб олиш бўйича баъзи бир режаларни ўйлаб қўйдим.

Улар кабинетга киришди. Шварцман Василийни узунасига қўйилган столнинг нариги томонидаги кенг креслога ўтқазди, ўзи унинг қаршисига жойлашди.

— Мен ов уюштирсам дегандим. Лекин бу ерда қанақа ов бўлиши мумкин! Ҳамма ёввойи қушлар учиб кетишган. Ўлкамизни сайр қилишда тўхтадим. Бу, менимча, қизиқарли бўлади!

— Қизиқ-ку, лекин хатарли. Партизанлар жуда яқин, — деди Василий.

— Эҳ, шу партизанлар! Келлерга бир неча марта айтдим — ўрмонни коптиков қилиб уни тозалайлик деб, у бўлса нуқул галга солиб чўзади. Мен СС бўлинмаси ажратишларига келишим унча қийин эмас. Бунақа операция ҳозир одатга кирган, яна самарали.

— Келлернинг сусткашлигига мен ҳам ҳайронман, — дея майорни қувватлади Золенбауэр.

— Шуни айтаман-да, одамни ҳайрон қилади! — Сиз яхши айтдингиз. Партизанлар темир йўлни бузиб ташлаётган, кўприкларни йўқ қилаётган бир пайтда тагин. Тунов куни унинг ўзини отиб ташлашларига

сал қолди. Қизиқ бұларди! СС штурмбанфюрери рус партизанларининг асири!

— Бунақа ҳижолатвозликкача бормас. Штурмбанфюрер эҳтиёткор одам.

— Шуни айтаман-да, эҳтиёткор,— дея рози бўлди Шварцман.— Яна унчалик аҳмоқ эмас. Бугун Келлернинг йирик саноатчилар билан алоқаси борлигини билиб қолдим.

— Буни билишади. Штурмбанфюрер вақтини бекорга ўтказмайдиганлардан.

— Биз, асосий жангчилар, хизмат қиламиз, урушни ўзимизнинг ҳунаримиз деб биламиз. У бўлса, ҳаваскор. Унинг учун уруш — эксперимент. Менинг чуқур ишончим бўйича, у хавфсизлик хизматида фақат санъатни севганидан ишлаяпти. Бадавлат одамлигига қарамай, бу ифлос ишга тумшугини тикади. Унинг каттакон бойлиги бор. У Магдебургдаги «Маннесман» фирмасининг аксияларини асосий ушлаб турувчиларидан бири, Савдогарчилигинг билан шуғуллан, олтинингни кўпайтир! Йўқ, унга, биласизми, инсон жони керак... Зиёлилар эрмаги. Одам миясини ковлаш. Ҳамма нарсада унинг ўз нуқтаи назари бор. Баъзан у шунақа гапларни гапирадик, бундай гап учун оддий ўлим кишининг, ҳатто унинг соҳасидан бўлса ҳам, боши кетган бўларди... Рейхминистр Герингни ҳам — Шварцман бегона одам йўқми тағин деган маънода хонанинг ичига аланглаб қараб қўйди, — рейхминистрнинг ўзини ҳам жинни дейишдан уялмайди! Гўё у руҳий беморлар касалхонасида бир неча йил даволанганмиш... Аммо мен, Келлер жўрттага шундай деяпти деб ўйлайман. Бизларни текширади. Огоҳлантириб қўяман — бу одам билан эҳтиёт бўлиб гаплашинг. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат,— деди Василий,— Мен улардан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Одамларни қутқариш керак

ВАЙСНИКИГА ҳар хил одамлардан иборат компания тўпланди. Бу ерда офицерлар ҳам, штаб ходимлари ҳам, хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам бор эди. Ҳаммадан кейин Келлернинг дўсти Ганц Вернер келди. Золенбауэр худди ўшани кутиб ўтирарди. Қолганлари унга керак эмас эдилар: у қарта ўйнамасди, офицерлар билан таассуротларини ўртоқлашмоқчи эмасди. Вайснинг уйига уни эрталаб Вернер томонидан айтилган: «Жаноби штурмбанфюрер кичкина томоша ташкил қиляпти» деган ибора олиб келган эди... Келлернинг дўстидан бўлак ким ҳам маҳбусларнинг қаерда, қачон отилишини биларди дейсиз.

Сирасини айтганда, Вернер Вайсникига келади, деган ишонч Золенбауэрда йўқ эди. У Вернернинг қартабоз ва қаллоблигини шундоқ сезди ва унинг хулқи чизигини фикран суратлантирди. Чизиқ Вайсникига олиб келди. Шаҳарда обер-лейтенантдан бошқа ашаддий қартабоз йўқ эди.

Василий хато қилмади. Вернер кириб келиши билан дарҳол ўйин бошланди. У чиндан ҳам қиморга мубтало одам экан. Столга ўтирди-ю қартани чангаллади, уларга бақа бўлиб тикилди. Унинг учун атрофдагилар йўқ эди. Василийни у умуман кўрмаган бўлса керак — у унинг орқасига келиб турганида Вернер уни горнизон офицерларидан бири бўлса керак, деган хаёлга борди-да: «Кадровиклар ҳамма вақт менга омад олиб келишади!» деди.



Расмни **Ж. УМАРБЕКОВ** чизган.

Вайс Вернернинг ёнида ўтирарди. У қарта улашар ва ўзи яхши кўрадиган бу вазифани чучмал, лекин бирмунча ўткир сўзлар билан адо этарди. Ҳар қалай, атрофдагилар унинг бу гапларидан кулишарди. Вазият эркин эди, шу сабабли Золенбауэр Келлернинг сирига алоқадор бирон бир ибора қайбирининг оғзидан чиқиб кетишидан умидвор эди. Столда хавфсизлик хизматининг иккита офицери ҳам бор эди. Улар валдираб қўйсалар ҳам ажаб эмасди. Бироқ ҳар бало тўғрисида гапирсалар ҳам, бўлажак «томоша» ҳақида лом-мим дейишмасди. Уйин қизиб, ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилиб борар ва гаплар камая бошлади. Фақат қисқа, ҳаяжонли луқмалар ташланарди. Бутун диққат Вернер билан Вайсга қаратилди, улар катта пулга ўйнар эдилар. Вайс ҳамон нималарнидир гапирарди, Вернер эса лабларини қисганича ўзининг ғалати ўлик кўзларини қарта дастасидан узмасди. Бри тўп, анчагина катта пул, стол ўртасида уюлиб турар, иккаласидан бирига насиб қилиши лозим эди. Вернергами, Вайсгами. Яккама-якка ўйинда ё энг билагон, ёки омадли одам голиб чиқади. Ҳозир иккаласи ҳам ғалабадан умидвор эди.

Бундай таранг ҳолатда бирон кимса «томоша»дан гап очиши кулгили бўлар эди. Лекин эслашди. Ким дейсизми? Вайс... Нима учун отиш ҳақида обер-лейтенант гап бошлаганлиги Василийга жумбоқ бўлиб қолди. Вайсни гестапонинг ишлари кам қизиқтирар, қамоқдаги ватанпарварларнинг тақдири мутлақо қизиқтирмасди.

Вайс қартани қўйиб, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ Вернердан сўраб қолди:

— Мушакбозликни бекор қилишмадими?

Савол қандайдир бўғиқ, узоқдан эшитилгандай бўлди, унга ҳеч ким эътибор қилмади. Вернер ҳам унга ҳеч қандай аҳамият бермади ва ўйламасдан жавоб бериб юборди...

— Бекор қилинмади... Эртага кундузи, ўн иккиларга яқин... жарликда... Хўш, нима билан юрсам экан? Сенга чиллик ёқмайди! Мана шунисидан берамиз сенга!

Уйин қизигандан қизиб борарди. Бу ердагиларнинг бутун диққати яккама-якка ўйнаётганларга михланиб қолганлигидан фойдаланиб, Василий компаниядан сездирмай чиқди-да, уйга шошилди.

— Келдингизми? — деди хавотирланган Маргарита Францевна, Василийга эшикни оча туриб. — Биз нима қилишимизни билмай ўтирдик.

— Кечиринг,— дея жавоб қилди Василий.— Обер-лейтенант Вайсникида ушланиб қолдим.

— Кимникида? — дея овоз берди қўшни хонадан Артем.

— Комендатуранинг навбатчи офицериникида.

— Ҳалиги қиморбозниқидами... Яшил стол рицариникига борганинг билан табриклайман!

Василий хонага кириб борди.

— Ҳазилни четга қўй. Иш чиқиб қолди — муҳим ва шошилнч. Одамларни кутқариб қолиш керак. Эртага жар томонда Келлер бир гуруҳ маҳбусларни отмоқчи. Уларнинг ичида Иноземцевнинг хотини ҳам бор.

— Ярамас!

— Бу сўз мос келмайди. Инсон забонида Келлерга қўлласа бўладиган шунақа сўз йўқ. Қатл кундузи ўн иккига белгиланган. Бугун кечаси Ермолин операция планини пишитиб олмоғи ва эрталаб бошлаши лозим. Сен нима дейсан, соат ўнгача жарга етиб келолармикан? Кейинроқ у ерга хавфсизликни сақлаш қисмидан автоматчилар бориб қолишлари мумкин.

— Улгуришади,— деб ишонтирди Артем..

— Энди энг муҳими — сен улгуришинг қолди. Овқатландингми?

— Йўқ ҳали. Сени кутиб ўтирдик.

— Овқатланишни бекор қилишга тўғри келади. Зубковани огоҳ-лангирдингларми?

— Ҳа, Анна Андреевна уникага бориб келди.

Василий ўйлашиб қолди. Вазият шундай бўлиб қолдики, иккинчи даражали ишлардан воз кечишга тўғри келди. Булар учун энди фурсат қолмаганди.

— Кўчишни эртага қолдирамиз. Сен хавотир олмаслиги учун Татьяна Александровнага бир кўриниш берасану, дарҳол ўрмонга жўнайсан.

— Тушунарли.

Артем ўрнидан турди.

— Ўзинг ҳужумда қатнашма. Йигитларнинг қайтишини отрядда кутиб тур. Ўтказилган операция тўғрисида муфассал ҳисобот тузинглар. Эртага у менга керак бўлиб қолади. Кундузи шаҳарда кўринма. Тақиқлайман.

Василий Артемени қучоқлади.

— Шошил, вақт оз қолди...

Митрошкин, Кузовкин ва КО фирмаси

ВАЛЕНТИНА Ивановна айтадиган «Митрошкин, Кузовкин ва КО» қандолат фирмаси кундан-кунга равнақ топаберди. Тўғри, буюртмаларни бажариш борган сайин қийинлашарди. Чунки буюртмачилар жуда кўпайиб кетди. Шаҳар солдат-офицерларга тўлиб-тошди. «Иккинчи эшелон»нинг бир неча ташкилотлари ва госпитал бу ерга кўчиб келди. Кузовкин Митрошкин тузган «программани» аранг удалар эди. Лекин Тимофей Сидоровичга бу малол келмасди. Уни Золенбауэрнинг рацияни ишлатмай туриш ҳақидаги буйруғи ранжитиб қўйди.

— Бу нима қилгани,— дея шикоят қилди у «келинига» — Ватанга ишлашни йиғиштириб қўйиб, хоин Митрошкинга ишлашни кўпайтир, деганими. Шу фикрнинг ўзидан юрагинг тарс ёрилиб ўласан киши.

Золенбауэрнинг олдидан ҳеч ким кирмасди, Митрошкин эса эрта-лабдан кечгача Кузовкиннинг уйида хира пашшадай айланишгани-айланишган. Келади-да, уйнинг ўртасига ялпайиб ўтириб олиб, шериклари қандай ишлаётганини кўзини лўқ қилиб кузатгани-кузатган. Кузовкин бунга бир ҳафта чидади, иккинчи ҳафтанинг ярмисига борганда ёрилиб кетди:

— Агар сен меникага ақалли яна бир марта мана шунақа бетакал-луфлик қилиб келадиган бўлсанг, ҳаммасини ташлайману келинимни олиб қишлоққа жўнаб кетаман... Тушундингми, қоқбош? Энди ҳозир жўнаб қол! Пулни Аграфена Никитична орқали оласан.

Кузовкиннинг ғазабнок гапи шунчалик тўсатдан янградик, Павел Гермогентович аввалига нима бўлаётганини тушунмади. У оғзини катта очганича шеригига анграйиб қараб қолди. Тимофей Сидорович қўлчи билгиз қилиб эшикни кўрсатган пайтдагина, айтилган гапнинг маъноси Митрошкинга етиб борди. У индамай ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. У ювош, итоатгўйлардан эмасди. Кузовкиннинг сўзи ғазабини келтирган бўлса ҳам, ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бўлади,— деб ўзини босди.— «Майли бадбахт Кузовкин, Митрошкиндан қутулдим деб ўйлай қолсин. Бунини эсига солиб қўядиган кун ҳам келиб қолар!»

Митрошкин ўзига, энди Кузовкиннинг уйига келмайман, деб сўз берди. Аммо, тарки одат, амри маҳол, дегандек кўчага чиқди дегунча, оёқлари уни «қандолатхонага» ўзи олиб келаверарди. Уришиб қолганларнинг учинчи куни худди шундай бўлди. Хаёлга берилиб кетиб, Павел Гермогентович қувланган уйга қандай қилиб келиб қолганлигини билмади. Паришохотирлиги учун ўзини койиб, энди орқасига қайтиб кетмоқчи бўлиб турган эди, Кузовкиннинг уйига бир хотин кириб кетаётганини кўриб қолди.

«Оҳо,— дея ўйлади Митрошкин,— Тимоша Кузовкиннинг мижозлари чакки эмас-ку. Бизнинг тортларимизга шаҳарнинг хўжайинлари ҳам қизиқиб қолибди-да!»

Митрошкин ҳамма вақт бургомистр ва унинг ўринбосарига ҳасад қилиб келарди. Ўзини унча-мунча анойилардан деб билмас, бу лавозимлардан истаганини уддалаб кетишига кўзи етарди. Сердечнийдан фарқи шу эдики, масалан, уни шаҳар бошлиғи деган мансабдан кўра, бу мансабнинг шахсий бойлик орттириш имконияти қизиқтирар эди. У Сердечний ва унинг ўринбосари Фокин ўзлари учун бир умрга етадиган катта мол-мулк орттириб қўйганликларига имони комил эди. Катта мол-мулк ҳақидаги тахминлари Кузовкинникига Фокиннинг хотини келиши билан бирлашиб кетди. У энди, Фокиннинг хотини бирон нарса буюртиргани келгани ҳақидаги шубҳасини бир чеккага йиғиштириб қўйди. Хўш, бордию бургомистрнинг ўринбосари йиғган-терганини бу ерда асраётган бўлса-чи? Фирманинг каттаси бўлган у, Митрошкин уйига келса, Кузовкин бекорга тажанглашаётгани йўқ. Қаранг қандай асабийлашади. Бу ерда нимадир бир фирромлик бор. Текшириб кўриш керак.

Анна Андреевна хонага кирди ва мадори қуриб, деворга суянди. Унинг юзлари оқариб кетган эди.

— Нима бўлди, Анна? Прокофий Филипповичга бир нима бўлди-ми?— деб сўради Тимофей Сидорович.

— Қўрқиб кетдим! — дея шивирлади у ҳаяжонланиб.— Ҳатто юрагим музлаб қолди.

— Қўйинг, ўзингизни босинг! — деди Валентина Ивановна, унинг кифтидан қучиб. Кейин стулга ўтқазди. Кузовкин сув узатди.

— Ичиб юбор, гапир, нима бўлганини.

— Уйдан энди чиққан эдим,— дея давом этди Анна Андреевна,— орқа томондан немисларнинг овозини эшитиб қолдим. Иккитаси валақлашяпти. Ҳиринглашларига қараганда димоқлари чоғ. Овозларини баланд қўйиб, бир нималар дейишади-да, ҳиринглаб кулишади. Мен уларга эътибор бермай, йўлимда жадал юриб келяпман, немислар ҳам жадаллаб етиб олишди. Биттаси мени чақирди: «Фрау, Фрау!» дейди. Юрагим ўйнаб кетди. Ўзим учун қўрққаним йўқ, кўкрагимга бекитиб олган хатни деб қўрқиб кетдим. Қадамимни тезлаштирдим, уларнинг қўлидан қутулмоқчи бўлдим, қаёқда дейсиз. Немислар менга етиб олишди-да, биттаси белимдан қучоқлаб олди... Шунда мен қўрқувни ҳам унутдим, орқага ўгирилиб, афт-башарасига тарсаки тортиб юбордим. Немис нимжонгина, яна ичиб олган экан — ерга ағдарилиб тушди. Мен уни яна урмоқчи эдим, лекин иккинчи немис ўртоғини тўсиб қолди. «Ниҳт Мадам!» Мен иккаласига муштумимни ўхталдим-да, жўнаб қолдим.

— Немислар изингиздан илашишмадимми? — дея қизиқиб сўради Валентина Ивановна.

— Йўқ. Менимча улар ҳам қўрқиб кетишди. Бу ярамасларга бўш келмаслик керак.

— Умуман гапинг тўғрику-я,— деди Кузовкин рози бўлиб,— лекин кимга қўл кўтараётганингни билиб ҳужум қилиш керак. Яхшиси, четдан ўтиб кетиш керак.

— Омон-эсон қутулганингиз яхши бўлибди,— деди Валентина Ивановна, енгил нафас олиб.

— Энди, Анна, ишдан гаплашайлик. Хатингни чиқар! Унда қандай йўл-йўриқ ёзилган экан...

— Ҳеч қандай йўл-йўриқ йўқ,— деб жавоб берди Анна Андреевна.— Вазият ўзгарди, сизлар ишга киришишларингни айтиб қўйишимни буюришди. Мен Марказга маълумот олиб келдим.

— Ниҳоят! — деб юборди Тимофей Сидорович.— Мен бўлсам, менинг бутун қаҳрамонлигим немислар ва уларнинг ялоқхўрлари учун пирожний пишириб беришдан иборат бўлиб қолди, деб ўйлагандим.

— Бу ҳам иш,— деб қўйди Анна Андреевна.— Пирожнийлар бизнинг ҳаммамизни пана қилиб турибди. Улар бўлмаганда мен сизларни кига келолмаган бўлардим. Шунинг учун ҳам «фирма» гуллаяпти. Мен бозорга бордим, у ерда Аграфена Никитичнанинг қўли қўлига тегмаётганини кўрдим. Пирожнийдан ташқари, у ичига ҳар хил нарсалар солинган пирожка сотаяпти. Пирожнийдан кўра, пирожка чаққон кетаяпти.

— Соҳани ўзгартирамиз! — деди бошини ғамгин силкиб Тимофей Сидорович.— Мени кўтариб юбординг, келин! У шунақанги пирожкалар пиширяптики, қўяверасан. Дарвоқе, ҳамирдан хабар олиш керак, ачиб кетган бўлмасин.

Эшикка боргач, Тимофей Сидорович бирдан тўхтади-да, кулиб сўради:

— Эсингдами, Анна, мен сенга совчи қўйганим?

Анна Андреевна уялиб кетди.

— Эсимда.

— Менга нима деб жавоб қилганинг-чи, эсингдами? «Сен яхши мужиксан, Тимоша, лекин мен учун майдаликроқ қиласан. Иккимиздан жуфт чиқмайди».

— Айтсам айтгандирман,— деди кўзини ерга олиб қочиб Анна Андреевна.— Неча йил ўтиб кетди, ҳаммаси эсда туради дейсизми?

Тимофей Сидорович хафа бўлгандек қўлини силкиди-да чиқиб кетди.

Кузовкин эшикни ёпиб чиқиб кетгач, Валентина Ивановна дарҳол Фокиннинг хотини ёнига келди.

— Анна Андреевна, мен анчадан бери бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юргандим. Бошлигимиз қанақа одам ўзи? Сиз олиб келаётган маълумотларга қараганда, у ўзини анча босиб олган, талабчан, серғайрат одам бўлиши керак.

— Сизга нима десам экан, қизим. У билан атиги бир марта учрашганмиз. Сухбатлашиш насиб қилмади, шунинг учун бир нима дейишим қийин. Лекин ҳақиқатан ҳам талабчан бўлиб кўринди. Одамларга таъсир қилишни билади. Лекин, талабчанлик билан эмас, хушмуомалалиги билан таъсир қилади. Ҳаммасини эримдан қиёс қилиб биламан. У билан учрашгандан кейин онадан бошқатдан туғилгандек бўлди, тузалиб кетиб, ишга фойдаси тегишига ишонди. У эримга нима деган — билмайман.

— Ўзи қанақа, чиройлими?

— Бу нарса хаёлимга ҳам келмабди. Билмадим. Менимча, унинг ташқи қиёфаси оддий, кўзга ташланиб турадиган ҳеч нимаси йўқ. Лекин кўзлари эса, бошқача — бир қарасанг жозибали, диққат билан тикилади, бир кўрсанг — жиддий, амирона қарайди, гўё унга эътироз билдирадиган куч йўқдай туюлади... Мен ўйлайманки, у ҳар ҳолда ажойиб одам. Кўнгли бақувват. Бу энг муҳим томони.

— Унинг исми нима?

— Буни, жонгинам, бекор сўрадинг. Агар билганимдаям, айтмас-

дим. Бизнинг эндиги ишимизда қанча кам билсанг, шунча яхши. Бу нарса мендан ҳам кўра, сенга яхши маълум бўлса керак.

— Ҳа, албатта. Кечиринг...

— Ҳечқиси йўқ, бу ҳол ҳаммада ҳам бўлиб туради. Биз бир-биримизни эҳтиёт қилишимиз керак. Шунисига шукурки, бизларга ишонишади...

Тимофей Сидоровичнинг уйи бурчакда эди. Бир томони Володарский кўчасига, иккинчи томони Первомайский кўчасига қарарди. Икки томондан уйни қалин девор бўлиб ўсган олма, олуца ҳамда манзарали буталар қуршаб олган эди. Дарахтлар қари эди, уларнинг бутоқлари тротуар устини ёпиб, соя-салқин қилиб турарди. Тимофей Сидорович ўзининг боғчасини яхши кўрар, эрта билан бу ерда энг хушовоз қушлар тўпланишади, ҳатто чумчуқлар бошқа ердагига қараганда шу ерда яхши чуғурлашади, дерди.

Ана шу буталар ичига Митрошкин пусиб кириб олди-да, уй олдига деярлик яқин келиб қулоқ сола бошлади. У Анна Андреевнанинг, «бир-биримизни эҳтиёт қилишимиз керак, шунисига шукурки, бизларга ишонишади», деган сўзини яхши илиб олди.

«Ҳаммаси равшан,— дея илжайди Митрошкин, оғзининг таноби қочиб.— Пул ёки олтин яширишяпти. Бу ерда бургомистрнинг ҳам ўлжаси бўлса керак. Унинг хотини ишонч ҳақида бекорга куйиб-пишаётгани йўқ».

Бу пайт Анна Андреевна уйдан чиқди.

— Кўришгунча хайр, Валюша! Айттириб юбормасанг ҳам майли. Узим кириб тураман.

Меҳмон чиқиб кетгач, Валентина Ивановна эшикни беркитиб, хонага қайтиб кирди.

Митрошкин қулоғини динг қилди. У бутун вужудини қулоққа айлантириб кутиб турди.

— Дада! Пастга тушишимга қарашворинг. Мен ҳаммасини саранжомлаб қўйишим керак-ку, ахир...

— Эшикни занжирладингми?

— Ҳа.

Овозлар жим бўлди. Митрошкин асабийлашиб қўлини бир-бирига ишқалаб қўйди. «Хўш, Тимофей Сидорович, энди сен менинг қўлимдасан. Қараб тур ҳали, мен сенинг ертўлангга бир кирайки, ўзинг ҳам ҳайрон бўлгин. Йўқ, мен сенинг уйингга бостириб кириб ўтирмайман, қулфингга калит ҳам изламайман. Биз ҳаммасини сездирмай, ҳидини чиқармай, қўлимизни булғатмай қиламиз...»

Зубкованинг квартиранти

КЕЧҚУРУН соат ўн бирда Артем боққа чиқди ва иккита ҳовлини бирлаштирадиган эшик қўйилган тахта девор олдига эҳтиёткорлик билан юриб борди.

Осмонда ғубор йўқ. Ой ҳали чиқмаган, лекин юлдузлар шунчалик кўп, шунчалик ёрқин порлашардики, уларнинг зангори нурларида сўқмоқни ҳам, қарагай ўсимлигини ҳам, тахта деворни ҳам бемалол ажратса бўларди. У туйнукдан Фокиннинг боғига қараб, таги оқланган олма дарахти олдида турган аёл киши қорасини кўрди.

— Анна Андреевна! — деб секин чақирди Артем.

— Мен! — дея жавоб берди паст овоз.— Бу ёққа ўтинг, эшик очиқ.

Улар Фокинларнинг богидан эгаси кўчиб кетган ҳовлига ўтишди, у ердан Папанин кўчасига чиқиб олишди.

— Энди кўчанинг нариги томонига ўтиб олиш керак,— деб огоҳлантирди Анна Андреевна.— Лекин фақат битта-биттадан бўлиб ўтамиз...

Бу унчалик қийин иш эмасди, бунга одатланиб қолишганди. Айниқса Артем шаҳарда доимо кечаси юрарди. Оралиққа риоя қилиб, улар қарама-қарши томонга ўтиб олишди-да, девор — буталарни пана қилиб, чорраҳа томон йўл олишди.

— Бизга томида хўрози бор уй керак, қоронғуда ажрата оласизми? — деб сўради Анна Андреевна.

— Кўрдим.

Уша уй чорраҳадан кейин учинчи эди.

Эшикни келишиб олингандай қилиб тақиллатган эди, Татьяна Александровнанинг ҳаяжонли овози эшитилди.

— Ҳа!

— Бу мен, Танюша! — дея шивирлади Анна Андреевна.

Хонага киришди. Деразага қора қоғоз қоқиб беркитилган эди. Столда кичкина пилпилон чироқча аранг ёниб турарди. Унинг хира нурида Артем Татьяна Александровнани кўрди — у мутлақо ўзига ўхшамасди. Эғнида уй ичида киядиган кўйлаги. Қалин сочларини ҳафсала билан ўриб, икки кифтига ташлаб қўйган. Татьяна Александровна унга чиройли кўриниб кетди.

— Мен сенга айтган одам мана. Унга яхши қара, бегона кўзлардан асра. Уни гестапо излаяпти, қолганлари ўзингга маълум. Яхши қолинглар. Мен уйга югурай энди...

Анна Андреевна шошилич бош ирғади-да, эшикдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Татьяна Александровна кузатгани кетди.

Артем дераза олдида турганича хаёлга чўмди: «Татьяна ўзини қандай тутаркин? Унга мен қандай муносабатда бўлсам экан? Фордаги суҳбатни балки эсига солмаслик керакдир?» у бирон тўхтамга келишга улгургани ҳам йўқ эди, қадам товуши эшитилди. Татьяна Александровна қайтиб кирди.

— Салом!— деди у.— Мен сиз билан саломлаша олмадим ҳам. Анна Андреевна шошди. Энди бека сифатида ўзимни таништираман бўлади. Уйим сизга ёқдими?

— Ҳа,— деб жавоб берди Артем, овозида ҳаяжон аксланиб.

У буни сезиб қолди-да, Артемга диққат билан қаради.

— Сиз қандайдир бўштов жавоб қилдингиз. Худди иккилангандай.

— Ҳеч қанақа бўштовлик йўқ. Менга уйингиз маъқул, жуда ҳам маъқул бўлди. Ҳаммаси тўсатдан юз берди... Мен каловланиб қолдим.

Татьяна Александровна Артемнинг ёнига келди. Энди улар бир-бирларига яқин, деярлик ёнма-ён туришарди.

— Тўғриси айтинг, сиз меникига кўчиб ўтмоқчимасдингиз?

Савол дангал эди, ва Артем бунга тайёр эмасди. Мужмал жавоб қилса ҳам бўларди, албатта. Аммо у бундай осон йўлдан воз кечди.

— Кўчиб ўтмоқчи эмасдим.

— Бундан чиқди, сизни мажбур қилишибди-да?

— Мени ким мажбур қила олар экан? Ишнинг манфаати тақозо қилди.

Артемнинг изоҳи Татьяна Александровнани ранжитиб қўйди. У қандайдир бўшашиб, маъюсланиб қолди.

— Мен кўзингизга кўринмасликка ҳаракат қиламан.

— Нега ундай дейсиз, Татьяна Александровна! Гапимни тўғри тушунмадингиз.

У Танянинг қўлини олиб, эркалаб қисди.

— Нима учун тушунмас эканман? Ахир сиз кўчиб ўтишни хоҳла-
мовднингиз-ку? — деди Татьяна Александровна, унга яна тикилиб қараб.

— Қўрққан эдим — деди Артем, бўйнига олиб.

Танянинг киприклари ажиб силкиниб кетди.

— Қўрқдингиз?! Наҳотки менга ишогмасангиз?

— Бу ерда ишончнинг аҳамияти йўқ. Сизга ишонмаслик мумкин эмас.

— Бўлмаса нима?

Артем унинг қўлларини лабларига яқин олиб келди.

— Бизларнинг ихтиёримиз ўзимизда эмас. Мен сизни ҳаётда шахс учун ўрин йўқ бир пайтда кашф этдим.

Унинг лаблари қандайдир таранг, қайноқ эди ва буни Таня сезди. Унга забон ҳеч нимани айтмасди, қўлини жўшиб ушлаши ифодаларди буни...

Татьяна Александровна ҳаммасини тушунди.

— Сизга халақит бермасликка ваъда бераман... Шахсий ишлар билан...

— Сиз бемисл одамсиз!

— Йўқ, энг оддий одамман... Мен ўз туйғумни яширолмадим.

— Бари бир бемислсиз.

— Бу — халақит бермаслик учун қилган ваъдамга миннатдорчиликми?

— Тентак! Мен сенинг халақит беришингни, ҳа, халақит беришингни истайман.

Артем уни ўзига тортиб, юз-кўзларидан, сочларидан ўпа бошлади. Упганда ҳам қизгин, ошиқиб, худди шу қисқа дақиқа узилиб қоладигандай, қизганиб ўпарди. Татьяна Александровна ҳамон қотиб турарди. Унинг қўллари пастга осилган, бошини орқага ташлаган, тўлқинли сочлари елкасига майин оқиб тушиб турарди.

— Таня! — деди у, худди гордагидек қилиб. — Таня!

Ҳозир узилиб кетиши лозим бўлган лаҳза узилмади. У узоққа чўзилди.

Ташқарида тош йўлда патрулларнинг нағалли этикларидан чиққан қадам товушлари эшитилди. Бу металл тақ-туқи шафқатсиз ва ҳушёр торттирадиган товуш эди.

Артем кўзини очди.

— Кечир, Таня.

У титраб кетди.

— Сен кетяпсанми?

— Мен лагерда бўлишим керак.

— Бугунми?

— Ҳозир. Ермолинга шошилинич буйруқни етказишим керак.

Татьяна Александровна Артеждан четланди. Унинг қўлларининг ҳарорати сўниб, бегоналашиб қолган эди. Унинг фикри-хаёли отряддагилар ҳозир кутаётган буйруқда эди.

— Мен сени кузатиб қўяман! — деди Татьяна Александровна.

— Керак эмас. Тун қоронғи.

Инчунун. Сен бу ердан бизнинг йўлни билмайсан.

— Етиб оламан.

— Агар сени чуқурликкача кузатиб қўйсам, мен хотиржам бўламан.

— Орқага-чи? Елғиз ўзинг қайтасанми?

— Ҳар сафаргидек.

— Мен бу фидойиликни қабул қилолмайман.

— Бу фидойилик эмас. Бу бурч.

— Бугундан эътиборан сен ҳаммасидан озод қилинасан.

Татьяна Александровна маъюс жилмайиб қўйди.

— Бу сенинг ҳокимлигинг доирасига кирмайди. Шахсий нарса ҳа-лақит бермаслиги керак, сен ўзинг айтдинг буни. Мен «Петр»ни ша-ҳарга кузатиб боришим шарт. Буйруқ шунақа.

Артем алам билан қўлини силкитди.

— Яхши, лекин бу охириги марта.

— Майли, охириги марта бўлса бўла қолсин. Кетдик!

Генрих Штиллер почча

ЗОЛЕНБАУЭР комендатурада ҳеч кимни учратмади, навбатчи, штурмбанфюрер Келлер билан майор Шварцман аэродромга жў-наб кетишди, жаноб Золенбауэр уларни шу ерда кутиб турсин деб та-йинлашди, деб айтди.

Василий тушундики, комендант билан хавфсизлик хизмати бошли-ғи меҳмонни — Г. шаҳарига алоҳида ваколатлар билан юборилган СДнинг масъул ходимини, соддароқ қилиб айтганда, Генрих Штиллер-ни кутиб олгани кетишган.

«Қизиқ, у, Штиллер «почча» қанақа одам экан? — дея кўнглидан кечирди Василий. — Менга қандай муомалада бўларкин? Маргарита Францевнанинг ёрдамисиз бу эсэчининг ёнига яқинлашолмасам керак. У менинг чиндан ҳам қайниси эканлигимни исботлаши лозим. Энг му-ҳими, Штиллер мени текшириб ўтирмаслиги, имтиҳон қилиб овора бўл-маслиги керак... Унда алла бўлиш ҳеч гап эмас. Жуда нари борса «учга» амал-тақал қилиб илинсам керак... Золенбауэр билан унинг хо-тинини, Артем билан учрашиш учун Тошкентга боришганида бор-йўғи бир марта кўрганман. У билан гаплашишга навбат беришмади. Улар ҳақ эдилар. Чунки бундай вазифа қўйилмаганди. Ота-онанг билан учра-шувни хаёл қилиб, қўшни хонадан туриб кузатиб, шуларни кўрасан дейишганди:

...Онанг — ёқимтой, юмшоқкўнгил, сочлари оппоқ аёл, юзида де-ярлик ажин йўқ, ёш ва таранг бўлиб кўринади. Золенбауэрнинг отаси анчагина новча, унинг ҳам кўриниши ёш, хипча, чўққи соқол, мўйлов-ларининг учи юқорига буралган.

Василийни тайёрлашга раҳбарлик қилаётган бошқарма ходими ўшанда ота-оналарнинг ўғиллари билан муомаласига эътибор бериш-ни тайинлаганди. Ванда Францевнанинг ўзи гапиришдан кўра, қўлини энгагига тираб қулоқ солишни яхши кўришини белгилаб қўйди. Унинг энгаги тагида бир тийинлик чақадай туғма кўнғир доғ борлигини кў-риб қолди. Қўлини энгагига тираш одати туғма доғни яширишга инти-лишдан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин.

Иосиф Карлович гапираётганида, сезиларли даражада ҳаяжон-ланди, қўлларини қаерга қўйишни билмай қолди. Олдинига у чаккаси-ни силади, кейин қўлларини орқасига қилиб, уларни занжирдай маҳ-кам туташтирди.

Кеча кечқурун Василий Маргарита Францева билан узоқ суҳбат-лашди. У яна битта «қариндоши» — Генрих Штиллер билан танишиш-га уринди. Бу почча ҳақида ақалли умумий тасаввурга эга бўлиш ке-рак эди. Маргарита Францевнадаги маълумотлар, ўзи айтганидек, йи-гирма йил олдинги, деярлик революцияга қадарли маълумотлар эди. У пайтда Генрих қуруқ таёқдек ориқ, телеграф устунидек новча, қай-рилма қошлари парвозга шайланган қуш қанотини эслатар эди. Бур-ни? Бурни қирра — тўғри эди. Маргарита Францева яна бир нарса-ни — Генрих гапираётганида биров гап қўйишни мутлақо ёқтирмас-

лигини эслади. Қулоқ солиб эшитолмайдиган кишини у тарбия кўрмаган, иззатини билмайдиган, ҳурматга нолойиқ, одам деб ҳисоблашини ҳам айтди. «Буни ҳисобга олиб қўйинг,— дея таъкидлади Маргарита Францевна.— Агар сиз Штиллернинг гапини ақалли бир марта бўлиб қўйсангиз, кейин муносабатни тиклашингиз жуда қийин».

— Сиз мени сизлаб гапиришингиз Штиллерда шубҳа уйғотмайди-ми? — деб сўради Василий.

— Йўқ. Мен ҳаммани сизлайман. Менинг одатим унга яхши маъдум. Бу хусусда у ҳатто ҳазил ҳам қилган.

Василий СС штандартенфюрери билан учрашишга имконияти борича тайёргарлик кўрди. Энди унинг келишини чидамсизлик билан кутарди.

Машина тахминан бир соатдан кейин келди. Навбатчи олиймақом меҳмонни кутиб олиш учун пастга югуриб тушиб кетди. Йўлакда Шварцман билан Келлернинг ҳаяжонли овозлари эшитилди. Комендантнинг эшигида жим бўлди. Шу лаҳзада навбатчилар хонасига навбатчи офицер югуриб кирди.

— Сизни кирсин, дейишяпти, жаноб Золенбауэр!...— деди у. Қўриқ кетганини ҳам, севинганини ҳам билиб бўлмасди.

Василий зинадан чопиб кета туриб, қандайдир оний лаҳза иккила-ниб тўхтаб қолди. У «почча» билан учрашгандаги дастлабки дақиқаларда ўзини қандай тутишни белгилаб олмаганди. Нотаниш поччаси олдига қайниси қандай ҳолатда тутиши керак ўзини? Жонли, хурсанд, уятчан кўринсинми? Балки ҳайратланиши керакдир?... Жавоб тополмади. «Вазиятнинг ўзи кўрсатар,— дея ўйлади у.— Энг муҳими, довдираб қолмаслик керак. Ҳамма нарса сенинг хотиржамлигингга боғлиқ...»

Василий йўлакка кирди, Шварцман кабинети эшигини дадил очди:

— Салом, жаноби штандартенфюрер! Хуш келибсиз! — дея меҳмон олдида қотиб турди.

Золенбауэр паст бўйли эркаклар тоифасидан эмасди, шунга қарамай Штиллердан бўйи анча паст экан.

— Агар янглишмасам, жаноби Золенбауэрсиз! Нима кераги бор бунақа расмиятнинг, қадрдон қайнигинам! — деди Штиллер, гарчи қариндошининг бундай мурожаат қилиши ҳушқўса ҳам.

«Жўясини тўғри топдим,— деди Василий фикран.— Энди фақат шундан айнимасам бас».

— Жаноби Золенбауэр ҳақиқий немис, буюк Германиянинг ҳақиқий ватанпарвари. У бизга катта ёрдам кўрсатяпти... Утиринг, Василий,— дея таклиф қилди Шварцман, креслони унга суриб.

— Ҳозирча арзийдиган хизмат қилмадим,— деди Золенбауэр, ўзини хижолат бўлганликка солиб.— Агар жаноби Штиллернинг зарур иши бўлмаса, мен уни уйга таклиф қилсам деган эдим, Марго холам, афв этинг, Маргарита Францевна сабрсизлик билан кутяпти. Йўлдан чарчаб келгансиз, бизникида дам олволардингиз. Ҳозирги пайтда ҳавода учиб ҳам ўзи бўлмаса керак.

— Ҳақиқатан ҳам, бир неча оғир дақиқаларни бошдан кечиришга тўғри келди. Биз бир гуруҳ рус қирувчиларига тўқнаш келиб қолдик, улар бизни ўққа тутишди. Бахтимизга фақат ўққа тутишди... Дам олиш зарар қилмайди... Мен сизнинг таклифингизни қабул қиламан, азиз ёш дўстим.

Йўлда на Штиллер, на Золенбауэр бир оғиз гап гапирди. Штиллер «почча» ёшликда кўрган жойларини кўздан ўтказиб борар экан, хотираларга берилиб кетди. Унинг ёшлиги беташвиш, қувончли ўтганди ва ана шундай қувончли келажакнинг ёрқин бўсағасига ўхшаб кетарди...

Лекин ўша қувончли келажак насиб қилмади. У, Штиллер, кўп нарсага эришди, ammo бунинг ўзи бўлмади! Таҳқирларга чидади, курашди, фисқу фасодларга учради, хатарларни бошдан кечирди!..

Золенбауэр Штиллернинг хаёл суришига ҳалақит бермади. У унинг ақалли бирон нима дейишини, ўзлари ҳозир кетаётган шаҳар, кўчалар тўғрисида гап очишини кутарди. Лекин Штиллер сўрамади, шундай қилиб улар уйга сукут сақлаб етиб боришди.

Маргарита Францевна меҳмонини тантанавор мулозамат билан кутиб олди. Қучоқлашиб кўришишди, бир-бирларини ўпишди. Штиллер яйраб-яшнаб кетди. «Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай,— деди у фикран, қайн эгачисига тикилиб,— Марго аввалгидай жозибадор. Мен ўшанда унга уйлансам ҳам бўларди. Лекин насиб қилмаган, экан, чамаси!»

Маргарита Францевна уни ювиниб, кийимларини алмаштириб олишга мажбур қилди. Штиллер у нима деса; ҳаммасини бажонидил адо этди.

— Ёраб, столга қандай лаззатли нарсалар тортилган! Ақлдан озиш мумкин!— деди Штиллер, емакхонага кирар экан.— Менинг Хилдам бўлса, Маргосининг очлик азобини тартаётгани хусусида кўзёши тўккани тўккан.

— Хўш, бу стол ҳақида ҳали гаплашамиз,— деб жавоб берди Маргарита Францевна.— Ҳозир эса мен сизни энг яхши кўрган нарсангиз билан меҳмон қиламан. Олиб келинг, Василий!

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Василий каттакон товани олиб келди, унда қайнаб турган мойда икки бўлак қиймали отбивной қовурилиб, жизбиз қилиб турарди.

— Бу билан сен мени бутунлай ўлдирдинг. Генрих нимани яхши кўришини, демак, унутмабсан, раҳмат, азизим!

— Раҳматни менга эмас, ўзингизнинг қайнингизга айтинг. Бу ажойиб чўчқа гўштини поччаси учун ана у топиб келди.

— Қип-қизил қилиб қовурилган картошка ҳам, ўйлайманки, лаганчага ўз-ўзидан келиб тушмагандир? — деди Штиллер, мамнун жилмайиб.

— Бу энли Марго холамининг хизмати,— деб жавоб қилди Василий.— Бу ерда бугунги зиёфатда нималар пишириш, дастурхонга нималар тортиш кераклигини бир неча кундан буён маслаҳатлашамиз.

Генрих Штиллер сочиқни ёқасига қистирди-да, қўлига вилка билан пичоқни олиб, отбивнойни ейишга тушди. Почча отбивной билан яккама якка олишаётган пайтда ҳамма нарсани унутади деган хаёлга бориш мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Штиллернинг иккита ожиз томони бор эди: у овқат ейишни ва гапиришни яхши кўрарди, айти чоқда бу ожизликлар бир пайтда намоён бўларди. У чўчқа гўшtidан бир луқмани оғзига ташлади-да, ўзининг Европа бўйлаб қилган саёҳатини гапира бошлади. Гапининг асосий қисмини, албатта, Париж ва Париждаги расмлар галереяси ташкил қилди, у ердан ўзининг шахсий қоллекцияси учун баъзи нарсаларни қўлга киритганлигини ҳам қўшиб ўтди.

Маълумки, Штиллернинг гапини бўлиш мумкин эмасди. Буни Маргарита Францевна билан Василий яхши билиб олишганди, шу туфайли ҳам меҳмон уларнинг эътиборидан тўла фойдаланиб қолди. Фақат Штиллернинг саёҳат хотираларининг таги бўшаб қолган пайтдагина Марго хола камтарлик билан ўзининг эри, Г. шаҳарида биргаликда кечирган ҳаётлари ҳақида ахборот берди. Унинг ҳикоясига Штиллер унча эътибор бермади. Лекин қайниси тилга кирганида, «почча»нинг вужуди қулоққа айланди. У Василийнинг гапини бир неча бор бўлди, ота-онаси

қандай яшаётганини, ўзларининг Ўзбекистонларида нима иш қилаётганликларини суриштирди. Унинг охирги саволи чалкаш бўлди:

— Айтингчи, ўғлим, ҳозир Иосиф Карлович қанақа бакенбард қўйиб юради?

— Мен шуни биламанки, дадам ҳеч қачон бакенбард қўймаган. У чўққи соқол қўйиб, мўйловини юқорига бураб қўйишни яхши кўради.

— Сиз ниманидир тўқияпсиз, Генрих,— дея жиянининг ёнини олди Маргарита Францевна.

— Бакенбард қўйиб юрган! — дея ўжарлик билан такрорлади Штиллер.— Аммо бу Вандочкага уйланмасдан олдин эди. Сиз, йигитча, буни билмаслигингиз ҳам мумкин.

Василий учун биринчи имтиҳон муваффақиятли ўтди, лекин иккинчисида йиқилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Шунинг учун Маргарита Францевна уни тузланган бодринг ва помидор олиб келгани ертўлага юборди.

— Тузланган помидорни мен бир неча кундан буён тушимда кўриб чиқаман,— деди Штиллер.— Яхшилиқнинг аломати бўлмаса керак деб ўйлагандим, лекин янглишган эканман. Ҳозир дастурхонга тузланган помидор келади денг!

— Келади!— дея тасдиқлади Маргарита Францевна.— Лекин мен Василийни у ёққа юбориб, сиз билан бу ҳақда гаплашмоқчи эмасдим. Мени жиянимга (сизга ҳам бегона эмас, қайнингиз бўлади!) нисбатан дағал муомалангиз ҳайрон қолдирыпти. Ахир бу бизнинг сулоламининг яккаю ёлғиз давомчиси-ку. Иккинчиси ҳам бўлар эдию, лекин сиз уни йўқотиб қўйдингиз, Генрих.

— Керак эмас, Марго, ярага туз сепма,— деди ялинч билан Штиллер.

— Яхши. Энди туз сепмайман. Аммо меросхўр ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак-да. Меҳнат-машаққат билан орттирилган мол-мулк ишончли қўлда қолиши лозим. Василий бўлса — Золенбауэрларнинг ҳар уч оиласи учун ягона меросхўр. Буни унутмаслик керак, менинг дўстим...

Штиллер ногоҳ диққат билан қаради қайн эгачисига.

— Мен меросхўр ҳақида бирмунча бошқача фикрдаман,— деди у тагдор қилиб.

— Қанақа? — деди Маргарита Францевна ўзини гўлликка солиб.

— Давом эттирувчинг билан нима ишим бор демоқчимисиз?

— Фикримга тушундинг... Деярлик тушундинг. Ҳарҳолда, худди маслакдошни тушунгандек тушундинг.

Маргарита Францевнанинг юзидаги ҳайрат қатъиятлик билан алмашинди.

— У — бизнинг жиянимиз,— дея қўлини кўтарди Штиллер ва бу билан Маргарита Францевнанинг шубҳа ва эътирозига чек қўйгандай бўлди.— Бинобарин, унинг томирида немис қони оқяпти.

— Сиз буларни ҳозир эслаганингизга ҳайронман,— дея елкасини қисди Маргарита Францевна.— Шунгача қайнингизнинг тақдири сизга бари бир эди.

— Сен нима деяпсан, Марго? Мен ҳамма вақт Василий ҳақида ўйладим. Ҳамма вақт.

— Биз буни бу ерда сезмадик.

— Сезмаганларинг, табиий. Ҳаёт бизни оламнинг турли томонларига олиб бориб ташлади, хатлардаги қисқа иборалардан ташқари яқинларингга ўз ҳис-туйғуларингни ҳеч нарса билан ифдалаш мумкин бўлмади. Бунинг устига хат билан ҳеч ким анчадан бери бир-бирини қувонтираётгани йўқ.

— Анчадан бери? — дея ҳайрон бўлди Маргарита Францевна.— Урушдан бир ой олдин мен сизларга иккита хат юборганман.

— Тўхта, тўхта! — деди ҳовлиқиб Штиллер.— Хўш, сен хат юбордингми?

— Агар юбормаганимда Василий бу ерга келмаган бўларди. Ўзингиз у билан учрашмоқчи эдингиз-ку, ахир. Ўзингизнинг севикли қайингизни кўришга орзуманд эдингиз. Бола бечора! — деди Маргарита Францевна қўлларини кўксига босиб, бу билан алам ва аччигини ифодалади.— Поччаси ўз аҳдидан осонгина қайтганига ишонмаган бўларди, агар унга айтилса.

— Ҳеч ким ҳеч нарсадан қайтгани йўқ.— Штиллер ўрнидан турди, эшик олдига келиб, у зичлаб ёпилган-ёпилмаганлигини кўздан кечирди.

— Беҳуда эҳтиёткорлик қиялсиз,— деб қўйди Маргарита Францевна.

— Лекин у эшитиб қолиши мумкин-ку.

— Мен бу ерда нимани гапирган бўлсам, ҳаммаси унга яхши маълум.

— Қандай қилиб?! У ҳаммасини биладимиз?

— Албатта. Наҳотки сиз, сабабини айтмай уни бу ерда тутиб тура олади, деб ўйлайсиз. Василий ҳамма-ҳаммасини билади.

— Хат тўғрисида ҳамми?

— Хат тўғрисида ҳам, майда бу ерга келиб кетган «дўстингиз» ҳақида ҳам. Айтганча, у қаёққа ғойиб бўлди?

Штиллер столга қайтиб келди. Стулга ўрнашиб ўтирди, худди бошқа биров эшитиб қолишидан қўрққандек, секин деди:

— Қаерга? Бу мен учун ҳам жумбоқ. У сеникига келгандан кейин қайтиши ва Василийнинг етиб келишини кутиши лозим эди. Василий уйдалигини тасдиқлаб олмай, мен Россияга мушкул, саёҳатга отланолмасдим. Қийинлигидан ташқари хатарли. Нима учун хатарли эканлигини сенга тушунтириб ўтиришнинг кераги йўқ. Уруш тумшуқ тагида турар, қўшинлар чегарага келтириб қўйилган. Менинг ихтиёримда арзимаган икки-уч ҳафта қолган, Германия элчихонасининг ходимлигимни тасдиқлайдиган ҳужжатларим менга Кавказ минерал сувларида бир муддат даволанишимга ҳуқуқ берарди. У ёққа боратуриб, мен йўлақай сеникига кириб ўта олардим. Жуда бўлмаганда, Василийга мени Кисловодскдами ёки Есентукидами, дам олувчи сифатида учратишга тўғри келар эди. Буларнинг ҳаммасига менинг дўстим ғамхўрлик қилиши лозим эди. Бироқ у тўсатдан ғойиб бўлди.

— Лекин хат... хатни сиз олгандирсиз?

(Давоми келгуси сонда).

**Исмоил Жўрабеков,**

Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри



«Бизнинг режаларимиз ва ташаббусларимиз кейинги ўн йилларга мўлжаллангандир. Биз битта эмас, иккита эмас, ҳар қайсиси ўз миқдси жиҳатидан бирор давлатнинг режаларидан ошиб кетадиган ўнлаб лойиҳаларни ишлаб чиқамиз. Уларнинг ҳар қайсиси охир оқибатда миллионлаб кишиларнинг, барча халқларимизнинг фаровонлигини ошириш мақсадини кўзлайди».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

«Сув бор ерда ҳаёт бор». Урта Осиё кенгликлари узра ҳаво лайнерида учиб бораётган одам мазкур мақолнинг нақадар адолатли айтилганига ишонч ҳосил қилади. Бепоеъ масофани эгаллаб ётган малларанг қум саҳролари чегарасини ҳатто ўн минг метр баландликда ҳам кўз илғамай қолади. Фақатгина у ер-бу ерда чўпонлар ва уларнинг отарларига сув берадиган қудуқлар атрофидаги митти воҳалар ям-яшил нуқта бўлиб кўзга ташланади.

Ҳаммага маълумки, табиий ресурслар орасида сув алоҳида ўрин эгаллайди. Ахир ҳаётнинг ўзи, аниқроғи дастлабки оқсил тўқималари сувда пайдо бўлган-да! Вақтлар ўтиши билан ҳаётнинг шакли такомиллашиб, қуруқликка чиқди, бутун қитъаларни эгаллади. Бироқ шундан кейин ҳам сув ҳаёт кечиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолди.

Бизнинг давримизда сувнинг жамият ҳаётидаги роли яна ҳам ўсди. Шу нарса сўзимизга далил бўла оладики, Ер юзи аҳолиси томонидан ҳар хил эҳтиёжларга сарфланадиган сувнинг бир йиллик миқдори — саноат ва қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сув ҳам шу ҳисобга киради — уч минг куб километрни ташкил қилади.

Мазкур рақам йилдан-йилга ўсиб борапти. Аслида Ер юзиде сарфланаётган сув миқдори сўнгги йигирма беш йил ичида уч баравар кўпайди. Энг оддий ҳисоб-китобларга кўра, бу миқдор асримизнинг сўнггида яна икки баравар кўпаяди.

Урта Осиёдаги республикаларда экинларни суғориш ниҳоят даражада ривожланганлиги ҳаммага маълум ҳақиқат.

Узбекистон — суғориш йўли билан деҳқончилик қилинадиган қадимий ўлкалардан бири. Амударёнинг қуйи оқими қирғоқларида бундан беш минг йиллар аввал қурилган ирригация иншоотлари қолдиқларининг топилганини мисол тариқасида келтириб ўтиш жоиздир. Қўриқ ерларга сув чиқариш учун кураш ўнлаб асрлар давом этди. Баъзан бу кураш деҳқонларни ниҳоятда қийинчиликларга дучор қиларди.

Одамлар йўлдан адашган дарё билан бостириб келаётган қумлар ораллигидаги жойларда яшаб қолардилар. Вақт ўтиши билан улар ҳатто ўз тасарруфларини кенгайтирдилар. Табиий офатлар билан бўлган курашларда қўлга киритилаётган минтақа кейинчалик Хоразм воҳасининг маҳсулдор ерларига айланди. Шуниси ажойибки, мазкур воҳани Ўрта Осиёда икки улкан саҳро — Қорақум ва Қизилқумни туташтириб турган зумрад жавохир деб тасаввур этса бўлади.

Суғориш ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича асрлар давомида орттирилган тажриба Советлар ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган ривожланиш палласига кирди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки ойларида ёш Совет мамлакати ички ва ташқи душманларнинг ўтли ҳалқаси ичида қолган бир пайтда пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленин Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, уни инсон манфаатига бўйсундириш ҳақида ўйлади. 1918 йилнинг 17 майида доҳийнинг имзоси билан чўлни ўзлаштириш ҳақида тарихий Декрет қабул қилинди. Биз доҳий имзо чеккан ана шу улуғ Декрет текстини тўлалигича келтирамиз. Декрет 1918 йилнинг 28 майида «Известия» газетасида эълон қилинган:

ДЕКРЕТ

[Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва суғориш ишларини ташкил қилиш тўғрисида]

1. Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминланишини ошириш юзасидан тузилган иш плани тасдиқлансин. Бу план қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади. Самарқанд области Хўжанд уездигаги Мирзачўл ерларидан 500 минг десятинасини суғориш ва Далварзин чўлида 40 минг десятина ерни, ўз ичига олган Мирзачўлнинг рўпарасида Сирдарёнинг нариги лабидаги ирригация системасини асосий иншоотлар билан таъминлаш...

2. Шу Декретнинг 1-моддасида кўрсатилган ишлар учун 1918 йилда Туркистондаги суғориш ишлари бошқармасига давлат хазинаси маблағларидан 50 миллион сўм ажратилсин.

Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. Ульянов (Ленин). 1918 йил, 17 май. Москва.

Мана шу тарихий Декрет чўлнинг буюк истиқболини белгилади. Ўтган олтимиш йил ичида республикамизнинг суғориладиган майдонлари икки баравардан кўпроққа кенгайди. Бугунги кунда деҳқонларимиз 3,3 миллион гектар суғориладиган ва ишлов бериладиган экин майдонларига эгадирлар. 1913 йилда эса, суғориладиган ва экин экиладиган майдонлар атиги ярим миллион гектар эди.

Республикамизда улкан суғориш тармоқларини барпо этиш ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича амалга оширилган муҳим воқеалардан бири Катта Фарғона каналининг қурилишидир. 1939 йилнинг 26 майида «СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг Норин ва Исфайрамсой системасини бирлаштирадиган Катта Фарғона канали қуриш ҳақидаги қарори» эълон қилинди. Қарордаги қуйидаги сатрлар партия ва ҳукуматимизнинг совет халқининг манфаати ҳақида нақадар зўр эътибор бераётганлигини кўрсатиб туради:

«Ўзбекистон ССР Фарғона области колхозлари ва колхозчиларининг Катта Фарғона каналини колхозчилар кучи ва маблағи билан қуриш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг канал қурилишини шу йил 1 августда бошлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин ҳамда керакли ташкилий ва моддий-техника ёрдами кўрсатилсин».

Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигидан руҳланган, асрлар давомида қўриқ ва бўз ерларга обиҳаёт келтириш орзусида юрган халқимиз канал қурилишини зўр уюшқоқлик билан бошлади ҳамда роппа-роса 45 кун деганда улкан иншоотни қуриб битказди. Мисли кўрилмаган суръат билан қурилган бу канал қурилганидан сўнг Фарғона водийсида етиштириладиган пахтанинг ҳажми бир йилдаёқ салкам икки баравар кўпайди.

Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши республикамиз аҳолисининг суғориш тармоқларини кенгайтириш ва янги ерларни ўзлаштириш борасидаги беқиёс ишларининг биттаси холос. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Янги ерларни комплекс ўзлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Учинчи беш йилликда республикамиз деҳқонлари томонидан ҳар йили ўзлаштирилаётган янги ерлар ўрта ҳисобда 100 минг гектарни ташкил этяпти. Бундай эзгу ишни амалга оширишда сув хўжалигининг тез суръатлар билан ўсаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати эса хўжаликнинг бу тармоғига катта эътибор бериб, доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йилги Май пленумидан кейин ўтган ўн уч йил давомида сув хўжалиги қурилиши ва суғориш ҳамда коллектор дренаж системаларини ишга тушириш бўйича амалга оширилган ишлар миқёси аввалги эллик йил ичида қилинган ишлардан кўпроқ бўлди. Шу йиллар ичида замонавий сув иншоотлари қурилди, суғориш тармоқлари лоток-ариқлар тарихида кенг тарқалди, узунасига ва юқоридан пастга қўйилган ер ости ариқлари — дренажлар ишга тушди, экинларни машина би-

лан суғориш жорий этилди. Юқори унум билан ишлайдиган гидротехник ва кучли насос иншоотлари учун темир-бетон йиғмалари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуришга киришилди.

Олимлар ва мутахассислар сув ҳўжалиги объектларини бошқаришнинг янги автоматик ва телемеханик усулларини ишлаб чиқдилар ҳамда ишга жорий этдилар. Шу тўғрисида эндиликда анча-мунча ишлар электрон ҳисоблаш машиналари билан бажариляпти. Бу нарсалар сув ҳўжалиги қурилиши ва суғориш системаларини индустриал асосда ишлашга ўтказиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг ҳозирги сув ҳўжалиги ўз миқёси жиҳатидан беқиёсдир. Тўрт миллиард куб метрдан кўпроқ ҳажмга эга бўлган ўн олтига йирик сув омбори, умумий узунлиги 150 минг километрга эга бўлган кучли суғориш каналлари, узунлиги етмиш минг километрдан ошадиган коллектор-дренаж системалари, юқоридан пастга ўтказилган дренажлар ва суғориш учун қазилган олти мингга яқин қудуқлар, телемеханик ва автоматик усул билан бошқариладиган мураккаб гидротехника комплекслари, ҳар хил типдаги насос станциялари — республикаимиз сув ҳўжалиги миқёсини белгилайдиган белгилар ана шулардир. Ҳозир республикаимизда миллион гектардан кўпроқ майдон ҳар хил қувватга эга бўлган насослар ёрдамида суғорилади. Сўнгги ўн икки йил давомида сув ҳўжалигимиз учун сарфланаётган электр энергияси юз мартадан кўпроқ ошди. Электр билан ишлайдиган насос станциялари ҳозир йил бўйи ишлаб турибди.

Сув ҳўжалиги ишларининг индустриал асосда қурилиши ва фойдаланишга топширилиши битта асосий мақсадни — суғоришда сувдан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш, сув билан таъминлашни яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадини кўзда тутлади. Республикаимизнинг янгидан ўзлаштирилган қўриқ ерлари эса миллионлаб гектарни ташкил этади. Бу борадаги вазифалардан бири мавжуд сув омборлари ҳажмини ошириш ва янги сув омборлари қуришдан иборатдир. Шунингдек суғориш усуллари ва техникасини такомиллаштириш йўли билан сувдан самарали фойдаланишга эришиш лозим. Масалан Ўзбекистонда 800 минг гектар майдондаги экинни ер остидан суғориш мумкинлиги аниқланган. Бу эса, анча-мунча сув тежалади, демакдир. Пахтанинг ва бошқа экинларнинг қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш ва экишга жорий этиш ҳам суғориш учун сарфланадиган сув миқдорини камайтириш имконини берган бўлур эди.

Орол денгизи сатҳининг сезиларли даражада пасайиши (сўнгги ўн беш йил ичида 6 метр пасайди) сув ҳўжалиги ходимлари олдига янги вазифалар юклайди. Бундан кейин Амударё ва Сирдарё irmoқларининг суви тағин ҳам камайиши мумкин. Бу ҳодиса эса, тупроқнинг маҳсулдор устки қатламнинг қуруқшаб қолиши ва экин майдонларининг шомол эрозиясига учраши хавфини туғдиради. Амударё irmoқлари атрофида ерости сувлари сатҳининг пастлашиши кенг майдонларда чорвачилик учун ем-хашак манбаи ҳисобланган қамишзорларнинг йўқолиб боришини келтириб чиқаради. Сўнгги ўн йил давомида Орол денгизига тушаётган сув миқдорининг учдан икки қисмга қисқарганлиги ва бундан кейин ҳам камай бориши Амударё қирғоқларида табиий маҳсулдорликни сақлаб қолиш учун маълум бир чоралар кўриш вазифасини келтириб чиқаради.

Хоразм воҳасидан Орол тарафга оқадиган сизот сувларини ортага қайтариш лойиҳаси ана шундай тадбирлардан биридир. Бу лойиҳа «Узгипроводхоз» институтининг мутахассислари томонидан икки вариантда тузилган. Биринчи вариант бўйича экинлардан бўшаган 2—3 куб километрли сув (бир йиллик ҳажми) махсус каналда воҳа чегарасидан Амударё оқими бўйлаб оқизилади. Бу лойиҳага кўра, каналнинг қиймати насос станциялари билан қўшиб ҳисобланганда салкам 50 миллион сўмга тушади.

Лойиҳаниннг иккинчи вариантига ҳали сўнгги нуқта қўйилгани йўқ. Унинг умумий йўналиши Озерний ва Дарёлик коллекторларидаги сувни Судочье кўлига йўллаш, сўнгра дарё irmoғи бўйлаб суғоришга сарфлашни кўзда тутлади. Бу тадбирнинг тахминий қиймати 100—125 миллион сўмга тушади. Бироқ ҳўжалик манфаатлари нуқтаи назаридан мазкур вариант мақсадга мувофиқдир. Чунки бу вариант табиий ресурсларни сақлаш ва дарё қирғоғини ҳўжалик жиҳатидан ўзлаштиришни кўзда тутлади.

Шунингдек дарё қирғоқлари яқинида дамбали плотиналар системасини қуриш хусусидаги муаммо ҳам бор. Бу усул билан сизот сувларидан қамишзорлар барпо қилинишида фойдаланиш ва ер ости сувлари сатҳини сақлаб қолиш мумкин бўлур эди. Бироқ ўз мазмунини жиҳатидан оддийгина бўлган бу таклиф ҳали кўпгина мулоҳазалар ва аниқланишларни талаб қилади.

Орол денгизи ва унинг ён-атрофидаги зона муаммосининг кенгроқ миқёсда ҳал этилиши Сибирь сувларининг шу тарафга оқизилиши билан боғлиқдир. Истикбол режаларда канал суви билан денгиз сатҳини ошириш мумкинлиги ҳам кўзда тутилади. Лекин бу нарса 8 миллиард сўмга яқин қўшимча ҳаражатни талаб қилади.

Амударё ва Сирдарёда янги йирик сув омборларининг қурилиши сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва зарурий сув резервларини йиғиш мақсадини кўзда тутлади.

Суғориш системаларининг эскиларини қайта қуриш ва техник жиҳатдан такомил-

лашган янги иншоотларнинг қурилиши иқтисод қилинган сувдан самарали фойдаланиш имконини беради. Бироқ экинларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг йилдан-йилга камайиб бораётганлигини республикамизнинг суғориладиган деҳқончилиги истиқболлари ҳақида мулоҳазалар юритишга мажбур қилади. Олимлар ва мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Орол денгизи ҳавзасидаги сув ҳажми мамлакатимиз дарёларидаги сувнинг 2,7 процентини ташкил қилади. Бу миқдордаги сув ниҳоятда максимал даражада тежаб-тергаб сарфланганда ҳам атиги 1990 йилгача деҳқончилик қилишга имкон беради.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида экинларга бериладиган сувнинг, шунингдек экин майдонларининг шўрланиб бораётгани, олимларнинг таъкидлашларича, ҳосилдорликнинг пасайишига, ҳатто экин майдонларининг қисқаришига олиб келади. Шўр сувнинг тоза сувга айлантирилиши ниҳоятда қимматга тушишини ҳисобга олганда, мазкур зоналарда экинлардан етиштириладиган ҳосилнинг камайиб кетиши хавфи ҳам ўз-ўзидан келиб чиқади.

Ўзбекистон — пахтакор республика. Шунингдек республикамиз халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муҳим ўрин тутати. Ҳозир иттифоқимизда етиштирилаётган пахтанинг тўқсон проценти, луб маҳсулотларининг юз проценти, жуннинг ўн олти проценти Ўзбекистонда етиштирилади. Шунингдек, мева, узум, картошка-сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳам кўп миқдорда етиштирилади.

Қисқача қилиб айтганда, ўзлаштирилиши лозим бўлган улкан массивлар мавжудлиги, аммо оби-ҳаётнинг танқис бўлиб бораётганлиги — давримиз ишлаб чиқариш кучларининг эҳтиёжи Сибирь дарёси ўзанини Орол денгизи ҳавзасига қуйилиши муаммосини кўндаланг қилиб қўяди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди:

«Сув танқислиги тобора ошиб бораётганлиги суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Кейинги беш йилнинг тўрт йили бизда қурғоқчилик йили бўлди. Аммо республикада ўзлаштирилмай ётган ерлар жуда кўп. Иссиқ мўл бўлган, меҳнат ресурслари катта бўлган шу районларда сув бўлса биз пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтираверамиз, дон экинларидан йилга икки марта мутасил равишда катта-катта ҳосил олаверамиз, боғлар ва тоқзорларни кўпайтираверамиз. Шу сабабли биз, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советидан Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига, Урта Осиёга буриб юборишга доир илмий тадқиқотларни, шунингдек қидириш ва гидротехника иншоотларни лойиҳалаш ишларини шу беш йилликда ниҳоясига етказиш масаласини ҳал қилиб беришларини сўраймиз. Бу проблемани ҳал қилиш катта давлат аҳамиятига эгадир».

Шимолий дарёлар ўзанини Урта Осиёга оқизиш ғояси даставвал ўтган асрда тутилган эди. 1868 йилда киевлик агроном Я. Г. Демченко Рус Императорлиги География жамиятига «Орол-Каспий пастьекислигини суғориш иқлимни яхшилайдми» сарлавҳали ёзма доклад тақдим этади. Аммо бу ғоя ўша пайтда эътиборсиз қолдирилади. Совет ҳокимияти даврида Иртиш, Обь, Енисей дарёларида тўсиқ иншоотлари қуриш йўли билан мазкур дарёлар сувини Урта Осиёга оқизиш ҳусусида Д. Букиннич, Н. Н. Ботвинник, В. А. Монастирев ва бошқа мутахассислар ўз илмий мулоҳазалари билан чиқдилар. 1954 йили «Гидроэнергoproject» институтида биринчи марта ана шу эзгу режанинг техник жиҳати ишлаб чиқилди.

КПСС XXV съезди қарорларида кўзда тутилган ғояларга биноан Бутуниттифоқ «Союзводпроект» бирлашмаси билан «Гидропроект» институти ҳамкорликда мамлакатимизда сув ресурсларининг территориал қайта тақсимоли муаммолари бўйича кенг миқёсда лойиҳалаш-қидириш ва илмий-текшириш ишлари олиб бордилар. Ҳар иккала илмий-текшириш ташкилотларининг ҳужжатларига биноан «Союзводпроект» мутахассислари 1977 йилда «Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиё ва Қозғистонга оқизишнинг асосий техник-иқтисодий далилларини» ишлаб чиқдилар.

Бу «Асосий далил»лар ва ундан аввалги текшириш ҳужжатлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1976 йил 15 июлда қабул қилган қарорида кўзда тутилган кенг миқёсли программанинг бир бўлаги ҳисобланади. Мазкур қарор СССР Фанлар академиясининг зиммасига, Мелиорация ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш, Балиқчилик хўжалиги, Геология иттифоқ министрликлари зиммасига ва СССР Министрлар Совети қошидаги Гидрометеорология хизмати Бош бошқармаси зиммасига, шунингдек бошқа манфаатдор министрликлар ҳамда бошқармалар зиммасига 1976—1980 йиллар давомида комплекс равишда текшириш ишлари олиб бориш вазифасини юклайди. Бу текширишларнинг мақсади сув ресурслари қайта тақсимотининг ҳажми, қай тартибда амалга оширилиши ва бу муҳим тадбирнинг атрофдаги муҳитга, ижтимоий-иқтисодий жараёнга таъсирини ўрганишдан иборат эди.

Барча ишлар СССР Министрлар Советининг фан ва техника Давлат комитети тасдиқлаган программа асосида олиб борилиши лозимлиги ҳам таъкидланган эди.

Шимолӣй ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиё, Қозоғистон ва Волга ҳавзасига оқизиш муаммолари устида айни пайтда 150 та илмий-текшириш ва лойиҳалаш-қидириш институтлари ишламоқда. Илмий тадқиқотларни СССР Фанлар академиясининг Сув проблемалари институти, лойиҳалар тузиш ишларини эса, СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлигининг Бутуниттифоқ «Союзводпроект» бир-лашмаси бошқармоқда.

Тадқиқот ишлари жараёнида дарёлар оқимини ўзгартиришнинг 20 дан кўпроқ тахминий вариантлари ўртага ташланади. Энг яхши техник-иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ўнлаб миллион гектар сувсиз ерларидан фойдаланишнинг кенг истиқболларини очиб берадиган «Тўрғай-1» номили вариант техник-иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича яхши деб топилди.

Ана шу вариант бўйича мамлакатимизнинг Урта региони сув билан таъминланади. Беқиёс кенг территорияга эга бўлган бу регион шимолда Карский денгизи билан ғарбда Урал тоғи, Урал дарёси, Каспий денгизи билан, жанубда ва жануби-шарқда Эрон, Афғонистон, ХХР, Мўғилистон Халқ республикаси билан, шарқда Енисей дарёси билан чегараланади. Бу регион СССРнинг ўттиз процент территориясини ўз ичига олади. Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги яхши ривожланган бу территорияда мамлакатимиз аҳолисининг тўртдан бир қисми истиқомат қилади. Партия ва ҳўкуматимиз томонидан белгиланган тадбирлар амалга оширилгандан кейин ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши туфайли мазкур регионда истиқомат қиладиган аҳолининг сони асримиз сўнггида 100 миллион кишига етади.

Ўзани ўзгартирилган дарёларнинг суви асосан Каспий денгизи ва Орол денгизи ҳавзаларига йўналтирилади. Ана шу сув ресурсларининг бешдан бир қисми Орол ҳавзасига қўйилади. Бу муҳим тадбир бир вақтлар табиат томонидан йўл қўйилган хатони тuzатади ва, билинар-билиномас оқибатларни ҳисобга олмаганда, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Кўпдан кўп тадқиқотлар ва юқорида эслатилган «Асосий далиллар» буни тасдиқлайди. Дарёлар ўзанини ўзгартириш Сибирдаги иқтисодий районлар ва Урта Осиё республикалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик анъаналарини кенгайтиришда янги омил бўлади, кейинги ўн йиллар ичида меҳнат ресурсларининг қайта тақсимотида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иртиш билан Обь дарёси туташадиган жойда, Белогорье шаҳри яқинида янги қўлбола ўзан — Иртишнинг оқимига қарама-қарши ўзан барпо бўлади. Иртишга параллел равишда янги ўзандан оқиб келган сув насос станциялари орқали 38,5 метр баландликка кўтарилади ва Тобольск сув омборига қўйилади. Худди шу манзилдан салкам 2300 километрли асосий канал бошланади. Каналдан оқадиган сувнинг бир йиллик ҳажми биринчи навбатда 25 куб километрни ташкил этади. Бу ҳажмдаги сувни Иртишнинг оқим сувида ҳамда Тобольск сув омбори ёнидаги сув қалъасидан бемалол олса бўлади.

Жануб томон оқадиган сув Тобольск сув омборидан тўрт пиллапояли насослар ёрдамида яна 76 метр баландликка кўтарилади, канал орқали Тўрғай пасттекислигига йўл олади. Иртиш сувини олиб келаётган канал Жусали шаҳри яқинида Сирдарёни кесиб ўтади ва икки дарё ораллигига ўтиб олади. Каналдан ажраладиган битта тармоқ ҳозир қурилаётган Тўямўйин сув омборига оби ҳаёт ташийди. Бунинг учун иккита насос станцияси ишлайди ва сувни яна эллик метр баландликка кўтариб беради, бу насослардан ҳар секундда 550 куб метр сув ўтиб туради.

Кейинчалик шимолдан «қайириб» олиб келинадиган сувнинг ҳажми яна ҳам кўпаяди. Каналнинг иккинчи навбати ишга тушиши билан йилга 60 куб километр ҳажмдаги сув насослар орқали 183 метр баландликка кўтарилади ва Сирдарё орқали Чордара сув омборига қўйилади.

Экинларни суғоришга оби ҳаёт энг кўп сарфланадиган мавсумларда ишнинг бир меъёрада олиб борилиши мақсадида 1390 километрли трассада Теғиз омбори ишлаб туради. Унинг биринчи навбатдаги сув сиғдириш ҳажми 5,7 куб километрни, иккинчи навбатдаги сиғим ҳажми эса 14 куб километрни ташкил қилади.

Шимолдан оқиб келадиган асосий канал ердан қазилади. Шуни айтиш керакки, ерга шимилиб йўқотиладиган сувнинг ҳажми айтарлик кўп бўлмайди, ҳаммаси бўлиб 10 процентга яқин сув ерга сингади.

Кўриниб турибдики, Иртиш сувини жанубий районларга йўллаш борасидаги ишларнинг миқёси ниҳоятда катта. Ана шу боисдан қурилиш ишларини навбати билан олиб бориш кўзда тутиляпти. Бу мураккаб комплексли гидротехник иншоот, бир бутунликда олиб қаралса, бутун дунё бўйича ўтказилаётган яқкаю ягона тажрибадир. Янги ўзан очиш ишлари ер қазииш ва айрим жойларда тупроқ ташиб қирғоқни кўтариш йўли билан олиб борилади. Пастқамроқ майдонларда қирғоқни тупроқ ташиб кўтаришда канал остини ва қирғоқларини шиббалашга алоҳида аҳамият берилади. Бу ишларни амалга оширишда яқин келажакда, каналнинг иккинчи навбатини ишга тушириш, яъни шу каналнинг сув сиғимини ошириш мумкинлиги ҳисобга олинади. Шуни ҳам айтиш керакки, янги канал йўлида Сибирнинг ботқоқликлари, Қорақум ва Қизилқум саҳралари, яъни сувни кўпроқ ерга синдириб юборадиган зоналар анчагина. Лойиҳада бундай қийинчиликларнинг олдини олиш ва унинг сарф-ҳаражатлари кўзда тутилган.

Журналхонларни қизиқтирадиган яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз бўлур эди: каналнинг биринчи навбати чуқурлиги 13—16 метр, эни 140—190 метр бўлади; иккинчи навбат ишга туширилгач, каналнинг эни 200—280 метрга кенгайди. Биринчи навбат ишга туширилган пайтда каналдан ёз ойларида секундига 1000, қиш ойларида 600 куб метр сув ўтиб туради; иккинчи навбат ишга тушгандан сўнг бу рақам 2400 ва 1440 куб метрга етади.

Канал трассаси бўйлаб чўзилган территориянинг хилма-хил иқлим шароитларга эга эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Масалан, трасса бошланадиган жойларда сув барвақт музлайди ва кечроқ эрийди. Асосий ўзани ва айниқса сув узелларини лойиҳалаш ва қуришда ана шуларни ҳисобга олиш зарурдир. Йўл-йўлаккай муз тикилиб қолиши ва муз тошининг олдини олиш мақсадида қиш ойларида биринчи навбат учун 100 куб метрга тушириш мумкин. Бордию ана шу хусусиятлар ҳисобга олинмаса, канал қирғоқларининг бузилиши, айрим ерларда эса сувнинг қирғоқдан тошиб кетиши мумкин.

Сибирь сувларини Урта Осиё ва Қозоғистонга оқишининг ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина муҳим жиҳатлари бор. Ана шу жиҳатларнинг энг асосийларидан бири лойиҳани ишга тушириш омили бўлган иқтисодий масаладир. Шимол сувларини 1990 йилда Орол ҳавзасига олиб келиш мuddатини ҳисобга олганда ҳар йили сарфланадиган маблағнинг беқиёс эканлиги кўзга ташланиб қолади. Чунки ҳар йили шу объектнинг ўзига 2 миллиард сўмдан кўпроқ сарфлаш — ниҳоятда катта харажат демакдир. Шу боисдан қурилишнинг лойиҳасини тежамкорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш мақсади туғилди. Натижада йилига 25 куб километр сув ўтказадиган биринчи навбатнинг қиймати 7,5 миллиард сўм деб ҳисобланди.

Шуниси ҳам борки, бу лойиҳага биноан канал трассаси бўйлаб олиб бориладиган сув ҳўжалиги қурилишлари ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари кейинги муддатга сурилади. Мазкур лойиҳа бўйича сарфланадиган маблағ тез орада ўзини оқлай олмадлиги мумкин. Бироқ бу лойиҳа биринчи навбат қурилишининг ўз муддатида ҳам битишини гарантиялайди. Шунингдек Орол атрофидаги майдонларнинг ўз вақтида сув билан таъминланиши тезда ўз самарасини беради. Жанубий гектарларнинг шимолий гектарларга нисбатан сермахсул эканлигини ҳисобга олганда канални ўз вақтида ишга туширишнинг ижобий жиҳатлари янада яққол кўзга ташланиб туради. Биргина мисол шуки, Орол ҳавзасининг Сибирь сувлари билан таъминланиши натижасида гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг ўзи 1975 йилга нисбатан уч баравардан кўпроқ ортади.


Сибирь сувларининг бир қисмини янги ўзандан оқишиш Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг кейинги 25—40 йилларга мўлжалланган умумий қарорлардан келиб чиқадиган стратегик вазифалар программасига кирди. Бу программа Ўзрол иқтисодий ёрдам мамлакатлари тараққиоти плани асосида пахта етиштиришни кўпайтиришни ва мамлакатимиз эҳтиёжи учун 13,4 миллион тонна, шу жумладан 3 миллион тоннадан кўпроқ ингичка толали пахта етиштиришни кўзда тутди. Шунингдек, дон ва дуккаккай ўсимликлар ҳосилини йилига 22,7 миллион тоннага етказиш режаси ҳам мазкур программага мўвофиқ тузилган. Чорва моллари учун ем-хашак ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпаяди.

Сибирь дарёлари ирмоқлари сувини янги ўзандан оқишишдек эзгу вазифани адо этишда Иттифоқимиздаги ирригация ва гидротехника қурилишлар борасида етарли тажрибага эга бўлган кўпгина ташкилотлар иштирок этадилар. Ўзбекистон ССР Ирригация ва сув ҳўжалиги министрлиги ихтиёридаги қурилиш ташкилотлари зиммасига ҳам конкрет вазифалар юкланган. Улар Теғиз сув омборидан Амударё қирғоғигача бўлган канал трассасини қуришлари лозим. Қурилишнинг қайси босқичини қачон қуриб тамомлаш бўйича тахминий муддатлар ҳам аллақачон аниқланган. Масалан, бош каналнинг Сирдарё қирғоғигача бўлган қисмини 1988 йилда, Амударё қирғоқларигача бўлган қисмини эса 1992—1993 йилда битказиб ишга тушириш кўзда тутилган.

Улуғвор қурилишга тайёргарлик кўриш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Ўн биринчи беш йилликда тайёргарлик ишларига 1,5—2 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган. Машинасозлик корхоналари келгуси беш йилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ ер қовлайдиган ва бошқа хил машиналарнинг янги намуналарини қайтадан кўриб чиқмоқдалар.

Жамиятнинг барча иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини умумдавлат миқёсида планлаштирилиши, ер ва сувнинг умумхалқ мулки эканлиги, юксак иқтисодий кучқудрат ва кенг миқёсли сув ҳўжалиги иншоотлари қурилишидаги катта тажриба — Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига янги ўзандан оқишиш каби улуғвор лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган омиллардир. Бу хосиятли иш бутун жамиятимиз манфаатларига мос тушади.

Сибирь дарёларининг суви яқин келажакда жанубдаги қўриқ ерларни серҳосил майдонларга айлантиради.



«ЎҚИТУВЧИ»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

ПАРДА ТУРСУН ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ



Таниқли ўзбек ёзувчиси Парда Турсун «Ўқитувчи» романи, бир қанча ҳикоя ва очерклари, қиссалари билан китобхонлар қалбидан ўрин олган санъаткордир.

Адиб 1909 йилнинг 26 октябрида (янгича ҳисоб билан 7 ноябрда) Поп районида Чоркесар қишлоғида камбағал батрак оиласида туғилган. Унинг отаси Холмат ака (Турсун бувасининг исми) қишлоқнинг энг қашшоқ кишиларидан бўлиб, бутун умри бойлар эшигида хизматкорликда ўтган. Қаҳатчилик йиллари кўпчилик қатори оиласи билан Тошкент шаҳрига иш излаб келган ва тахминан 1918—19 йилларда бу ерда ёш Пардадан бошқа бутун оила очликдан қирилиб кетган. Шундан сўнг Парда маълум вақтгача ўша пайтда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида яшаб турган. Иноят қори (ёки Иноят

оқсоқол) деган руҳоний бир кишининг уйдан бошлана топган. Парда Турсуннинг шахсий архивида сақланаётган ва Бешёғоч даҳа, Эркин маҳалла комиссияси томонидан 1929 йил 11 апрелда ёзилган справка ҳам буни тасдиқлайди. Ёш Парда Иноят қори хонадонининг майда-чуйда уй ишларига қарашади, молларини боқади ва ҳоказо. Иноят қорилар оиласи илм-маърифатга берилган, илғор дунёқарашли кишилар бўлган. Улар социалистик инқилоб ғалабасини самимий кутиб олганлар, совет ҳукуматининг эркинлик, озодлик ва камбағалпарварлик сиёсатини қўллаб-қувватлаганлар. Бешёғочдаги шахсий иморатнинг бир қисмини совет мактаби учун фойдаланишга берганлар. Отаонадан етим қолган ёш Парданинг меҳнаткаш халқ учун оғир — қаҳатчилик йилларида бу хонадондан бошпана топишининг боиси ҳам шундан. Иноят қорининг Назир, Ҳабиб, Хайрулла исмли ўғиллари ва бир қизи бўлган. Ёш Парда янгича маданиятга эга бўлган ана шу ёшлар таъсирида ўсган. Бу хонадондаги мухит уни маърифатга етаклаган, ўқиш-ўрганишга, илмга илк ҳавас уйғотган. У Иноят қори болалари ёрдамида Шокиржон Раҳимийнинг «Совға» китобидан илк саводини чиқарган. Тахтага, қоғозга ҳарфлар, сўзлар, ибораларни битиб, ёдлаб юриб, уйда дастлабки маълумот олган. Иноят қорининг ўғли Назир Иноятний 1923 йилда саводи чиқиб, кўзи очилиб қолган ёш Пардани ўзи директорлик қилаётган Бешёғочдаги Алмай номидидаги ўлка ўзбек намуна-тажриба иш-мактабига ўқишга киритган.

Парда Турсуннинг дастлабки бадийий-ижодий машқлари ҳам мана шу педагогика билим юрти ва мактабда ўқиб юрган чоғларига тўғри келади. У «Муштум», «Маориф ва ўқитувчи» журналларида, «Ёш ленинчи» ва мактаб деворий газеталарида ўзининг кичик-кичик хабар ва мақолалари, шеър ва лавҳалари билан қатнашиб турган. Ёш Пардадаги алоҳида қобилиятни пайқаган Олим Шарафиддинов «Пардадан катта ёзувчи чиқади» деб, унинг келажагига катта

умид билан қараган ва бўлажак ёзувчига йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб турган.

1929 йилнинг баҳорида Парда Турсун йўлланма билан Пискент районининг Саид қишлоғига ўқитувчи бўлиб борди. Қишлоқда ишлаш, озод меҳнат ва янгича турмуш қахрамонлари билан бевосита алоқада, мулоқотда бўлиш, қишлоқдаги қайноқ ҳаётни, революцион ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриши бўлажак ёзувчига бой ҳаётий материал берди. Булар меҳнаткаш халқ турмушидаги ўзгаришларга чексиз хайрихоҳлик туйғуси билан қараётган Парда Турсунда кўрган-билганларини қаламга олиш истагини уйғотди. Бу ерда у ўзининг дастлабки машқи — «Алвасти» ҳикоясини ёзди. Кейинги ҳикоя ва очерклари қахрамонлари ҳаётини ўрганди.

Парда Турсун Саид қишлоғида 1929 йилнинг охиригача ишлаб, 1930 йил баҳорида Самарқандга келди, «Қизил Ўзбекистон» бирлашган нашриётига қарашли «Батрак» газетасининг масъуль котиби (муҳаррири Сулаймон Азимов) қилиб тайинланди. Газетада у ҳикоя, очерк, хабар ва мақолалари билан кўриниб турди. 1931—34 йилларда Парда Турсун «Қизил Ўзбекистон» бирлашган редакциясида адабий ходимлик ва журналистик қилди. Бу даврда мамлакатнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётида катта бурилишлар содир бўлмоқда эдики, журналист Парда Турсун Ўзбекистоннинг кўп-лаб қишлоқ ва районларида бўлиб, қайта қурилаётган қишлоқ хўжалиги ва саноатни, янги типдаги бунёдкор инсонни ўз кўзи билан кўрди. Унинг «Очилаётган кўзлар» (1933), «Домла» (1933), «Остонада» (1934), «Бир хотиннинг тарихи» (1935) каби ҳикоялари ўша муҳитнинг маҳсулидир. Ёзувчининг бу даврдаги ҳикоя ва очерклари 1932—35 йилларда ўзбек ва рус тилларида тўплам ҳолида ҳам босилган. П. Турсунни бадий ижодга етаклаган омиллар хусусида гап кетганда унинг ижодиди маҳорат мактаби ролини ўйнаган буюк рус адабиёти, айниқса Л. Толстой, Н. Гоголь, А. Чехов, М. Горький ва бошқа санъаткорлар ижодининг самарали таъсирини алоҳида қайд этиш керак бўлади.

Октябрь инқилобидан кейин мамлакатимизда рўй берган буюк ўзгаришларни кишилар онгига етказишда П. Турсун очеркни энг ҳозиржавоб воситаларидан бири сифатида қўллади. У республикамизнинг кўп-лаб область ва районларида бўлиб қишлоқ хўжалиги илғорлари ва турли касб эгалари билан учрашди, уларнинг турмуши билан яқиндан танишди, маданий революция, коллективлаштириш каби муҳим мавзуларга оид бой ва ибратли материаллар тўплади. Натижада «Мажлисда», «Кўвнок ҳаёт», «Турмуш янгича қайнамоқда», «Дадажон раис», «Яша пахтакор» (1932), «Қўлдош ака 1 Майни қандай қарши олди?», «Яйловда» (1933), «Саҳро асирликда» ((1934), «Янги раислар», «Беш йилликнинг фахрли зарбдори» (1934) каби кўп-лаб очерклари юзага келди. Муаллиф буларда коллективлаштириш даврининг кенг ва ёрқин манзарасини чизишга интилди. Унинг қахрамонлари оддий кол-

хозчилар, чўпонлар, ўқитувчилар, врачлар — янги, социалистик қишлоқ хўжалиги ва маданиятини тиклаш учун фаол курашаётган ватанпарвар, ижодкор ва меҳнаткаш кишилардир. Парда Турсуннинг кўп-лаб очерклари ҳам унинг кейинги асарлари учун бой ҳаётий материал бўлди. Аини вақтда ёзувчининг жанговарлик, оперативлик, даврининг муҳим масалаларига ҳозиржавоблик хусусиятларини ҳам шакллантирди, ижодий маҳорати ва тажрибасини оширди. Кўпчилик танқидчилар Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романидаги портрет яратиш санъатига юқори баҳо берадилар. Сирасини айтганда ёзувчининг очерклари бу портретларнинг дастлабки эскизлари эди.

1935—36 йилларда Парда Турсун Урта Осиё план-экономика институтида ўқиди. 1937 йилда «Ёш ленинчи» газетасида очеркист бўлиб ишлади. 1937—38 йилларда у Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қомитетининг раиси Йўлдош Охунбоевга котиблик қилди. Кейинчалик яна журналистика ва адабий ҳаётга қайтди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида очеркист адабий ходим (1939—40), УзТАГ да муҳаррир (1940—42) вазифаларида ишлади. Бу даврда у етук журналист, истеъдодли ёзувчи, таржимон сифатида танилди.

Воқеликка санъаткор кўзи билан қараш, рус ва жаҳон адабиётиндан ўрганиш самараси ўлароқ, ёзувчида халқ ҳаётида содир бўлаётган гигант ўзгаришларни, йирик ижтимоий воқеаларни қаламга олади, «совет ҳукумати қишлоққа нима берди?» деган темада асар ёзиш нияти туғилди. Бу ниятни амалга ошириш мақсадида Парда Турсун газетачилик ишидан бўшади ва «ёзмоқчи бўлганим маориф fronti, бош ролда ўқитувчи бўлгани учун ўзим шу вазифада бўлишни лозим кўрдим»¹ деб маорифга мурожаат қилиб, узоқ районлардан бирига муаллим бўлиб кетди. Натижада, «Ҳақ йўл» повести ёзилди (1940). Шу йили «Ўзбекистон» тўпламида повестдан парча («Муаллимнинг тонги») ҳам босилди. Лекин, йирик жанрга эндигина қўл ураётган ёзувчининг бу қиссаси айрим камчиликлардан ҳоли эмас эди. Мавзуси ғоят долзарб бўлишидан қатъий назар асарнинг бадий тасвир воситалари ғализ, конфликтли суст ва ечими сунъий эди. Ёзувчи ҳақли равишда билдирилган танқидий фикрлар асосида асарни қайта ишлашга киришди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Парда Турсун ҳам кўпчилик қатори фронтга жўнади. У ерда адиб совет аскарлари учун рус ва ўзбек тилларида чиқадиган «На фронт» («Фронтга!») номли газетада адабий ходим ва редактор ёрдамчиси бўлиб ишлади. Уруш даврида унинг фронт газетаси ва республика матбуотида кўп-лаб ҳикоя, очерк, публицистик мақолалари босилдики, булар ёзувчи ижодининг мавзу ва жанр эътибори билан ҳам, мазмунан ҳам рангбаранг эканлигидан далолат беради. Ёзувчи «Янги тонг отади», «Алпомишдай бўл!»,

¹ Ёзувчининг шахсий архивида сақланаётган хотираларидан.

«Кўк конверт», «Ғолиббек», «Бахт ҳақида сўз» каби асар ва мақолаларида Совет Армияси қаҳрамонларининг жанг майдонларидаги мардонавор кураши ва ғабалаларини олқишласа, «Янги ном», «Ҳиммат», «Саидали», «Хирмонда» каби асарларида совет халқининг фронт орқасидаги фидо-корона меҳнатини, ғалабага қўшаётган ҳиссасини, армия ва халқнинг бузилмас бирлигини ҳаётий материаллар асосида кўрсатди.

Парда Турсун Улуғ Ватан урушининг энг долзарб пайти 1943 йилда коммунистлар партияси сафига кирди. 1944—45 йилларда УзТАГ ва «Еш ленинчи» газетасида ишлади. 1946—48 йилларда УзКПМК қошидаги икки йиллик республика олий партия мактабида ўқиб, 1948—50 йиллар мобайнида Ўзбекистон Компартияси институти филиалида илмий ходимлик қилди ва ижодий иш билан шуғулланди.

Ёзувчи урушдан қайтиши биланоқ, «Ҳақ йўл» устидаги ишини давом эттирди. Асар «Ҳақ йўл» номи билан 1947 йилда босилди ва рус тилига ҳам таржима қилинди.

Газета ва журналларда босилган мақола ва тақриزلарда мавзуси муҳим бўлган бу асарнинг бадий жиҳатдан мукамал ва етук эмаслиги ҳам таъкидланади. Асардаги асосий образларнинг индивидуал хусусиятлари тўла очилмаганлиги ва уларнинг тип даражасига кўтарилмаганлиги, шунингдек синфий курашнинг султ ва партия раҳбарлигининг бўш тасвирланганлиги, асар тилида ғализликлар борлиги каби жиддий камчиликлар рўй-рост айтилди.

Парда Турсуннинг иккинчи йирки асари «Уқитувчининг йўли» аввал ният қилганидек «Ҳақ йўл»нинг давоми (2-китоби) эмас, балки тамомила мустақил асар сифатида юзага келди. Ёзувчи бу асарига ўз ҳаётидан олинган автобиографик фактлар асосида ёзилган «Домла» ҳикоясини асос қилиб олган. Катта мунозараларга сабаб бўлган «Ҳақ йўл»дан сўнг яратилган «Уқитувчининг йўли» Парда Турсунни ижоднинг кенг йўлига олиб чиқди. Бунда унинг «Ҳақ йўл»да ҳали тўла шаклланмаган ижодий нияти бирданига кўзга ташланди. Ўзбек халқи босиб ўтган мураккаб йўлни ақс эттирган бу асар ўзининг соддалиги ва таъсирчанлиги, ҳаётий ва ҳаққонийлиги, танланган материал ва мавзунинг янгилиги билан кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Кўп ўтмай бу асар рус ва бошқа тилларга таржима қилинди ва кейинчалик болалар учун қайта ишланиб, «Етмининг бахти» номи билан ўзбек тилида икки марта (1951, 1964) нашр этилди.

«Ҳақ йўл» ва «Уқитувчининг йўли» повестлари мантиқан ва мазмунан бир-бирини тақозо этиб, бири-иккинчисини тўлдириб турар эди. Аммо улар формал жиҳатдан мустақил асар сифатида нашр қилинди. Улардаги характерларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг ривожини, тараққиёти бир-бирдан келиб чиқаётган бўлса-да, ҳар иккала асардаги бош қаҳрамонларнинг номи бошқа-бошқа эди. Повестларнинг ана шу формал томони уларнинг бир бутун-

лигига, бир-бирини тўлдиришга путур етказар ва ўз-ўзидан ўзбек халқининг маълум бир давридаги тараққиёт йўлини ақс эттирувчи бир бутун асар сифатида муайян бир сюжет чизиги остида бирлаша олмас эди. Буни яхши тушунган Парда Турсун ҳар иккала асарни матбуот ва ижодий кечаларда айтилган мулоҳазалар, ёзувчи ва адабиётшунослар томонидан билдирилган фикрлар асосида жиддий кўриб чиқди. Уларни катта ўзгаришлар асосида бирлаштирди ва кўпгина ҳикоя, очеркларидagi материаллардан ҳам фойдаланиб, тамомила оригинал асар — «Уқитувчи» романини яратди.

Шундай қилиб, совет зиёлисининг мукамал ва тўлақонли образини яратишдек олижаноб ниятни юзага чиқарди. Асарни яратишда ёзувчи М. Ғорький, Н. Островский, М. Шолохов сингари адибларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлди.

«Уқитувчи» романи прототипларга бой асар. Романининг бош қаҳрамони Элмурод Дўстматов образи асосида ёзувчининг ўз ҳаёти, кўрган-кечирганлари ётади. Давронов образининг яратилишига Бешёғоч даҳасида яшаган Иноят қори исмли руҳонийнинг болалари—Назир ва Ҳабиб Иноятчилар ҳаёти маълум даражада факт берган. Бундай образ ва прототипларни қиёсий ўрганиш ҳам бир томондан романининг ғоявий-тематикасини аниқроқ очишда, тўғри белгилашда муайян аҳамият касб этади ва ёзувчининг таржимаи ҳоли, бадий маҳорати билан боғлиқ масалаларни ёритишга ҳам кўп материаллар беради.

Парда Турсун 1952 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор кишилари ҳаётдан янги асар ёзишга киришди. Бироқ «Чевар қиз» номли очерк унинг бу мавзудаги биринчи ва охири иши бўлди. Шу йили оғир касалликка чалинган ёзувчи бу ниятини амалга ошира олмади. Ёзувчи ўз хотирасида ижод қилиш ва шу ижод меваси бўлган «асарларини китобхонлар ҳузурига келтириб қўйиш» бахтиёрлиги ҳақида гапириб, «мен бу бахтиёрликка кечикиб эришаётирман» деб ёзган эди. Афсуски, Парда Турсун бу бахтиёрликдан ҳам эрта маҳрум бўлди. Коммунист-ёзувчи Парда Турсун ўз ижодининг эндигина гуллаб яшнаётган бир пайтида—қирқ саккиз ёшида, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1957 йилнинг 28 сентябрида бевақт вафот этди. Партия ва ҳукуматимиз таниқли ёзувчининг хизматларини тақдирлаб, «Ҳурмат белгиси» ордени, медаль ва фазрий ёрлиқлар билан мукофотлади. Республикаимизда унинг номи билан аталган санаторий, мактаб ва кўчалар бор. «Уқитувчи» романи ўзбек ва рус тилларида бир неча марта нашр этилди, украин, латиш, эстон, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа тилларга таржима қилинди. Асар асосида телефильм, спектакль яратилди. Булар ёзувчи хотирасини абадийлаштирадиган мустаҳкам ёдгорликдир.

Пўлат ТУРАЕВ,
филология фанлари кандидати.

«САОДАТ ЎЛКАСИНИ КУЙЛАБ»

САИД НАЗАР ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ёзувчи Саид Назар ўзбек совет адабиётининг дастлабки бўғинига мансуб ижодкорлардан биридир. У ўзининг салкам ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида бир қатор шеърӣй, насрий, драматик асарлар яратган. Ёзувчи ижодининг илк саҳифалариданоқ, замон руҳини ҳис этишга, унга ҳамнафас ва ҳамдам бўлишга, социалистик Ватан ва бахтиёр халқимиз ҳаётини акс эттиришга интилади.

Саид Назар Хоразм областининг Хива шаҳрида туғилган. У беш ёшга кирганда отаси қазо қилиб, акасининг қўлида тарбияланади. Бўлажак ёзувчи 30-йилларда халқ маорифи соҳасида ишлаб Хоразмда саводсизликни тугатиш ва маданий ре-

волюцияни амалга ошириш ишларида фаол қатнашади. Уз билимини ошириш мақсадида Самарқадга келган Саид Назар ўқитувчилар институтига ўқишга кириб, уни 1937 йилда тамомлайди, сўнг эса кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таҳсил олади.

Саид Назар педагогика институтини муваффақиятли тамомлагач, область «Ленин йўли» газетасининг адабиёт бўлимини бошқаради. 1944—1947 йилларда эса Алишер Навоӣй номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг аспирантурасида ўқийди, айни вақтда 1942—1952 йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Самарқанд область бўлимининг раиси вазифасида ишлайди.

Саид Назарнинг илк ижодий намуналари ўттизинчи йилларнинг бошида яратилган. Унинг бу даврдаги асарлари ҳали бадий жиҳатдан унчалик мукаммал бўлмаса-да, лекин ўзбек совет ёзувчилари сафига янги бир ижодкор қўшилаётганидан дарак берарди. Саид Назар ижодининг дастлабки босқичида юзага келган асарларида озод социалистик Ватанимизни, Улуғ Октябрь ғояларини, бахт-саодатга эришган халқимизнинг эзгу ниятлари ва меҳнат фаолиятини куйлаш сингари хусусиятлар бўртиб туради. Совет эли ва халқининг бахтли тақдирдан мамнун бўлган шоир шеърларидан бирида шундай ёзади:

Кимга кулиб боқса қуёшли даврон,
Саодат ўлкаси бўлса диёр,
Бўлмас юрагида заррача армон,
Йшнар меникидай кўнгил баҳори.

Саид Назар ижод заҳматларидан чўчмадан тинмай изланиш ва кунт натижасида бадиият сирларини пухта эгаллайди. У социалистик воқелигимизни, кишилар ҳаётини, атрофда юз бераётган ўсиш, ривожланишни зийраклик билан кузатади. Классик адабиётни мутолаа қилиш, таниқли ёзувчилар билан мулоқотда бўлиш ёзувчи ижодининг ўсиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади.



Ижодкор Улуғ Ватан уруши даврида яратган «Икки Ботир», «Совет тўйчисига», «Қанотли дўстга», «Юрагим Москва», «Мардлар қўшиғи» каби асарларида совет кишиларининг қаҳрамонликларини, улуғ дўстлигимиз ғояларини, Ватанимиз қудратини ифодалаган бўлса, «Зафар таронаси», «Янги фасл», «Илғор пахтакорлар», «Бахт ва байрам», «Ҳиммат» сингари асарларида эса, тинч қурилиш давридаги ижодий меҳнатни мадҳ этади.

Улуғ Ватан урушидан сўнг тинч қурилиш йилларида Саид Назар баракали ижод қилади. Бу йилларда унинг бир неча шеър, ҳикоя ва очерклар тўпламлари, «Ваъда ва амал» (1948) д.стони, «Қиз қалъаси» номли музикали драмаси (1957) ҳамда «Яшил бойлик» деган (1957) романи майдонга келади.

Саид Назарнинг шеърӣ асарлари орасида «Ваъда ва амал» дostonи алоҳида ажралиб туради.

Достон пахтакор деҳқонларнинг урушдан сўнги дастлабки йиллардаги пахта етиштириш учун олиб борган меҳнатларини тасвирлашга бағишланган.

1957 йилда Самарқанд область Ҳамид Олимжон номли ўзбек давлат драма театрида намойиш этилган «Қиз қалъаси» номли тарихий драмасида Саид Назар меҳнаткаш халқнинг Октябр революциясидан олдинги ҳаётини ва уларнинг эзувчиларга қарши мардонавор курашларини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам асар ўз вақтида томошабинлар томонидан зур қизиқиш билан кутиб олинган эди.

«Забардаст кишилар», «Дўстларим» номли тўпламларига кирган ҳикоя ва очеркларида эзувчи совет кишиларининг жўшқин меҳнат фаолиятини, кундалик ҳаётимиздаги илғор ва яшовчан ҳодиса, воқеаларни акс эттиради. Бу ҳикоя ва очерклар Саид Назарнинг насрининг кичик шаклларида маҳорат билан қалам тебратганини ва бу соҳада маълум муваффақиятларга эришганини кўрсатади. Шу жиҳатдан унинг «Мастер», «Ипак жилваси», «Мунаввар» каби ҳикоялари айниқса ибратлидир.

«Ипак жилваси» ҳикоясида халқлар дўстлиги улуғланиб, ўлкамизда замонавий техника воситалари билан жиҳозланган шоҳи тўқув фабрикаларидан биридаги ишчиларнинг меҳнат соҳасидаги жонбозликлари ва уларнинг ўз касбига бўлган меҳри ишонарли чизилган.

«Ҳадея» ва «Мунаввар» ҳикояларида ўзбек хотин-қизларининг фронт орқасидаги меҳнати ҳамда совет жангчиларига кўрсатган моддий ва маънавий ёрдамлари, буюк ғалабага қўшган ҳиссалари акс этирилади.

Эзувчи «Олтин» ҳикоясида агар Улуғ Ватан уруши даврида фашистларнинг қонли қадами теккан жойларда ота-онасиз етим бўлиб қолган ёш гўдакларнинг ўзбек халқи томонидан меҳрибонлик билан кутиб олинишини, уларга мурувват кўр-

сатилиб тарбия қилинишини ҳикоя қилса, «Мерган» ҳикоясида эса ўз касбига меҳр қўйган балиқчи Нисёмат бобонинг характерини меҳнат жараёнида очиб беради.

Адиб йирик жанрда ҳам ўз кучини синаб кўради. Узоқ йиллик изланиш ва меҳнатнинг самараси сифатида «Яшил бойлик» романи майдонга келади. Саид Назар асар устида қарийб саккиз йил иш олиб боради, асарни нашр этилишига тўғаноқ бўлганларни енгади ўша вақтда. Роман 1957 йилда ўзбек тилида, 1958 йилда эса рус тилида нашр этилади.

Асар колхоз ҳаёти ва кишилари образини гавдалантиришга бағишланиб, унда социалистик қишлоқ ва колхоз ҳаётининг бир бўлаги бўлган, боғдорчилик соҳаси асосий планда тасвирланади.

Асардаги Ботир, Бўстон, Равшанов, Тошпўлатов каби образлар орқали асар ғояси очилади. Муаллиф уларнинг ҳар қайсисини ўзига хос буюқлар билан безашга, тилини индивидуаллаштиришга ҳаракат қилиб, бу борада маҳоратини намоеън эта олган.

Асарнинг бош қаҳрамони Ботир Мавлонов Москвадаги Темирязев номли қишлоқ хўжалиги академиясини тугатиб, у ерда олган назарӣ билимларини амалда синаб кўриш мақсадида ўз қишлоғига келади. Эзувчи Ботирнинг ана шу мақсади йўлида олиб борган меҳнати ва курашларини, орзу ва интилишларини бадий лавҳаларда тасвир этиб, унинг характерини очиб беради. Асардаги асосий образлардан яна бири Бўстон — ўзбек колхозчи хотин-қизларининг типик вакили. У меҳнатсевар, қобилиятли ташкилотчи ва меҳрибон дўст сифатида тасвирланади. Романда унинг ҳаёти оддий колхозчи қиздан колхоз раисомол ташкилотининг секретари ва раис муовини даражасига кўтарилиши жонли акс этирилган.

Асар ғоясини очишда Равшанов, Тошпўлатов, Мавлон ака, Карим полвон, Фозил Иванович сингари ижобий ҳамда мулла Нусрат, Абдуллаев, Жамилов каби салбий образлар ҳам аҳамият касб этади.

Баъзи бир жузъий нуқсонларини ҳисобга олмаганда, «Яшил бойлик» романи ўзбек совет адабиёти ва адиб ижодида алоҳида ўрин тутувчи маҳорат билан ёзилган асардир.

Истеъдодли адиб, таниқли шоир ва драматург Саид Назар ижоди гуллаб турган бир пайтда (1959) бемаҳал вафот этди.

Саид Назар ижод соҳасида анча меҳнат қилган, жамоат ишларида актив қатнашган, маҳаллий Советларга депутатликка сайланган, бир неча марта ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган коммунист эзувчи эди.

Саид Назар Октябр инқилобининг куйчиси, советлар элининг бахтиёр фарзанди эди. Шунинг учун ҳам бутун ижоди ва меҳнатини халқ ишига бағишлади.

ДУШАН ФАЙЗИЕВ.



Салоҳиддин Мамажонов

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНГА БИР НАЗАР

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги мислсиз ўзгаришлар, жаҳон халқлари тақдиридаги муҳим воқеалар адабиётимизда тобора кенг ўз аксини топмоқда. Шу кунларда ёзувчиларнинг ижодий фаоллиги ошди, халқ ҳаёти билан алоқаси янада чуқурлашди, замонанинг муҳим, бош ва етакчи масалаларини бадиий таҳлил этишга, тарих ва халқ, жамият ва инсон тақдирини дадил ҳаққоний акс эттиришга интилиш кучайди. Воқеликни барча зиддиятлари, драматик ва фожиавий томонлари билан теран фалсафий асосда ўрганиш, инсоннинг руҳий ва ахлоқий дунёсини, характерлар ва улар яшаётган, меҳнат қилаётган ва курашаётган муҳит, шароитни жиддий ижтимоий — психологик текшириш учун янги шакл ва тасвирий воситаларни қидириб топиш ҳаракати адабий жараённинг бош фазилати бўлиб қолди. Ана шу замонни, даврни, ундаги етакчи жиҳатларни, халқнинг фаоллиги, қудрати, улғувор ишлари ва юксак интилишлари, эзгу мақсад — идеалларини таҳлил этишга ҳаракат ва, айни чоқда, ўтмиш ҳодисаларини, сабоқларини ҳозирги замоннинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий масалаларини ҳал қилишга хизмат эттириш иштиёқи адабиётнинг бутун жисмига — мавзуси, мазмуни, руҳи, характерлари, образлари, шакли, услубий йўналиши ва тасвирий воситаларига ижобий таъсир қилди. Ўзбек шеърияти ўзининг баланд парвоз этишига ҳалақит бериб келган юзакчилик, яшасинчилик, тумтароқлик, сохта шийорийлик иллатидан, драматургия «конфликтсизлик» касалидан, насримиз эса баёнчилик, саёзлик, схематизмдан кутулди. Ижодий жараёнда, адабиётнинг ҳамма

жанрларида, барча ёзувчи, шоирлар ижодида юз берган бу ижобий ўзгаришлар реализмнинг янада чуқурлашишига олиб келди.

Адабиётда мавзулар ва масалалар доирасининг кенгайиши ҳам ижодкорларнинг воқеликка ва халқ тақдирига чуқур ёндашиши, бадиий тасвирда ҳаққонийликнинг кучайиши билан боғлиқ эди. Агарда 50-йилларнинг иккинчи ярмидан то шу кунгача бўлган адабиётимиз манзарасига назар ташланса, унинг қамрови (мавзулар, масалалар) ва реалистик кучи изчил равишда ўсиб борганига амин бўламиз. Гапни ўзбек адабиётида халқаро мавзунинг ўрни масаласидан бошлайлик. Урушдан кейинги даврда кўп ёзувчиларимиз, жумладан Фафур Фулом, Ойбек, Яшин, Зулфия, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев, Воҳид Зоҳидов, Раҳмат Файзий, Шуҳрат, Жуманиёз Жабборов, Барот Бойқобилов каби ижодкорлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига сафар қилишди, мажлис, кенгаш, конгрессларда қатнашишди, сайёҳ сифатида жаҳон халқлари тақдири билан ошно бўлишди. Бу нарса ўзбек совет адабиётининг чет эл адабиёти билан бўлган алоқаларини кучайтирибгина қолмасдан, унинг тематикасини бойитди. Фафур Фуломнинг «Ленин ва Шарқ» китоби ҳамда Афғонистон сафарига яратилган шеърлари, Ойбекнинг «Нур қидириб» повести, Зулфиянинг «Мушоира», Шароф Рашидовнинг «Кешмир кўшиғи», Мамарасул Бобоевнинг «Эрон дафтари», Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» асарлари, Ҳамид Фуломнинг «Қитъалар уйғоқ», «Куба ҳақида

ҳикоялар», «Япония ҳақида ҳикоялар», «Жазоир устида нур», Мирмуҳсиннинг «Араб ҳикоялари», Воҳид Зоҳидовнинг «Шарқни шарафлаб...», Рамз Бобоҳоннинг «Венгрия шеърлари» ва бошқа шоир, ёзувчиларнинг шеър, ҳикоя, хотираномалари ўзбек адабиётининг нигоҳи узоқ-узоқларга етиб борганини, дунёдаги муҳим сиёсий-ижтимоий воқеаларни қаламга олиб, тинчлик, тараққиёт, озодлик ва коммунизм ғояларини тарғиб этишга ҳисса қўшганини кўрсатади. Халқаро мавзуда шеър, баллада ёки дostonлар билан бирга, драматик асар ва романларнинг пайдо бўлиши ўзбек ёзувчилари камолотидан нишонандир. Бу фактлар ўзбек адабиётидаги интернационал пафоснинг чуқурлашиб бораётганлигидан ҳам дарак беради.

Ўзбек адабиётида интернационализм ғоясининг кучайиши фақат халқаро мавзу билангина боғлиқ эмас. Ўзбек ёзувчилари яратган тарихий-инқилобий мавзуга, Улуғ Ватан урушига бағишланган асарлар ҳам чуқур интернационалистик ғоялар билан сугорилган. Уларда халқ ва инсон тақдири озодлик, социализм, тинчлик масалалари фонида бадиий талқин қилинади. Интернационализм, «ягона оила» туйғуси дeярли барча асарларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунинг заминиде конкрет тарихий факт, ҳаётий воқелик, социалистик турмуш тарзи ётибди.

Ўзбек адабиётида интернационал ғояларнинг чуқурлаиши Ленин ва коммунистлар образини яратишга бағишланган асарларнинг тобора кўпроқ яратилиши билан ҳам боғлиқ. Бу ғоят муҳим ва муқаддас мавзуларга ижодий ёндашиш, аynиқса Ленин образининг янги қирраларини очишга интилиш кучаймоқда. Кейинги йилларда бу мавзуга қўл урмаган шоирни топиш қийин. Гап адабий жараёнга бетўхтов ёш ижодкор кучларнинг кириб келиши ва уларнинг бу доимий мавзуга қўл уришида эмас. Масаланинг муҳим томони шундаки, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишининг авж олиши, дунёда озодлик, инқилобий ҳаракатларнинг кучайиши, социализм йўлига ўтиб олган мамлакатларнинг кўпайиб бориши, марксизм-ленинизм ғоясининг нақадар ҳаётий ва қудратли эканлигини кун сайин тасдиқлаб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ленин образини республикамиз ёки мамлакатимиз миқёсида эмас, балки жаҳон халқлари тақдири, ҳозирги замон — XX аср инсоният тарихи тақдири нуқтаи назаридан талқин қилиш кучаймоқда. Бу жараён ҳозирги шеъриятимизда ёрқин кўзга ташланади. Фафур Ғулломнинг ўз китобига «Ленин ва Шарқ» деб ном бериши бежиз эмасди. Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Ҳамид Ғуллом, Мирмуҳсин, Шухрат, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Нормурод Нарзуллаев, Муҳаммад Али ижодида дохй образини шу йўсинда акс эттириш устун туради. Ўзбек адабиётида Ленин образини гавдалантиришда яна бир олға ташланган қадам эпикликка

ўтишда кўринади. Энди Ленин образи йирик эпик асарларда ҳам гавдалана бошлади. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятини Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек халқи тақдири билан боғлаш масаласи жуда қийин. Ленин ва ўзбек халқи тақдири масаласини конкрет тарихий шароит, замон контекстида ва халқ тажрибасига суянган ҳолда бадиий талқин қилиш йўлидан борган ўзбек ижодкорлари тарихийлик принципини бузмасликка эришдилар. Яшининг «Йўлчи юлдуз» пьесасида Ленин бевосита сахнада кам кўринади, лекин асарнинг бутун руҳида ҳам, ҳар сахнасида ҳам Ленин нафаси сезилади. Бу тарихий ҳақиқатга тўғри келади (Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар»ида ҳам шундай). Миртемирнинг «Ленин жилмайиши», «Олис Фарғонадан» каби воқеий манзумаларида шоир аниқ тарихий фактга асосланади (дохйга совға олиб бориш).

Доҳй образини чизишда шоирларимиз шартлилик принципидан ҳам фойдаланмоқдалар. Ўзбек ёзувчиларининг Ленин образи талқинида мана бундай янги-янги йўллари топишга интилишлари ва доҳй сиймосини очилмаган қирраларини кашф этишга эришаётганликлари ижобий ҳодисадир. Тўғри, ёзувчиларимиз Ленин мавзуга бошқа томондан ҳам чуқур кириб бормоқдалар: Ленин сафдошлари (Фрунзе образи каби) ва революционерлар образини адабиётга дадил олиб кириш йўли билан ҳам Лениннинг улуғлиги ва барҳаётлигини ифодалашмоқдалар. Аynиқса коммунист образи талқинида кейинги даврларда ўзбек ёзувчилари жиддий ютуқларни қўлга киритди.

Коммунист образининг моҳияти унинг бош қаҳрамон қилиб олиниши ёки асарнинг бошидан охиригача иштирок қилиши билан белгиланмайди. Бу ёзувчининг ғоявий нияти ва асар материалига боғлиқ. Ҳамма гап шундаки, коммунист образи асарнинг ўқ томирларидан, устунларидан бири бўла олсин, унинг иштироки воқеалар ривож ва конфликтга етарли таъсир қилсин, ҳаётий ва жозибали чиқсин. «Бўрондан кучли»да бир эмас бир неча коммунист — коммунистлар коллективи бир-бирини такрорламайдиган даражада ҳаётий чизилган: улар гоҳ шахсий турмуш қучоғида, гоҳ қурилишда, кескин тўқнашувда, гоҳ бюро мажлисида, қисқаси, ҳар хил ҳолатда кўрсатилади. Ана шу кўп қиррали ёндашиш уларнинг тўлақонли образини гавдалантиришга хизмат этади. «Чинор»да ҳам коммунист образи реалистик бўёқда чизилади. Асқад Мухтор замонавий раҳбар типи образини муваффақиятли гавдалантиришга эришаётган ёзувчиларимиздан биридир. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи «Бўрондан кучли», «Синчалак» асарларининг аънаналарини давом эттиради ва ривожлантиради. «Қудратли тўлқин»даги Тўрахонов, «Бўрондан кучли»даги Қодиров, «Синчалак»даги Қаландаровлар коммунист образи талқинига чуқур ва дадил ёндашишнинг ижобий натижаси эди.

Урушдан аввалги йиллар ва уруш дав-

рига бағишланган йирик эпик асарларда ўзбек воқелигининг янги бир томонини кашф этишга интилиш тенденцияси туғилди. Бу — ўзбек аёлларининг совет ҳокимиятини қуриш ва фронт йилларидаги жасоратини кўрсатишга бағишланган асарларнинг дунёга келаётганлигидир («Опасингиллар»даги Онахон, «Ғолиблар»даги Ойқиз, «Машъал»даги Эъозхон, «Хуррият»даги Хуррият, «Тшкентликлар»даги Ойниса ва бошқалар). Бу аёллар янги ҳаётнинг фаол қурувчилари ва янги улуғвор ишларнинг ташаббускорларидир. Бундай хотин-қизларнинг ёрқин образлари адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқдалар. Чиндан ҳам Ойқиз ва Саида образлари билан адабиётимизда хотин-қизлар образи соҳасида янги давр, янги босқич бошланди. Бу яхши анъана Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов романларида, Саид Аҳмад, Улмас Умарбеков пьесаларида давом эттирилмоқда.

Партия ва совет халқи бирлигини бадий таҳлил этиш ҳам совет адабиётининг доимий ва энг муҳим вазифаси бўлиб келди. Кейинги йилларда ўзбек насрида кўплаб роман ва повестлар, ўнлаб драматик асарлар, дostonлар вужудга келди. Шубҳасиз, булар марказида халқ ва партия бирлиги, халқнинг кураш йўли, Улуғ Ватан урушидаги жасорати, тикланиш, қўриқлар очиш, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, коммунистик жамият иншоотларини қуриш жараёнидаги мислсиз фаолиятини ёритиш туради. Бу жиҳатдан биргина роман жанрининг ўзини олиб, унинг мавзуси, мазмуни, уларда иштирок этган қаҳрамонлар силсиласи, асар ғояси, пафоси ва шаклига диққат қилинса, ижодкорлар диққатида халқ ҳаракати, курашини бадий тадқиқ этиш турганлигига амин бўлиш мумкин. «Қуёш қораймас», «Бўрондан кучли», «Чинор», «Машъал», «Уфқ» ва яна ўнлаб асарларда халқнинг турли даврдаги ҳаёти ва турли долзарб масалаларни ҳал қилишдаги қудрати ёритилади. Бу асарларнинг сарлавҳаси ва ички пафосига диққат қилинса, уларда халқ проблемасини фалсафий йўналишда ҳам талқин қилишга интилиш кучли эканлигини сезиш мумкин. Халқ образини гавдалантиришга интилиш асарларга катта ижтимоий-сиёсий—тарихий воқеаларни асос қилиб олишни, воқеликни кенг эпик кўламда кўрсатишни, асарга кўп тармоқли сюжетлар ва конфликтларни олиб киришни, айниқса халқнинг турли тоифалари қатламларига доир (айни чоқда турли миллатларга доир) вакиллари кириштиришни тақозо этмоқда ва ўз навбатида роман шаклига таъсир қилмоқда. Ёзувчиларнинг воқеликни ва халқ ҳаётини бадий идрок этишидаги кенг кўламлилик роман шаклини ўзгартирмоқда, тўғрироғи ўзбек романчилигида диалогия ва трилогияни келтириб чиқарди. «Ғолиблар»даги ёзувчининг бадий тафаккуридаги кўлам кенглиги ва катта ғоявий ният «бўрондан кучли»ни ҳам ёзишни та-

қозо қилди. Халқ бошлаган ҳаракат мантиқи, қаҳрамонлар характерларининг ривожини шуни тақозо этарди. «Машъал». «Фарғона тонг отгунча», «Улуғ йўл», «Уфқ» (ҳатто «Ҳоразм» каби тетралогия) сингари кўп томли романларнинг дунёга келишида ҳаётини қонуният ётади. Мазкур асарларга диққат қилинса, деярли ҳаммаси дастлаб бир китобга мўлжаллаб ёзилгани сезилади. Ҳатто «Уфқ»нинг биринчи китоби бўлиши «Қирқ беш кун» иккинчи, учинчи китобидан кейин майдонга келди «Уфқ» трилогиянинг умумий номи бўлиб қолди. Саид Аҳмад трилогия учун воқеликдаги эпик ҳолатини топиб, тарих ҳаракатини, халқнинг уч даврдаги (канал қурилиши, уруш ва ундан кейинги давр) ҳолатини, руҳини, психологиясини бера олган. Албатта, бу асарда ҳам, бошқа кўп жилдли романларда ҳам кўпсўзлик, ясамалик, композицион бўшликка йўл кўйилган ўринлар мавжуд.

«Уфқ» муносабати билан ўзбек адабиётининг ҳамма жанрида конкрет тарихий факт, реал ҳужжатлар иштироси ва ролининг ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Тарихий шахс ва тарихий фактлар асардаги бадий тўқимага чоқсиз едириб юборилиб, етук асарлар яратилмоқда ва шундай қилиб бу йўл воқеликни реалистик тасвирлашда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Яшнинг «Инқилоб тонги»даги бош қаҳрамон номи бир оз ўзгартirilган бўлса-да, аслида унинг асосида аниқ тарихий шахс — Файзулла Хўжаев туради, бошқа бир қанча образлар эса тарихда қандай исмда бўлса, шундай берилган. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясида Йўлдош Оҳунбоев ва Усмон Юсуповлар иштирок этади. Катта Фарғона канали ҳақидаги «Қирқ беш кун»да бу тарихий шахсларнинг иштирок этиши қонуний ва табиий эди (ундан кейингиларида ҳам улар қатнашади). «Тошкентликлар»да ҳам мана шу тарихий шахслар иштироси мантикий асосланган. Тарихий, тарихий-биографик ёки автобиографик жанрларда ҳужжатлилик асосий, бош омил бўлиб, ўша тарихий факт ва тарихий шахслар етишмай қолганда ёзувчилар ўз ғоясини ифодадоғчи, тўғрироғи ўша тарихий давр руҳини тўла беришга хизмат этувчи воқеа ва қаҳрамонларни тўқиб киритади. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» шундай асар. Ёзувчи романда тарихий факт ва тарихий шахсларни бадий таҳлил қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган: асарда тасвирланган вақт масофаси жуда қисқа — Улуғбек ҳаётининг сўнгги — фожиали якунланиш даври. Лекин ёзувчи вақт қаърига чуқур кириб боради, Улуғбек руҳий оламини туб-тубигача психологик таҳлил этиб, унинг мана шу оний ҳолатида қирқ йиллик ҳаёт йўлини гавдалантира олади. Романда тасвирланган очиқ кураш (ота-болалар ўртасидаги тахт учун кураш) дан ташқари етакчи образларнинг руҳий дунёсидаги курашни — коллизиянинг теран

тасвирланиши асардаги драматизмни кучайтирган. Бунга ёзувчи кўпроқ Улуғбекнинг ички монологи орқали эришади (тўғри, баъзан бунда бир хиллик сезиллади, меъёр сақланмайди). Улуғбек ҳаёти, Абдулатиф, Хўжа Аҳрор, Али Қўшчи, Қарноқий билан Хуршида бону тақдирлари орқали олға сурилган ўткир ғоялар, ҳаётий фикрлар ва фалсафий мушоҳидалар — инсонийликни, адолатни, илм-фанни, маънавий юксакликни улуғлаш ва жаҳолат, зулм, тенгсизлик, қаллобликнинг кескин қораланиши бугунги кунимиз учун хизмат этади. Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида эса бошқача манзарани кўриш мумкин. Асарда жуда катта давр, юз йиллик ҳаёт қамраб олинган. Ёзувчи мана шу узоқ вақт ичидаги ўткир ва фожиявий воқеаларни, шу жараёндаги одамларнинг аҳволини, меъморлардаги юксак санъаткорона дидни меҳр билан чизади ва эзгулик, халқ руҳи, орзусининг ифодачиси бўлмиш санъат мўъжизалари ўлмасдир, деган ғояни олға суради. Агар мавжуд тарихий асарларга назар ташланса, уларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ва бу ўзига хослик у асарларга асос бўлган тарихий материал характери, ёзувчиларнинг ижодий нияти билан боғлиқ эканлигига ишонил мумкин. Берида тарихий мўддат ҳам, воқеа бўлиб ўтган жой ҳам тор, берида воқеа ҳам, давр ҳам кенг. Пиримкул Қодировнинг «Олдузли тунлар» романининг сюжет чизигини эса Бобирнинг ҳаёт йўли белгилайди. Унда тарихий роман — хроника хусусиятини келтириб чиқарган замин шу ерда. Асарда воқеликнинг, жанг тафсилотларининг, оммавий жанг сахналарининг, характерларнинг кўплиги ва йўл-йўлакай тушиб қолиши ёки қўшилиши шундан. Ёзувчи Бобирдек мураккаб шахс характерининг энг муҳим қирраларини ишонтирарли чизиб бера олган. «Меъмор», «Олдузли тунлар», «Улуғбек ҳазинасининг майдонга келишида, шубҳасиз, «Навий» романи, «Мирзо Улуғбек» трагедияси ҳамда «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпосиясининг роли борлигини унутмаслик керак. Тарих ва шоҳ, шоҳ ва халқ, санъат ва халқ, санъаткор ва жамият, уруш ва тинчлик масалаларини талқин қилишда устоз ёзувчилар катта мактаб яратдилар.

Ҳужжатлиликнинг мўл-кўл иштироки ва ўзига хос талқини мемуар-автобиографик жанрдаги асарларда янада равшан кўрилади.

«Тарихий роман ҳамда повесть жанри тараққиётига, — деб тўғри таъкидлаган эди Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин Ўзбекистон Ёзувчиларининг VI съезди минбаридан, — кейинги йилларда биз учун янгилик бўлган мемуар-автобиографик жанр ҳамроҳ бўлди. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, бу жанрда ёзилган асарларда ҳужжатлилик, фактография баъдий тўқима билан органик суратда бир бутун қилиб қўйилади. Бу қуйилма ишонтириш кучига эга бўлади, ки-

тобхонга эмоционал жиҳатдан қаттиқ таъсир этади. Ўзбек совет адабиётида бу жанрнинг бошлаб берувчиси сифатида «Болалик» повестининг муаллифи — Ойбекни кўрсатиш мумкин. Ундан кейин Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртакларни ва ниҳоят Назир Сафаровнинг «Кўрган кечирганларим» қиссалари вужудга келди»¹.

Учала асар ҳам кенг китобхонлар омаси ва адабий жамоатчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди, шу тўғайли уларга Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Ҳамид Олимжоннинг, Ойбекнинг «Кундалик дафтар»ларининг эълон қилиниши, Аҳдам Раҳматнинг мемуар асарлари, Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиги» асари бизда мемуар жанрнинг турлари кенгайиб бораётганидан нишонандир.

Ўзбек насрида ҳужжатлиликнинг ошиши унда типиклаштириш йўллари, воситаларининг кўпайганлигини тасдиқловчи ижобий факт. Лекин айни чоқда қатор роман, қисса ва кичик насрий асарларимизда фактларнинг хомлигича қолиши — уларнинг мағзи чақилмаслиги, тарихий шахслар асар жисми билан қўшилиб кетмаслиги тўғайли очеркка хос боблар, саҳифалар ҳам тугилиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим романларимизда учровчи бундай натурализм, ҳар хил тарихий справкалар бериш, эзмалик, тарихий шахсни шунчаки ёрдамчи далил қилиб келтириш ҳодисаси романнинг яхлитлиги, қисқаси ғоявий-баъдий етуқлигига зиён етказмоқда. «Хоразм», «Ота», «Борса-келмас», «Йиллар шамоли»нинг баъзи саҳифаларида шундай ҳолни кўрамыз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умуман совет адабиётида ишчи ҳаёти ва фаолиятидаги ривожланган социалистик тузумимизнинг белгиларини, коммунистик жамият кишиларига хос фазилатларни кўрсатиб беришга интилиш кучайди. Г. Бокаревнинг «Пўлат қуювчилар», А. Гельманнинг «Бир мажлис протоколи» («Мукофот») каби пьесалари бу борадаги энг яхши асарлар сифатида оғизга тушди.

Л. И. Брежнев XXV създа буларни назарда тутиб, бундай деганди:

«Мисол учун илгари ишлаб чиқариш мавзуи деган қуруқроқ ном билан аталадиган мавзуни олиб кўринг. Эндиликда бу мавзу чинакам баъдий формага кирди. Пўлат эритувчиларнинг ёки тўқимачилик фабрикаси директорининг, инженер ёки партия ходимининг муваффақияти учун адабий ёки саҳна қаҳрамонлари билан бирга тўлқинланамиз, ҳаяжонланамиз. Ҳатто қурувчилар бригадаси учун мукофот тўғрисидаги масала жузъий бўлиб кўринган ёки ҳал кенг ижтимоий аҳамият касб қилмоқда, қизгин мунозаралар мавзуга айланмоқда»².

¹ «Шарқ юлдузи» журнали, 1971, 6-сон, 22-бет.

² КПСС XXV съездининг материаллари, 108-бет.

Ўзбек адабиётида ана шу «ишлаб чиқариш мавзуи» ҳозир кенг томир отаётганлиги қувончли ҳодисадир. Тўғри, ҳозирги вақтда илмий-техника революцияси даврида ишчилар ёки олимлар образини фақат шахар, завод-фабрика ёки қурилишлар ҳақидаги асарлардангина қидириш кулгили бўлур эди. «Қудратли тўлқин» ва «Диёнат», «Парвоз», «Чинор» «Умид» каби асарларни ишчилар, инженерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур асарларда, шунингдек «Тўғилиш», «Самандар», «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Тинимсиз шахар», «Олмос камар» каби бевосита ишчилар-инженерлар ҳаётига бағишланган романларда социалистик ҳаётимизнинг олға ҳаракати, ишчиларнинг сиёсий-маънавий камолоти акс эттирилмоқда, улар руҳияти таҳлил этилмоқда. Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Жонрид Абдуллахоновнинг «Тўфон», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романларининг ишчилар ҳақидаги яхши асарлар сифатида СССР Ёзувчилар союзи ва ВЦСПСнинг мукофоти билан тақдирланиши бежиз эмас. Шу билан бирга ишчиларга бағишланган айрим асарларимизда адабиётга ишчиларнинг янги типини ва янги муаммоларни олиб кириш, ишчилар ҳаётидаги янги қирраларни кашф этиш, янги конфликтларни топиш ва оригинал сюжет йўлларини қидириш етишмаяпти.

Илмий-техника революциясининг ишчи синфи ва айниқса қишлоқ кишилари онги, психологиясига таъсири масаласи бизда жуда суст бадиий таҳлил этилмоқда. Бу борада Асқад Мухторнинг «Самандар» пьесаси аҳамиятга молик. Асқад Мухтор илмий-техника революцияси инженерларнинг, ишчиларнинг онги ва психологиясини ўзгартирганини кўрсатиб беради. Бу ниятини ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулдорлигини тўрт баробар оширадиган станок ишлаб чиққан Самандар тарафдорлари билан унга ишончсизлик билдирганлар ўртасидаги кескин конфликтни кўрсатиш орқали рўёбга чиқаради. Драматург ана шу станок баҳонасида халқнинг тақдири, унинг бойлиги, келажакги тўғрисида ўйловчи, қуюнувчи, виждони пок, юксак коммунистик онгли етук кишининг образини чизади. Ёш ёзувчи Эмин Усмоновнинг «Меҳригиё» романида пахта зараркундаларини табиий йўл билан йўқ қилиш масаласини кўтариб чиқиш асосида қишлоқ кишилари ва фан одамларининг илмий-техника революциясига муносабати таҳлил этилган. Фақат бугунни ва планни ўйловчи одамлар пахта зараркундаларига қарши курашининг осон йўлини — захарли химикатларни қўллашни афзал қурадилар. Унинг инсон саломатлигига зиён етказишини хаёлларига келтирмайдилар. Романда халқнинг саломатлиги, эртанги куни ҳақида астойдил қайғурувчи раҳбарлар, олимларнинг илм натижаларини фақат халқ манфаатлари, унинг юксалиши, маънавий ва жисмоний саломатлигини ошириш учун фойдаланиш керак ва Коммунистик партиямизнинг асл мақсади

шу йўлда курашишдир, деган ғоя олға сурилади.

Илмий-техника революциясининг қишлоқ кишилари ҳаёти, тақдирида ўйнаётган роли бекиёс катта. XX асрнинг мўъжизаси бўлмиш фан ютуқлари уларнинг онги, психологиясини кескин ўзгартирмоқдаки, ҳали ёзувчиларимиз бу жараённи янада астойдил, чуқур таҳлил этишлари лозим бўлади.

Ишчи мавзуи хусусида сўзлаганда, ўзбек адабиётида унга нисбатан қишлоқ тематикаси кенг ва чуқур ишланди, деган фикр юради. Танқидчиликнинг бу фикрига у қадар қўшилиб бўлмайди. Ҳозирги қишлоқ муаммолари, қишлоқ кишилари характерида ва қишлоқ турмуш шароитида қарор топаётган коммунистик белгиларни атрофлича ва ҳаққоний бадиий таҳлил этувчи асарлар жуда кам. Аммо ўзбек ёзувчилари учун шўҳрат келтирувчи бир муҳим мавзу—қўриқ мавзуининг ўзбек адабиётида эллигинчи йиллардан буён жиддий ва мунтазам қаламга олиниб келаётганлигини таъкидламасдан бўлмайди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўл иқтисодий заминини яратиб ҳаракати эллигинчи йиллар бошидаёқ Ўзбекистонда авж олади. Шунинг учун ҳам табиатни бўйсундириш, уни инсон манфаатига хизмат эттириш учун курашган халқнинг шижоати, фидокорона меҳнати ва кураши, бу жараёнда уларнинг онги, руҳи, психологияси, характерида юз берган ўзгаришлар, туғилган коммунистик белгиларни ёритувчи роман, қисса, пьесалар майдонга келди:

Табиатни ўзлаштириш ғояси, сув проблемаси узоқ ўтмишдан ўзбек халқининг эзгу нияти бўлиб келган. Халқ эртаклари ва улуг Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида бу орзулар ифодаланган эди. Аммо зулмага асосланган эски тузум бу орзуларни хаёл ҳолида қолдирди. Социализм давридагина ўзбек халқининг асрий орзуси ҳақиқатга айланди. Катта Фарғона канали каби ўнлаб каналлар қурилди. Мирзачўл, Марказий Фарғона қуристонга айланди. Сурхон—Шеробод ва Қарши ҳамда Жиззах чўллари ўрнида боғ-роғлар яратилмоқда. Асов табиатни жиловлаётган, «қора бўрон даҳшати»дан голиб чиққан «инсон ақл-заковати, қудрати» (Л. И. Брежнев) ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар майдонга келди. «Голиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Чўлга баҳор келди», «Янги ер», «Қирқ беш кун», «Сенга интиламан», «Бинафша атри», «Тўфон», «Чўлқуварлар» (тўппам) каби ўнлаб асарларда табиат ва инсон мавзуининг жуда кўп қирралари таҳлил этилди. Л. И. Брежнев жуда ҳаққоний айтганидек, чўлқувар сўзида «юксак гражданилик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади... Бизда «Чўлқувар» сўзи жа-

сорат рамзи бўлиб қолганлиги бежиз эмас».

Қаҳрамонона давримизнинг ифодачиларидан бирига айланган шу чўлқувлар адабиётимизга янги тарихий сиймо — янги қаҳрамон сифатида кириб келди. Л. И. Брежнев айтганидай «янги ерларни ҳамisha янги одамлар обод қилишган», шу туйғайли бизнинг асарларимиздаги чўлқувлар коммунизм кишига хос фазилатларни ўзларида мужассамлаштирган янги одамлар сифатида талқин қилинди ва ҳозир ҳам шу тарзда ёритилмоқда. Қўриқ мавзуи янги инсон характерининг шаклланиши, унинг ахлоқий ва маънавий етилишини акс эттиришда муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса адабиётга ҳаётни, турмушни ўз идеалига мослаб ўзгартирувчи қайта қурувчи, фаол, саботли, дадил ва моҳир ташкилотчи шахс образини олиб киришда қўриқ, чўлқувлар мавзуи катта роль ўйнамоқда. Қўриқ ёки янги каналлар қуриш жараёни ўша ердаги коллектив муҳит, табиат ва инсон, шахс ва коллектив, раҳбар ва халқ, оила ва муҳаббат каби жуда кўп ижтимоий, ахлоқий ва маънавий масалаларни биргаликда талқин этишни тақозо қилмоқда.

Халқ қаҳрамонлигини, инсонлардаги улғувор фазилатларни кўрсатиш учун ёзувчилар турли хил ҳаётий материалларни, ҳаётий масалаларни танлашмоқда, уларни ифодалаш учун турли воситалар ва йўллари қидиришмоқда. Бу ерда воқеликдаги фожиавий ҳолатларни адабиётга олиб кириш ва шу йўл билан халқ қаҳрамонлиги, инсондаги қаҳрамонона руҳини ифодалаш кейинги пайтларда адабиётимизнинг ҳамма жанрида сезиларли даражада кучайганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳамза драмаларида, Абдулла Қодирий романларида, Ойбек, Яшин, Абдулла Қаҳҳор асарларида фожиавий ҳолатларни, фожиавий конфликтни теран бадий талқин қилиб, даврнинг мураккаб манзараси, одамларнинг оғир тақдири акс эттириб берилганди. Жамила ва Йўлчи тақдирининг фожиали якуни зулмга асосланган реакцион тузум устидан чиқарилган ҳукм эди, меҳнаткаш инсоннинг эзгу идеали сари ташланган олға қадами, маънавий ғалабаси эди. Ҳозирги вақтда фожиавий ҳолат, фожиавий конфликт ва коллизиялар адабиётимизнинг ҳамма жанридан мустаҳкам ўрин олди. Зулфия ва Миртемир шеъриятида фожиавий коллизиянинг вазни ниҳоятда салмоқли. Зулфия ижодидаги ҳижрон куйлари адолатсиз уруш ва ўлимга қарши кўтарилган қалб кўзғолонидир. Ҳижрон азобидан қалби сирқираган шоира «кишқ, бахт, ҳижрон доғи жуфт яшар борки олам», деб фожиавийликни фалсафий планда чуқур талқин қилади.

Асарларимиздаги фожиавий вазиятлар, фожиавий конфликтларнинг характери ҳам ҳар хил. Синфий душманга қарши курашга бағишланган асарларимизда фожиавийлик заминида ғоялар, идеалларнинг муросасиз кураши ётади. Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги», Ҳамид Ғулмоннинг

«Маъъал» асарлари ёки Улуғ Ватан уруши воқеалари ҳақидаги асарларда шу ҳолни кўрамыз. Шахснинг эрк учун интилиши билан муҳит ўртасидаги зиддият илғор шахс идеали билан вазият, шароитнинг номувофиқлиги ўткир фожиавий конфликтларни келтириб чиқаради ва бундай конфликтларнинг ҳаққоний талқини Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» каби асарларида мавжуд. Адабиётимизда адашганлар фожиасини бадий таҳлил этиш орқали илғор ғояларни олға сурувчи асарлар ҳам талайгина бор. Шўхратнинг «Жаннат қидирганлар» романи, Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссасида ана шу адашганларнинг фожиали тақдири сабоқ тарзида кўрсатилади. Улмас Умарбековнинг кўпгина асарларида персонаж ўлими билан боғлиқ фожиали ҳолатлар учрайди («Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири») ва бу йўл билан ёзувчи инсоннинг маънавий камолотига ғов бўлган нарсаларнинг заминини очишга интилади.

Асарларимизда фожиавий ғояни ифодалашга уринишнинг кучайиши сабабларидан бири ижодкорларимизнинг воқеликни чуқур ижтимоий-фалсафий йўсинда талқин қилишга уринишидир. Фафур Ғуллом, Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон, Асқад Муҳтор, Шукрулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон каби шоирлар асарларида асримиз воқеалари ва инсоният тақдири масаласи кечаги, бугунги куни ва эртаси билан боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил этилди ва этилмоқда. Шеъриятда фалсафий-публицистик руҳнинг кучайиши шундан, «Мирзо Улуғбек» трагедияси ва «Улуғбек хазинаси», «Меъмор» романлари заминида фалсафийлик ётгани исбот талаб қилмайди. Замонни кенг кўламда қамраб олиш, катта тарихий категориялар миқёсида фикр юритиш истаги ёзувчиларимизни шартли воситаларга, рамзий, аллегорик образларга мурожаат эттирмоқда.

Шартлилик принципи асосида қатор драматик асарлар, поэмалар вужудга келдики, булар ижодкорларимизнинг тинмасдан янги-янги ифода йўллари, воситаларини қидираётганлигини тасдиқлайди.

Адабиётимизда, ўтмишни, тарихни, замонни ва дунёда бўлаётган воқеаларни чуқур бадий таҳлил этиш йўллари қидиришга интилишнинг кучайиши биринчи навбатда жанрларнинг бойишига, уларнинг янги-янги қирраларининг очилишига олиб келмоқда. Ўзбек поэзиясида шеърӣ туркумлар, ғазалчилик, саккизлик, тўртликлар, учликлар, сонет жанрининг жонланиши ва аниққас поэма жанридаги изланишларда яхши самаралар кўзга ташланмоқда.

Кейинги йилларда лирик поэма афзалми ёки лиро-эпик поэма афзалми, деб бошланган ва узоқ давом этган мунозарани вақтнинг, ҳаётнинг ўзи маълум да-

ражада ҳал қилиб берди. Ҳозир ўзбек поэмачилигида лирик поэма («Даврим жароҳати», «Оби ҳаёт»), лиро-эпик поэма («Лола кўл», «Сотволдидан салом») ва драматик поэма («Паҳлавон Маҳмуд», «Изма-из») соҳасида етук асарлар майдонга келди. Бундай асарлар ҳаёт учун, китобхон учун учала типдаги поэмалар ҳам бирдек зарур эканлигини ва гап поэмаининг қайси турида эмас, балки ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ эканлигини исботлаб бермоқда. Материалнинг, масаланинг характери ифода учун мақбул бўлган ё у, ё бу шакли — турни талаб қилади. Лирик поэма номи остида қуруқ, балеңдпарвоз ва сийқа гапларни кўтариб чиққан айрим асарлар муваффақият қозона олмади. Бу ҳол эса поэзиянинг бу тури ҳам ижодкорлардан жуда катта меҳнат, маҳорат талаб қилишини кўрсатди. Шеърятда эпик қаҳрамон образини яратиш имконияти лиро-эпик поэмачилигида, шу жумладан драма — поэмаларда беқиёс катта эканлигини адабиётимиз тарихи тўла исботлаб турибди. Жанр имконияти чексиз эканлигини изланиш натижалари ёрқин кўрсатмоқда.

Жанр доирасининг бетиним кенгайиб бориши повесть ва роман жанрида янада яққол кўринмоқда. Ўзбек адабиётида ижтимоий-психологик пландаги повестларнинг («Синчалак», «Қорақалпоқ қиссаси», «Ҳилола», «Мерос» каби) кўплаб яратилиши бу жанрнинг даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини жиддий таҳлил этиш йўлидан бораётганлигини билдиради. Ахлоқ-муҳаббат масалалари ҳам кўпроқ шу жанрда талқин қилинмоқда. Мемуар-биографик («Болалик»), ҳужжатли («Узоқни кўзлаган қиз»), детектив («Ёз ёмғири»), фантастик («Сариқ девни миниб»), сатирик («Блвизак») повестларнинг пайдо бўлаётганлиги бу жанрнинг воқелигимизни таҳлил этишга фаол ва жиддий ёндашаётганлиги натижасидир. Айниқса баъзи повестларда муҳим ижтимоий масалаларнинг қўйилиши, воқеликни қамраб олишдаги кенглик, характерлар кўплиги, ўткир конфликтларга мойиллик уларда романга хос кенг кўламлиликни келтириб чиқармоқда. Аксинча бизда шундай романлар борки, сюжет характери, кўтарилган масаланинг вазни, қаҳрамонлар сони

ва композицияси жиҳатидан повестга яқинлашади («Одам бўлиш қийин», «Нур борки, соя бор», «Меҳриғиё», «Йиллар шамоли», «Сўнгги бекат», «Одам қандай товланди»). Айни пайтда ўзбек романчилигида бадий таҳлил учун танланган масаланинг муҳимлиги, қаҳрамонлар, персонажлар сони, характерларнинг турли-туманлиги ва улар фаолияти, хатти-ҳаракати, кураши содир бўлаётган тарихий муҳит, жой-макон ва вақт-замоннинг кенг кўламлилиги бундай асарларда эпосга хос фазилатларни келтириб чиқармоқда. Энг муҳими, буларда воқеликни бутун мураккаблиги ва кенг кўлами билан чуқур таҳлил этиш асосий фазилат бўлиб бормоқда. Ўзбек романчилиги ривожига, бу жанрнинг янги-янги қирраларини очишга Абдулла Қодирийдан кейин роман ёзган қатор истеъдодли ёзувчиларимиз катта ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар. Ойбек романларига хос чуқур лиризм, Шароф Рашидов романларидаги патетика, Асқад Мухтор романларидаги таҳлилийлик, ички драматизм, Саид Аҳмад романларидаги ҳаётбахш юмор, Ҳамид Гулом романларида воқеавийлик билан ўткир драматизмнинг қўшилuvi, Мирмуҳсин романларига хос қизиқарли сюжетлилик, Одил Ёқубов романларидаги психологик драматизм, Шухрат романларидаги ижтимоий-сиёсий ўткирлик, Раҳмат Файзий романларидаги ҳужжатчилик — публицистиклик, Пиримқул Қодиров романларидаги ахлоқий-психологик таҳлил ўзбек романининг серқирра, серфазилат эканлигидан далolat беради.

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида вужудга келган ва ривожланаётган бундай янги, муҳим ҳодисалар ҳалқимиз ҳаётида, социалистик воқелигимизда, шунингдек жаҳон халқлари тақдирида юз бераётган ўзгаришлар, янгилликлар ҳамда совет кишиларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий турмушидаги олға силжишларнинг натижасидир. Ижодкорларимизнинг тарихни, замонни, жаҳонни, воқелигимиз ва одамларни ижтимоий-сиёсий, тарихий ва ахлоқий-психологик жиҳатдан текширишга интилиши адабиётимиздаги мана шундай ижобий жараёнларни келтириб чиқармоқда ва қарор топтирмоқда.





ОНА ЮРТ ОШИҒИ

О. ҲАКИМОВ. Қўлларим кўксимда. Лирика. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Фарғоналик шоир Охунжон Ҳакимовнинг «Лирика» сериясида босилиб чиққан «Қўлларим кўксимда» тўпламини шеърхонлар илиқ кутиб олдилар. Тўплам шоир поэзиянинг сирларини пухта эгаллаб, камолотга эришиб бораётганлигини кўрсатувчи далил бўла олади.

Китобнинг фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, ундаги лирик қаҳрамон қиёфасининг тиниқлиги ва ранг-баранглигини, маънавий дунёсининг бойлиги билан кўзга ташланишини айтиб ўтиш лозим. Бу лирик қаҳрамон она юртимизнинг чинакам ошиғу шайдоси, у босиқ ва ўйчан фикр юритади, баландровозлик ва ялтироқлик унга ёт. Буни шоирнинг ўзи кўйидагича таъкидлайди:

Ялтироқ ташбеҳларнинг
Йўқдир бунда ҳожати.

Лирик қаҳрамон кўз ўнгимизда ўз касбини севган пахтакор, чорвадор, халқини кафтида кўтарган ва сўнмас меҳр билан суйган ватанпарвар гражданин, беғараз дўстликни қадрловчи интернационалист, муҳаббатни ардоқловчи ошиқ сиймосида намоён бўлади.

Тўплагма кирган шеърларнинг барчасида она-Ватанга, совет халқига, унинг ажралмас қисми бўлган

ўзбек миллатига муҳаббат ҳисси уфуриб туради.

Китобхон чинакам самимият билан йўғрилган сатрларда она юрт фидойисининг, ватанпарвар гражданиннинг қалб садосини эшитиб туради. Шоир она-Ватанга бўлган муҳаббатини изҳор этар экан юрак-юракдан:

...элимни
Битта ўғлончалик
суйганман.
Кўкрагимга урмай
қўлимни,
Жонни унга тикиб
қўйганман!

дейди. «Битта ўғлончалик суйиш, жонни тикиб қўйиш» бу — ҳақиқий халқ иборалари. Бундай иборалар шоир ижодида жуда кўп учрайди ва улар бутун шеърда самимийликни, чуқур халқчилликни таъминлайди. Масалан, у «Фарғона шаънига» шеър айтар экан, «Ҳей аканг қарағайнинг диёри — Фарғонаси!» дейдики, бу чинакамага халқ ибораси ўзининг озгина чапанинамо характери билан лирик қаҳрамоннинг қиёфасини кўз олдимизда очиқ намоён қилади, шеърга кўтаринки руҳ бағишлайди.

Тўплагмадаги «Виждон билан суҳбат», «Инсонлик ҳақида», «Бир пиёла чай», «Шер билан суҳбат», «Уриб турса юрагим», «Доктор билан суҳбат» ҳамда «Осиёда кезар нафасинг» туркумига кирган шеърларида шоирнинг инсонийлик, ҳалоллик, пок виждонлилик ҳақидаги мулоҳа-

залари ҳамда уйғонаётган Шарқ халқларининг ҳаёти ва кураши, уларга совет кишиларининг ҳамдардлиги тўғрисидаги қарашлари баён қилинади.

Тўплагмада ажиб фазилатлари беҳисоб бўлган ўлкамизнинг пахтакорлари, чорвадорлари, зиёлилари, «меҳри кўридан диёрини нурлантираётган», «ҳаловат дамларини эртага қўйиб, куну ойларини далада ўтказаяётган, баҳорнинг таҳрири сустроқ жойларини тошиқиб, қўйиб» тузатаётган илғор кишилар образи муҳаббат билан чизилади. Меҳнат кишиларининг характерини яратишда шоир қуруқ мадҳиядан қочади. Шоирона деталлар, манзаралар асосида қаҳрамон характерини, унинг ички дунёси ва ташқи қиёфасини, жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беради. Автор «Сен каттаи ёки мен», «Юрт соҳибаси», «Тошкентни биз қурамыз», «Бу шундай синф», «Раис» сингари шеърларида бунёдкор совет кишилари образини тасвирлайди.

Фарғона халқи азалдан ҳазил-мутуйбага ўч. Беғубор ҳазил, энгил юмор О. Ҳакимов ижодининг ҳам асосий хусусиятларидан бирига айланиб борапти. Бу фазилат шоирнинг ўзи «ҳазил» деб атаган «Бари мутлақ «чемпион»дир, «Қолар бармоқ излари», «Омад», «Янги йил истаклари», «Қариб бораялман шекилли», «Яшасин додирлар» каби шеърларидагина эмас, балки «Қатиқ-

хўр», «Қайда эдинг», «Алла айтаверинг», «Артиб қўяй ёшингни», «Бир кампир бор бизнинг кўчада», «Ток занги уялиб» сингари ўнлаб шеърларида ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Улар ўзининг ўйноқчилиги, сўзларнинг ўринли танланиши, оҳанги, хулосаси билан ўқувчида кулги кўзғотади.

Тўпلامдан шоирнинг кичик ҳажмли икки баллада-си ҳам жой олган. «Маърифат Данкоси» драматик ҳолатларга бойлиги билан баллада жанри талабларига жавоб берса-да, «Бородино ҳақида баллада»сида драматизм етишмайди, воқеалар персонажларнинг хатти-ҳаракатлари билан тасдиқланмаган.

О. Ҳақимов айрим ҳолларда шаклга етарли эътибор бермайди. Айниқса, шеърнинг етакчи компонентларидан бири бўлган қофия бузилиши шоир шеърларида кўп учрайдиган қусурлардан биридир.

Масалан, «Самарқанд» сарлавҳали шеърда шундай банд бор:

Бир ўғлингнинг Мағриб
гоҳо Машриқда,
Ер-кўкни титратди отин
дупури.
Бирин азиз боши ўтса
ҳам тигдан
Нафаси ҳозир ҳам
урфон уфурари!

Тўрт мисранинг бирон-таси ҳам тўла қофияланмаган. Ваҳоланки, бутун шеър кесишган қофия (а—б, а—б) асосида тузилган бўлиб, охиригача изчиллик сақланиши лозим эди. Бундан ташқари, шоир «сокинлик—ҳокингни», «тавалло—заволим», «уф» дедим — кифтида» сингари сўзларни ҳам қофия сифатида қўллаганки, булар яхши шеърларнинг ҳуснини бузиб турибди.

Тўпلامда кўзга ташланадиган камчиликлардан яна бири айрим шеърлар-

да ортиқча тафсилотларга йўл қўйилганлигидир. Хусусан, «Қайда эдинг», «Омад», «Эчки» каби шеърлар ҳаддан зиёд чўзилиб кетганлиги, уларда шоирнинг ғоявий ниятига хизмат қилмайдиган бандларнинг кўплиги сезилиб туради.

Шунингдек, тўпلامдаги айрим шеърларда хулосанинг бир хиллигини, баъзи образ ва ибораларнинг такрорланганлигини ҳам сезгир китобхон дарҳол пайқаб олиши мумкин. Шоирнинг «Пайвандчи қиз», «Бахтимдан айланай», «Харидор», «Қийин масала» сингари шеърларидаги фикрлар саёз.

Бундай камчиликларга қарамай, Охунжон Ҳақимовнинг «Қўлларим кўксимда» шеърий гулдастаси унинг ижодида янги босқич бўлди.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари
кандидати.





«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ 1979 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

- Л. И. БРЕЖНЕВ. Қўриқ 1—3
Л. И. БРЕЖНЕВ. Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига 1—62
КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Л. И. БРЕЖНЕВга Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги қарори 6—3
Л. И. БРЕЖНЕВ. Болалар — бизнинг келажакимиз 6—5
Л. И. БРЕЖНЕВ. «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчиларига. 8—3
Ш. Р. РАШИДОВ. Кудратли ҳаракат 1—64
Ш. Р. РАШИДОВ. Бирлигимиз ва ҳамкорлигимиз тили 8—4
- РОМАН, ҚИССА, ПЬЕСА,
ҲИКОЯЛАР**
- Х. Аббосзода. Гўлоҳ. Ҳикоя. 10—37
М. Абдуллаев. Муҳаббат ва ҳақиқат. Қисса. 5—106
С. Анорбоев. Сайли. Роман. 8—28, 9—103, 10—150.
Ақром Айлисли. Юрак билан ўйнашиб бўлмайти. Ҳикоя 10—50
Анор. Тугаётган йилнинг сўнги кечаси. Ҳикоя. 10—45
Д. Асенов. Олтин билан таъминланган. Пьеса. 2—154
А. Асыллов. Холис хизмат, Вафодор. Ҳикоялар. 1—126
В. Архангельский. Тарихнинг ўттиз дақиқаси. Ҳужжатли қисса. 12—1
С. Аҳмад. Назм чорраҳасида. Хотиралар. 11—92.
Б. Байрамов. Қора нор. Ҳикоя 10—43
М. Иброҳимов. Изтиробнинг охири. Ҳикоя. 10—25
С. Исҳоқов. Сиртдан тинч дарё. Қисса. 5—86
Исфандиёр. Атлас кўйлак. Ҳикоя. 3—109
С. Кароматов. Олтин қум. Роман. 4—12, 5—668—19.
Мирмуҳсин. Чодрали аёл. Афғон қиссаси. 10—61
- М. Муҳамедов. Жанггоҳ. Романдан боблар. 11—11.
М. Муҳаммаддўст. Чоллардан бири. Қисса. 8—146
С. Раҳимов. Арпачой афсонаси. Ҳикоя 10—31
Р. Раҳмон. Қутлуғ қадам. Роман. Давоми 1—13, 2—105
И. Раҳмонов. Қора бароқ. Ҳикоя. 7—187
Н. Раҳматов. Анзира. Ҳикоя 1—130
К. Тенякшев. Оддий операция. Қисса. 11—150.
Уйғун. Абу Али ибн Сино. Драма. 12—40
У. Усмонов. Гирдоб. Роман. 5—3, 6—13, 7—76.
У. Умарбеков. Дамир Усмоновнинг икки баҳори. Қисса. 3—26, 4—85
Н. Фозилов. Тўёна. Воқеий ҳикоя 2—90
Ж. Шарипов. Хоразм. Роман 2—11, 3—135, 4—150.
К. Яшин. Ҳамза. Роман 7—3, 8—83, 9—27.
Л. Қаюмов. Қалдирғоч. Пьеса. 1—85
С. Ғафуров. Ҳақимжон ўзига баҳо берди. Жумбоқ ҳикоя. 6—11
М. Ҳақимов. Асовга тушов... Ҳикоя 7—179
Ҳ. Ҳосилова. Хатира. Ҳикоя: 10—41
И. Хўжааҳмад. Муборак. Драматик қисса. 8—178
О. Хусанов. Давжон. Қисса 9—180, 10—187
- ШЕЪРЛАР, ҚУШИҚЛАР
ВА ДОСТОНЛАР**
- Айёмий. Ленин. Бўлғай бўлмағай, Эй Гўзал. Шеърлар. 1—124
С. Анбарий. Хаёлим хисларни ёқади. Шеърлар 6—87
Т. Аҳмедов. Уста Ширин монологи. Шеър. 5—123
Р. Бобожон. Қадрдоним, қора кўзим. Шеърлар. 1—12
М. Бобоева. Бедорлик, Альбом, Тўй кечаси. Шеърлар. 3—113

- Т. Байрам. Бола ва денгиз. Шеър. 10—24
- Б. Бойқобилсв. Кун ва тун. Шеърй қисса 6—176, 7—168.
- Б. Ваҳобзода. Энг буюк мунажжим. Шеърлар. 5—188
- Н. Ганжали. Бинафша. Шеърлар. 10—17
- М. Гулгун. Озарбайжон. Шеър 10—18
- Х. Даврон. Шукур Бурхонов, Қиз ва шамол ҳақида эртак. Шеърлар. 5—124
- М. Дилбозий. Ҳаётнинг ташвиши ҳам яхши! Шеър. 10—11
- М. Ёқубова. Қуёш, Жиянимга. Шеърлар. 6—7
- О. Жўраев. Умид. Шеър. 11—9.
- Ф. Зоҳидов. Тирилган суратлар. Баллада. 11—115
- Т. Иброҳимов. Юракдаги тўлқин. Достон. 10—139
- Е. Исҳоқов. Бу менинг Ўзбекистоним. Шеърлар. 12—84
- А. Кучайли. Соғин. Шеър 10—19
- Д. Матжон. Баҳс, Артек. Шеърлар 6—8
- Х. Каримова. Менинг олашим. Шеърлар 5—121
- Н. Куликов. Йил фасллари. Туркум шеърлар 5—126
- О. Матжон. Ҳаққуш қичқирғи. Поэма 8—66, 9—92
- Ж. Наврўз. Бир дунём бор... Шеърлар 5—197
- Ж. Наврўз. Муҳаббат гимни (достондан парча). 10—21
- Н. Нарзуллаев. Шукуҳ. Шеърлар 7—146
- В. Николаева. Илтимос. Шеърлар 8—145
- А. Носиров. Пискарёв зиёратгоҳи. Шеър 2—103
- З. Обидов. Она юрт, армоним йўқ. Шеърлар 5—82
- Е. Обидов. Истиқболнинг кўлидан тутиб. Шеър. 5—122
- Ҳ. Олимжон. Ўзбекистон. Шеърлар. 12—4.
- А. Орипов. Нажот қалъаси. Шеър. 11—3.
- Отаёр. Куз, Оқ бўза. Болам. Шеърлар. 11—4.
- Э. Охунова. Рус тили — ўз тилим. Шеърлар 7—67
- А. С. Пушкин. Демон. Шеърлар. 7—157
- Пўлат Озор ўғли. Самарқандда бир қизни кўрдим. Шеър 10—14
- А. Пўлканов. Мангуликка суиқасд. Достон. 4—71
- Ж. Раҳим. Сўхбат. Шеър. 6—9
- Р. Ризо. Умр ўтди, кун ўтди. Шеър. 10—12
- С. Рустам. Дейман-ки... Туркум Шеърлар 10—8
- З. Рўзиева. Атласчи қиз. Шеърлар. 3—116
- Э. Самандаров. Қабул соатлари. Достон 1—173
- У. Саривелли. Менга умр беринг! Шеър 10—13
- Ш. Саттор. Бола қалби. Шеър 6—10
- Х. Саъдулла. Ипак мавсуми. Туркум шеърлар 8—26
- А. Софронов. Гўзал тонг. Шеърлар 2—81
- Я. Смеляков. Ҳамза. Шеър 9—12
- Т. Сулаймон. Ўзбекистон пахтаси. Шеърлар. 12—85
- Т. Тўла. Қувваи қаҳқаҳа. Фожиа. 11—51, 12—135
- И. Тўлаков. Чақалоқлар. Шеърлар 11—7.
- Р. Толипов. Энг катта гул, Кўнгил. Шеърлар 6—6
- С. Тоҳир. Юрак. Шеър. 10—20
- Қ. Убайдуллаева. Дил қувончи, Э кўнгил. Шеърлар. 3—115
- Р. Фарҳодий. Самарқанд булоқлари. Шеърлар. 7—150
- Ю. Шомансур. Устозлар. Достонқасида 3—88
- Шуҳрат. Ишонч. Шеърлар. 5—76
- И. Юсупов. Раҳмат сенга замоним. Шеърлар 2—3
- Ш. Қурбонов. Темур Малик. Достон 4—132
- Ҳ. Қурбонбоев. Ҳайкал қаршисидаги ўйлар. Шеърлар 8—140
- Ҳ. Фулом. Денгиз. Шеърлар. 4—3
- Ҳабибий. Ғазаллар. 1—110, 5—75, 12—81
- Н. Ҳазрий. Бу кеча. Шеър 10—15
- А. Ҳожи. Гулларни севаман. Шеърлар. 11—6.
- Халқ кўшиқлари 7—234
- Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Яша Шўро! Биз ишчимиз! Ўзбек хотин-қизларига! Яшанглар ишчи-деҳқонлар! Бир келуб кетсун. Шеърлар. 9—3
- Д. Ҳасан Соғинч. Шеърлар. 8—144
- О. Холдор. Шиддат. Шеърлар. 2—7
- Ф. Ҳўжа. Мени йўқлаб туринг. Шеър. 10—23
- Ҳ. Ҳаёев. Ғаниматдир менга... Янги кўшиқлар. 10—184
- С. Шчипачев. Қайинзор. Шеърлар. 2—86

ПУБЛИЦИСТИКА, ОЧЕРК, САНЪАТ

- З. Акрамов, Р. Нурибоев. Орол муаммолари. 7—202
- Х. Акбаров. Чингиз Айтматов ва кино. 6—197
- М. Аҳмедов. Халқ хизматида. 3—178
- Б. Бобоев. Саркарда. Очерк. 5—201
- К. Волков. Оталар ери. Очерк. 6—186
- Л. Жукова. Доҳийга ҳайкал. 4—186
- И. Жўрабоев. Иртишнинг ҳосиятли суви. 12—215
- В. Зоҳидов. У ерда ҳамиша баҳор. 6—201
- М. Жалил. Умр. Очерк. 3—172
- Х. Зоҳидий, А. Оқилов. Медицинамиз кудрати. 9—231
- Б. Имомов. Қуролдошларни излаб... Очерк. 4—228
- Б. Искандаров. Совет турмуш тарзи ва театр. 3—182

- И. Раҳмонов.** Ерқин хаёллар. Очерк. 2—201
В. Тюриков. Ленин декрети билан... Очерк. 1—203
И. Фозилов. Ватандошлар билан мулоқот. 8—214
И. Шоғуломов. Техника тараққиёти йўлида. 7—193
Т. Қаҳдоров. Оддий одамнинг бахти. Очерк. 2—207
М. Қодиров. Қўшиқ унинг бахти. 11—220.
С. Қодиров. Бугун Қарши даштида. Очерк. 11—214.
М. Ҳазратқулов. Чақмоқ. 2—204
Р. Ҳамроев. Ҳаётим мазмуни. 2—207
Н. Ҳайитқулов. Икки суҳбат. 5—210

**АДАБИЁТЛАР ДУСТЛИГИ
ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ**

Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент учрашуви

- Л. И. БРЕЖНЕВ.** Осиё ва Африка ёзувларининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига. 1—62
Ш. РАШИДОВ. Қудратли ҳаракат. 1—64
А. Ла Гума. Адиблар сўзи — халқлар дўстлиги. 1—71
К. Яшин. Хуш келибсизлар! 1—74
То Хой. Яқдиллик асоси. 1—75
Ч. Айтматов. Келажакнинг талаби. 1—77
А. Софронов. Адиблар ҳамкорлиги. 1—78
М. Дарвеш. Қудратли бирлик. 1—80
М. Иброҳимов. Биродарлик ҳаракати. 1—81

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро учрашуви декларацияси. 1—83

**СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ
V ПЛЕНУМИДА**

- Г. Марков.** Партия ва халқ ишига садоқат. 3—3
К. Яшин. Катта қарвон йўлидан. 3—4
Ю. Суровцев. Бирлашган ва кўп миллатли. 3—9
С. Баруздин. Сизнинг ташвишингиз — бизнинг ташвишимиз. 3—11
Ғ. Охунов. Адабиётларимизнинг умумий вазифаси. 3—12
И. Гринберг. Ўзбек романи юксалишда. 3—14
Қ. Қулиев. Юксак шеърят. 3—16
Х. Ғуллом. Қалбларга ёқилган чироқ. 3—17
Р. Казакова. Ижодкорнинг шахсий ибрати. 3—19
Л. Қаюмов. Танқидчиликнинг муҳим муаммолари. 3—21
 Пленум кундалиги. 3—24
 Ўзбекистон ёзувчилар союзининг очик партия мажлиси. 3—25

**ИБН СИНО ТУГИЛГАН КУННИНГ
1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

- И. Абдуллаев.** Ибн Сино даврида адабий муҳит. 11—237.
Абу Али ибн Сино. Ғазаллар, Рубоийлар, байтлар. 5—216

- Ибн Сино афсоналари.** 7—209
У. Каримов. Буюк аллома. 1—198
З. Эгамбердиев, З. Эгамбердиева. Тиббиёт илмининг саркардаси. 9—218
Ш. Шомухамедов. Ибн Сино шеърятти. 5—214

**ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЪЗИЙ
ТУГИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА**

- Ф. Абдуллаев.** Ҳамза ва ўзбек адабий тили. 9—20
Ҳ. Абдусаматов. Ҳамза — моҳир сағтирик. 8—219
М. Абдураҳмонова. Устоз изидан. 3—123
Б. Аминов. Анорхон ая ҳикояси. 2—214
В. Зоҳидов. Оташин интернационалист. 3—119
М. Иброҳимов. Марш жанри ва Ҳамза ижоди. 3—125
С. Мирзаев. Ҳамза олимлар наздида. 7—216
З. Муҳаммаджонов. Илҳомбахш сиймо. 3—122
Н. Сафаров. Байроқдоримиз ўзингиз. 3—121
Ю. Султонов. Улуғ санъаткор. 1—213
Тамарахоним. Санъат — саодатим. 3—120
Ш. Турдиев. Ҳамза ва қардош адабиётлар. 6—191
Б. Қосимов. Замондошлар, маслакдошлар... 5—223
А. Ҳатамов. Қабоҳатга санчилган ханжар. 2—218

**ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУГИЛГАН
КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА**

- В. Абдуллаев.** Ҳамид Олимжон Самарқандда. 12—12
С. Азимов. Сўнгсиз хаёл... 12—10
М. Азимова. Сарқадлар оша... 12—38
Ж. Жабборов. Ҳамид Олимжон устоз шоир. 12—16
Н. Каримов. «Табиат ахтарар ўзига расом...» 12—25
С. Мирзаев. Бахт куйини чалиб... 12—18
М. Мирражабов. Шоир номидаги метро станцияси. Л а в ҳ а. 12—36
Г. Нуруллаева. Нондай азиз шеърят. 12—19
П. Равшанов, Т. Тўраев. Ҳамид Олимжон — драматург. 12—19
О. Собиров. Ҳамид Олимжон ва халқ оғзаки ижоди. 12—20
И. Солижонов. Оҳанглар сеҳри. 12—27
Т. Тўла Меҳнати тилло билан тортилган шоир. 12—14
Н. Қиличев. Ҳамид Олимжон номли колхозда. Л а в ҳ а. 12—33

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

- О. Абдуллаев.** Танқидчиликдаги нур ва соялар. 6—216
М. Абдураҳмонова. Замон тароналари васфи. 6—194
Б. Акрамсаз. Оламнинг бутунлиги. 3—229
Р. Аминова. Акмал Икромов асарлари уч жылдлиги. 3—219

- Т. Аҳмедов. Мунис. 3—185
 Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев. Гўзаллик мадҳи. 1—231
 Н. Бекмирзаев, И. Азимов. Ранг-баранг туйғулар. 11—237.
 Г. Владимиров. Ҳаётбахш эстетика. 7—226
 О. Жўраев. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» асари. 3—215
 В. Зоҳидов. Озарийлар оташнафаси. 10—233
 В. Зоҳидов. Серқирра ва сермахсул ижодкор. 4—190
 Ҳ. Еқубов, О. Шарафиддинов, Б. Қосимов. Умрининг мазмуни. 7—218
 О. Еқубов, У. Норматов. Роман табиати: талаб ва имкониятлар. 6—208
 М. Иброҳимов. Нур сочади даҳо кўеши. 7—164
 Ғ. Каримов. Прозамизда тарихий тематика. 3—194
 Г. Ломидзе. Ижодий изланиш ва кашфиётлар йўлидан. 5—180
 О. Мадаев. Бахшнинг барҳаёт умри. 11—237.
 Н. Маллаев, М. Аҳмадбоева, Ҳ. Ҳомидов. Адабиётшуносликнинг муҳим ютуғи. 3—223
 С. Мамажонов. Қайноқ муҳаббат ва юксак этикод. 4—222
 С. Мамажонов. Ҳозирги адабий жараёнга бир назар. 12—226
 А. Маҳмудов. Янги ҳаёт куйчиси. 3—192
 А. Маҳмудов. Замон ва инсон куйчиси. 8—222
 М. Маҳмудов. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий сюжет. 1—217
 С. Мирзаев. Адабий мафкуравий кураш. 1—225
 Ю. Мориц. Кураш йиллари куйчиси. 9—227
 П. Мўмин. Болалар севган шоир. 11—223
 Н. Назозов. Адабий қардошлик жонкуяри. 3—130
 Ж. Норд, Ҳ. Фулом. Дўстлик мактублари. 4—197
 Н. Норқулов, М. Маҳмудов. Икки ҳаёт — икки дунё. 5—230
 М. Нурматов. Ёлғоннинг умри қисқа. 8—209
 А. Орипов. Шоирқалб олим. 4—209
 И. Отамуротов. Тавсия этурман сенга ўзимни... 3—232
 Н. Раҳимов. Адабиётимизнинг қадрдон дўсти. 3—190
 Н. Раҳимов. Нафосат ва назокат анъаналари. 7—161
 А. Рустамов. Навоий коинот ва инсон хусусида. 2—221
 Т. Рўзиев. Ҳиссий таҳлил тўлқинлари. 2—234
 О. Собиров. Муқаддас эътиқод ва матонат ҳикояси. 7—237
 М. Солиева. Қалбдан янграган куйлар. 4—233
 Й. Солижонов. Она юрт кўшиғи. 12—233
 С. Султонова. Буюк бирлик туйғуси. 2—232
 П. Тўраев. Мунаққиднинг сўзи. 2—232
 П. Тўраев. «Уқитувчи»нинг ойдин йўли 12—221
 Т. Тўраев. Улғайиш йўлида. 8—234
 Т. Турдиев. Қўшиқдаги нидолар. 7—234
 Уйғун. Болаларнинг сеvimли ёзувчиси. 8—231
 С. Умаров. Эзгу ният йўлида. 5—237
 А. Хайитметов. Биям ва фикр қуюқлашганда. 2—230
 Н. Хотамов, С. Аҳмедов. Демократ шоир ҳақида рисола. 1—229
 Ш. Холмирзаев. Қорақалпоқ халқининг фахри. 8—229
 О. Чўтматов. Улуғ коммунист сиймоси. 2—225
 О. Шестинский. Ҳаёт ишқи. 4—194
 П. Шермухамедов. Ижод баҳори. 4—200
 П. Шермухамедов. Танқиднинг жозиба сири. 4—225
 С. Эркинов, У. Тўйчиев. Совет шарқшунослигининг муҳим ютуғи. 5—234
 А. Эшонқулов. Оригиналликка интилиш. 5—236
 М. Юнусов. Покиза туйғулар. 1—233
 М. Юнусов. Тадқиқотчи ва таржимон. 8—226
 К. Яшин. Ижоднинг икки қирраси. 11—227.
 Е. Яквалхўжаев. Насрдаги илк қадамлар. 3—210
 С. Ядиқов. Табиат шайдоси. 3—230
 Л. Қаюмов. Оламшумул шоиримиз. 9—6
 Р. Қодирий. Интернационалист шоир. 4—208
 Б. Қосимов. Кўҳна ғазалнинг янги умри. 9—236
 И. Қосумов. Адабиётимиз бахти. 10—3
 Ж. Қувноқ. Ўзбек адабиётининг улкан дўсти. 11—225
 А. Қулжонов, И. Ғафуров. Маҳорат йўлида. 6—234
 М. Қўшжонов. Адабиёт ҳаёт қиёсида. 6—222
 М. Қўшжонов. Собит курашчи ва улуғ новатор. 9—14
 Д. Файзиев. «Саодат ўлкасини куйлаб...» 12—224
 И. Ғафуров. Кунларнинг таранг торлари. 8—236
 И. Ғафуров. Халқ қалбининг теран томирлари. 11—229.
 У. Утаев. Танқид ҳақида китоб. 6—236
 Ғ. Ғафуров. Тақдирин қўл билан яратур одам... 3—227
 Ҳ. Ғулום. Йиллар, йўллар, устозлар. 4—210
 Б. Ғулумов. Драматик романлар. 1—221
 Ҳ. Ҳакимов, М. Азимова. Илҳом ва меҳнат самараси. 10—238
 Ҳ. Ҳомидий. Устоз Низомий Ганжавий. 10—229

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

- В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев. Навоийнинг ўз қўлёзма девони. 7—223
 А. Асиллов. Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаётидан лавҳалар. 6—229
 М. Аҳмедов. Мунис. 3—185

С. Ёқубов. Адабий алоқалар. 6—238

ГУЛҚАЙЧИ

А. Маннопов. «Обзорчи». 1—237
З. Шодиева. «Тугун». 1—238

ЗАРВАРАҚЛАР

А. Абдуллаев. Ҳамза 3
А. Абдуллаев. Академик Ё. Тўракулов 8
Л. Абдуллаев. Ҳамза 3
Л. Абдуллаев. Мулла Тўйчи ҳофиз 11
С. Абдуллаев. В. И. Ленин шарқлик меҳмонлар билан суҳбатлашмоқда. 4
С. Абдуллаев. В. И. Ленин Разливда. 4
Ш. Абдурашидов. Опа-сингиллар. 5
Р. Алиев. Ер саховати. 8
О. Арутюнов. Ленин биз билан. 4
Т. Ашуров. Уқитувчи. 2
А. Балканов. Совет солдати — тинчлик посбони. 5
В. Будаев. Келажакни ўйлаб. В. И. Ленин солдатлар даврасида 11.
Р. Вико. Л. Қаюмов портрети. 6
Р. Вико. Т. Охунова портрети, Б. Қориева портрети. 8
М. Вилинский. Сўфизода портрети. 11
В. Тадков. Улуғ ишнинг бошланиши 8
А. Давлатц. Куз неъматлари 8
В. Евенко. Жаҳонга тинчлик. 4
В. Евенко. Л. И. Брежнев портрети 5
И. Енин. Паранжи ташлаш. 9
Б. Жуков. В. И. Ленин (плакат) 3
В. Жмакин. Қўшиқ 3
В. Жмакин. Агитпоездда 9
Жиззах шаҳрида Ҳ. Олимжонга ўрнатилган ҳайкал. 12
Жиззах область, «Москва» колхозидаги Ҳ. Олимжон уй-музеи. 12
И. Икромов. Китобларга чизилган бадий безаклардан намуналар 7
В. Кайдалов. Алишер Навоий. 6
В. Кайдалов. Ўзбек ишчилари дўстнаси 2
В. Ковнин. Экиш олдидан 5
В. Ковнин. Ҳ. Олимжон портрети. 12
И. Лимаков. Биринчи профессор. 5

М. Набиев. Шароф Рашидов, Ф. Хўжаев, М. Шайхзода, О. Хўжаевлар портрети. Рассом М. Пашковская. Гилам тўқувчи қизлар. 8
А. Назиров. Урик гуллаганда. 12
В. Нечаев. Ҳамза фронтда. 2
К. Носиров. Ҳамза портрети. 9
Т. Оганесов. Ҳамза портрети. 1
В. Одилов. Тошқин портрети. 7
К. Пентешин. К. Яшин портрети. 7
П. Пантюхин. Муқимий портрети 11
В. Петров. В. И. Ленин портрети. 4.
Ҳ. Раҳмонов. Й. Охунбобоев болалар даврасида. 5
Ҳ. Раҳмонов. Тушлик дам олишда 8
А. Ризамухамедов. Йигитларни фронтга кузатиш. 2
М. Саидов. Янги мактабда 3
М. Саидов. М. И. Калинин Самарқандда 7
Т. Саъдуллаев. Навоий ва Беҳзод. Профессор Ҳ. Сулаймонов. 11
В. Соседов. Ҳ. Ҳ. Ниёзий. 9
О. Патевосян. Ҳамза Шоҳимардонда 3
В. Ульков. Ҳамза В. Куйбишев ва М. Фрунзе ҳузурнда
В. Уфимцев, В. Размахов. Ҳамзанинг ўлдирилиши 1
В. Фадеев. Ҳ. Олимжон портрети 12
В. Фадеев. Ҳамза ва Маяковский 3
В. Фадеев. Ҳамза портрети. 9
Н. Феодоридис. Ҳамза ҳайкали. 9
Ҳамза номли театр (рангли фото). 3
Ҳамза район маркази (рангли фото). 3
Ҳамза номли илмий-текшириш институти. (рангли фото) 3
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайкали (Тошкент) 2
Ж. Ҳакимов ижодидан намуналар 1
В. Чистков. Совет информбюроси хабар қилади. 2
Шоирлар хибонидаги Ҳ. Олимжон ҳайкали (Тошкент) 12
М. М. Швердин (фото). 5
Н. Қўзибоев. Ҳамза мақбараси 3

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Ҳ. УМАРБЕКОВ, Ҳ. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Ҳ. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1979.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 12

Орган Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент—1979.

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 2.09.79 й. Босишга рухсат этилди 21.11.79 й. Р—03267. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 200.159. Заказ № 1697.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА,
САНЪАТ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.